

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“Банк иши” кафедраси**

**ТОЖИЕВ Р.Р., НАСРИДДИНОВ Ф.Н.**

**“ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ”**

**фани бўйича**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**ТОШКЕНТ-2010**

## Кириш

Республикамиз иқтисодиётида катта тузилмавий ўзгаришлар рўй бериб, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган, саноати ва қишлоқ хўжалиги экспортга йўналтирилган давлатга айланди.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида келтирилган материаллар, қоидалар ва хуносаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Буни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг янги асарида “Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда”<sup>1</sup> деб таъкидлаганлар.

«Халқаро валюта кредит муносабатлари» фанининг мақсади талабаларни валюта муносабатлари асослари, валюта тизими, валюта бозорлари ва уларнинг турлари, бозор конъюнктураси ва унга таъсир этувчи омиллар, қимматли қоғозлар, ҳосилавий инструментлар ва ссуда капиталлари бозорлари ва ундаги операциялар билан таништиришдан иборат. Фанинг вазифалари эса талабаларда валюта муносабатлари бўйича, валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар, халқаро ҳисоб-китоблар, тўлов баланси, халқаро молия-кредит институтлари ва ундаги операцияларни ўргатишдан иборат.

Халқаро валюта-кредит муносабатлари – бозор иқтисодиётининг таркибий қисми ва энг мураккаб жараёнларидан биридир. Кўпчилик омиллар таъсирида халқаро валюта-кредит муносабатлари мураккаблашиб бормоқди ва замонавий шароитда у ўзининг ўта барқарорсизлиги билан хусусиятлидир.

Бугунги кунда давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини пул бозори ёки валюта бозори, ундаги валюта операцияларининг ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли хорижий валюталар билан боғлиқ жаҳон тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида шаклланиб бораётган бозор иқтисодиёти учун катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига аста секин интеграциялашуви, Халқаро Валюта Фонди ҳамда Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш Банкига аъзо бўлиб кириши жаҳоннинг валюта, кредит, қимматли қоғозлар ҳамда олтин бозорларида қабул қилинган замонавий кодексини билишни талаб этади.

“Халқаро валюта-кредит муносабатлари” курсида ушбу муносабатларнинг иқтисодий категориялари, ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойиллари ва ташкил этиш шакллари ўрганилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

Мазкур маъruzалар матни «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» курсининг ўқув дастури асосида яратилган бўлиб, шу йўналиш соҳасига тегишли бўлган барча мавзуларни ўз ичига олади.

“ХВКМ” курсидан маъruzалар матнида бошқа дарсликлардан фарқли ўлароқ, миллий ва жаҳон валюта тизимларига оид масалалар нисбатан кенгроқ кўрилган, валюта бозори ҳамда валюта операциялари билан боғлиқ боблар амалий масалалар билан тўлдирилган ва унинг назарий қисми Ўзбекистон Республикаси бўйича маълумотлар билан бойитилган. Ушбу курс иқтисодий фанларнинг аниқ, мустақил йўналишларидан бири бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг маҳсус бўлими – пул, кредит, банклар, биржалар билан боғлиқ соҳалардаги иқтисодий муносабатларнинг ифодасини ўзида акс эттиради.

Маъruzалар матнида бозор иқтисодиёти шароитида валюта ва валюта муносабатлари, валюта тизими ҳамда унинг ривожланиш қонуниятлари, валюта курси, валюта бозори, валюта операциялари ва валюта таваккалчиликлари ҳамда уларни бошқариш, халқаро ҳисоб-китоб шакллари, тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари ҳамда халқаро кредит муносабатлари каби масалалар ўз ифодасини топган.

Мазкур маъruzалар матни аввало иқтисодиёт йўналиши олий ўқув юртларининг талабалари, илмий ходимлар, аспирантлар, банк ва молия муассасалари ходимлари ҳамда бошқа қизиқувчилар учун мўлжалланган.

## **1-МАВЗУ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ**

1. Валюта ва валюта муносабатлари тушунчаси, уларнинг асосий иштирокчилари.
2. Валюта муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши.
3. Валюта сиёсати тушунчаси, мақсадлари ва шакллари.
4. Олтиннинг халқаро валюта муносабатлардаги аҳамияти. Олтин демонетизацияси.
5. Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатлари ва уларни тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар.
6. Валюта тизими тушунчаси. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.
7. Жаҳон ва ҳудудий валюта тизимлари ва уларнинг элементлари.
8. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси, 1867 йил Париж валюта тизими.
9. 1922 йил Генуя ва 1944 йил Бреттон-Вудс валюта тизимлари.
10. 1976-1978 й.й. Ямайка ва 1979й. Европа валюта тизимлари

### **1. Валюта ва валюта муносабатлари тушунчаси, уларнинг асосий иштирокчилари.**

Ҳар қандай давлат иқтисодида пул муҳим аҳамиятни касб этади, жамиятнинг ишлаб чиқариш, тақсимот, муомала ва истеъмол жараёнларини қамраб олади, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратиб беради. Пул ва иқтисод ўзаро узвий боғлиқ бўлган элементлардир. Агар жамият иқтисодида муаммолар пайдо бўлса, албатта бундай муаммолар, ўзининг салбий аксини жамиятнинг пул муомаласида топади. Шунинг учун пулни жамият иқтисодий ҳаётининг барометри деб бежиз айтишмаган.

Иқтисодий назарияда ҳақиқий пул, товар эквивалент сифатида мавжуд бўлиб, истеъмолчиларнинг муомалага бўлган эҳтиёжларини қондиради. +офоз пуллар эса, ҳақиқий пуллар қийматининг муомаладаги ифодасидир ёки вакилидир.

Ҳар қандай мустақил давлат ўз пулига эга ва бундай пул шу давлат учун миллий пул бирлиги ҳисобланади. Миллий пул бирлиги ўзининг номи ва маълум бир муомала тарихига эга.

Назарияда пул ва валюта категориялари мавжуд бўлиб, пул ва валюта иккаласи бир нарса, аммо ҳамма вақт ҳам пул валюта бўлавермайди. Агарда, муайян бир давлатнинг миллий пул бирлиги жаҳон бозорига чиқиб давлатлар ўртасида муомала, тўлов ва жамғариш воситаси сифатида ишлатилса, яъни пулнинг функцияларини бажарса, у валютага айланади.

Валюта - жаҳон бозорида, давлатлар ўртасида пул вазифаларини бажарувчи, давлатларнинг миллий пул бирлигидир. Масалан, Америка +ўшма Штатлари “доллари”, Буюк Британия “фунт стерлинги”, Канада “доллари”, ЕВРО ва шу кабилар.

Бундан, муайян бир давлатнинг миллий пули – унинг миллий валютаси бўлиши мумкин. Шу давлат учун бошқа давлатларнинг миллий пул бирликлари эса – хорижий валюталар бўлади. Масалан, А+Ш доллари, Буюк Британия “фунт стерлинги”, Канада “доллари”, «евро», ва шу каби эркин муомалада юрадиган валюталар Ўзбекистон Республикасида хорижий валюталар ҳисобланади. Ўз навбатида Ўзбекистон “сўм”и бу давлатлар учун хорижий валюта ҳисобланади.

Баъзи бир давлатларнинг миллий пул бирликларининг, мазкур давлатларда валюта муносабатлари борасида мавжуд ва ҳаракатда бўлган қонун-қоидаларига асосан хорижга чиқиши ва у ерда муомалада бўлиши чегараланади. Шунга кўра, муомаладаги валюталар турли мақомларга, яъни эркин муомалада юрадиган, муомаласи қисман ёки бутунлай чекланган, ёпиқ ёки экзотик валюталарга бўлинади.

Бундан келиб чиқсан ҳолда, ҳозирги кунда жаҳон амалиётида эркин муомалада юрадиган валюталар сони 60 турдан зиёд. Бундан ташқари, МДҲ давлатларининг валюталари ва шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “сўм”и юмшоқ валюталар тоифасига киради. Экзотик валюталар тоифасига +увайт “динор”и, Греция “драхма”си ва шу кабилар киради.

“Валюта” категорияси миллий ва жаҳон хўжалиги орасида алоқа ва ўзаро муносабатларни таъминлайди. Жаҳон валюта тизими жаҳон пулларини амалдаги (функционал) шаклларига асослангандир. Жаҳон пуллари деб ҳалқаро муносабатларга (иқтисодий, сиёсий, маданий) хизмат қўрсатувчи пулларга айтилади. Жаҳон пуллари амалий (функционал) шаклларининг эволюцияси миллий пуллар ривожланиш эволюциясини бирмунча кечикиб қайтаради, яъни олтин пуллардан - кредит пулларга. Бундай қонуният асосида жаҳон валюта тизими XX асрга келиб бир ёки бир неча етакчи давлатларнинг миллий валюталарига (анъанавий ёки евровалюта шаклида) ёки ҳалқаро валюта бирлигига (СДР, ЕВРО) асосланади.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган қоидаларга асосан ҳар қандай давлатнинг миллий валютаси 3 ҳарф билан белгиланади. Бунда, ҳарфларнинг бошидаги 2 таси давлатни, охиргиси эса валютанинг номини кўрсатади. Масалан, US – +ўшма Штатлар: D – доллар: USD – +ўшма Штатлар доллари ёки GBP – Буюк Британия фунт стерлинги, GB-Буюк Британия, P-(поинт) фунт стерлинг.

Назарияда валюта категорияси билан боғлиқ валюта муносабатлари тушунчаси мавжуд. Ҳалқаро валюта муносабатлари – бу, валютанинг жаҳон хўжалигига амал қилиши борасида шаклланадиган ва миллий хўжаликлар фаолияти натижаларининг ўзаро алмашувига хизмат қўрсатадиган ижтимоий

муносабатлар йигиндисидир<sup>2</sup>. Ёки давлатлар, жаҳон валюта бозорининг субъектлари, муайян давлатнинг резидент ёки норезидент шахслари орасида валюталарни сотиш, сотиб олиш, мажбуриятларни бажариш ва бошқа шу каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлардир.<sup>3</sup>

Валюта муносабатларининг пайдо бўлиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишининг хукукий асослари бўлиб, халқаро келишувлар ва давлатнинг ички қонун ва қоидалари ҳисобланади.

Валюта муносабатлари нисбатан мустақил муносабатлар бўлгани ҳолда, тўлов баланси, валюта курси, ҳисоб-китоб операциялари орқали дунё иқтисодига сезиларли таъсир кўрсатади.

Валюта муносабатларининг аҳволи қуидагиларга боғлик бўлади:

- миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига;
- сиёсий аҳволга;
- жаҳон бозорида давлатлараро муносабатлар борасидаги муаммоларга ва бунда муаммоларнинг ривожланиш тенденцияларига.

Валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари сифатида халқаро молиявий ташкилотлар, давлатлар, давлатларнинг резидент ва норезидент шахслари майдонга чиқади.

Резидент шахслар – бу муайян давлат ҳудудида яшаётган ва фаолият кўрсатаётган ҳамда шу давлатнинг фуқароси бўлган юридик ва жисмоний шахслардир.

Норезидент шахслар - бу муайян давлат ҳудудида яшаётган ва фаолият кўрсатаётган, лекин шу давлатнинг фуқароси бўлмаган юридик ва жисмоний шахслардир. Масалан, элчихоналар, ваколатхоналар, чет эл фирма ва компанияларининг филиаллари ва шу кабилар.

Шу билан биргаликда, бу ерда шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, валюта муносабатларининг фаол иштирокчиларидан бири бу тижорат банклариdir.

Тижорат банклари, миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта бозорларида нафақат ўз манфаатлари, балки, биринчи навбатда ўз мижозлари манфаатларининг ҳимоячисидир. Жаҳоннинг йирик тижорат банклари, ўз мижозларининг топшириқларини яхши бажариш, уларнинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз тижорат мақсадларида жаҳон молия бозорининг йирик марказларида ўз филиалларини очганлар.

Тижорат банкларининг ўзларида ва мижозларида турли сабабларга кўра ҳамда турли мақсадларда хорижий валютага эҳтиёж пайдо бўлади. Масалан, агарда тижорат банкининг мижози экспортёр бўлса, у хорижий валютада тушум олади ва валюта курсининг тебраниши оқибатидаги таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда, унда шу хорижий валютада олинган тушумни ҳимоялаш зарурияти туғилади. Шу сабабли, у мазкур экспорт тушумини суғурталаш мақсадида ўз банкига мурожаат этади. Ёки, банк мижози импортёр бўлса, контрагенти билан тузган ўзаро шартнома

<sup>2</sup> Эдәпъатеа Ё.И.Международные валютно- кредитные и финансовые отношения.:ФиС. 2006г., с-21

<sup>3</sup> Платонова И.Н. Валютный рынок и валютное регулирование. М. ФиС. 2007., стр-67.

шартларига мувофиқ, белгиланган муддатда экспортёр билан ҳисоб-китоб қилиш учун унга маълум бир миқдорда хорижий валюта зарур бўлиб қолади. Бунга мувофиқ, мижоз ўз банкига шу мазкур хорижий валютани сотиб олиш мақсадида мурожаат қиласди.

Юқоридагилардан ташқари, тижорат банкининг хорижий валютага бўлган ўз зарурий эҳтиёжлари мавжуд. Буларга масалан, жаҳон валюта бозорида олди-сотти баҳоларининг фарқи сифатида фойда олиш мақсадида хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш, валюта курсининг тебраниши оқибатида вужудга келадиган валюта рискларининг олдини олиш мақсадида хеджинглаш билан боғлиқ турли валюта операцияларини амалга ошириш каби ҳаракатларни келтириш мумкин.

## **2. Валюта муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши. Валюта сиёсати тушунчаси, мақсадлари ва шакллари.**

Оксфорд луғатида “сиёсат” сўзи қўйидагича талқин қилинади: сиёсат деганда онгли хатти-ҳаракат, ҳаракатларнинг умумий режаси ёки йўналиши тушунилади.

Ҳар қандай давлатда валюта муносабатлари давлат томонидан тартибга солинади. Бунда тартибга солиш албатта турли қонунлар ёрдамида амалга ошади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси худудида валюта муносабатларини тартибга солиш мақсадида 1993 йил 7 майда “Ўзбекистон Республикаси худудида валюта муносабатларини тартибга солиш тўғрисида” ги +онун қабул қилинган. 2003 йил 11 декабрда ушбу қонун қайтадан қабул қилинган. Бундан ташқари, мазкур қонунлар ҳаракатидан келиб чиқсан ҳолда, тижорат банклари, жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бир қатор меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари мавжуд.

Замонавий шароитда валюта жараёнларини тартибга солиш, валюта чегараланишларини ва солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда, валюта курсларини тартибга солиш билан боғлиқ. Бундай тартибга солишнинг амалий инструментлари давлатда унчалик кўп эмас, улар валюта бозори механизмига тўғридан-тўғри аралашув - расмий интервенция деб аталмиш ва пул-кредит муносабатларини тартибга солишнинг анъанавий услубларидан иборат.

Валюта жараёнининг мувозанатсизлиги, валюта курсларининг назоратсиз кўтарилиши ва пасайиши иқтисод ахволига тобора кучайиб борувчи салбий таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг каналлари кўп:

-бирламчи эҳтиёж моллари баҳосининг ошишига ва меҳнаткашлар иқтисодий ахволининг ёмонлашувига олиб келувчи импорт қилинаётган инфляция;

-миллий валюта курсининг нисбатан ўсганлиги оқибатида мамлакат ташқи рақобатдошлигининг пасайиши;

-валюта заарлари оқибатида банклар ва компаниилар молиявий ҳолатининг мувозанатсизлиги;

-расмий иқтисодий сиёsat самарадорлигининг пасайиши ва шу кабилар.

Валюта мувозанатсизлигини давлат томонидан чеклаш билан боғлиқ ҳаракатлари амалиётда бир қатор қийинчиликларга дуч келади: барча иқтисодий жараёнлар ўзаро чамбарчас боғлиқдир ва ҳамма вақт у билан боғлиқ қўшимча салбий оқибатлар бўлиш эҳтимоли мавжуд - давлат маълум бир жараёнларни тартибга солган ҳолда, бошқа жараёнларга салбий таъсир этиши мумкин.

Валюта бозорида давлат вакиллари бўлиб, кўп ҳолларда майдонга зиммасига мамлакатда пул-кредит сиёsatини амалга ошириш вазифаси юқлатилган Марказий банк чиқади. Марказий банклар ҳукумат органларига валюта операциялари билан боғлиқ хизматларни кўрсатиши мумкин ёки миллий валютага бўлган талаб ва таклиф балансини ўзгартириш мақсадида хорижий валюталарнинг олди-сотти операциялари билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Замонавий шароитда, расмий валюта интервенцияси деганда - давлатнинг валюта бозоридаги валютага бўлган талаб ва таклифни ҳамда курслар нисбатини ўзгартира оладиган, бир мақсадга йўналтирилган фаолияти тушунилади. Бироқ, амалиётда валюта интервенцияси тушунчаси хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан олди-соттиси билан боғлиқ расмий шартномалардан иборат (шу жумладан, далат ташкилотларига хизмат кўрсатиш, Халқаро Валюта Фонди билан муносабатлар, валюта заҳиралари бўйича фоиз тўловлари, хорижий валютада олинган қарзлар ва шу кабилар).

Ҳар қандай интервенциянинг ҳозирги пайтдаги якуний мақсади - валюта бозорида мувозанатли шароитни ушлаб туриш, валюта курсларининг кескин тебраниши эҳтимолини бартараф қилиш. Ўз навбатида, валюта бозорининг барқарорлиги мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва ялпи иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаши лозим. Ҳар қандай давлат, ўз иқтисодини конкрет хусусиятларидан, ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиши учун унинг очиқлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда, ўз валюта интервенциясининг вазифаларини белгилайди.

Амалиёт шуни кўрсатиб турибдики, замонавий шароитда давлатлар валюта бозоридаги ўз фаолиятида қисқа ва узоқ муддатли мақсадларни кўзламоқда. Шу билан биргаликда, улар томонидан валюта бозоридаги курснинг ҳаракат тенденциясини ўзгартиришга уринишлар қилинмоқда. Марказий банк томонидан мамлакат валюта заҳиралари билан операциялар ўтказишда кўпчилик давлатларнинг эхтиёткорлиги кўзга ташланмоқда.

Валюта бозори учун 7 ривожланган давлатлар Марказий банкларининг ўтказадиган операциялари бугунги кунда реал аҳамиятга эга. Улар ҳар

бирининг валюта бозоридаги сиёсати алоҳида хусусиятлидир. Масалан, бу бозорда Англия банки ва Дойче Бундесбанк ниҳоятда катта мавқега эга. Ўз навбатида, Дойче Бундесбанк валюта бозорида энг актив ва мақсадга мувоғиқ сиёсатни юргазмоқда. Аксинча, Франция банки эса ўзининг тасодифий ҳаракатлари билан ном қозонган ва бу тижорат банкларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. А+Шнинг Федерал Резерв тизими эса, мутахассисларнинг фикрига қараганда, айрим ҳолларда малакаси етишмаганлиги ҳисобига азият чекмоқда. Пировард натижада ҳар бир Марказий банк ўз ҳукуматининг хоҳиши ёки иродасини ифодалайди.

### **3. Олтиннинг халқаро валюта муносабатлардаги аҳамияти. Олтин демонетизацияси.**

Пул муомаласи тарихида ва умуман қийматларнинг ривожланиш тарихида олтиннинг аҳамияти катта. Кишилик жамиятида олтиннинг муомалада пул сифатида юрган даври тахминан 6000 йилни ташкил этади. Шундан, дастлабки 3300 йили даврида олтин муомалада танга шаклида юрмаган, сўнгги 2700 йил давомида эса олтин танга шаклида муомалада юрган.

Биринчи 3300 йил, қадимги дунёда (асримизгача 4100-3900 йиллар), Мисрда олтиннинг очилиш даврини ўз ичига олади. Биринчи олтин тангалар эрамиздан аввалги VII асрда Кичик Осиёдаги Юнон (Грек) колонияларида кашф этилган.

Олтин дастлаб, саройларда жамғариладиган хазина, Шарқ ҳукмдорлари томонидан Фиръавнлардан сотиб олинадиган қимматбаҳо металл эди. Миср мамлакати, олтин тарихий даврининг ярмидан кўпи мобайнида, ер юзида ягона олтин етказиб берувчи эди.

Кейинги 2700 йил олтиннинг тангалар сифатида муомалада юриш давридир. Жаҳонга маълум бўлган энг таниқли олтин тангалар ичida қуйидаги тангаларни ажратиб кўриш мумкин:

- қадимги юнон (Грек) олтин статерлари (Крез статери – крезеид, 11 грамм; Филипп ва Александр Македонскийнинг статерлари, 7,27 грамм) ва кумуш драхмалар;

- Юлий Цезардан (8,18 грамм) то Валентингача Рим олтин ауре услари (3,89 грамм).

Ўрта асрларда:

- Византияда, солидус бизантиуслар ёки безантлар (4,54 грамм ва бошқа оғирликда);

- арабларда, динорлар (4,25 грамм ва бошқа оғирликда).

Илк уйғониш Европасида:

- Флоренцияда, флоринлар (1252 йилдан 3,56 грамм);

- Венецияда, гроссо (1192 йилдан), кейин дукатлар ёки цехинлар (1284 йилдан);

- Францияда, экю (1266 йилдан);
- Англияда, нобль (9,4 грамм, кейинчалик 7 граммгача);
- Кастилияда, дублон (18-асрнинг охиридан).

Америка олтини очилгандан сунг:

-Испанияда, эскудо (3,10 грамм 1537 йилдан) ва машхур 6,20 грамм оғирликга эга икки баробарли танга – пистоль (ва кумуш пиастрлар);

-Францияда, луидор (6,69 грамм 1640 йилда Луи 13 томонидан, экюнинг ўрнига муомалага киритилган, кейинчалик ЭКЮ кумуш тангага айланган);

-Англияда, луидор намунаси бўйича гинея муомалага киритилган.

Янги даврда:

-Англияда, 1 фунт стерлинг қимматлигидаги соверен (7,98 грамм);

-Францияда, наполеондор номини олган 20 франк қимматлигидаги олтин танга (6,45 грамм);

-Россияда, империаллар (10 рубль);

-А+Шда олтин доллар (1,504 грамм 1834 йилдан), 10 долларли “игл” (бургут) ва 20 долларли “дабл игл” (двойной орёл).

Хозирда жаҳонда мавжуд олтин (танга, қўйма ва турли тақинчоқлар шаклида банкларда, хусусий шахсларда) минг йиллар мобайнида жамғарилган. 1493 йилдан 1992 йилгача жами 110000 тонна ишлаб чиқарилган олтин ҳисобга олинган. +адимги даврларда ва ўрта асрларда ишлаб чиқарилган олтинни ҳисобласак, унда якун қўйидагича бўлади:

-таксиминан 10000 тонна 4400 йил ичида (асримизгача 3900 йилдан асримизнинг 500 йилигача);

-2500 тонна ўрта асрнинг 1000 йили ичида (500 йилдан 1493 йилгача). 1493 йилгача ишлаб чиқарилган барча олтин жаҳон бўйлаб тарқалган ва кишилик жамияти учун йўқотилган;

-4900 тонна 340 йил ичида (XVI, XVII, XVIII асрлар ва XIX асрнинг боши), Американи очилишидан бошлаб, XIX асрнинг ярмигача;

-95000 тонна 1840 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача. Ер юзида 1 йилда ўртача 1350 тонна олтин қазиб олинади. Унинг 840 тоннаси заргарларга, 95 тоннаси электрон саноатига (факат Япония электрон саноатининг ўзи йилига 50 тоннадан зиёд олтин ишлатади), 65 тоннага яқини эса тиш протезларига ишлатилади. Олтиннинг қолган қисми эса хусусий коллекциялар ва заҳираларга тушади ҳамда тангаларни зарб этиш учун ишлатилади.

Жанубий Африка Республикаси ҳар йили жаҳонда қазиб чиқариладиган олтиннинг 70 фоизини беради.

Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи ҳудудларга Мурунтов ва бошқа конлар киради.

Олтин бозоридаги таклиф манбалари бўлиб, янги қазиб олинган олтин, давлат ва хусусий заҳиралар, инвесторлар ва тезовраторларнинг сотувлари ҳисобланади. Талаб эса фирмалар, тижорат банклари, хусусий шахсларнинг олтинга бўлган талабидан шаклланади. Олтин тақдимотининг сиёсатига

мувофиқ Халқаро Валюта Фонди 1978 йилдан бошлаб, давлатлар Марказий банклариға, олтин бозорларида шаклланадиган баҳолар асосида олдисоттиларни ўтказишга рухсат берди.

Тарихан, қоғоз пуллар заминида олтин ётган бўлиб, ушбу олтиннинг миқдори қоғоз пул бирлигининг қийматини белгилаб берган. Бошқача қилиб айтганда, миллий қоғоз пул бирлиги ўз заминида ётган олтин миқдори қийматини ифодалаган. +оғоз пул бирлиги заминида ётган олтин миқдори – баҳо масштаби деб аталган.

Баҳо масштаби - бу тарихан шаклланган ва мамлакатнинг миллий пул бирлиги заминида ётган расмий олтин миқдоридир. Бошқача қилиб айтганда миллий пул бирлиги қийматини ифодаловчи олтин миқдоридир. Масалан, тарихий масштабларга назар соладиган бўлсак, улар қуйидагича: 1887 йилда Чор Россиясининг 1 рубли заминида 0,774234 грамм олтин бор эди ёки 1 рубль 0,774234 грамм олтин қийматини ифодалар эди. 1922-24 йилларда Советлар томонидан чиқарилган 1 червонецда 7,74234 грамм олтин бор эди. Буюк Британия фунт стерлинги заминида эса 1821 йилда 7,322365 грамм, Германия маркасида 1873 йилда 0,385422 грамм олтин бор эди. Шу билан биргаликда, А+Ш доллари заминида 1971 йилда 0,888671 грамм, СССР рублида эса 1961 йилда 0,987412 грамм олтин бор эди.

Миллий пул бирликлари заминида ётган олтин миқдорлари, давлатларнинг иқтисодий барқарорлигига қараб ўзгариб туриши мумкин. Агарда, давлат иқтисодиётида муаммолар пайдо бўлиб, мувозанатсизлик бошланса, унда давлат миллий пул бирлигининг қадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида уни “девальвация” қилишга, заминидаги олтин миқдорини камайтиришга мажбур бўлар эди. Аксинча бўлганда эса, давлатлар томонидан миллий пул бирликларининг “ревальвация”си, яъни заминидаги олтин миқдорини ошириш тадбирлари кўрилар эди.

Баҳо масштаблари Ямайка валюта тизимиғача, яъни 1976 йилгача амалиётда бўлган. Ямайка валюта тизими шароитида расмий асосда олтин ўзининг пул сифатидаги ҳаракатини тўхтатади (олтин демонетизацияси) ва халқаро муносабатларда кўп валютали стандарт қабул қилинади.

Олтин демонетизацияси – бу, олтиннинг аста-секин пул функцияларини йўқотиш жараёнидир. Олтин демонетизацияси объектив ҳамда субъектив сабаблар билан асослангандир. Улар қуйидагилар ҳисобланади:

- хусусий мулкчиликда ижтимоийлаштириш ва режалаштиришга интилиш шароитида товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий якка-ҳоллиги бартараф этилган пайтда олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермай қолади;

- кредит муносабатларининг ривожланиши билан кредит пуллар (банкноталар, векселлар, чеклар) олтинни аввал ички пул муомаласидан, сўнг эса халқаро валюта муносабатларидан аста-секин сиқиб чиқардилар;

- субъектив омиллар – А+Ш нинг валюта сиёсати, олтин билан операцияларнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши унинг деноминациясини тезлаштиради.

Олтинга нисбатан А+Ш валюта сиёсатининг стратегияси- долларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида унинг жаҳон валюта тизимининг асоси сифатидаги обрўсига путур етказиш эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг молиявий марказ Европадан А+Ш га кўчиб ўтгандан кейин, А+Ш ўз доллар гегемониясини ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатларга ўтди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, А+Ш ўзининг ўсган валюта-иктисодий потенциалига таянган ҳолда, “доллар олтиндан яхши” шиори остида доллар хукмронлиги учун курашни авж олдириб юборади.

#### **4.Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатлари ва уларни тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар.**

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан ўз миллий валютасини муомалага киритишгача бўлган бутун давр оралиғидаги иқтисодий ҳолат пул қадрсизланишининг ниҳоятда юқори даражаси, молиявий ва иқтисодий бекарорлик билан характерланади. Шу сабабли, 1992 йилнинг май-июн ойларидан бошлаб қатор собиқ иттифоқ республикалари ўз миллий валюталарини амалиётга кирита бошладилар.

Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларига мустақиллик йилларида асос солинган. 1993 йилнинг 15 нояброда дастлабки оралиқ “сўм-купон” валютаси жорий этилди. Бунга, яъни оралиқ валютанинг жорий этилишига сабаб миллий пул ислоҳотининг иқтисодий, техник ва ижтимоий томонларини тартибга солиш учун республика ички иқтисодиётининг реал омилларини янада тўлиқроқ аниқлаш ва ҳисобга олиш сабаб бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 ноябрдаги “Истеъмол бозорини ҳимоялаш ва республикада пул муомаласини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги +арорига мувофиқ 1993 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ССРР Давлат банкининг 1961-1992 йиллар намунасидаги, қиймати 200, 500 ва 1000 рубл бўлган пул билетларини тўлов воситаси сифатида қабул қилиш тўхтатилди. Мазкур қарорда 1961-1992 йиллар намунасидаги қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубл бўлган купюралар чекловларсиз параллел тўлов воситаси сифатида муомалада бўлиши қайд этилган эди. 50 ва 100 рубл қийматидаги купюралар 1993 йил 15 декабргача, қиймати 1,3, 5, 10, 25 рубл бўлган купюралар эса, 1994 йил 1 январгача муомалада бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “сўм-купон”ларнинг муомалада бўлиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги +арорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йил 15 ноябрда муомалага чиқарилган, қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500,

1000, 5000, 10000 бўлган сўм-купонлар қонуний тўлов воситаси ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Бунда, Россия Давлат банкининг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги банкнотлари дастлабки даврда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм-купонлар билан бир қаторда чекловларсиз тўлов воситаси сифатида қабул қилинди.

Шу тарзда, 1993 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги уч турдаги пул бирлиги муомалада бўлди: сўм-купонлар, СССР Давлат банкининг қиймати 100 рублгача бўлган купюралари ва Россия Давлат банкининг 1993 йил намунасидаги купюралари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелда қабул қилинган “Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўм-купон харид қобилиятини оширишнинг кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори пул муомаласини барқарорлаштириш, сўмнинг харид қобилиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда муҳим тадбир бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, 1994 йил 15 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Россия банки банкноталарининг муомалада бўлиши ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли тўловларга қабул қилиниши таъқиқлаб қўйилди.

Республика ҳукумати томонидан кўрилган чоралар натижасида пул муомаласи ва истеъмол бозоридаги салбий жараёнлар тўхтатилди, тўлиқ қийматли миллий валютани жорий этиш учун шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги +онуннинг 11-моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-ХИ сонли қарорига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси бўлган миллий валюта – “Сўм” муомалага киритилди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги “сўм” 1994 йилнинг 1 июлида муомалага киритилган (1994 йилни 1 июлигача муомалада юрган сўм-купонлар ўрнига, деноминация йўли билан, 1000:1 нисбатда). 1994 йил 1 июлда 1 А+Ш доллари 7 сўмга тенг бўлди.

1994 йил июл ойи давомида республика ҳудудида янги пул белгилари ҳам, сўм-купонлар ҳам белгиланган нисбатда тўловларнинг барча турларида ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилинди. 1994 йил 1 августда 1 А+Ш доллари 11 сўмга тенг эди.

Мавжуд валюта бозорини кенгайтиришда савдо-сотик ва ҳисоб-китоблар соҳасида турли чора-тадбирларни қабул қилишни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги +арори ушбу жараённинг муҳим босқичларидан бири бўлди. Ушбу қарорга биноан 1994 йил 15 октябрдан бошлаб, республика ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча

тўлов ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта – сўмда амалга оширилиши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 майдаги 842-ХII рақамли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси худудида валюта муносабатларини мувофиқлаштирувчи “Валютани тартибга солиш” қонуни амал қила бошлади.

1992 йилнинг 19 октябрида 14 рақамли хат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг валюта алмаштириш шахобчаси ҳақидаги Низом”ни муомалага киритди.

1994 йил 18 апрелда 45 рақамли “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан хорижий валютада олинган тушумнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий сотув тартиби” ва 47 рақамли “Корхоналар томонидан СССР таркибиға кирган давлатлар субъектлари билан савдо операциялардан (бажарилган ишлар, хизматлар) олинган тушумнинг бир қисмини мажбурий сотув тартиби” қабул қилинган.

1995 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлигининг ички конвертация хусусиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонига асосан “сўм” даги маблағларни эркин муомалада юрадиган валюталарга конвертация қилиш тартиби киритилди.

## **5. Валюта тизими тушунчаси. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.**

Валюта тизими – бу, миллий қонунчилик ёки давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг шаклидир<sup>4</sup>.

Валюта тизими – бу, давлатлараро шартномалар ва келишувлар билан белгиланадиган, халқаро валюта муносабатларини ташкил этишининг давлат-хуқуқий шаклидир.

Валюта тизими – бу, хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви асосида тарихан шаклланган, валюта амали билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Валюта тизимини валюта, валюта муносабатлари, валюта муносабатларини амалга оширувчи ва уларни тартибга солувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи органлар йиғиндиси сифатида ҳам кўз олдига келтириш мумкин.

Валюта тизимининг моҳияти, ташкил этилиш шакллари ва роли жамият иқтисодий тузуми билан белгиланади.

Валюта қонунчилиги – бу, мамлакат ичкарисида валюта қийматларни билан, бир мамлакат ташкилотлари ва фуқаролари ҳамда бошқа мамлакат ташкилотлари ва фуқаролари ўртасидаги шартномаларни,

<sup>4</sup>Ёдàñàâéíà Ё.Í.Международные валютно- кредитные отношения.:ФиС. 2006г. Стр-39

ҳамда мамлакат ичкарисидан хорижга ва хориждан мамлакат ичкарисига миллий ва хорижий валюталар ҳамда бошқа валюта қийматликларини олиб кириш, олиб чиқиш, ўтказиш йўли билан амалга оширилишини тартибга солувчи қонуний меъёрлар йиғиндисидир.

Махсус адабиётларда валюта тизимларининг 3 кўриниши фарқланади, яъни миллий, жаҳон ва ҳудудий валюта тизимлари.

Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг таркибий қисми бўлиб, валюта муносабатларининг йиғиндиси сифатида майдонга чиқмайди, балки ушбу муносабатларнинг фақат қонунчилик актлари билан ташкил этилиш тартибини белгилайди. Валюта муносабатларини ташкил этишнинг бундай тартиби биринчи навбатда валюта тизими элементларини белгилашни ўз ичига олади.

Миллий валюта тизимининг қонунчилик асосида белгиланадиган элементларига қўйидагилар киради:

- 1) миллий валюта ва унинг номи;
- 2) миллий валюта паритетини белгилаш;
- 3) миллий валютанинг конвертация шартлари;
- 4) миллий валюта курсининг режими;
- 5) халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни чегаралаш (регламентация);
- 6) халқаро заҳира активлари таркибий қисмлари (компонентлари) ўртасидаги нисбатни аниқлаш;
- 7) мамлакат халқаро ҳисоб-китобларини чегаралаш (регламентация);
- 8) миллий валюта ва олтин бозорлари фаолияти режими;
- 9) валюта чекланишларининг ўрнатилиш тартиби;
- 10) валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органлар мақоми.

Юқорида зикр этилган элементлар йиғиндиси, халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланадиган валюта механизмидир.

Миллий валюта ва унинг номи миллий валюта тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади, у қонун асосида давлатнинг пул бирлиги сифатида белгиланади. Халқаро иқтисодий муносабатларда ишлатиладиган пуллар валютага айланади. Халқаро ҳисоб-китобларда одатда хорижий валюта, яъни бошқа мамлакатларнинг пул бирликлари ишлатилади. Ушбу пул бирликлари билан девиз тушунчаси боғлиқ.

Девиз – бу, хорижий валютадаги ҳар қандай тўлов воситасидир. Хорижий валюта, валюта бозорида олди-сотти обьекти бўлади, халқаро ҳисоб-китобларда ишлатилади, банклардаги ҳисоб-варақларда сақланади, аммо ушбу давлат ҳудудида қонуний ҳисоб-китоб воситаси бўлиб ҳисобланмайди (кучли инфляция давларини ҳисобга олмаган ҳолда). Мамлакатда кучли инфляция ва инқироз ҳолатида миллий валютани

нисбатан барқарор бўлган хорижий валюта сиқиб чиқаради, Ҳозирги даврда бу А+Ш долларидир.

“Валюта” категорияси миллий ва жаҳон хўжаликларининг ўзаро алоқаси ва муносабатларини таъминлайди.

Миллий валюта паритетини белгилаш. Валюта паритети – бу, икки валюта орасидаги, қонуний асосда белгиланган нисбат. Монометализм даврида (олтин ёки кумуш) валюта курсининг асоси бўлиб танга паритети ҳисобланади. Танга паритети – бу, турли мамлакатлар пул бирликларини ўзидаги металл сифимига кўра ўзаро солиштиришдир. Танга паритети тушунчаси валюта паритети тушунчаси билан мос келади.

Олтин монометализми даврида валюта курси олтин паритетига асосланган эди. Бунда валюталар заминидаги расмий олтин миқдорлари бўйича ўзаро солиштирилар эди. Мазкур шароитда валюта курси ушбу олтин паритети атрофида, олтин нуқталар чегарасида стихияли асосда тебранар эди. Олтин нуқталарнинг классик механизми 2 шартнинг мавжудлиги ҳолатида амал қиласи эди, яъни олтиннинг эркин асосдаги олди-соттиси ва унинг четга чекланмаган миқдорда эркин олиб чиқилиши. Валюта курсининг тебраниш чегаралари олтинни хорижга олиб чиқиш (транспортировка) ҳаражатлари билан белгиланган ва амалда паритетдан +;-1% дан ошиқ бўлмаган. Олтинни хорижга олиб чиқиш ҳаражатларига фрахт, суғурта, капиталга фоиз йўқотишлари, пробани аниқлаш ва бошқа шу каби ҳаражатлар кирган. Олтин стандартининг бекор қилиниши билан олтин нуқталар механизми ўз ҳаракатини тўхтатди.

Олtinga алмашмайдиган кредит пуллар шароитида валюта курси астасекин олтин паритетидан узоқлаша бошлади, чунки олтин муомаладан хазинага сиқиб чиқарилган эди.

1970 йилнинг ўртасигача валюта курсининг асоси бўлиб валюталарнинг заминидаги олтин сифими, яъни расмий баҳо масштаби ва олтин паритетлар хизмат қилган эди. Валюталарнинг расмий баҳо масштаблари ва олтин паритетлари, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Халқаро Валюта Фондида қайд этиладиган бўлди. Валюталар ўзаро нисбатининг ўлчови бўлиб кредит пулда ифодаланган олтиннинг расмий баҳоси эди. Ушбу баҳо, бошқа товарлар баҳолари билан биргаликда, миллий валюталарнинг қадрсизланиш даражаси кўрсаткичи бўлиб хизмат қилди. Давлат томонидан қайд этиладиган олтин расмий баҳосини, узоқ вақт давомида, унинг қийматидан узилиб қолиши натижасида олтин паритетининг сунъийлик характеристи кучайди.

40 йил мобайнида (1934-1976 й.й.) баҳо масштаби ва олтин паритети олтиннинг расмий баҳоси асосида белгиланган эди. Ушбу баҳо, А+Ш газнахонаси томонидан 1934 йилда, 1 унция олтин 35 А+Ш доллари ҳажмида белигиланган ва долларнинг девальвациясигача ўзгармасдан сақланиб келган. Ўтказилган девальвация натижасида 1971 йилнинг декабрида олтиннинг расмий баҳоси 38 долларгача ва 1973 йилни февралида эса 42,22

А+Ш долларигача қўтарилди. Бреттон Вудс валюта тизимида, А+Ш доллари стандартининг ҳукмронлиги шароитида, А+Ш доллари бошқа давлатлар валюталари курслари ҳисоб-китобининг ҳисоблаш нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Шу билан биргаликда, давлат томонидан мувофиқлаштириш натижасида А+Ш доллари даги олтиннинг расмий баҳоси анча пасайтириб кўрсатилган ва у олтиннинг бозор баҳосидан сезиларли фарқ қиласи эди. Олтиннинг бозор баҳолари: 1971 йилда – 40,8 А+Ш доллари, 1973 йилда – 97 А+Ш доллари, 1975 йилда – 160 А+Ш доллари, 1976 йилда – 125 А+Ш доллари, 1977 йилда - 148 А+Ш доллари, 1978 йилда – 193,2 А+Ш доллари эди.

1971 йилда А+Ш долларини расмий баҳо асосида, олтинга алмаштирилишининг тўхтатилиши натижасида валюталарнинг олтин сифимлари ва олтин паритетлари соф номинал тушунчага айланиб қолди. Халқаро Валюта Фонди эса 1975 йилни июль ойидан уларни эълон қилишни тўхтатди. Ямайка валюта ислоҳоти натижасида /арб давлатлари расмий асосда, валюта курсларининг асоси сифатидаги олтин паритетидан воз кечдилар. Расмий олтин паритетлари бекор бўлгандан сўнг, танга паритети ҳам ўз аҳамиятини йуқотди. Замонавий шароитда, валюта курси валюта паритетига асослангандир. Валюта паритети – бу, қонуний асосда белгиланган валюталар ўртасидаги нисбат бўлиб, у ушбу паритет атрофида тебраниб туради.

Халқаро Валюта Фондининг ўзгарган Уставига мувофиқ валюталарнинг паритетлари СДР ёки бошқа халқаро валюта бирлигига белгиланиши мумкин. 1970 йилнинг ўрталаридан бошлаб, янгилик сифатида, паритетлар валюта савати (корзина) асосида белгилана бошланди. Бу, бир валютанинг ўртacha тортилган курсини бошқа бир қатор валюталар йиғмасига солиштириш услубидир. Валюта саватининг (корзина) А+Ш доллари ўрнида ишлатилиши доллар стандартидан кўп валютали стандартга ўтиш тенденциясини акс эттиради.

Миллий валютанинг конвертация шартлари. Конвертация – деганда миллий валютанинг хорижий валюталарга алмаштирилиши тушунилади. Конвертация шартларига кўра миллий валюталар қуидаги турларга ажратилади:

-эркин конвертация қилинадиган валюта. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда, валюта чекланишлари йўқ бўлиб, миллий валюталар хорижий валюталарга эркин конвертация қилинади. Халқаро Валюта Фондининг янги таҳрирдаги Уставига (1978 й.) “Эркин фойдаланиладиган валюта” тушунчаси киритилган. Халқаро Валюта Фонди ушбу категорияга А+Ш доллари, Германия маркаси, япон иенаси, Буюк Британия фунт стерлинги ва француз франкини киритди. Ҳақиқатда олганда, эркин конвертация қилинадиган валюталар деб, тўлов балансининг жорий операциялари бўйича валюта чекланишлари мавжуд бўлмаган давлатлар валюталари ҳисобланади (булар асосан ривожланган давлатлар ва жаҳон

молиявий марказлари шаклланган ёки Халқаро Валюта Фонди олдида валюта чекланишларини киритмаслик мажбуриятини ўз зыммасига олган айрим ривожланиб бораётган давлатлар);

-қисман конвертация қилинадиган валюталар валюта чекланишлари сақланиб қолган мамлакатларда мавжуд бўлиб, миллий валютанинг хорижий валюталарга конвертацияси, давлат иқтисодий сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда бирмунча чекланади.

-хорижий валюталарга конвертация қилинмайдиган (ёпиқ) валюталар. Баъзи давлатларда, сиёсий сабабларга кўра, миллий валюталар хорижий валюталарга умуман конвертация қилинмайди, яъни резидент ва норезидент шахслар учун валюта алмаштиришга рухсат йўқ.

Миллий валюта курси режими. Валюта курсининг қўйидаги режимлари мавжуд:

-катъий белгиланган курслар режими. Давлат ўз иқтисодий сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда, маъмурий тарзда, миллий валюта курсини катъий белгилаб қўйиши мумкин. Масалан, Бреттон-Вудс шароитидаги катъий белгиланган курслар режими;

-кичик чегараларда тебранадиган курслар режими. Бу ҳолатда, давлат ўз иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб, миллий валюта курсини маълум бир чегараларда тебранишидан манфаатдор бўлади ва валюта сиёсатининг инструментларидан фойдаланган ҳолда ушбу мақсадга эришади;

-валютага бўлган бозор талаби ва таклифининг ўзгариши асосида эркин тебранадиган курслар режими ва уларнинг турли кўринишлари. Бунга, Ямайка валюта тизими шароитидаги эркин сузуви валюта курслари режимини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни чегаралаш. Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланиш қоидлари, соддалаштирилган халқаро меъёрларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Ушбу, халқаро меъёрларга Женеванинг вексель ва чек конвенциялари киради.

Халқаро заҳира активлари таркибий қисмлари орасидаги нисбатни аниқлаш. Юқорида қайд этилганидек, халқаро заҳира активлари компоненти тўрт қисмдан иборат, яъни мамлакатнинг расмий олтин ва валюта заҳиралари, халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларидағи ҳисобвараклар, Халқаро Валюта Фондидаги заҳира позицияси. Албатта, мамлакат халқаро ликвидлигини таъминлаш учун ушбу компонентлар ўртасида мувофиқ нисбат сақланиши керак.

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини чегаралаш регламентацияси. Халқаро ҳисоб-китобларнинг чекланиши, миллий ва жаҳон валюта тизимлари даражасида, хужжатли аккредитивлар ва инкассо учун соддалаштирилган қоида ва удумлар асосида амалга ошади.

Миллий валюта ва олтин бозорлари фаолиятининг режими. Валюта ва олтин бозорларининг режими миллий ва халқаро мувофиқлаштиришнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Валюта чекланишларини ўрнатиш тартиби. Валюта чекланишларининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги валюта тизимининг элементи бўлиб ҳисобланади. Валюта қийматликлари билан амалга оширилаётган операцияларга чеклашлар ҳам Халқаро Валюта Фонди орқали давлатлараро мувофиқлаштириш объектига киради.

Валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органларни мақоми. Бу валюта тизимининг муҳим институционал элементидир. Гап, мамлакат валюта муносабатларини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи миллий органлар (Марказий банк, Иқтисод ва Молия вазирлиги, баъзи мамлакатларда валюта назорат органлари) фаолиятини чегаралаш ҳақида бормоқда. Миллий валюта қонунчилиги миллий ва хорижий валютадаги операцияларни (эгалик ҳукуки, олиб кириш ва олиб чиқиш, олди-сотти) мувофиқлаштиради.

## **6. Жаҳон ва ҳудудий валюта тизимлари ва уларнинг элементлари.**

Жаҳон валюта тизими – бу, жаҳон бозори хўжалиги ривожланиши асосида шаклланган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларни ташкил этиш шаклидир. Жаҳон валюта тизимининг ташкилий асоси бўлиб, миллий валюта тизими ҳамда ушбу тизимга кираётган ҳар бир мамлакат валюта механизмини ташкил этишининг давлат-ҳукуқий шакли ҳисобланади.

Жаҳон валюта тизими XIX асрнинг ўрталарига келиб шаклланди. Жаҳон валюта тизими ўз ичига, миллий валюта тизими элементлари билан яқиндан алоқада бўлган маълум бир элементларни олади. Улар қўйидагилар:

- 1) заҳира валюталари, халқаро ҳисоб-китоб валюта бирликлари (СДР, ЕВРО);
- 2) валюталарнинг ўзаро конвертация қилиниш шартлари;
- 3) валюта паритетларининг соддалаштирилган (унификация) режими;
- 4) валюта курслари режимларини чегаралаш (регламентация);
- 5) валюта чекланишларини давлатлараро мувофиқлаштириш;
- 6) халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро мувофиқлаштириш;
- 7) халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш қоидаларини соддалаштириш (унификация);
- 8) халқаро ҳисоб-китоблар асосий шаклларини соддалаштириш (унификация);
- 9) жаҳон валюта ва олтин бозорлари режими;

10) давлатларо валюта мувофиқлаштирилишини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар.

Захира валюталари, халқаро ҳисоб-китоб валюта бирликлари (СДР, ЕВРО). Жаҳон валюта тизими жаҳон пулларининг амал қилувчи шаклларига асослангандир. Жаҳон пули деб, халқаро муносабатларга (иктисодий, сиёсий, маданий) хизмат кўрсатувчи пулларга айтилади. Жаҳон пуллари амалдаги шаклларининг эволюцияси, бирмунча кечикиб бўлсада, миллий пулларнинг ривожланиш йўлини қайта босиб ўтади, яъни олтин пуллардан бошлаб кредит пулларгача. Бундай қонуният натижасида, жаҳон валюта тизими XX асрга келиб жаҳоннинг етакчи мамлакатларининг бир ёки бир нечта миллий валюталарига (анъанавий ёки евровалюта шаклида) ёки халқаро валюта бирлигига (СДР, ЕВРО) асосланади.

Халқаро ҳисоб-китоб валюта бирлиги, халқаро талаб ва мажбуриятларни ўзаро солиштириш, валюта паритети ва курсни белгилаш учун шартли масштаб ҳамда халқаро тўлов ва заҳира воситаси сифатида ишлатилади. Олтиннинг демонетизацияси жараёни, яъни Ямайка (1976-1978 й.й.) валюта ислоҳоти натижасида юридик жиҳатдан якунланиши, олтиннинг пул функцияларини йўқотиши, жаҳон пули сифатида мувозанатсиз миллий пуллар ишлатилишининг салбий оқибатлари валюта тизимига СДР (карз олишнинг маҳсус ҳукуқлари) ва ЭКЮни (европа валюта бирлиги) тадбиқ этишга шароит яратиб берди. Жаҳон пулларининг ушбу янги шакллари, мамлакатларнинг маҳсус ҳисоб-варақларида ёзувларни амалга оширишда, нақд пулсиз халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ишлатилади: СДР – Халқаро Валюта Фондида, ЭКЮ – валюта ҳамкорлигининг Европа фондида, 1994 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг европа валюта институтида. СДР ва ЭКЮнинг шартли қиймати ўртacha тортилган қиймат ва валюта саватига (корзина) кирган валюталар курсларининг ўзгариши асосида ҳисобланади. 1999 йилдан бошлаб, Европа Марказий банки ЭКЮнинг ўрнига муомалага ЕВРОни чиқармоқда. Дастваб, 1999 йилнинг бошидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун, 2002 йилдан бошлаб эса нақд пул шаклида ишлатила бошланди.

Халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларининг курси сават (корзина) асосида аниқланади. Валюта саватини ҳисоблашдаги муҳим муаммолардан бири бўлиб, саватдаги валюталар таркиби ва уларнинг солиштирма оғирлиги, валюта компонентларининг катта-кичиклиги, яъни тўпламдаги ҳар бир валюта сонининг миқдорини аниқлаш ҳисобланади. Бунга кўра, саватнинг қуйидаги турлари фарқланади: маълум бир даврга валюталар таркиби қайд этилган стандарт сават; ўзгарувчан таркибли мувофиқлаштирилувчи сават; валюталарнинг ўзаро тенг бўлган солиштирма оғирлигига эга симметрик сават; валюталарнинг турли улушларга эга асимметрик сават.

Масалан, СДРнинг валюта савати 5 валютадан таркиб топган (1981 йилнинг 1 январигача 16 та валюта бўлган). Саватдаги ҳар бир валютанинг солиштирма оғирлиги мамлакатнинг халқаро савдодаги улушкига қараб

аниқланади. Аммо, А+Ш доллари учун унинг халқаро ҳисоб-китоблардаги улуши ҳисобга олинади. 1996-2000 йилар даврида саватдаги А+Ш долларининг улуши 39% ни (1981 йилгача 33% ни), қолган 4 валюта эса, Германия маркаси - 21%, Япон иенаси - 18%, Француз франки ва Буюк Британия фунт стерлинги ҳар бири 11% ни ташкил этган.

2001 йилда ушбу сават таркиби қайта кўриб чиқилди ва 1999 йилдан бошлаб Германия маркаси ва француз франки евро билан алмаштирилди.

СДР курсининг А+Ш доллариға ёки сават таркибиға кирган бошқа бир валютага нисбатан ҳисобланниши З асосий элементни ўз ичига олади:

1) тааллуқли валюта бирликларидағи валюта компонентлари, улар қуидагича аниқланади: валютанинг саватдаги солиштирма оғирлиги х унинг А+Ш долларига нисбатан, сўнгги З ой ичидаги ўртacha бозор курси (бундан олдинги СДР курсига корректировка қилган ҳолда);

2) валюталарнинг А+Ш долларига нисбатан бозор курслари;

3) валюта компонентларининг долларли эквиваленти, у қуидагича ҳисобланади: валюта компоненти/валюта курси (фунт стерлингдан ташқари), фунтнинг валюта компоненти х долларга нисбатан валюта курсига.

Бунда, А+Ш долларидаги кросс-курс, Англия банкининг Халқаро Валюта Фондига СДР курсини ҳисоблаш мақсадида берган, иш кунининг ўртасига бўлган валюталарнинг ўртacha бозор курслари ҳақидаги кунлик маълумоти асосида аниқланади.

### **СДР курсининг А+Ш долларига нисбатан ҳисобланниши.<sup>5</sup> (1998 йилнинг 31 август ҳолатига)**

Валюталар	СДР саватининг валюта компонентлари	1 А+Ш доллари учун валюта курси*	Валюта компонентларининг долларли эквиваленти*
1	2	3	4
Германия маркаси**	0,4460	1,75820	0,253669
Француз франки**	0,8130	5,91350	0,137488
Япон иенаси	27,2	140,89	0,193058
Фунт стерлинг	0,1050	1,67630***	0,176012***
А+Ш доллари	0,5820	1,000000	0,582000
Жами	1 бирлик СДР	-	1,342231

\*\*1999 йилдан бошлаб Германия маркаси ва француз франки евро билан алмаштирилган.

\*\*\*Бир бирлик валюта сифатида фунт стерлинг қабул қилинган.

\*\*\*\*2-устун 3-устунга кўпайтирилади.

Келтирилган ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, ушбу санага 1 СДР 1,34 А+Ш доллари экан. Валюта курсининг СДР бирликларида

<sup>5</sup> Семенов К.А. Международные валютно-кредитные отношения. ТЕИС.2004

ифодаланиши расмий характерга эга ва у фақатгина валюталарнинг А+Ш долларига бўлган бозор курсларини рўйхатга олади, доллар орқали эса бошқа валюталарнинг курси ўрнатилади.

Эркин сузувчи валюта курслари ва уларнинг мувозанатсизлиги шароитида турли мамлекатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан валюта савати услуги қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб (валюта курсини аниқлаш, халқаро валюта бирлигини яратиш, баҳо валютаси ва қарз валютасини индексация қилиш), валюталарнинг турли тўпламидан фойдаланган ҳолда ишлатилмоқда.

Европа валюта иттифоқида валюта паритетларининг асоси сифатида ЭКЮ ишлатилган. Валюта савати Европа иттифоқи мамлакатларининг 12 валютасидан иборат. 1999 йилдан бошлаб Европа валюта иттифоқининг ягона валютаси евродир. Бундан ташқари, бир қатор мамлакатлар (тахминан 20 та давлат) валюталарнинг курсини боғлаш мақсадида якка тартибдаги валюта саватидан фойдаланмоқда.

**Валюталарнинг ўзаро конвертация қилиниш шартлари. (Миллий валюта тизимиға қаралсин.)**

Валюта паритетларининг соддалаштирилган (унификация) режими. (Миллий валюта тизимиға қаралсин.)

**Валюта курслари режимларини чегаралаш (регламентация). (Миллий валюта тизимиға қаралсин.)**

**Валюта чекланишларини давлатлараро мувофиқлаштириш. (Миллий валюта тизимиға қаралсин.)**

Халқаро валюта ликвидлигини давлатлараро мувофиқлаштириш. Халқаро валюта ликвидлигини мувофиқлаштириш, валюта тизимининг элементи сифатида, халқаро ҳисоб-китобларни зарур тўлов воситалари билан таъминлашдан иборат. Халқаро валюта ликвидлиги – бу, мамлакатнинг (ёки бир гурӯҳ мамлакатларнинг) ўз вақтида халқаро мажбуриятларини, кредитор учун муқобил бўлган тўлов воситаларида қондирилишини таъминлашдан иборат. Жаҳон хўжалиги нуқтаи назаридан халқаро валюта ликвидлиги жаҳон тўлов муомаласини молиялаштириш ва кредитлаш манбаларининг йиғиндисини билдиради ва у жаҳон иқтисодининг халқаро заҳира активлари билан таъминланганлигига боғлиқдир.

Халқаро валюта ликвидлиги 4 асосий қисмдан (компонент) иборат:

- мамлакатнинг расмий олтин заҳиралари;
- мамлакатнинг расмий валюта заҳиралари;
- халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларидаги ҳисоб-вараклар;

-Халқаро Валюта Фондидаги заҳира позицияси (аъзо мамлакат ўз квотасининг 25 фоизи чегарасида, хорижий валютада, сўзсиз кредит олиш ҳуқуқи).

Халқаро валюта ликвидлигининг кўрсаткичи бўлиб, одатда, мамлакат расмий олтин-валюта заҳираларининг йиллик товар импорти суммасига нисбати ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичининг қиймати чеклангандир, чунки у

мамлакат олдида турган барча жорий тўловларни ҳисобга олмайди, хусусан, унга нотижорий хизматлар ҳамда капитал ва кредитларнинг халқаро ҳаракати билан боғлиқ молиявий операциялар кирмайди.

Халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш қоидаларини соддалаштириш (унификация). (Миллий валюта тизимиға қаралсин.)

Халқаро ҳисоб-китоблар асосий шаклларини соддалаштириш (унификация). (Миллий валюта тизимиға қаралсин.)

Жаҳон валюта ва олтин бозорлари режими. Олтин бозорлари – бу, олтин савдосининг маҳсус марказлари ҳисобланади.

Давлатлараро валютанинг мувофиқлаштирилишини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар. Давлатлараро валютанинг мувофиқлаштирилишини Халқаро Валюта Фонди амалга оширади (1944 йил). Европа валюта тизимида эса – валюта ҳамкорлигининг Европа фонди (1973-1993 й.й.), кейинчалик у Европа валюта институти билан алмаштирилган (1994-1998 й.й.), 1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб эса Европа Марказий банки томонидан амалга оширилмоқда. Зикр этилган халқаро институтлар халқаро валюта-кредит ва молиявий муносабатларнинг хавфсиз, инқирозсиз режимини ишлаб чиқиши ва таъминлашга интиладилар.

Жаҳон хўжалиги жаҳон валюта тизими олдида қуйидагилардан иборат бўлган муайян талабларни қўяди:

- халқаро айирбошни ишонч қозонган ва микдор жихатдан етарли бўлган тўлов, ҳисоб-китоб воситалари билан таъминлаш;
- жаҳон иқтисоди шароитларининг ўзгаришида валюта механизмининг нисбий барқарорлиги ва тез мослашувчанлигини қўллаб-қувватлаб туриш;
- барча аъзо-мамлакатлар манфаатига хизмат қилиш.

Ушбу талабларнинг бажарилишига такрор ишлаб чиқаришнинг қарама-қаршиликлари, жаҳон хўжалигининг таркибий тузилиши ва жаҳон майдонидаги кучлар нисбатидаги ўзгаришлар тўскىнлик қилади.

Валюта гегемонлиги марказлари, яъни валюта жараёнидаги ҳукмронлик марказлари, даврий равища мамлакатлар ривожланишининг нотекислиги сабабли, ўзгариб туради. Биринчи жаҳон урушигача валюта гегемонлиги, жаҳон ишлаб чиқариши ва савдосида, банк ва суғурта ишида, валюта муносабатларида ҳукмрон бўлган Буюк Британияга тегишли эди. Биринчи жаҳон уруши натижасида молиявий марказнинг Европадан А+Шга кўчиши фунт стерлинг ва доллар ўртасидаги валюта гегемонлиги учун курашни кучайтириб юборди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг А+Ш доллари ягона гегемон валюта бўлиб қолди. 1970-1990 йилларда З та куч марказларининг шакланиши, валюта ҳукмронлиги янги марказларининг пайдо бўлишига олиб келди. Булар /арбий Европа ва Япония марказларидир. Бу, ўз навбатида, А+Ш долларининг монопол ҳолатига путур етказди.

Жаҳон валюта тизимининг амал қилиш хусусияти ва мувозанатлилиги тамойилларининг жаҳон хўжалиги таркибий тузилиши, кучларнинг жойлашиши ва етакчи мамалакатлар манфаатларига мослиги даражасига

боғлиқдир. Ушбу шароитларнинг ўзгариши натижасида жаҳон валюта тизимининг даврий инқирози вужудга келади. Бу инқироз, зикр этилган валюта тизимининг емирилиши ва янги валюта тизимининг барпо этилиши билан якунланади.

Худудий валюта тизими – бу, худудий бирлашма аъзолари бўлмиш мамлакатларнинг давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган валюта муносабатларини ташкил этиш шаклидир.

Жаҳон ва ҳудудий валюта тизимлари ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладиган, эгилувчан бўлиши ҳамда алоҳида давлатлар ва жаҳон манфаатларида мувозанатни сақлаш хусусиятига эга бўлмоғи лозим. Фақатгина шундай шароитларда валюта тизими узоқ муддат давомида муваффақиятли амал қилиши мумкин.

Давлатлараро келишувлар билан ўрнатиладиган валюта муносабатларини ташкил этишнинг давлат ҳуқуқий шакли сифатидаги валюта тизими бир вақтнинг ўзида пайдо бўлгани йўқ. Унинг пул тизимидан ажralиб чиқиши ва мустақил категорияга айланиши, қиймат пул шаклининг узоқ ривожланиши ва пулнинг ўринбосар кўринишларининг пайдо бўлиши жараёнида содир бўлган.

Пул тизими қийматнинг пул шакли пайдо бўлиши, пул вазифасини ноёб металларга ва сўнг олтинга ўтиши билан вужудга келади. Бунда, пул тизими ташкил этиш асослари барча мамлакатлар учун умумий бўлган. Бу, биринчи навбатда, пул металлидан тангларнинг эркин зарб этилиши, тўсқинликсиз қиймат белгиларининг олтинга алмаштирилиши ва олтиннинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга эркин ҳаракатини таъминлайди.

## **7. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси. 1867 йил Париж валюта тизими.**

Валюта тизими ўзининг замонавий шаклига келгунча узоқ бир тарихий даврни босиб утган. Биринчи жаҳон валюта тизими стихияли равишда, саноат инқилобидан сўнг, олтин монометализми асосида, олтин-танга стандарти кўринишида шаклланган. Юридик жиҳатдан эса, мазкур тизим 1867 йилда бўлиб ўтган Париж конференциясида давлатлараро келишув сифатида расмийлаштирилган эди. Бу биринчи жаҳон валюта тизими жаҳон пулиниг ягона шакли сифатида олтинни расмий тан олган эди.

XIX асрда халқаро савдонинг ривожланиши билан, қўпчилик давлатлар ўзларида “олтин стандартини” киритдилар, яъни шу даврдан бошлаб мазкур давлатлар валюталарининг курси ва қиймати, шу валюталар заминида ётган олтин миқдорининг қиймати билан белгиланадиган бўлди. Давлатларнинг марказий (миллий) банклари, ўз навбатида, миллий қоғоз пулларни тааллуқли олтин миқдорига (баҳо масштабига асосан) алмаштиришга мажбур эдилар.

Масалан, Буюк Британиянинг 1 фунт стерлинги (sovereign) 1821 йилда 7,322385 грамм, 1 немис маркаси 1873 йилда 0,385422 грамм, 1 Россия рубли 1887 йилда 0,774234 грамм соғ олтин қийматини ифода этар эди.<sup>6</sup> Валюталарнинг бир-бирига нисбатан курсини аниқлаш учун уларнинг заминида ётган олтин миқдорлари солиштирилар эди. Юқоридаги келтирилган маълумотларга асосан, Буюк Британиянинг 1 фунт стерлинги 18,9984 ( $7,322385/0,385422$ ) немис маркасига ёки 9,4576 ( $7,322385/0,774234$ ) Россия рублига тенг эди. Миллий валюталар заминидаги олтин миқдорлари 1914 йилгача ўзгармаган ва табиийки, улар ўзгармагунча, уларнинг бир-бирига нисбатан курслари ҳам барқарор эди. Шу сабабли, “олтин стандарти” қатъий ёки барқарор валюта курслари тизими эди, десак муболаға бўлмас. Бу тизим бир қатор ижобий томонларга эга. Хусусан, бошқа металларга қараганда, олтин табиатда кам учрайдиган ва ноёб металл бўлганлиги сабабли, давлатлар томонидан унинг миқдорини кўпайтириш ниҳоятда мушкул. Бундан чиқди, давлатлар ва марказий (миллий) банклар ўз хоҳишлири билан, оддийгина пул муомаласи ҳажмини ўстиришга ва инфляцияни рағбатлантириш имконига эга эмас эдилар.

Биринчи жаҳон урушигача, дунёнинг етакчи давлатларида инфляция, нисбатан паст ва етакчи валюталар курсларининг кескин тебраниши кузатилмаган. Бундай ҳолат, ўша йилларда пул сармоялари ва ишчи кучи ресурсларининг эркин, ҳеч қандай тўсиқсиз бир мамлакатдан бошқа мамлакатга оқиб ўтиши мумкинлиги билан асосланган.

1880 йилдан то 1913 йилгача, “олтин стандарт” тизими давлатларга ўз харажатларини инфляция ҳисобига молиялаштириш имконини бермаганлиги сабабли, барча давлатларда ижтимоий маҳсулотнинг ҳажми тез суръатлар билан ўсади.

Биринчи жаҳон урушининг тугаши билан, кўпчилик давлатлар ўзларида яна қайтадан “олтин стандарт”ини киритишга уриндилар. Бироқ уларнинг бундай харакатлари зое кетди, чунки мавжуд шароитда “олтин стандарти”ни киритиш учун зарур омиллар йуқ эди.

Биринчи жаҳон уруши оқибатида, жаҳон бозорида давлатлараро муносабатларда пайдо бўлган валюта тартибсизлиги узоққа чўзилмади ва валюта муносабатларининг “олтин стандарти” ўрнига, майдонга олtingа ва етакчи капиталистик давлатлар валюталарига асосланган “олтин-девиз стандарти” чиқади. Бунда, хорижий валютадаги давлатлараро ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган тўлов воситалари девизлар деб атала бошланди.

## **8.1922 йил Генуя ва 1944 йил Бреттон-Вудс валюта тизимлари.**

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасидаги жаҳон валюта тизимини “олтин-девиз стандарти” тизими деб атаса бўлади. Бу давр айниқса, давлатнинг иқтисодга кучли аралашуви билан хусусиятлидир. Деярли барча

---

<sup>6</sup> Ё.И. Ёдәннәеё “Лаәхәоіәдійә әәёпөй әдәеօиўә ә օөіәініәүә һөїәеё” Йиңеаа 2006 ә.

давлатларда божхона тўсиқлари киритилиб, оқибатда капиталга, ишчи ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг эркин алоқаси жаҳон бозорида чегараланди.

Иккинчи жаҳон валюта тизими 1922 йилда Генуя шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда давлатлараро келишув сифатида юридик жиҳатдан шаклланган эди. Мазкур халқаро конференция арафасида, жаҳоннинг 30дан зиёд давлатларининг пул тизимлари олтин-девиз стандартига асосланган эди. Давлатларнинг миллий кредит пуллари халқаро тўлов ва заҳира воситалари сифатида ишлатила бошланди. Бироқ, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасидаги даврда заҳира валютаси мақоми, расмий равишда, бирор-бир валютага ҳали бириктирилмаган эди.

Давлатларнинг “олтин стандарти” тизимидан қайтиши оқибатида девизли банклар ва давлатлар қоғоз пуллар муомаласини кенгайтириш имконига эга бўлдилар. Биринчи жаҳон урушидан сўнг, баъзи давлатларда қоғоз пуллар эмиссиясининг ҳажми ҳар қандай тарихий чегаралардан ошиб кетди ва бу, ўз навбатида инфляцион жараёнларнинг гуркираб ўсишига олиб келди. Инфляция жараёнларининг кучайиши, пул хўжалигидаги барча зарурий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларнинг бузиб кўрсатилишига олиб келди. Бир давлат бозоридан бошқа давлатлар бозорларига бўлган валюталар оқимининг ҳажми ва суръати кескин кучайди. Лондоннинг дунёнинг етакчи валюта бозори сифатидаги мавқеи пасайди. Майдонга Нью-Йорк ва Париж сингари янги етакчи валюта бозорлари чиқиб, Лондон узил-кесил дунё банкири вазифасидан айрилди.

1925 йилда Англия банки, олдинги курс асосида “олтин стандарти”ни киритди. Аммо у мавжуд бозордаги шароитларга мувофиқ эмас эди. Америка ва француз банклари эса, 1931 йилда Буюк Британия фунт стерлингидаги заҳираларини кўпайтирган ҳолда, “олтин стандарти” тизимини қабул қилмадилар.

А+Ш, ўз тўлов балансининг актив бўлишини истаган ҳолда, хорижий ҳамкорларига узок муддатли кредитларни бериб, иқтисодий депрессия даврида ўз иқтисодий мавқеъларини сақлаб қолишига муввафақ бўлди. Франция давлати эса, фунт стерлингдаги активларини олtingга алмаштириш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаб, Буюк Британияга ўз қарорида қатъийлигини билдириди. Аммо, Буюк Британия ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бера олмай қолди ва 1931 йилнинг ёзида қоғоз пулларнинг олtingга алмаштирилишини бекор қилди.

1926-1929 йилларда, баъзи мамлакатларда ликвид маблағларнинг ўсиши ва олтиннинг жамғарилиши, 30-йилларда жаҳонда кучли иқтисодий инқиrozнинг содир бўлишига сабаб бўлди.

Баъзи давлатлар, 1929-1930 йилларда ёк “олтин стандарти”дан ўзларини тортган эдилар. 1931 йилгача бўлган даврда, деярли барча валюталар, бир-бирига нисбатан эркин тебранар эди. А+Ш ўз валютасининг олтин билан боғлиқлигини 1933 йилда бекор қилди. Аммо, 1934 йилда у нисбатан пастроқ

паритет билан, “олтин стандарты”га қайтди. А+Ш долларининг курси энди илгариги курснинг 54%ини ташкил қиласа эди. Бундан сўнг, яъни 1934 йил давомида, кўпчилик давлатлар ўз валюталарини девальвация қилдилар. Шундай қилиб, миллий валюталарнинг кўп сонли девальвацияси ва савдо чекланишларини киритиш даври бошланди. Оқибатда, дунё савдо ҳажми кескин қисқариб кетди ва деярли барча мамлакатларда ишсизлар сони кўпайиб кетди.

Юқорида қайд этилган, ва жаҳон тарихига “буюк депрессия” номи билан кирган, 30-йиллардаги чукур жаҳон иқтисодий инқирози оқибатида дунёning барча давлатлари ўз қоғоз пулларини, расмий равишда, олтинга алмаштирилишини тўхтатдилар ва бундан кейин, ҳеч бир давлат ўз қоғоз пулларининг олтинга алмаштирилишини ташкил қила олмаган.

Давлатлар миллий қоғоз пулларининг баҳо масштабига асосан олтинга алмаштирилишининг тўхтатилиши иккинчи жаҳон валюта тизими асоси - “олтин-девиз стандарты”нинг инқирозини билдиради. Оқибатда, 1930 йилдан то иккинчи жаҳон урушининг охиригача, жаҳон валюта бозорида тартибсизлик ҳукм суради.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳоннинг етакчи давлатлари бошлиқлари, 30-йиллар инқирозига олиб келган хатоларни амалга оширмасликка ҳаракат қилиб, 1944 йилнинг июль ойида, Бреттон-Вудсда кейинчалик “Бреттон-Вудс тизими” номини олган қатъий валюталар курслари тизимини яратдилар.

Ўша даврнинг муҳим масалаларидан бири, бу ҳарбий йиллар қарзлари муаммосини ҳал қилиш эди. Масалан, Буюк Британия А+Шга йирик суммаларга қарз эди. Нафақат Буюк Британия, балки Европадаги барча давлатлар уруш даврида кўрган талофатлари оқибатида, яқин йиллар ичida ўз қарзларини экспортлари ҳисобига қоплаш имконига эга эмас эдилар. Шу сабабли, иккинчи жаҳон уруши оқибатида пайдо бўлган ҳарбий қарзлар муаммоси, қайтмас кредитлар ва узоқ муддатли ссудалар тизимини киритиш йўли билан ҳал қилинган эди.

Давлатларнинг, ўз қарзларини алоҳида қисмлар билан узишга имкони бўлмаганлиги сабабли, уларда инфляция ҳисобига бундай қарзлардан кутулиш иштиёқи туғилади.

Давлатлар яккаланишининг оқибатлари, айниқса, ўз аксини ўзларини ҳалқаро рақобат таъсиридан холи қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларида, девальвация кетидан “кувиш”, турли кўринишдаги савдо чегараланишлари ва тўсиқлар, дунё савдо ҳажмининг пасайиши, оммавий ишсизлик ва сиёсий барқарорсизликда топган бўлиб, бу, ўз навбатида уларнинг ҳалқаро ҳамкорликка интилишлари зўрайиб бораётганлигидан далолат берар эди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг асл моҳияти қатъий ёки барқарор, ўзгарувчанлиги сезилмас валюта курсларини жорий этишдан иборат эди. Иккинчи жаҳон урушидан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда чарчаб чиққан давлатлар, жаҳон бозорида давлатлараро валюта

муносабатларида ҳукм сураётган тартибсизликка барҳам бериш мақсадида 1944 йилда А+Шнинг Бреттон-Вудс деган шаҳрида халқаро валюта-молия конференциясини чакирадилар.

Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган Бреттон-Вудс халқаро валюта-молия конференцияси 1944-47 йиллар мобайнида бўлиб ўтган. Мазкур конференцияда қабул қилинган Келишув моддалари, урушдан сўнгти жаҳон валюта тизими тамойилларини белгилаб берди.

Бу тамойиллар қўйидагилардан иборат эди:

1. Олтинга ва икки заҳира валютасига, яъни А+Ш доллари ва қисман Буюк Британия фунт стерлингига асосланган давлатлараро олтин-девиз стандарти тизими ўрнатилди. Бунда, олтин-девиз стандарти, фақатгина давлатлараро муносабатларда сақланиб қолган бўлиб, мамлакатларнинг пул тизимлари эса олтинга алмашмайдиган кредит пулларга асосланган эди.

Олтиннинг жаҳон валюта тизими асоси сифатида ишлатилишининг қўйидаги асосий 4 шакли кўзда тутилган эди:

А) Валюталарнинг олтин паритетлари сақланиб, Халқаро Валюта Фондида уларнинг қайд этилиш тартиби киритилган эди;

Б) Олтин халқаро ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқни сўндириш воситаси ва ижтимоий бойликнинг рамзи, халқаро валюта ликвидлигининг муҳим компоненти сифатида ишлатила борди;

В) А+Ш ўзининг ўсган валюта-иктисодий қудратига ва капиталистик дунёда ўзининг энг йирик олтин заҳираларига таянган ҳолда, А+Ш долларига асосий заҳира валютаси мақомини бириктириб қўйиш мақсадида, долларни олтинга тенглаштириб қўйди;

Г) Шу мақсадда, А+Ш ғазнахонаси хорижий давлатлар марказий (миллий) банклари ва хукумат ташкилотларига А+Ш долларларини олтинга, бир унция олтинни 35 А+Ш долларига расмий баҳо асосида алмаштириши давом эттирди. Олтиннинг бундай расмий баҳоси, 1934 йилда А+Ш долларининг баҳо масштаби асосида киритилган эди.

2. Валюталарнинг ўзаро солиширилиши ва ўзаро алмашуви Халқаро Валюта Фонди аъзолари бўлмиш давлатлар орасида расмий равишда ўзаро келишиб олинган ва қатъий белгиланган, А+Ш долларларида ифодаланган валюта паритетлари асосида амалга ошадиган бўлди. Ўзаро келишиб олинган бундай паритетларнинг ўзгартирилиши фақат Фондининг рухсати билан амалга ошиши мумкин эди.

3. Валюталарнинг қатъий белгиланган курслар режими киритилди. Валюталарнинг бозор курслари паритетидан кичик миқдорларда оғиши мумкин эди, Халқаро Валюта Фондининг Низомига асосан валюта курсларининг бундай оғиши паритетидан +;-1%, Европа валюта келишувига асосан эса +;-0,75% (яъни, тахминан 1,5%) ни ташкил этиши мумкин эди. Валюта курслари тебранишининг бундай чегараларини сақлаш мақсадида, мазкур шартномага кирган давлатлар марказий (миллий) банклари А+Ш

долларларида ёки ўз миллий валюталарида валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур эдилар.

Масалан, Швеция кронаси А+Ш долларига нисбатан 3,69 ва 3,63 чегараларда тебранган бўлса, СНГнинг курси эса, А+Ш долларига нисбатан, бу пайтда пасайиш тенденциясига эга бўлган бўлса, яъни 5,5125дан то 5,5960 гача, унда бундай ҳолат автоматик равишда швед кронасини швейцария франкига нисбатан 3,19%га девальвациясига олиб келар эди. Яъни:

$$3,6300 / 5,5960 = 0,6487 \text{ SEK/CHF}$$

$$3,6900 / 5,5125 = 0,6694 \text{ SEK/CHF}$$

$$0,6694 / 0,6487 = 3,19\%.$$

4. Халқаро Валюта Фонди орқали давлатлараро валютанинг тартибга солиниши киритилди. Бунга асосан Халқаро Валюта Фонди мувозанатсиз валюталар барқарорлигини қўллаб-куватлаш мақсадида, хорижий валютада, муайян бир давлатларнинг вактинча ҳосил бўлган тўлов баланслари камомадини қоплаш учун кредитлар бера бошлади.

Шундай қилиб, Бреттон-Вудс валюта тизими, валюта муносабатларини бозор томонидан тартибга солишнинг давлат билан биргаликда олиб борилишига асосланган экан.

Бреттон-Вудс валюта тизими, маълум бир давр мобайнида ўзига юклатилган функцияларни яхши бажариб келди. Бироқ, бу мазкур валюта тизимининг нуқсонсиз эканлигидан далолат эмас, албатта.

Бреттон-Вудс валюта тизими бошиданоқ А+Ш доллари манфаатлари учун хизмат қилишга мўлжалланган валюта тизими эди. Бу тизим А+Ш долларининг бошқа давлатлар валюталари устидан хукмронлигини таъминлаган. Аммо, А+Шнинг жаҳон иқтисодиётидаги улушининг қисқариб бориши ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти давлатлари ҳамда Япония ролининг ўсиб бориши жараённида жаҳон валюта бозоридаги бундай ахволнинг сақланиб қолиши амримаҳол эди.

1970 йилларнинг бошида Бреттон-Вудс валюта тизими ва жаҳон иқтисодида кечаётган ўзгаришларнинг реаллиги орасидаги зиддиятнинг кескин кучайиши валюта муносабатлари борасида бир қатор ислоҳот режаларининг ҳаётга кириб келишига сабаб бўлди.

Жаҳон бозорида А+Ш миллий валютаси мавқеининг пасайиб бориши, А+Ш долларининг олтин билан алоқаси борасидаги масалада ҳам зиддиятни кучайтириб юборди. Натижада, А+Ш ғазнахонаси 1971 йилнинг 15 августида А+Ш долларларининг давлатлараро муносабатларда олтинга алмаштирилишни тўхтатдилар. Бу эса, ўз навбатида, Бреттон-Вудс валюта тизимининг инқирозини англатар эди.

Бреттон-Вудс валюта тизимининг инқирози жаҳон валюта бозоридаги тартибсизликларга олиб келди. Аммо, бундай тартибсизликлар узоқча чўзилмади. 1976-78 йилларда А+Шнинг Кингстон (Ямайка) шахрида бўлиб ўтган халқаро молия-кредит конференциясида тўртинчи жаҳон валюта тизимига асос солинди.

Тўртинчи жаҳон валюта тизимининг асосий тамойиллари қўйидагича эди:

- а) олтин-девиз стандарти ўрнига СДР стандарти киритилди. Ушбу халқаро ҳисоб-китоб валюта (пул) бирлигининг яратилиши (О. Эммингәр лойиҳаси бўйича) ҳақидаги келишувга 1967 йилда ХВФ аъзолари бўлмиш давлатлар томонидан имзо чекилди;
- б) олтин демонетизацияси жараёни юридик жиҳатдан якунланди. Унинг расмий баҳоси, олтин паритетлари ва А+Ш долларининг олтинга алмашиниши бекор қилинди. Ямайка келишувига асосан энди олтин қиймат ўлчови ва валюта курслари учун бошланғич ҳисоб нуқтаси бўла олмайди.
- в) мамлакатларга ҳар қандай валюта курси режимини танлаб олиш ҳуқуқи берилди;
- г) ХВФ янги шароитларда давлатлараро валюта мувофиқлаштиришни (тартибга солиш) жонлантириши (кучайтириши) лозим эди.

Шу билан биргаликда, Ямайка валюта тизими шароитида валюталар курси режими эркин сузуви бўлиб, А+Ш доллари стандарти ўрнига кўп валютали стандарт қабул қилинди. Ҳозирги кунда биз тўртинчи жаҳон валюта тизими шароитида яшамоқдамиз.

### **8.1976-1978 йй. Ямайка ва 1979й. Европа (худудий) валюта тизимлари**

Инқирозга учраган Бреттон-Вудс валюта тизими ўрнини боса оладиган валюта тизимини тартибга солишнинг янги тамойиллари 70-йилларда шаклланди. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайди, ривожланган давлатлар орасида кучлар нисбати ўзгариб, ривожланиб бораётган давлатлар таъсир доираси кенгайиб борди. Валюта жараёнида тўловлар номутаносиблиги (несбалансированность) кучайиб, валюта курсларининг бекарорлиги ва баҳолар ўсади.

Тўртинчи жаҳон валюта тизимига 1976-78 йилларда А+Шнинг Кингстон (Ямайка) деган жойида ХВФга аъзо давлатларнинг бўлиб ўтган халқаро валюта-молия конференциясида асос солинган.

1978 йилда, бу келишувни ратификациясидан сўнг, ХВФ Уставига ўзгартиришлар киритилди. Тўртинчи жаҳон валюта тизимининг асосий тамойиллари:

1. Олтин-девиз стандарти ўрнига расмий равишда СДР стандарти киритилди. Бу янги халқаро ҳисоб-китоб пул бирлиги валюта тизимининг, валюта паритетларининг асоси сифатида эълон қилинди (1985 йилни июлига А+Ш доллари 31 валютанинг асоси, СДР эса 12 валютанинг асоси эди).

СДР валюта саватидаги А+Ш долларининг улуши 33%дан 42%гача кўтарилиди. Бунга сабаб, 1981 йилда СДР корзинасидаги валюталар сонининг 12 тадан 5 тагача камайишидир. Бунинг оқибатида А+Ш доллари СДР тизимидағи ҳисоб-китобларни монополлаштириди. 1984 йилга келиб расмий

валюта заҳираларидаги А+Ш долларининг улуши 60%дан ошиб кетди, СДРнинг улуши эса 2,4%ни ташкил этди.

ХВФга аъзо давлатларга валюта паритетларини истаган валютада ўрнатиш ҳуқуқининг берилиши, доллар стандартидан кўп валютали стандартга ўтилишини қонунийлаштириб қўйди. Заҳира валютаси сифатида, А+Ш доллари билан биргаликда, майдонга SEK, GPY, CHF, FRF ва бошқа шу каби пул бирликлари чиқди.

2. Олтин демонетизацияси юридик жиҳатдан якунланади, уни расмий баҳоси, олтин паритетлари ва долларнинг олtingа алмашиниши бекор қилинади. Ямайка валюта келишувига асосан олтин энди қиймат ўлчови ва валюта курсларини аниқлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмаслиги керак.

3. Аъзо-мамлакатларга истаган валюта курси режимини танлаш ҳуқуқи берилди. 1973 йилнинг мартаидан, қатъий белгиланган курслар ўрнига, эркин сузадиган валюта курсларининг киритилиши кўпчилик давлатларда, катта валюта интервенцияларига қарамасдан, курслар барқарорлигига олиб келмади.

4. ХВФ орқали давлатлараро тартибга солиш кучайтирилди. Аммо, бу хам жаҳон валюта тизимини барқарорлаштиришга олиб келмайди.

1979 йилнинг мартаидан, жаҳон валюта тизимида ҳукмрон бўлиб келган А+Ш долларига қарама-қарши равища халқаро (худудий) валюта тизими барпо этилди – Европа валюта тизими (ЕВТ). Дастреб турибундаги тизимда 12 Европа давлатидан 8 таси иштирок этган (Буюк Британия, Греция, Испания ва Португалия давлатларидан ташқари).

Европа валюта тизимининг Ямайка валюта тизимидан фарқи куйидагилардан иборат:

1. ЕВТ СДРга эмас, ЭКЮга асосланган.
2. Юридик жиҳатдан олтин демонетизациясини мустахкамлаган Ямайка валюта тизимидан фарқ қилган ҳолда, Европа валюта тизими олтиндан, аъзо давлатлар расмий олтин заҳираларининг 20%ини бирлаштирган ҳолда, ЭКЮнинг қисман таъминоти сифатида фойдаланади.
3. Валюта курслари режими, валюта курсларининг ўзаро бир-бирига нисбатан тебранишининг белгиланган чегараларда (марказий курсдан +,- 2,25%, Италия учун +,6%) сузишига асосланган.
4. ЕВТда давлатлараро худудий валюта тартибга солиниши ЕФВС орқали амалга ошади. ЕФВС аъзо давлатлар марказий банкларига ўзларида ҳосил бўлган тўлов баланслари камомадлари ва валюта интервенцияси билан боғлиқ ҳисоб-китобларни қоплаш учун қисқа ва ўрта муддатли кредитларни беради

Европа валюта тизимининг барпо этилиши объектив реаллик эди. Бу валюта тизими /арбий Европа интеграцияси асосида пайдо бўлиб, унинг асосий мақсади Европани Ямайка валюта тизимининг барқарорсизлигидан ҳимоя қилиш эди.

Таянч иборалар: валюта, валюта тизими, СДР, резерв валюта, интеграция, евро.

Назорат саволлари.

1. Валюта муносабатлари тушунчасининг мазмuni.
2. Валюталар ва уларнинг алмашиниш шартлари.
3. Валюта муносабатларининг юзага келишида халқаро савдонинг роли.
4. Капитал ва кредитлар ҳаракати.
5. Валюта тизими ва унинг элементлари.
6. Жаҳон валюта тизимининг юзага келиши, мақсади ва функциялари.
7. Биринчи жаҳон валюта тизими.
8. Иккинчи жаҳон валюта тизимининг юзага келиши.
9. Учинчи жаҳон валюта тизимининг юзага келиши ва аҳамияти.
10. Тўртинчи жаҳон валюта тизими ва унинг аҳамияти.
11. Регионал валюта тизими ва унинг валюта тизимидан фарқли томонлари.
12. Валюта дилинги тушунчаси.
13. Валюта клиринги, унинг аҳамияти ва турлари.
14. Валюта курси ва унинг бошқарилиши.
15. Валюта бозори: мақсади, функцияси.
16. Вексел муомаласи ва Ўзбекистон Республикасида вексел операциясини олиб борувчи банклар.
17. Халқаро молия бозорида валюта операцияларининг турлари.
18. Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизими.
19. Халқаро валюта фонди, унинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги роли.
20. Жаҳон валюта тизими ва замонавий валюта тизими муаммолари.
21. Своп операцияси тушунчаси.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш түғрисида” ги Қонуни, 2003 й. 11 декабр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. 2002 й. 4 апрел.
6. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Халқ сўзи. 31.08.2007

8. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Тошкент, 2006.
9. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим»//Халқ сўзи. 11.02.2006.
10. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Т.: Ўзбекистон, 2005.
11. Каримов. И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Т.,Ўзбекистон, 2005.
12. Тожиев Р.Р., Насриддинов Ф.Н. Халқаро молия: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2007. -185 б.
13. Тожиев Р.Р., Насриддинов Ф.Н. Монетар сиёсат: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2007. -200 б.
14. Л.Н. Красавина «Международнӯе валютно-кредитнӯе и финансовые отношения». - М.: «Финансъ и статистика» 2006. 576 с.
15. Tojiev R.R. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari. O'quv qo'llanma. T."Adabiyot jamg'armasi". 2006-220b
16. Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида: Илмий оммабоп рисола – Т.: Иқтисодиёт, 2007. -225 б.
17. Тожиев Р.Р., Хакимов И.С., Якубова Ш.Ш. «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», Ўқув қўлланмат: ТДИУ, 2006 й.

### **Вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)

## **2-МАВЗУ. ВАЛЮТА КУРСИ: МАЗМУНИ, АНИ+ЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ БАР+АРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

1. Валюта курси тушунчаси. Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси.
2. Валюта курсининг турлари.
3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.

### **1. Валюта курси тушунчаси. Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси.**

Давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятида валюта курси муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу фаолият натижасида давлатлар ва турли субъектлар орасида мажбуриятларни бажариш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш зарурати туғилади, уларни ҳал этиш учун эса албатта муайян бир валютани бошқа бир валютага нисбатан ўлчаш зарурати туғилади. Шу сабабли, азалдан жаҳон амалиётида барча давлатлар валюталарининг курси А+Ш доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан белгиланган.

Валюта курси – бу, бир валютанинг бошқа бир валютадаги ифодаси ёки баҳосидир. Валюта курси – хорижий валютанинг миллий валютадаги ифодаси. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 1 А+Ш доллари қ 860 сўм ёки Россияда 1 А+Ш доллари қ 31,34 рубль.

Валюта курси пулнинг ҳалқаро ҳаракати жараёнига тааллуқли ва умумий асосда миллий иқтисоднинг жаҳон хўжалиги билан алоқаларини ифодалайди.

Олтин девиз стандарти шароитида валюта курси аниқланганда, қоғоз пуллар заминида ётган олтин микдорлари солиштирилган. Масалан, Буюк Британия 1 фунт стерлинги заминида, 1821 йилда 7,322385 грамм олтин ётган, 1 немис маркази заминида эса, 1873 йилда 0,385422 грамм олтин ётган. Бунга кўра, 1 фунт стерлинг 20,43 немис маркасига teng эди ( $7,322385/0,385422$ ). Ёки, 1 А+Ш доллари заминида 1971 йилда 0,888671 грамм олтин ётган.

Олтин-девиз стандарти шароитида 1929-36 йилларгача давлатларни миллий қоғоз пуллари, баҳо масштабига асосан олтинга алмашинар эди. 1936 йилдан сўнг давлатлар миллий қоғоз пул бирликлари олтинга алмашмайдиган бўлди, яъни муомалада олтинга алмашмайдиган кредит қоғоз пуллар юрадиган бўлди. Бундай шароитда, яъни Бреттон-Вудс валюта тизими шароитида ҳам, валюта курслари улар заминида ётган олтин микдорларини солиштириш орқали аниқланар эди.

1976-78 йилларда Ямайка валюта тизими шароитида расмий олтин демонетизацияси эълон қилинди ва олтин юридик жиҳатдан ўзининг пул сифатидаги ҳаракатини тўхтатди. Жаҳон бозорида валюта курслари уларга бўлган талаб ва таклиф асосида, валюталарининг тарихий масштаби

атрофида, тебрана бошлади. Бундай мувозанатсиз шароитда валюталарнинг курси қисқа вақт ичида тез ўзгарадиган бўлиб қолди.

Барча давлатлар миллий валюталарининг курси А+Ш долларига ёки Буюк Британия фунт стерлингига нисбатан белгиланар эди. Аммо, амалда, яъни ташқи савдо муносабатларида, албатта бирор бир валютанинг бошқа бир валютадаги курсига зарурат туғилиб турар эди. Масалан, Япония экспортёр Германия импортёр бўлса, унда албатта 1 Немис маркаси қанча япон иенасига тўғри келади, деган савол туғилар эди. Бунга жавоб бериш учун кросс-курсларни хиоблаш услубидан фойдаланиш даркор.

Кросс-курс – бу, икки валюта орасидаги курсни учинчи валюта орқали аниқлаш услуби натижасида топилган курсдир.

Масалан, GBP/USD 1,5550

USD/SEK 1,7550, бу ердан

GBP/SEK 2,7290 (1,7550 x 1,5550)

Ёки, USD/SEK 1,7550

USD/JPY 100, бу ердан

SEK/JPY 56,98 (100 / 1,7550)

Бундан ташқари, жаҳон валюта бозорида, “спот” операцияларида 2 курс берилади, яъни сотувчи ва сотиб оловчи курслари. Бундай икки курс берилганда, кросс-курс аниқланганда сотувчи курси сотиб оловчи курсига ва сотиб оловчи курси сотувчи курсига бўлинади ёки кўпайтирилади (котировка услубларига қараб).

Масалан, GBP/USD 1,5550 ёки 1,5555

USD/SEK 1,7550 ёки 1,75555, бундан

GBP/SEK 2,7290 (1,5550 x 1,7550)

GBP/SEK 2,7307 (1,5555 x 1,7555)

Ёки, USD/ SEK 1,7550 ёки 1,75555

USD/GPY 100 ёки 105, бундан

SEK/JPY 56,96 (100 / 1,7555)

SEK/JPY 59,83 (105 / 1,7550).

## **2. Валюта курсининг турлари.**

Валюта курсларининг қуидаги турлари мавжуд:

“спот” курс, форвард курс, кросс-курс, “аутрайт” курси, сотувчи ва сотиб оловчи курси.

“Спот” курс – бу, нақдли (касса) шартнома курсидир. У, “спот” шартномалари ижроси пайтида қайд этиладиган бир мамлакат валютасининг баҳосини бошқа мамлакат валютасидаги ифодасидан иборат.

“Спот” курслар эркин сузадиган ёки қатъий белгиланган бўлиши мумкин. Улар миллий валютанинг мамлакат ташқарисида, шартномани амалга ошириш пайтида сотиб олиш қобилиятини кўрсатади.

Баъзи давлатлар валюталарининг ички ва ташқи қиймати мавжудлигига қарамасдан, валюта назорати шароитида, оддий тижорат операцияларини амалга оширишда, асосан товар ва хизматлар импортида валюта ва “спот” курслари бир хилда қўлланилиши мумкин.

Форвард курси – бу, муддатли валюта шартномалари курсидир. У, келгусида маълум бир санага валютани етказиб бериш шарти билан сотиб ёки сотиб олиш баҳосидан иборатдир. Бунда, муддатли валюта операциясида курс шартнома тузилиш пайтида қайд этилади, унинг ижроси маълум бир муддат ўтгандан сўнг амалга ошса ҳам.

Амалиётда форвард курси “спот” курсига яқин. Фарқи шундаки форвард операцияларда валюта рисклари пайдо бўлади. Масалан, форвард курси валюталарнинг кучли ва кучсиз позицияларини, фоиз ставкалардаги фарқларни хисобга олиши лозим. Бу омиллар форвард курсининг “спот” курсдан жиддий ошишига олиб келиши мумкин.

“Аутрайт” курси – бу, мукофот ва дисконт услуби орқали аниқланадиган муддатли шартнома курсидир.

Кросс-курс – бу, икки валюта орасидаги курсни учинчи валюта орқали аниқлаш услуби ёрдамида топилган курсдир.

Котировка услублари, сотувчи ва сотиб оловчи курслари.

Валюта курслари котировка услубларига қараб белгиланади. Котировка тўғри ва тескари бўлиши мумкин.

Агарда мамлакатда бир бирлик хорижий валюта миллий валютада ифодаланса, бундай котировка тўғри котировка бўлади. Масалан, 1A+Ш доллари 1140 Ўзбекистон сўми, Японияда 1 A+Ш доллари 100 Япон иенаси ёки Швейцарияда 1 A+Ш доллари 1,2930 швейцария франки.

Агарда мамлакатда бир бирлик миллий валюта хорижий валютада ифодаланса, бу котировка тескари котировка бўлади. Масалан, Буюк Британия 1 фунт стерлинг – 2,0005 швед кронаси, A+Ш да 1 доллар – 0,65 фунт стерлинг ёки 1 доллар – 1,7550 швед кронаси.

Ҳар қандай валюта операцияларида сотувчи ва сотиб оловчи курслари аниқланади. Котировка услугуга қараб улар ҳар хил бўлиши мумкин.

Масалан, тўғри котировкада банклар хорижий валютани паст курсда сотиб оладилар ва юқори курсда сотадилар. Тескари котировкада эса, аксинча, банклар хорижий валютани юқори курсда сотиб оладилар ва паст курсда сотадилар.

Масалан, Нидерландия бозорида 1USD: 1,6204 ёки 1,6209 NLG бўлганда, банклар A+Ш долларини 1,6204 NLG дан сотиб олади ва 1,6209 NLGдан сотади.

Ёки, Швейцария бозорида 1USD: 1,1760 ёки 1,1765 CHF бўлганда, банклар А+Ш долларини 1,1760 CHFдан сотиб олади ва 1,1765 CHFдан сотади.

Тескари котировкада, аксинча, банклар қиммат (юқори) курсда сотиб олади ва арzon (паст) курсда сотади.

Масалан, Буюк Британия бозорида 1GBP: 1,5300 ёки 1,5305 USD бўлганда, банклар 1,5305 USDдан сотиб олади ва 1,5300 USDдан сотади.

Ёки, Америка +ўшма Штатлари бозорида 1USD: 1,1760 ёки 1,1765 CHF бўлганда, банклар 1,1765 CHFдан сотиб олади ва 1,1760 CHFдан сотади.

### 3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. Валюта демпинги тушунчаси.

Валюта курсига таъсир этувчи омиллар жуда кўп, уларнинг ичида энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

1. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари (ялпи миллий маҳсулот бўйича).

1. Пул бирликларининг сотиб олиш қобилияти ва инфляция суръати.

Валюталарнинг сотиб олиш қобилияти бўйича бир бирига нисбатан ўлчаниши (сотиб олиш қобилиятини паритети) қиймат қонунини акс эттирган ҳолда валюта курсининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Валюта курси ва пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти орасидаги мувофиқлик ҳамма вақт ҳам кузатилмайди. Масалан, 1980 йил ичида А+Ш долларининг курси Дойч маркага нисбатан 2%га ўсган, аммо шу билан биргалиқда ички бозорда долларнинг сотиб олиш қобилияти 13%га, дойч марканиқи эса 6%га пасайган. Бунинг сабаби шундаки, валюталарнинг кунлик курслар котировкаси уларни сотиб олиш қобилиятларига нисбатан корректировка қилинмаслигида ва валюта курсларига бошқа омилларнинг таъсиридадир.

2. Мамлакат тўлов балансининг аҳволи бевосита валютага бўлган талаб ва таклифга, валюта курсининг даражасига таъсир этади ва унинг у ёки бу тарафга оғиб кетишига олиб келади.

Актив тўлов баланси миллий валюта курсини ўсишига олиб келади, чунки хорижий қарздорлар томонидан унга бўлган талаб ошиб боради. Пассив тўлов баланс эса, аксинча миллий валюта курсининг пасайишига олиб келади.

3. Турли мамлакатлардаги фоиз ставкаларнинг бир-биридан фарқи. Фоиз ставкасининг кўтарилиши хорижий капиталларнинг мамлакатга оқиб келишини рафбатлантиради. Фоиз ставкаларининг пасайиши эса, аксинча, капиталнинг, шу жумладан миллий капиталнинг ҳам мамлакатдан четга оқиб кетишига олиб келади.

Капитал ҳаракати (оқими), айниқса “қайнок” (чайқов) пуллар тўлов баланслар мувозанатсизлигини кучайтириб юборади.

Фоиз ставкалари валюта бозорлари операцияларига ва ссуда капиталлари бозорларидаги операцияларга таъсир этади. Операцияларни амалга оширишда банклар, максимал фойда олиш мақсадида, миллий ва

халқаро бозордаги фоиз ставкаларнинг фарқларини ҳисобга оладилар. Улар хорижий ссуда капиталлари бозорида арzonроқ кредит олиб, хорижий валютани миллий ссуда капиталлари бозорида нисбатан юқорироқ фоизда жойлаштиришга ҳаракат қиласидилар.

4. Валюта бозорларининг фаолияти ва чайқов валюта операцияларининг валюта курсига конъюнктуравий таъсири. Агарда бирор бир валютанинг курси пасайиб борса, бозор иштирокчилари уни нисбатан мувозанатлироқ валютага алмаштирадилар ва бу билан улар унинг қадрсизланишини тезлаштириб юборадилар.

Валюта бозорлари мамлакат иқтисодида ва сиёсатида бўлаётган ўзгаришларга, курслар нисбатининг тебранишига тез акс таъсир кўрсатади.

Евробозорда у ёки бу валютадан фойдаланиш даражаси унинг курсига бевосита таъсир этади. Масалан, Евробанклар операцияларининг 70-75% А+Ш долларида амалга ошиши, А+Ш долларига бўлган талаб масштабларини белгилайди.

5. Давлат томонидан мувофиқлаштириш ва мамлакат Марказий банкининг валюта сиёсати.

6. Мамлакатнинг тўлов қобилияти ва жаҳон бозорида мамлакат миллий валютасига ишонч даражаси. Агарда мамлакатнинг иқтисодий ҳолати жаҳонда юқори баҳоланаётган бўлса, унда унинг валютаси кучли ҳисобланади ва иқтисодий жиҳатдан кучсизроқ ҳисобланган давлат валютасига нисбатан юқорироқ баҳода сотилиши мумкин.

7. Кутилаётган инфляция даражаси, унинг суръатлари, ички бозорда пул массасининг ўсиши.

8. Валюта курсига ундан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси ҳам таъсир этади. Масалан, 1980 йилларнинг ўрталарида А+Ш доллари зиммасига халқаро ҳисоб-китобларнинг 60% и тўғри келар эди.

9. Валюталарнинг курс нисбатларига яна халқаро тўловларнинг тезлашиши ёки секинлашиши ҳам таъсир этади. Масалан, муайян валюта курсининг пасайишини кўзда тутган ҳолда қарздорлар, зарар кўрмаслик учун контрагентларга бу валютадаги тўловларни тезлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Агарда валюта қадрининг кўтарилиши кутилса, аксинча, бу валютадаги тўловларни амалга оширишнинг кечикирилиши кузатилади. Жаҳон бозоридаги бундай тактика “лидз энд лэёз” номини олган ва у тўлов баланси ва валюта курсига таъсир этади.

Таянч иборалар: валюта курси, паритет, фоиз ставкалари, харид паритети назарияси, кросс курс, инфляция.

### Назорат саволлари

1. Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.
2. Эркин сузуб юрувчи курслар. +атъий белгиланган курслар: олтин стандартлар.

3. Бошқариладиган курслар. +атыйй белгиланувчан курслар ва мосланувчан курсларни таққослаш.
4. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.
5. Халқаро савдодаги ўзгаришлар ва валюта курси.
6. Валютанинг харид қобилияти паритети.
7. Фоиз ставкаларидаги фарқларнинг валюта курсига таъсири.
8. Ҳукуматнинг валюта бозорига аралашуви ва валюта курси.
9. Сиёсий омилларнинг валюта курсига таъсири.
10. Валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.
11. Юқори даражали инфляция шароитида валюта курси.
12. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш муаммолари.
13. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши.
14. Валюта дилинги тушунчаси.
15. Валюта клиринги, унинг аҳамияти ва турлари.
16. Валюта курси ва унинг бошқарилиши.
17. Валюта бозори: мақсади, функцияси
23. Своп операцияси тушунчаси.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги Қонуни, 2003 й. 11 декабр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. 2002 й. 4 апрел.
6. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Халқ сўзи. 31.08.2007
8. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Тошкент, 2006.
9. Каримов И.А. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим»//Халқ сўзи. 11.02.2006.
10. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Т.: Ўзбекистон, 2005.

11. Каримов. И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Т.,Ўзбекистон, 2005.
12. Тожиев Р.Р., Насриддинов Ф.Н. Халқаро молия: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2007. -185 б.
13. Тожиев Р.Р., Насриддинов Ф.Н. Монетар сиёсат: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2007. -200 б.
14. Л.Н. Красавина «Международнүе валютно-кредитнүе и финансувёе отношения». - М.: «Финансу и статистика» 2006. 576 с.
15. Tojiev R.R. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari. O'quv qo'llanma. T."Adabiyot jamg'armasi". 2006-220b
16. Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллик йилларида: Илмий оммабоп рисола – Т.: Иқтисодиёт, 2007. -225 б.
17. Тожиев Р.Р., Хакимов И.С., Якубова Ш.Ш. «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», Ўқув қўлланмат: ТДИУ, 2006 й.

**Вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)

### **З-МАВЗУ. ВАЛЮТА СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ**

1. Валюта сиёсати тушунчасининг мазмунни ва аҳамияти<sup>7</sup>
2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.<sup>8</sup>
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати.

Валюта сиёсати - бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндишидир<sup>9</sup>.

Валюта сиёсати ҳукумат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмидир. Валюта сиёсати ҳар доим ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатининг стратегик мақсадларига мос бўлиши керак. Давр нуқтаи назаридан валюта сиёсати икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: а) жорий; б) перспектив.

Валюта сиёсатининг асосан икки шакли бор:

- дисконт сиёсати;
- девиз сиёсати;

Дисконт сиёсати бу Марказий банкинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

1. Ҳисоб ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

Марказий банкинг ҳисоб ставкаси - 0.5%

2. Тижорат банклари ўзларининг портфелидан қимматли қофозларни гаровга қўйиш орқали Марказий банкдан олган кредити ломбард кредит ҳисобланади. Ломбард кредитнинг фоиз ставкаси ломбард ставкаси ҳисобланади. Ломбард ставкаси ҳар доим ҳисоб ставкасидан икки-уч пункт юкори юради.

3. Тўғридан-тўғри кредит олиш.

Капиталнинг давлатлараро эркин тарзда ҳаракатида мавжуд бўлган Марказий банкинг ҳисоб ставкасининг ўсиши бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан вақтинчалик бўш валюта маблағларининг оқиб келишига сабаб бўлади. Бу эса тўлов балансининг активлашувига ва миллий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади.

Девиз сиёсати деганда, давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади. Девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли бу валюта интервенцияси ҳисобланади.

---

<sup>7</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битириув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

<sup>8</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битириув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

<sup>9</sup> Тожиев Р., Жумаев Н. Марказий банкинг монетар сиёсати. Т.ТДИУ-2002. 67-бет.

Валюта интервенцияси Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

Ўзбекистон Республикасида валюта интервенциясининг асосий мақсади Республика Валюта Биржаси фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Валюта интервенцияси одатда қисқа муддатли вақт оралиқларида фавқулодда юзага келадиган миллий валюта курсларининг кескин тебранишига барҳам бериш мақсадида қўлланилади.

Девиз сиёсатининг валюта интервенциясидан фарқли яна бир қанча турлари мавжуд. Шуларнинг асосийлари сифатида қуидагиларни ажратиш мумкин:

- валютавий чеклашлар;
- девальвация;
- ревальвация;
- чет эл валютасидаги резервларни диверсификация қилиш.

Валютавий чеклашлар одатда миллий валюта курси ва тўлов баланси ҳолати кескин ёмонлашиб кетишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Валютавий чеклашлар асосан тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида жуда кенг қўлланилади.

Резидентлар - хукуқий шахсларга сўмни эркин валюталарга конвертираштириш борасида маълум чеклашлар мавжуд. Бу чеклашлар конвертациялашда айрим товар турларига енгилликлар бериш жараёнида маълум бўлади. Валютавий чеклашларнинг энг юқори шакли валюта қамали ҳисобланади.

Валюта қамали деб халқаро ташкилотлар ёки айрим мамлакатлар гурухи томонидан баъзи бир мамлакатларга нисбатан валюта тушумларининг келиши жараёнида тўсқинлик қилиш тушунилади.

Девальвация - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосда пасайтирилишидир.

1. Девальвация экспортни рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.
2. Миллий валютанинг реал харид баҳоси билан расмий курс ўртасида фарқ пайдо бўлганда амалга оширилади.

Ревальвация - миллий валюта курсини чет эл валюта курсига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рағбатлантириш ва миллий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.

Чет эл валюталарини диверсификация қилиш деганда бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади. Ҳозирги кунда диверсификация резервлар таркибидағи нобарқарор валюталарни сотиб, ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш тарзида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда уч мамлакат валютаси барча мамлакат бозорларида нисбатан барқарор валюта сифатида тан олинган:

1. Европа иттифоқи - евро;
2. Япония иенаси;

### 3. Швейцария франки.

1994 йил 1 июлдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил тарзда валюта сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Доимий тарзда фаолият кўрсатувчи республика валюта биржасининг юзага келтирилиши, тижорат банкларига эркин тарзда хорижий банклар билан корреспондент муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқларининг берилиши валютавий операцияларнинг ривожланишидаги дастлабки тадбирларидан бўлди.

Валюта операцияларининг ривожланиб бориши ҳуқуқ ва жавобгарликнинг ошишига олиб келди. Чунки Марказий банк валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органи ҳисобланади. Марказий банкнинг валюта операциялари ичida учта валюта операциясини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. Миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валюталарини сотиши ва сотиб олиш билан боғлиқ операциялар;
2. Расмий олтин валюта заҳираларини бошқариш билан боғлиқ операциялар;

Марказий банк ўз балансидаги барча олтин валюта заҳираларининг самарали бориши юзасидан жавобгардир. У Марказий банк фаолиятига зид бўлмаган барча турдаги операциялар воситасида ўз заҳираларини бошқаради. Марказий банк бошқа мамлакат Марказий банкларидан ўзининг корреспондент счёtlарига эга бўлиб, барча операциялар шу счёtlар орқали ўтади. Лекин Марказий банк тижорат структуралари билан бевосита кредит ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишга хақли эмас. Бу эса унинг резерв бошқариш имкониятларини чеклайди. Марказий банк қўпинча своп операцияларидан фойдаланади.

3. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ операциялар. Ривожланган хорижий мамлакатларда А+Ш, Германия, Австралияда ҳукуматнинг чет эл валютада резервлари мавжуд эмас.

#### **1. Валюта муносабатларининг бозор ва давлат томонидан тартибга солиниши. Валюта сиёсати ва унинг шакллари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро валюта муносабатларининг бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштирилишини жаҳон тажрибаси кўрсатади. Валюта бозорида валюталарга талаб ва таклиф ҳамда валюта курсларининг бир-бирига нисбати шаклланади. Бозор орқали мувофиқлаштириш қиймат ҳамда талаб ва таклиф қонунларига бўйсунгандир. Ушбу қонунларнинг валюта бозоридаги рақобатчилик шароитидаги ҳаракати валюта алмашувларининг нисбий эквивалентлиги, халқаро молиявий оқимларнинг товарлар, хизматлар, капиталлар, кредитлар ҳаракати билан боғлиқ жаҳон хўжалиги эҳтиёжларига мослигини таъминлайди. Бозордаги баҳо механизми ва валюта курси динамикасининг

дараклари орқали иқтисодий агентлар валюта сотиб олувчиларнинг эҳтиёжлари ҳамда таклиф имкониятлари ҳақида маълумот оладилар. Демак, бозор валюта операциялари ҳолати ҳақидаги маълумотлар манбаи сифатида майдонга чиқади.

Бироқ, давлат азалдан валюта муносабатларининг жаҳон хўжалик алоқаларидаги муҳим ролини ҳисобга олган ҳолда дастлаб билвосита, кейинчалик эса бевосита валюта муносабатларига аралашиб келган. Олтин стандартининг XX аср 30-йилларида бекор қилиниши натижасида олтин нуқталар механизмининг валюта курсининг стихияли мувофиқлаштирувчи сифатидаги ҳаракати тўхтади. Курс нисбатларининг катта ва кескин ўзгариши ҳамда валюта инқирозлари оғир ижтимоий иқтисодий оқибатларни келтириб чиқарган ҳолда миллий ва жаҳон иқтисодиётларига салбий таъсир этди.

Валютанинг бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштирилиши бир-бирини тўлдиради. Рақобатчиликка асосланган бозор ривожланишда рағбатлантирувчи омилларни келтириб чиқаради, давлат эса валюта муносабатларини бозор томонидан мувофиқлаштирилишининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Бу икки мувофиқлаштирувчилар орасидаги чегара аниқ бир ҳолатдаги манфаат ва йўқотишлар билан белгиланади. Шу сабабли улар орасидаги нисбат тез ўзгарувчандир. Инқирозли ларзалар, урушлар, урушдан сўнгги вайронагарчиликлар шароитида валюта муносабатларининг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши устунлик қиласи. Валюта-иктисодий шароитни яхшиланиши билан валюта операциялари борасида эркинлаштириш юз беради, ушбу жараёндаги бозор рақобатчилиги рағбатлантирилади. Аммо, давлат валюта муносабатлари устидан кузатув ва чекловларни амалга ошириш мақсадида доим валюта назоратини ўз қўлида сақлаб келади.

Бозор иқтисодини мувофиқлаштириш тизимида муҳим ўринни валюта сиёсати эгаллайди. Валюта сиёсати – бу, мамлакатнинг жорий ва стратегик мақсадларига мувофиқ ҳалқаро валюта ва бошқа иқтисодий муносабатлари жараёнида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.<sup>10</sup> Ушбу сиёсат иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, ишсизлик ва инфляция ўсишини секинлаштириш, тўлов баланси мувозанатини қўллаб-қувватлаш шароитида иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсадларига эришишга қаратилгандир.

Валюта сиёсатининг йўналишлари ва шакллари мамлакатларнинг валюта-иктисодий ҳолати, жаҳон хўжалигининг эволюцияси, жаҳон аренасидаги кучларнинг жойлашиши билан белгиланади. Турли тарихий босқичларда биринчи қаторда валюта сиёсатининг аниқ вазифалари туради: валюта инқирозини бартараф этиш ва валюта барқарорлигини таъминлаш; валюта чекловлари, валютанинг эркин айирбошланишига ўтиш, валюта операцияларини эркинлаштириш ва шу кабилар. Валюта сиёсати

<sup>10</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

мамлакатларнинг ўзаро алоқалари тамойилларини акс эттиради: нисбатан кучсиз (биринчи навбатда ривожланиб бораётган) ҳамкорлар камситилишини келтириб чиқарувчи ҳамкорлик ва келишмовчиликлар, бошқа давлатлар ички ишларига аралашув.

Расмий ақида даражасига кўтарилиган маълум бир назария валюта сиёсатининг асосланиши бўлиб хизмат қиласди. Юридик нуқтаи назардан валюта сиёсати валюта қонунчилиги билан расмийлаштирилади. Валюта қонунчилиги – бу, мамлакатда ва унинг ташқарисида валюта қимматликлари билан операцияларни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи хукуқий меъёрлар тўпламидир.<sup>11</sup> Ушбу атама ўз ичига валюта муаммолари бўйича давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама валюта келишувларини ҳам олади. Замонавий валюта келишувларининг тарихий шаклларидан бири Лотин танга иттифоқи эди (1865-1926й.й.). Унинг мақсади аъзо-мамлакатлар ягона пул бирлигини ўрнатиш эди. Бунда, бир мамлакатнинг танга пуллари бошқа мамлакатларда қонуний тўлов воситаси бўлиб ҳисобланар эди. 1857 йилдаги Париж келишуви, олтин-танга стандартига асосланган биринчи жаҳон валюта тизими шаклланишини асослаб берди. Кейинчалик Генуядаги конференция олтин-девиз стандарти шаклланишини асослади. 1944 йил Бреттон-Вудс валюта келишуви эса урушдан сўнгги валюта тизимининг тамойилларини мустаҳкамлади. Ямайка валюта келишуви замонавий валюта тизимининг тамойилларини ўрнатди. Ҳудудий бирлашмалар доирасида ҳам валюта битимлари тузилди. Масалан, XX аср охири ва XXI аср бўсағасида ягона валюта “ЕВРО” га асосланган Европа иқтисодий ва валюта иттифоқини, Европа валюта тизимини (1979й.) ташкил этиш тўғрисидаги битимлар.

Валюта сиёсатини амалга оширишнинг воситаларидан бири бу валютани мувофиқлаштиришdir. Валютани мувофиқлаштириш – бу, давлат томонидан халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта операцияларини ўтказиш тартибини чегаралашдир; у миллий, давлатлараро ва ҳудудий даражаларда амалга оширилади.<sup>12</sup> Тўғридан-тўғри валюта мувофиқлаштирилиши қонуний актлар ва ижро ҳокимиятининг хатти-харакатлари билан амалга оширилади. Билосита мувофиқлаштириш - бозор иқтисодий агентларининг хатти-харакатларига иқтисодий, хусусан валюта-кредит таъсир услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ҳўжалик алоқаларининг глобаллашуви давлатлараро валюта мувофиқлаштирилишини ривожига кўмаклашди. У қуйидаги мақсадларни кўзлайди: жаҳон валюта тизими таркибий тамойилларини чеклаш, алоҳида мамлакатлар валюта сиёсатининг координацияси, валюта инқизози асоратларини бартараф этиш ҳамкорлигидаги чора-тадбирлар, етакчи давлатлар томонидан ўз валюта сиёсатларининг бошқа мамлакатларга нисбатан ўзаро келишиб олиши.

<sup>11</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

<sup>12</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2001г.

Худудий валюта мувофиқлаштирилиши иқтисодий интеграцион бирлашмалар доирасида, масалан Европа Иттифоқи, ривожланиб бораётган давлатларнинг худудий гурухларида амалга ошади.

Валюта муаммолари бўйича ҳал қилувчи қарорларнинг тайёрланиши ва қабул қилиниши ҳамда амалга оширилишини валюта сиёсати белгилайди. Валюта муносабатларини мувофиқлаштириш ўз ичига қўйидаги босқичларни олади:

а)хусусий корхоналар, биринчи навбатда ниҳоятда катта валюта ресурсларига эга ва валюта операцияларида актив иштирок этадиган миллий ва ҳалқаро банклар ва корпорациялар;

б)миллий давлат (Молия Вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати органлари);

в)давлатлараро даражада.

Валюта, кредит ва молия сиёсатларини координация қилиш шаклидаги давлатлараро мувофиқлаштириш қўйидаги сабаблар билан асосланган:

а)ўз ичига валюта, кредит, молия муносабатларини олган ҳолда миллий иқтисодлар ўзаро боғлиқлигининг кучайиши;

б)бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштириш ўзаро нисбатининг хўжалик муносабатларини эркинлаштириш шароитларида бозор фойдасига ўзгариши;

в)жаҳонда кучлар нисбатининг ўзгариши; А+Шнинг якка ҳукмонлиги барҳам топди, ҳамда жаҳонда ҳамкорлик ва ракибликтининг уч маркази (А+Ш, /арбий Европа, Япония) ҳукмонлиги билан алмашди. Шу билан биргаликда, янги индустрисал давлатлар сифатидаги ёш рақобатчилар майдонга чиқди;

г)валюта курслари, фоиз ставкаларининг тебраниши, даврий нефт шоклари, биржа, валюта ва банк инқирозлари ҳамда бошқа шу кабилар сабабли барқарорсизлиги билан ажralиб турадиган жаҳон валюта, кредит, молия бозорларининг йирик масштаблари.

Давлатлараро валюта мувофиқлаштиришнинг органи бўлиб ХВФ ҳисобланади, 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса мунтазам равишдаги, иштирокчилари чекланган олий даражали йиғилишлар ҳам унинг қаторига қўшилди. Ушбу йиғилишлар ўтказилишининг сабабчиларидан бири жаҳон энергетик инқирози бўлиб, бунда ривожланган давлатлар томонидан нефт баҳолари ўсишининг салбий оқибатларини олдини олиш мақсадида ўзаро келишилган чора-тадбирлар кўрилиши лозим эди. Шу пайтдан бошлаб юқори даражадаги йиғилишларда жаҳоннинг долзарб иқтисодий ва сиёсий масалалари муҳокама этила бошлади. Юқори даражадаги йиғилишларнинг биринчиси 1975 йилнинг ноябр ойида Франциянинг Рамбуйе шаҳрида олтига етакчи давлат иштирокида ўтказилган. 1976 йилдан бошлаб “еттиликнинг” (А+Ш, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада) хар ийллик йиғилишлари ўтказилади.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлигининг сабаби хўжалик алоқаларининг глобаллашуви, мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий

ривожланиши, ҳамкорлиги ва қарама-қаршиликларининг бекарорлигидадир. Давлатбошиларнинг мунтазам консультациялари ягона иқтисодий ва сиёсий стратегия ишлаб чиқилишини қўзлайди. Олий даражадаги ҳалқаро йиғилишлар ривожланган давлатлар иқтисоди ва сиёсатининг барча жабҳаларида шаклланган алоқа тизимининг таркибий элементидир. Ушбу йиғилишларда анъанавий равишда икки тенденция намоён бўлади, яъни ҳамкорлик ва келишмовчиликлар.

Валюта сиёсати, мақсад ва шаклларига кўра таркибий ва жорий сиёсатларга бўлинади. **Таркибий валюта сиёсати** – бу, жаҳон валюта тизимида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган узоқ муддатли чора-тадбирлар йиғиндисидир.<sup>13</sup> У барча мамлакатлар манфаатида валюта тамойилларини такомиллаштириш мақсадида валюта ислоҳотлари шаклида амалга оширилади ва муайян валюталарга имтиёзлар берилиши учун кураш билан ҳамоҳанг олиб борилади. Таркибий валюта сиёсати жорий сиёсатга таъсир кўрсатади. **Жорий валюта сиёсати** – бу, валюта курси, валюта операциялари, валюта бозори ва олтин бозори фаолиятини кунлик тезкор мувофиқлаштиришга қаратилган қисқа муддатли чора-тадбирлар йиғиндисидир.

**Валюта сиёсатининг шакллари.** Валюта сиёсатининг қуйидаги шакллари қўлланилади: дисконт, девиз сиёсати ва унинг турларидан бири бўлмиш валюта интервенцияси, валюта заҳираларининг диверсификацияси, валюта чекланишлари, валюталарнинг алмашиниш даражаларини мувофиқлаштириш, валюта курси режими, девальвация, ревальвация.

Дисконт (ҳисоб юритиш) сиёсати – бир томондан, капиталларнинг ҳалқаро ҳаракатига валюта курси ва тўлов балансини, иккинчи томондан ички кредитлар, пул массаси, баҳолар, ялпи талаб динамикасининг таъсир этиши орқали мувофиқлаштиришга йўналтирилган Марказий банк ҳисоб юритиш ставкасининг ўзгаришидир. Масалан, пассив тўлов балансида капиталларнинг нисбатан эркин ҳаракатлана олиши шароитида ҳисоб юритиш ставкасининг кўтарилиши фоиз ставкалари нисбатан паст бўлган мамлакатлардан капиталларнинг оқиб келишини рағбатлантириши ва миллий капиталларнинг мамлакатдан оқиб кетишининг олдини олиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тўлов баланси ҳолатининг яхшиланиши ва валюта курсининг кўтарилишига олиб келади. Расмий ставкани пасайтирган ҳолда Марказий банк тўлов баланси актив сальдосини ва ўз миллий валютаси курсини пасайтириш мақсадида миллий ва хорижий капиталларнинг оқиб кетишига ишонади.

Замонавий шароитда дисконт сиёсатининг самарадорлиги пасайди. Бу эса унинг ички ва ташқи мақсадларининг ўзаро қарама-қаршилигини кучайганлиги билан изоҳланади. Агар фоиз ставкалари конъюнктуруни жонлаштириш мақсадида пасайтирилаётган бўлса, бу капиталларнинг оқиб

<sup>13</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

кетишини келтириб чиқарған ҳолда түлов балансига салбий таъсир этади. Түлов баланси ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳисоб юритиш ставкасининг кўтарилиши мамлакат иқтисодига салбий таъсир этади, агарда у тушкунлик ҳолатида бўлса. Дисконт сиёсатининг маҳсулдорлиги мамлакатга хорижий капиталнинг оқиб келишига боғлиқдир, аммо барқарорсизлик шароитида фоиз ставкалари ҳамма вақт ҳам капиталлар оқимини белгилаб беравермайди. Капиталлар ва кредитлар халқаро ҳаракатини мувофиқлаштириш ҳам ҳисоб юритиш сиёсатининг түлов балансига бўлган таъсирини бирмунча пасайтиради. Бу ердан дисконт сиёсатининг қисқа муддатлилиги ва нисбатан паст самарадорлилиги келиб чиқади. Етакчи давлатларнинг, биринчи навбатда А+Шнинг дисконт сиёсати миллий манфаатларга зид равишда фоиз ставкаларни кўтариш ёки пасайтиришга мажбур бўлган рақобатчиларга салбий таъсир этади. Натижада вақти-вақти билан фоизлар уруши пайдо бўлиб туради.

**Девиз сиёсати.** Бу, миллий валюта курсига давлат органлари томонидан хорижий валютанинг (девиз) олди-соттиси орқали таъсир этиш услубидир.<sup>14</sup> Миллий валюта курсини кўтариш мақсадида Марказий банк хорижий валютани миллий валютага сотади, пасайтириш учун эса аксинча, сотиб олади. Девиз сиёсати асосан валюта интервенцияси шаклида амалга оширилади. Валюта интервенцияси расмий олтин-валюта заҳиралари ёки марказий банкларнинг банклараро “своп” келишувларига асосан миллий валютадаги қисқа муддатли ўзаро кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Валюта интервенцияси XIX асрдан бошлаб қўлланила бошланди. Масалан, Россиянинг Давлат банки, Австро-Венгрия банки ўз миллий валюталари курсини қўллаб-қувватлаш мақсадида интервенциядан фойдаланган. Олтин монометализми бекор қилинишидан сўнг валюта интервенцияси кенг қўлланила бошланди. 1929-1933 йиллар жаҳон иқтисодий инқирози шароитида валюта интервенциясидан марказий банклар валюта демпингига қўмаклашиш учун ўз валюталари курсини пасайтириш мақсадида фойдаланган.

Валюта интервенцияларини ўтказишнинг моддий асоси бўлиб А+Ш, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларда 1930 йилларда ташкил этилган валюта барқарорлаштириш фондлари хизмат қилди. Валюта барқарорлаштириш фондлари – бу, валюта курсини мувофиқлаштириш мақсадида валюта интервенциясида ишлатиладиган олтин, хорижий ва миллий валюталардаги давлат фондларидир. Замонавий шароитда, айрим мамлакатларда, ушбу фондларнинг белгиланиши ва роли ўз хусусиятларига эга. Францияда, юқорида зикр этилган фонд, мақсадли фонд бўлиб, расмий олтин-валюта заҳираларининг доирасида ажратилади. Франция банки, ўз интервенция операцияларининг ҳарактери ва кўламини ошкора этмаслик учун, ушбу фонднинг ҳажмини матбуотда эълон қилмайди.

<sup>14</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

А+Шда эса валюта барқарорлаштириш фонди ўз аҳамиятини йўқотди (унинг 2 млрд. А+Ш долларидаги ҳажми, барпо этилиш пайтидан бошлаб, яъни 1934 йилдан ўзгармасдан келмоқда), чунки федерал заҳира банклари валюта интервенциясини асосан “своп” келишувининг шартлари асосида хорижий марказий банклар кредитлари ҳисобига амалга оширадилар. Буюк Британияда, ҳозирги кунда, валюта барқарорлаштириш фонди мамлакатнинг барча расмий олтин-валюта заҳираларини ўзида бирлаштиради.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, янги ўзгариш сифатида ХВФ ва худудий ВИЕФ (Валюта Иттифоқининг Европа Фонди) давлатлараро мувофиқлаштириш органлари яратилди. ВИЕФ 1994 йилда Европа валюта иттифоқи билан, 1998 йилнинг июлидан бошлаб эса Европа Марказий банки билан алмаштирилди.

Бреттон-Вудс валюта тизими доирасида валюта интервенцияси мунтазам равишда қатъий белгиланган валюта курсларини қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилган эди. Ямайка валюта тизимининг эркин сузувчи курслар режимига ўтилиши шароитида валюта интервенцияси курслар кескин тебранишининг оқибатларини бартараф этишга қаратилди. Европа валюта иттифоқида валюта интервенцияси валюта курслари тебранишларини белгиланган чегараларда ушлаб туриш учун ишлатилади. Интервенция валютаси сифатида А+Ш доллари билан биргаликда немис маркаси ҳам ишлатила бошланди.

1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, айрим пайтларда, бир қатор мамлакатлар марказий банклари томонидан коллектив валюта интервенцияси қўлланила бошланди. 1974 йилнинг май ойида А+Ш, Германия, Швейцария давлатларининг коллектив интервенцияси тўғрисида Базель келишувига имзо чекилди. Ушбу келишувга 1975 йилни февраль ойида Франция ҳам қўшилди. 1975 йилда Рамбуйедаги келишувда олти мамлакат бошлиқлари ҳамкорликдаги валюта сиёсати ва ўзаро қўллаб-қувватлашнинг зарурлигини тасдиқладилар. 1975 йилнинг декабр ойидан “ўнлик гурухи” мамлакатлари ҳамкорликда “своп” келишуви шартлари асосида валюта интервенциясини амалга оширедилар. 1985 йилдан бошлаб саноат жиҳатидан ривожланган беш етакчи давлат етакчи валюталар курсларини мувофиқлаштириш мақсадида ҳамкорликдаги валюта интервенцияларини мунтазам равишида амалга ошироқдалар.

Девиз сиёсати бевосита валюта курсига таъсир этади, аммо ушбу таъсир муваққат ва чекланган қўлламлардадир. Валюта интервенциясига бўлган йирик харажатлар ҳамма вақт ҳам валюта курслари барқарорлигини таъминлай олмайди, агарда курс шаклланишининг бозор омиллари давлат мувофиқлаштиришидан устунроқ бўлса. Масалан, Япония Банки 1998 йилнинг апрелида валюта бозорида 21 млрд. А+Ш долларини (валюта заҳираларини 10 фоизи) сотди, бироқ сўнгги 8 йил ичида энг юқори (1А+Ш доллари учун 1380 иена), рекордли иена курси тушишининг олдини ололмади ва Япония валюта интервенциясини чеклашга қарор қилди.

**Валюта захираларининг диверсификацияси** – давлатлар, банклар, ТМКларнинг халқаро ҳисоб-китоблар, валюта интервенциясини амалга ошириш ва валюта йўқотишларидан ўзини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида валюта захиралари таркибига турли валюталарни киритиш орқали таркибий тузилишини мувофиқлаштиришга йўналтирилган сиёсатидир.<sup>15</sup> Ушбу сиёсат одатда барқарорсиз валюталарни сотиш ва нисбатан барқарор ҳамда халқаро ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган валюталарни сотиб олиш орқали амалга оширилади. А+Ш долларининг барқарорсизлиги унинг капиталистик дунё расмий захираларидағи улушининг тебранишига сабаб бўлди (1973 йилда-84,5 фоиз, 1982 йилда-71,4 фоиз, 1990 йилда-60 фоизга яқин).

**Валюта паритетлари ва валюта курслари режими** миллий ва давлатлараро мувофиқлаштириш обьекти бўлиб ҳисобланади. Бреттон-Вудс келишуви шартларига мувофиқ мамлакатлар ўз миллий валюталари курсларини бозор баҳоси асосида А+Ш долларига нисбатан ХВФда қайд этдилар ва олтиннинг расмий баҳоси (1 тройская унция - 35 А+Ш доллари) асосида уларнинг заминидаги олтин миқдорларини белгиладилар. Фонд аъзолари бўлмиш мамлакатлар ўз валюталари бозор курсларини паритетидан +,-1 фоиздан оғиб кетишига йўл қўймаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. +атъий белгиланган курслар режими шароитида “курс оғишлари”, яъни расмий ва бозор курслари орасидаги фарқлар даврий равишда вужудга келиб турди. Бу эса валюта келишмовчиликларининг кучайишига олиб келди.

1971 йилнинг декабридаги А+Ш доллари девальвациясидан сўнг валюта курслари тебранишларининг чегаралари +,-2,25 фоизгача кенгайтирилган эди. Бир вақтнинг ўзида марказий курс, шартли ҳисоб-китоб курси сифатида киритилди. 1971 йилнинг 15 августида хорижий Марказий банклар учун А+Ш долларининг олtinga алмашинишини тўхтатилиши билан кўпчилик давлатлар эркин сузувчи курсларга ўтди, бу 1973 йил 16 марта “ўнлик грухий”нинг Париж Кенгаши билан тасдиқланган эди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари “европа валюта илони” режимини киритдилар – валюталар ўзаро тебранишининг тор чегараларидаги биргаликда тебранувчи валюта курслари режими. Аввал (1972 йилнинг апрели – 1973 йилнинг марта) “туннелдаги илон” режими қўлланилган эди. График ифодада “илон” Европа иттифоқининг олти мамлакат (Германия, Франция, Италия, Нидерландлар, Белгия, Люксембург) валюталарининг ўзаро тебранишларининг тор чегарасини (+,- 1,125%), “туннель” эса уларнинг долларга ва бошқа валюталарга нисбатан ташқи сузишини (+,- 2,25%) кўрсатар эди.

1973 йилнинг 19 марта “туннелнинг” бекор қилиниши билан бир қатор валюталар орасидаги тебраниш чегаралари (+,- 1,25%, 1976 йил январидан бошлаб эса +,- 4,5%, 1993 йилдан +,- 15%) сақланиб қолди.

<sup>15</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2001г.

Агарда, мамлакат валютасининг курси ушбу чегарадан пастга тушиб кетиш хавфи туғилса, Марказий банк валюта интервенциясини амалга оширишга, яъни миллий валютани хорижий валюта эвазига сотиб олишга мажбур эди. Тебранишлар кросс-курс орқали, долларнинг оралиқ курс ўлчовчиси сифатидаги иштирокида аниқланар эди. Валюта интервенциясини, ҳисоб-китобларни ва ўзаро кредит қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш мақсадида ВИЕФ (Валюта Иттифоқининг Европа Фонди, 1973-1995 й.й.), бундан сўнг Европа валюта институти (1994 й.), 1998 йил июнидан бошлаб эса Европа марказий банки ташкил этилди<sup>16</sup>.

1998 йил май ойида евро ҳудудининг таркиби (Европа Иттифоқининг 15 мамлакатидан 11 таси) тасдиқланганидан сўнг ягона валютага (евро) ўтиш жараёнининг салбий оқибатларидан сақланиш мақсадида 1999 йил январигача ушбу мамлакатлар валюталари курсларининг қаттиқ ўзаро боғлиқлиги киритилди. Бир вақтнинг ўзида фоиз ставкалари ҳам бир-бирига яқинлаштирилди. Европа Марказий банки, миллий манфаатлардан фарқли ўларок Европа Иттифоқининг умумий мақсадларига имтиёз берган ҳолда, ягона валюта курслари ва фоиз ставкаларини белгилайди.

Жаҳонда 10 турга яқин валюта курсининг режимлари мавжуд, чунки ХВФнинг ўзгартирилган Устави (1978 й.) аъзо-мамлакатларга курслар режимини танловида эркинлик хуқуқини берди. 1990 йиллар охирида 51 валюта (А+Ш, Буюк Британия, Швейцария, Япония, Канада ва бошқалар) мустақил сузиш хусусиятига эга бўлган, 49 мамлакатда (Бразилия, Венгрия, Хитой, Россия ва МДХнинг бир қатор мамлакатлари) курсларининг мувофиқлаштирувчи сузиши амалда қўлланилган, 20 валюта А+Ш долларига, 14 валюта – француз франкига, 4 таси СДРга, 12 валюта – ЭКЮга (Еврога ўтгунга қадар), 18 таси турли валюта саватларига боғлаб қўйилган.

Икки қатламли валюта бозори қатъий белгиланган ва эркин сузувчи курслар режимлари орасидан жой олган валюта сиёсатининг шаклидир. У 1970-йиллар бошида Бельгия, Италия, Францияда давлатларида киритилган. Унинг моҳияти валюта бозорининг икки қисмга бўлинишидадир, яъни тижорат операциялари ва хизматлар бўйича расмий курс ишлатилади, молиявий (капиталлар, кредитлар ва бошқа шу кабилар харакати) операциялар бўйича эса бозор курсидан фойдаланилади. Тижорат шартномалари бўйича нисбатан пасайтирилган курс товарлар экспортини рағбатлантириш ва тўлов баланси мутаносиблигини таъминлаш мақсадида ишлатилади. Тижорат ва молия курслари фарқлари сезиларли бўлган пайтларда Марказий банк уларни бирхиллаштириш мақсадида валюта интервенциясини амалга оширган. Икки қатламли валюта бозори валюта заҳираларини бирмунча тежаш имконини берган, чунки валюта интервенциясига бўлган талаб пасайган. Эркин сузувчи курслар режимига ўтиш муносабати билан икки қатламли валюта бозори Италияда 1973 йилда

---

<sup>16</sup> Peter Bond The Monetary and Financial Sistem. London. 2004.

ва Францияда 1974 йилда, кейинчалик эса Бельгияда бекор қилинди. Бирок, айрим ривожланиб бораётган мамлакатларда у ҳали ҳам сақланиб қолган.

Девальвация ва ревальвация валюта сиёсатининг анъанавий услуглариридир. **Девальвация** – бу, хорижий валюталар ёки халқаро валюта бирликларига, олтинга нисбатан миллий валюта курсининг пасайишидир. Унинг объектив асоси бўлиб расмий валюта курсининг бозор курсига нисбатан юқорироқ қуишилиши ҳисобланади. **Ревальвация** - бу, хорижий валюталар ёки халқаро валюта бирликларига, олтинга нисбатан миллий валюта курсининг кўтарилишидир.

Девальвация ва ревальвация тушунчаларининг эволюцияси иқтисоддаги, шу жумладан пул-кредит ва валюта тизимларидағи ўзгаришларни акс эттиради. Олтин стандарти шароитида девальвация деганда давлат томонидан пул бирлиги олтин сифимининг расмий асосда пасайирилиши, ревальвация деганда эса аксинча кўтарилиши тушуниларди, ҳамда у нафақат валюта, балки пулни барқарорлаштириш услуби бўлиб ҳам хизмат қиласади. 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози натижасидаги олтин стандартининг инқирозга учраши, 1976-1978 йилларда олтин паритетлари бекор қилингунга қадар, девальвация ва ревальвация жараёнлари миллий валюталарнинг олтин сифими ва хорижий валюталарга нисбатан курсининг ўзгаришига олиб келар эди. Эркин сузуви курслар шароитида эса ушбу жараёнлар бозорда стихияли асосда кунда амалга ошади ва хорижий валюталарга нисбатан курснинг ушбу ўзгариши даврий равишда қонуний асосда расман қайд этилади. Масалан, 1979 йилдан 1993 йилгача Европа Валюта Иттифоқида расмий асосдаги ревальвация ва девальвация 16 марта ўтказилган. “Девальвация” атамаси замонавий тушунишда валюта курсининг нисбатан узоқ муддатдаги ва сезиларли пасайишини англатади. Девальвациядан мамлакат халқаро операцияларига таъсир этиш услуби сифатидага мисолни кўриб чиқамиз. 1967 йил 18 ноябрида Буюк Британия фунт стерлингининг А+Ш долларига нисбатан курси 2,8 дан 2,4 долларгача пасайди. Валютанинг девальвация фоизини аниқлаш учун, ушбу валютани 1 сонга тенглаштириб, курслар фарқини дастлабки курсга бўлиб, сўнг 100 га кўпайтириш керак.

Агарда эски курсни Кс деб, девальвациядан кейинги янги курсни Кн деб белгиласак, унда девальвация фоизининг ҳисоб-китоб формуласи (Д) қўйидаги кўринишга эга бўлади:<sup>17</sup>

Кс - Кн

Д к ----- x 100.

Кс

Ушбу мисолда фунт стерлинглар девальвация миқдори қуйидагини ташкил этади:

2,8 – 2,4

Д к ----- x 100 қ 14,3%.

<sup>17</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

2,8

Фунт стерлинг билан биргаликда девальвация ўтказмаган хорижий давлатлар валюталари қимматлашды. Валютанинг ревальвация фоизини аниқлаш учун, ушбу валютани 1 деб қабул қилиб, курслар фарқини дастлабки курсга бўлиб, сўнг 100 га кўпайтириш керак, қуйидаги формулага мувофиқ:

$\frac{Кн - Кс}{Р_к} = \frac{1}{100}$

$\frac{Кс}{Кн}$

1 А+Ш долларининг фунт стерлинглардаги курсини аниқлаймиз:

1 фунт стерлинг  $\frac{1}{2,8}$  доллар

$\times \frac{1}{1}$  доллар

$\frac{1}{2,8}$

$\times \frac{0,35}{1}$ .

$\frac{0,35}{2,8}$

Демак, фунт стерлингларнинг девальвациясигача 1 А+Ш доллари 0,35 фунт стерлингга тенг эди, девальвациядан сўнг эса 0,41 фунт стерлингни ( $1/2,8$ ) ташкил этди. А+Ш долларининг мажбурий ревальвацияси қуйидагига тенг:

$\frac{0,41 - 0,35}{0,35} = \frac{0,06}{0,35} = 0,17$

$\frac{0,17}{100} = 16,7\%$ .

Инглиз экспортёrlари ўз валюталари девальвациясидан деярли ютди, чунки хорижий валютадаги (А+Ш доллари) тушумларини фунт стерлингларга алмаштирган пайтда улар 16,7% миқдорида девальвация мукофотини олдилар (ҳар бир доллар учун 0,35 ф.ст. ўрнига 0,41 ф.ст.). Инглиз импортёrlари эса аксинча ютқазадилар, чунки уларга энди тўлов валютасини сотиб олиш 14,3%га қимматга тушмоқда (1 фунт стерлинг учун 2,4 А+Ш доллари, 2,8 А+Ш доллари ўрнига). Англиялик қарздорлар ҳам арzonлашган фунтлар билан халқаро қарздорлик бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда ютадилар. Аммо, ушбу қарздорлик А+Ш долларларида ифодаланган бўлса ютқазадилар.

Курслар фарқи нуқтаи назаридан фунт стерлинг девальвацияси оқибатида А+Ш долларининг ҳақиқий ревальвациясидан А+Шнинг ютуқ ва йўқотишлари шартли ҳисоб-китобларини кўриб чиқамиз.

1. Ташқи савдо. Фараз қиласиз, А+Шнинг Буюк Британияга экспорти бўйича бажарилмаган шартномалар суммаси 20 млн. фунт стерлингни ташкил этади. Америка экспортёrlарининг зарарлари (ҳимоя шартлашуви йўқлиги пайтда) 8 млн. долларга етади, чунки улар тушум сифатида олинган

фунт стерлингларни А+Ш долларларига 1 фунт учун 2,8 доллар курси ўрнига 2,4 доллар курси бўйича алмаштирадилар, яъни:

20 млн. ф. ст. x (2,8 – 2,4) қ 8 млн. доллар.

Буюк Британиядан импорт бўйича бажарилмаган шартномалар суммаси – 15 млн. ф. ст. Америкалик экспортёрлар қўшимча 6 млн. доллар оладилар, чунки девальвация қилинган валютани нисбатан қимматлашган валюталарига сотиб олганда, улар ютадилар.

15 млн. ф. ст. x (2,8 – 2,4) қ 6 млн. доллар.

2. Халқаро кредит. Америкалик қарздорларга қарзлари бўйича ҳисобкитобларни фунт стерлингларда тўлаш қулай, чунки қарзни сўндириш учун улар нисбатан кам миқдорда доллар сарфлайдилар. Агар 5 млн. ф. ст. ҳажмида қарз сўндирилса, 2 млн. А+Ш доллари тежалади (5 млн. ф. ст. 0,4 доллар миқдоридаги курслар фарқига кўпайтирилади). Аммо, Америкалик кредиторлар зарап кўрадилар, чунки улар номинал жиҳатдан аввалги ҳажмда, лекин девальвация қилинган валютада реал жиҳатдан камроқ миқдордаги суммани оладилар. Яъни, А+Шлик кредиторнинг 10 млн. ф. ст. талаби мавжуд бўлган пайтда йўқотишлар ҳажми 4 млн. А+Ш долларини ташкил этади. Шу билан биргалиқда, девальвация қилинган нақд валюта ва стерлингли ҳисобварақ эгалари ҳам зарап кўрадилар. Бунда агрессив ва мудофаали девальвация ва ревальвациялар фарқланади.

Девальвация ва ревальвация натижалари аниқ шарт-шароитларга боғлиқ бўлади ва таъсири, агар бошқа омилларнинг акс таъсири бўлмаса, маълум бир вақтдан (лаг) сўнг ўзини намоён этади. Хусусан, А+Ш долларининг 1971 йилдаги девальвацияси фақат 1973 йилдагина А+Ш тўлов балансининг активлашишига кўмаклашди. Доллар курсини кўтаришга қаратилган А+Шнинг валюта сиёсати (1980-1984 йилларда ҳақиқатда 80%га) уларга, инфляция суръатини пасайтирган ҳолда, хорижий капиталлар ва арzon товарларнинг оқиб келиши сифатида фойда келтирди.

Девальвация баҳоларнинг ўсишига ва меҳнаткашлар ҳаёт даражасининг пасайишига, ревальвация эса, арzon хорижий товарлар рақобатини кўтара олмаётган тармоқлардаги ишсизликнинг кўпайишига кўмаклашади. Девальвация мамлакатлар орасида рақобатчилик курашини кучайтириб юборади. /арбий Европа давлатларининг долларнинг икки девальвациясидан йўқотишлари тахминан 10 млрд. А+Ш долларини ташкил этди. Ривожланиб бораётган давлатлар эса етакчи валюталар девальвацияларидан зарап кўрадилар.

Валюта сиёсатида икки қарама-карши бўлган тенденция ўзаро чамбарчас боғланиб кетади: ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилиши, валюта муаммоларини ҳал этишнинг ўзаро йўлларини топиш, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг бошқалар эвазига имтиёзга эга бўлишга интилиш оқибатидаги келишмовчиликлар. Бунинг муносабати билан вақти-вақти билан мамлакатлар валюта сиёсатининг турли шакллари ёрдамида истеъмол

бозорлари, капитал қуйилмалар жараёнлари, хом-ашё манбалари учун валюта жанглари бўлиб туради. Ушбу жангларда девальвация ва ревальвация, валюта курслари режимининг кўп хиллиги, валюта интервенцияси, валюта чекловлари ишлатилади.

Таянч иборалари: девальвация, ревальвация, девиз, дисконт, деноминация.

### **Назорат саволлари**

1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари.
2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.<sup>18</sup>
3. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётига таъсири.
4. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация, валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
5. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар.
6. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.
7. Валюта дилинги тушунчаси. (10404)
8. Валюта клиринги, унинг аҳамияти ва турлари. (10405)
9. Валюта курси ва унинг бошқарилиши. (10406)
10. Валюта бозори: мақсади, функцияси (10407)
11. Вексел муомаласи ва Ўзбекистон Республикасида вексел операциясини олиб борувчи банклар. (10408)
12. Халқаро молия бозорида валюта операцияларини турлари. (10410)
13. Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизими. (10422)
14. Халқаро валюта фонди, унинг Ўзбекистон иқтисодидаги роли. (10446)
15. Жаҳон валюта тизими ва замонавий валюта тизими муаммолари. (10449)
16. Своп операцияси тушунчаси. (10455)

### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
3. Березина Е. Международнўе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
4. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
5. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
6. Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
7. Красавина Л.Н. Международнўе валютнўе, кредитнўе и финансовые отношения, Москва. 2003 г. 608с.

---

<sup>18</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктиносидий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 477-бет.

8. Международнёе валютнёе, кредитнёе и финансовое отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
9. Наговицина А.Г., Иванов Б.В. Валютнй курс. Москва, 2002 г.
- 10.Рубцов Б.Б. Зарубежнёе фондовоe рёнки. Москва, 2003 г.
- 11.Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
- 12.Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнй опт. 2003 г.
- 13.Редход К., С. Хьюс. Управление финансовыми рисками. Москва, 2001 г.
- 14.Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
- 15.Свиридов О.Ю. Финансё, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
- 16.Семенов К.А. Международнй валютнёе и финансовое отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
- 17.Моисеев С.Р. Международнй валютнёе и кредитнёе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

### **Интернетдан олингган вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)

#### **4-МАВЗУ. ВАЛЮТА БОЗОРИ.**

1. Валюта бозори ва унинг иштирокчилари.<sup>19</sup>
2. Валюта бозорининг функциялари.

Замонавий валюта бозори, ялпи жаҳон хўжалиги миқёсида амал қилувчи, мураккаб ва мунтазам иқтисодий тизим сифатида майдонга чиқади.

Валюта бозори, янги шароитларга мослашган ҳолда, тинмай ривожланиб келган. У, хорижий валютадаги векселлар билан савдонинг локал марказларидан тортиб, то бирдан-бир ҳақиқий халқаро бозор шаклигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Замонавий шароитда валюта бозори ва валюта операцияларини амалга ошириш техникасини ўрганиш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Валюта бозорининг амал қилиш механизмини билиш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий муносабатларининг самарали амалга оширилиши учун муҳимdir.

Валюта бозори – бу, механизм бўлиб, унинг ёрдамида хорижий валюталарнинг олди-соттиси билан боғлиқ операциялар амалга ошади. Хорижий валюталарнинг олди-соттисига бўлган зарурат халқаро операцияларни амалга оширган пайтда пайдо бўлади: ташқи савдода, хорижий валютада кредит берилганда, хорижий валютадаги заҳираларини валюта курси тебранишидан суғурта қилганда.

Бир валютани бошқа бир валютага ўтказиш зарурати шундаки, одатда халқаро савдо шартномаларини ва капитал билан операцияларни амалга оширувчи шахслар ўз миллий валюталарига эга мустақил давлатларда яшайдилар. Табиийки, халқаро шартномаларда иштирок этувчи ҳар бир тараф ҳисоб-китобларни ўз миллий валюtasida амалга оширишдан манфаатдор. Бироқ, халқаро савдо шартномалари ва капитал билан операциялар эркин муомалада юрадиган валютада амалга оширилмоғи лозим.

Масалан, Япониялик экспортёр бразилиялик импортёрга “Тойота” автомобилларини сотмоқчи. Бунда, экспортёр импортёрдан тўловни Япон иеналарида, бразилия крузеросларида ёки А+Ш долларларида амалга оширишни талаб қилиши мумкин. Тўлов валютаси олдиндан келишилиб, шартномада қайд этилади. Аммо, юқоридаги мисолда қандай валюта ишлатилишидан қатъий назар, у валюта курсидан келиб чиқсан ҳолда бошқа валютага ўтказилиши лозим. Агарда, Япон иенаси қўлланилса, унда Бразилиялик импортёр ўз миллий валюtasini, курс асосида, Япон иеналарида айлантириши лозим. Бразилия крузероси қўлланилганда эса, аксинча Япониялик экспортёрда уларни иенага айлантириш зарурати туғиларди. Агарда А+Ш доллари қўлланилса, Бразилиялик импортёр

---

<sup>19</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

крузеросларни А+Ш долларлариға, япониялик экспортёр эса А+Ш долларларини иеналариға айлантириши керак бўлади.

Хорижий валюталар бозорининг асосий вазифаси юқоридаги мисолда келтирилган валюталарнинг ўзаро алмашувини амалга оширишдир. Валюта бозорида валюталарни алмашув курси, шу валюталарга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Миллий иқтисодларнинг байналминаллашуви, халқаро иқтисодий муносабатлар аҳамиятининг ўсиб бориши, эркин сузадиган валюта курсларининг жорий этилиши валюта-молиявий соҳанинг кўлами ва ролини, хусусан валюта бозори ролининг ошишига олиб келди.

Валюта бозори қуйидаги функцияларни бажаради:<sup>20</sup>

-товарлар, хизматлар ва капиталлар халқаро муомаласига хизмат кўрсатиш;

-иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланадиган талаб ва таклифни баланслаш орқали валюта курсларини аниқлаш;

-валюта рискларидан ҳимояланиш учун механизмни тақдим этиш;

-давлат томонидан пул-кредит ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишда бозордан фойдаланиш.

Бреттон-Вудс валюта тизими шароитида, 50-60 йилларда замонавий валюта бозорининг асоси солинган эди. Бу даврда операциялар ҳажми ошди, бозор техникаси такомиллашди, валюта чекловларининг аста-секин бўшаштирилиши давом этди, валюталар конвертабеллиги киритилди, капиталларни халқаро миграцияси ўсади.

Жаҳон валюта бозорининг ҳажми урушдан сўнгти йилларда, қуйидаги сабабларга кўра ўсади:

1. Валюта бозори иштирокчилари сонининг ўсиши ҳисобига (банк ва нобанк ташкилотлари ҳисобига);

2. ”Эркин сузадиган” валюта курсларининг жорий этилиши ҳисобига;

3. Халқаро капиталлар бозорида қарз олишнинг ўсиши билан боғлик, саноат компаниялари томонидан савдо ва бошқа шартномаларини хеджинглаш ҳажмининг ўсиши ҳисобига;

4. Банклараро бозорда банкларнинг актив иштироки ҳисобига;

5. Айрим валюталарга спекулятив таъсирнинг кучайиши даврида хеджинглаш ҳажмининг ўсиши ҳисобига. Бу ўз навбатида валюта курсининг ўзгариши ҳисобига йўқотишлардан холи бўлиш мақсадида валюта айирбошлиш операциялар ҳажмини ўстириб юборади;

6. Трансмиллий корпорациялар фаолиятида валюта билан савдо қилишга тенденцияларнинг кучайиши ҳисобланади.

“Эркин сузадиган” валюта курсларининг киритилиши ва Бреттон-Вудс валюта тизимининг инқирози муносабати билан валюта бозори иштирокчиларининг сони кескин кўпайди (банклар ва саноат

---

<sup>20</sup> Жумаев Н. Халқаро молия муносабатлари. Т. Молия. 24-бет.

корпорациялари). Кўпчилик банклар ўзларининг янги бўлимларини, корпорациялар эса валюта бўлимларини очдилар.

Жаҳон валюта бозорнинг хусусиятларига кўра, у аниқ бир манзилга эга эмас ёки маълум бир жойда жисмонан мавжуд эмас. Жаҳон валюта бозори телефон ҳамда замонавий телекомуникацион тизим орқали савдоси амалга ошадиган хусусиятли бозордир. Бу бозорнинг хусусиятлилиги, нафакат унинг жисмонан мавжуд эмаслигига, балки унинг суткада 24 соат фаолият кўрсатиши, очилмаслиги ва ёпилмаслиги, муомала ҳажми жиҳатидан ниҳоятда йириклигидадир, яъни 1 суткада жаҳон валюта бозорида 1 трлн. А+Ш доллари сотилади ва сотиб олинади.

### **Тижорат банклари ва бошқа молиявий воситачилар жаҳон валюта бозорининг иштирокчилари сифатида.**

Жаҳон валюта бозорлари ривожланишининг муҳим омилларидан бири, бу суткалар давомида фаолият кўрсатадиган глобал бозорнинг Сингапурда очилиши ва валюта бозори иштирокчилари иш тажрибасининг ортишидир.

Валюталар конверсияси билан барча молия-кредит ва савдо-саноат ташкилотлари шуғулланадилар. Яъни:

1. Тижорат банклари – валюта бозорининг етакчи иштирокчилари.
2. Ихтисослашган банклар.
3. Консорциал ташкилотлар.
4. Ташқи иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи давлат органлари.
5. Ривожланган давлатлар марказий банклари – валюта бозорининг энг муҳим иштирокчилари; давлат номидан шунингдек ташқи иқтисодий банклар ва бошқа давлат институтлари иштирок этади.

Валюта бозоридаги операцияларда давлатлараро институтлар актив иштирок этади. Уларга, масалан Халқаро ҳисоб-китоблар Банки киради (БМР-Банк Международнўх Расчётов).

Валюта бозорининг муҳим элементи бўлиб, валюта брокерларининг институти ҳисобланади. Жаҳон валюта бозорида таниқли ва аҳамиятли брокер фирмаларга ярим ёпиқ ассоциацияга бирлашган Лондон брокерларининг фирмаси киради. Масалан, Лондонда 1 млн. А+Ш долларини фунт стерлинларга конверсия қилиш учун брокерлар 45 фунт стерлинга яқин комиссия ҳақини оладилар. Бугунги кунда Лондон брокерлари орқали, бир кунда 30 млрд. А+Ш долларидан кам бўлмаган сумма ўтади. Уларнинг оладиган бир йиллик комиссия ҳаqlари эса 170 млн. А+Ш долларига teng.

Нисбатан узоқ вақт давомида бозорда брокерлар мавқеининг пасайиб боришига қарамасдан, улар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг йилига 10-20% га мунатазам ўсиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда деярли барча жойларда банклар брокерлар иштирокисиз валюта шартномаларини амалга ошириши мумкин. Валюта бозоридаги

операцияларда жамғариш-кассалари, пенсия фондлари ва бошқа шу каби молия-кредит ташкилотларининг иштироки кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари валюта бозорига шахсий дилер бўлимларини ва шуъба (дочерний) молия компанияларини очаётган йирик савдо-саноат компаниялари чиқмоқда.

Баъзи пайтларда юқорида зикр этилган йирик компанияларнинг валюта бозоридаги операциялари бу бозорнинг ривожланиш тенденциясига йўналиш бериши мумкин. Масалан, ихтисослашган компания “Бритиш Петролиум” ўз умрининг биринчи йилидаёқ (1985.) 600 млрд. долларга тенг оборотга эга бўлган. Аммо, бунга қарамасдан валюта операцияларининг кўп қисми банклар томонидан маҳсус жиҳозланган дилер хоналарида амалга ошади.

Дилерлар доимий равишда Рейтер-Дилинг тизими бўйича телефон ёки телекс орқали бошқа банклар ёки брокерлар билан алоқада бўладилар, ўз курсларини котировка қиласидилар, валютани сотиб олиш ёки сотишга ўз таклифларини берадилар. Пул маблағларини кўчиришда СВИФТ электрон тизимидан кенг фойдаланилади.

Валюта бозори ривожланишига халқаро ссуда капиталлари бозорининг кенгайиши катта таъсир кўрсатади. Шу билан биргалиқда, мазкур бозорларнинг ўсиб, бир-бирига киришиб кетиш жараёни кучайиб бормоқда.

Замонавий шароитда банклараро валюта бозорида банкноталар ёки тангалар йўқ, бошқа тўлов воситаларининг, яъни векселлар ва чекларнинг аҳамияти эса минималдир. Валюта операцияси ҳар қандай моддий асосни йўқотди, яъни миллий пул бирликлари бир-бирига нисбатан фақат корреспондент ҳисоб рақамларидағи ёзувлар сифатида мавжуддир. Бу эса ўз навбатида валюта бозорига юқори даражадаги интеграцияга эришиш имконини берди.

Валюта бозори, валюта муносабатларининг субъектлари ва унда ишлатиладиган валюталарни сонига қараб, миллий, худудий ва жаҳон валюта бозорларига бўлинади.

Миллий валюта бозорлари муайян давлат ҳудудида резидентлар ва хорижий юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги валюта муносабатларини ўз ичига олади. Бу бозорлар, миллий валюта конвертация қилинмайдиган ва қаттиқ валюта чегаралинишлари мавжуд бўлган пайтда давлат томонидан миллий пул ва валюта тизимини шакллантириш босқичида шаклланади. Бундай мамлакатларда жаҳон валюта бозорига фақат ваколатли (“девизли”) банклар чиқа олади.

**3. Жаҳон валюта бозорининг конъюнктура механизми ва унга таъсир этувчи омиллар.**

Жаҳон валюта бозорининг конъюнктура механизми деганда, одатда ушбу бозорда валюталарга бўлган талаб ва таклифнинг шаклланиш механизми тушунилади. Бозорнинг конъюнктура механизми мураккаб бўлиб, уни ўрганиш молиявий воситачилар учун ниҳоятда муҳимдир. Чунки,

бозорда, операциялар ўтказиш жараёнида, қарор қабул қилиш учун молиявий воситачилар маълум бир таҳлилий маълумотларга асосланиши керак.

Ривожланган давлатлар амалиётида бундай таҳлилиниң 2 шакли мавжуд, яъни фундаментал ва техник таҳлил.

Техник таҳлил – бу, асосан графиклар ёрдамида, баҳоларнинг келгусидаги ҳаракат йўналишини прогнозлаш мақсадида бозор динамикасини ўрганишdir. “Бозор динамикаси” атамаси ўз ичига, техник таҳлил ихтиёрида бўлган 3 маълумот манбасини олади, яъни: баҳо, ҳажм ва очик манфаат.

Техник таҳлилиниң фалсафий асоси: техник таҳлил қуйидагиларга асосланади:

- 1) бозор барча нарсаларни ҳисобга олади;
- 2) баҳолар ҳаракати тенденцияларга бўйсунган;

Бозор барча нарсаларни ҳисобга олади. Ушбу тушунча техник таҳлилиниң асл мазмунини ташкил этади. Техник таҳлилчи фараз қиласи, фьючерс товар контракти баҳосига таъсир эта оладиган иқтисодий, сиёсий, психологик ва ҳар қандай сабаблар, албатта ўз аксини товар баҳосида топади.

Бундан келиб чиқадики, биздан талаб этиладиган нарса – бу, баҳолар ҳаракатини синчковлик билан ўрганишdir. Бошқача қилиб айтганда, талаб ва таклиф динамикасидаги ҳар қандай ўзгариш баҳолар динамикасида акс этади. Агар, талаб таклифдан юқори бўлса, баҳолар ўсади. Агар, таклиф талабдан юқори бўлса, баҳолар пасаяди. Бу ҳар қандай иқтисодий прогнозлаштириш асосида ётади. Техник таҳлилчи эса бу масалага бошқача ёндашади ва қуйидагича фикр юритади: агарда бозорда баҳолар қандайдир сабабларга кўра кўтарила бошлаган бўлса, демак талаб таклифдан юқоридир. Демак, макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича бозор “хўқизлар” учун кулайдир. Агар, баҳолар пасайиб бораётган бўлса, унда бозор “айиқлар” учун кулайдир.

Талаб ва таклифнинг чукур механизми, у ёки бу товар бозорининг иқтисодий табиати, баҳоларнинг пасайиши ёки кўтарилиш тенденциясини белгилаб беради. Графиклар ўз-ўзидан бозорга таъсир эта олмайди. Улар, бозорда ҳозирги пайтда шаклланган, пасайиш ёки ўсиш тенденциясини акс эттиради.

Графиклар таҳлили бўйича мутахассислар, одатда, баҳолар ўсиши ёки пасайишини келтириб чиқарган омилларнинг чукур сабабларига ўз этиборларини қаратмайдилар. Кўп ҳолларда, баҳоларнинг ўзгариш тенденцияси эндигина шаклланишининг дастлабки босқичларида, ёки аксинча, қандайдир ҳал қилувчи босқичларда бундай ўзгаришлар сабаблари ҳеч кимга маълум бўлмаслиги мумкин.

Масалага техник ёндашиш масалани соддалаштиради ёки қўполлаштиради деган фикр ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ, “бозор барча нарсани ҳисобга олади” деган тушунча ортида ётган мантиқ шуни аниқ

кўрсатадики, бозорда техник таҳлилчи қанчалик кўп тажриба орттиrsa, юқорида зикр этилган тушунчанинг шунчалик ҳаётийлиги келиб чиқади. Бундан хулоса шуки, бозор баҳосига таъсири тувиҳи ҳар қандай нарса, албатта ушбу баҳога ўз таъсирини кўрсатади. Демак, баҳолар динамикасини синчиклаб ўрганиш ниҳоятда зарурдир. Баҳо графиклари ва кўпчилик кўшимча индикаторларни таҳлил этган ҳолда, техник таҳлилчи шунга эришадики, бозорнинг ўзи ривожланишнинг эҳтимолли йўналишларини кўрсатиб беради.

Баҳолар ҳаракати тенденцияларга буйсунади. Тенденция ёки тренд (trend) тушунчаси, техник таҳлилда, асосни ташкил этувчилардан биридир. Шуни яхши тушуниб олиш керакки, бозорда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгариш, у ёки бу тенденцияларга бўйсунгандир. Фьючерс бозоридаги баҳолар динамикасини кўрсатувчи графикларни тузишдан асосий мақсад, ушбу тенденцияларни дастлабки пайдо бўлиш пайтидаёқ аниқлаб топиш ва уларнинг ҳаракат йўналишига мувофиқ равишда савдо қилиш.

Техник таҳлилнинг кўпчилик услублари, ўз табиатига кўра, “trend following” тенденцияси кетидан эргашувчи ҳисобланади, яъни уларнинг функциялари таҳлилчига тенденцияни аниқлаб топишга ёрдам беришдан ҳамда ушбу тенденцияга, унинг мавжудлиги даври мобайнида, риоя этишдан иборат.

Баҳолар ҳаракати тенденцияларга бўйсунади деган тушунчадан 2 хулоса келиб чиқади:

1)ҳаракатдаги тенденция, ҳар қандай эҳтимолга кўра ўзига қарама-қарши бўлган тенденцияга айланмай, ривожи давом этади;

2)ҳаракатдаги тенденция ривожи, токи унинг тескари (қарама-қарши) ҳаракати бошлангунга қадар давом этади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда демак савдо, то тренд ҳаракати тескари бурилишга ҳаракати бошлангунга қадар, давом этиши керак экан.

Техник таҳлил ва бозор динамикасини ўрганиш одам психологиясини ўрганиш билан яқиндан боғлиқдир. Масалан, сўнгги 100 йил ичидан ажратиб олинган ва таснифланган график баҳо моделлари бозор психологик ҳолатининг муҳим хусусиятларини акс эттиради. Биринчи навбатда, улар ҳозирги босқичда бозорда қандай хўқиз ёки айиқ тенденциялари ҳукмронлигини кўрсатади. Агарда, ушбу моделлар илгари (ўтмишда) ишлаган бўлса, келгусида ҳам ишлаши мумкинлигининг эҳтимоли бор. Чунки, улар йиллар мобайнида ўзгармайдиган одам психологиясига асосланган. Яъни, юқоридагиларни бошқача таърифласа бўлади: келажакни тушунишнинг қалити ўтмишни ўрганишдадир.

Техник ва фундаментал таҳлилни ўзаро таққослаш.

Агар техник таҳлил асосан бозор динамикасини ўрганиш билан шуғулланса, фундаментал таҳлилнинг предмети бўлиб баҳолар ўзгариши ёки тебранишини келтириб чиқарувчи, баҳоларни юқорига ўсишга ёки пастга

тушишга ёки маълум бир даражада қотиб туришга мажбур этадиган талаб ва таклифнинг иқтисодий кучлари ҳисобланади.

Фундаментал ёндашувда, товар баҳосига таъсир этувчи барча омиллар таҳлил этилади. Бу эса, товарнинг ички ёки ҳақиқий қийматини аниқлаш учун амалга оширилади.

Фундаментал таҳлилнинг натижаларига кўра, товарнинг айнан шу ҳақиқий қиймати, у ёки бу товар ҳақиқатда қанча туришини акс эттиради. Агар, товарнинг ҳақиқий қиймати бозор баҳосидан паст бўлса, унда товарни сотиш керак. Чунки, уни ҳақиқий қийматидан кўра юқоририоқ баҳода сотиб олишмоқчи. Агар, товарнинг ҳақиқий қиймати унинг бозор баҳосидан юқори бўлса, унда товарни сотиб олиш керак. Чунки, товар, унинг ҳақиқий қийматидан кўра паст баҳода сотиб олинмоқда.

Бозорни прогнозлаш билан шуғулланувчи техник ва фундаментал таҳлил, иккаласи ҳам бир муаммони, яъни баҳоларнинг қайси йўналишда ҳаракатланишини аниқлаш муаммосини ҳал этмоқчи. Аммо, ушбу масалага улар турли тарафдан ёндошадилар.

Агар, фундаментал таҳлилчи бозор ҳаракатининг сабабларини ўрганмоқчи бўлса, техник таҳлилчини фақатгина ушбу ҳаракатнинг ўзи қизиқтиради. Яъни, техник таҳлилчининг мақсади ушбу ҳаракат ёки бозор динамикасининг мавжудлигини билиш, холос. Ушбу ҳаракатни келтириб чиқарувчи сабаблар унинг учун муҳим эмас.

Фундаментал таҳлилчи эса, ушбу ҳаракат сабабини билишга интилади, яъни нима сабабдан ушбу ҳаракат ёки динамика содир бўлганлигига қизиқади.

Фьючерслар билан шуғулланувчи кўпчилик мутахассислар, ўзларини фундаментал ёки техник таҳлилчилар қаторига қўшади. Аслида эса фундаментал ва техник таҳлилчилар орасидаги фарқ аниқ ёки сезиларли эмас.

Кўпчилик фундаментал таҳлилчилар графикларни таҳлил этишнинг бошланғич билимига эга. Шу билан биргаликда, фундаментал таҳлилнинг асосий қоидаларини билмаган техник таҳлилчи йўқ. Аммо, амалда ушбу 2 услубнинг бир-бирига аралashiшига асло йўл қўймайдиган тарафдорлар мавжуд. Гап шундаки, таҳлилнинг бу иккала услуби кўп ҳолларда ўзаро қарама-қаршиликка учрайди. Одатда, бозордаги муҳим ўзгаришларнинг (жараёнларнинг) энг бошида бозорнинг хатти-ҳаракатлари фундаментал таҳлилнинг ҳеч бир чегарасига сифмай қолади ва буни фақат иқтисодий омиллар асосида тушунтиришнинг имкони бўлмай қолади. Айнан шундай ҳолатларда, умумий тенденция учун критик ҳолатларда, таҳлилнинг 2 услуби бир-биридан сезиларли фарқлана бошлайди. Кейинчалик, қандайдир босқичда, улар фаза бўйича бир-бирига мос келади. Аммо, бундай ҳолатда энди трендларнинг ўхаш ҳаракат қилиши учун (бозордаги ўзгаришга мувофиқ равишда) кеч бўлади.

Юқорида зикр этилган 2 услуг орасидаги қарама-қаршиликнинг сабаби қуидагича бўлиши мумкин: бозор баҳоси барча маълум фундаментал маълумотлардан тезлик жиҳатидан ошади. Бошқача қилиб айтганда, бозор баҳоси фундаментал маълумотларни ўзиб ўтувчи индикатор бўлиб хизмат қиласди (ёки соғлом мантиқ).

Бозор барча маълум иқтисодий омилларни ҳисобга олган бўлса-да, баҳолар қандайдир янги, ҳали ўрганилмаган омиллар таъсирида ўзгара бошлайди.

Тарихда баҳолар ўсиши ва пасайишининг энг сезиларли даврлари, фундаментал қўрсаткичлар нуқтаи назаридан ҳеч қандай ўзгариш кутилмаган даврда бошланган. Ҳамда, ушбу ўзгаришлар фундаментал таҳлилчиларга тушунарли бўлган пайтда, янги тенденция ўзининг энг юқори чўққисига етган бўлар эди.

Вақт ўтиши билан, техник таҳлилчига графикни ўқиш ва таҳлил қила олиш ишончи келади. У аста секин бозорнинг соғлом мантиққа тўғри келмаслиги вазиятига ўрганади. Техник таҳлилчи бугунми ёки эртага бозор динамикасининг сабаблари барчага аён бўлишини аниқ билади. Албатта бу кейинчалик бўлади. Ҳозир эса, ушбу қўшимча ишончга вақт сарфлаш мумкин эмас.

Техник таҳлил билан юзаки танишишнинг ўзигина, унинг фундаментал таҳлилдан устун эканлигини кўрсатади. Агарда, бу иккала услуг ичидан бирини танлаш масаласи турса, унда албатта техник таҳлилни танлаш керак. Чунки, биринчидан, таърифга кўра, у ўз ичига фундаментал таҳлил фойдаланадиган маълумотларни олади. Агарда, ушбу маълумотлар бозор баҳосида ўз аксини топса, унда уларни алоҳида таҳлил этишга зарурат қолмайди. Демак, графиклар таҳлили фундаментал таҳлилнинг соддалаштирилган шаклига айланади. Афсуски, фундаментал таҳлил ҳақида бундай деб бўлмайди. Фундаментал таҳлил баҳолар динамикасини ўрганиш билан шуғулланмайди. Фақат техник таҳлил билан фойдаланган ҳолда товар фьючерслар бозорида муваффакиятли ишлаш мумкин.

Биринчи қарашда, юқорида зикр этилган таққослаш унчалик тушунарли эмас. Аммо, агар қарор қабул қилиш жараёнини 2 таркибий қисмга ажратган ҳолда кўриб чиқилса, барча нарса тушунарли бўлади, яъни:

- 1) вазиятнинг таҳлили;
- 2) вақтни (пайтни) танлаш.

Биржада муваффакиятли ўйнаш учун, айниқса, фьючерс шартномаларида бозорга кириш ва бозордан чиқиш вақтини (пайтини) тўғри танлаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга,. Чунки, бунда ричаг (leverage) самараси юқоридир.

Тенденцияни тўғри аниқлаган ҳолда пул йўқотиш мумкин. Гаров кафолатининг унчалик катта бўлмаган миқдори (одатда 10%дан кам) шунга олиб келадики, баҳоларнинг биз учун номувофиқ бўлган йўналишда

арзимаган тебраниши бизни бозордан сиқиб чиқариши мумкин. Натижада, гаров маблағларидан тўла ажратиб қолишимиз мумкин.

Таққослаш учун, фонд биржасида ўйнаётган трейдер агарда бозор унга қарши бораётганлигини сезса, унинг кўчасида ҳам байрам бўлишига ишонган ҳолда, кутиб туриш (пойлаш) позициясини танлаши мумкин. Трейдер ўз акциялари ҳаракатини тўхтатади, яъни трейдердан у инвесторга айланади.

Товар бозорида эса бу асло мумкин эмас. Фьючерс шартномалари учун “сотиб ол ва ушлаб тур” тамойили мутлақо тўғри келмайди. Шу сабабли, юқорида зикр этилган 2 таркибий қисмга қайтсак, таҳлил фазасида ҳам техник таҳлил, ҳамда фундаментал услубдан фойдаланиш мумкин (тўғри прогнозни олиш учун). Бозорга кириш ва ундан чиқиш вақтини (пайтини) тўғри танлашга келсак, бунинг учун факат техник услуб керак бўлади. Шундай қилиб, ўз зиммасига бозор мажбуриятларини олишдан олдин, трейдер амалга ошириши керак бўлган қадамларни кўриб чиқиб, яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз мумкинки, айнан маълум бир босқичда, дастлабки босқичларда фундаментал таҳлилдан фойдаланилган бўлса ҳам, техник таҳлил абсолют зарурдир.

Техник таҳлилнинг кучли тарафларидан бири шундаки, ундан ҳар қандай товар билан савдо жараёнида ва вақтнинг ҳар қандай интервалида фойдаланиш мумкин.

#### **4.Олтин бозорлари**

Пул муомаласи тарихида ва умуман қийматларнинг ривожланиш тарихида олтиннинг аҳамияти катта. Кишилик жамиятида олтиннинг муомалада пул сифатида юрган даври тахминан 6000 йилни ташкил этади. Шундан, дастлабки 3300 йили даврида олтин муомалада танга шаклида юрмаган, сўнгги 2700 йил давомида эса олтин танга шаклида муомалада юрган.

Биринчи 3300 йил, қадимги дунёда (асримизгача 4100-3900 йиллар), Мисрда олтиннинг очилиш даврини ўз ичига олади. Биринчи олтин тангалар эрамиздан аввалги VII асрда Кичик Осиёдаги Юонон (Грек) колонияларида кашф этилган.

Олтин дастлаб, саройларда жамғариладиган хазина, Шарқ ҳукмдорлари томонидан Фиръавнлардан сотиб олинадиган қимматбаҳо металл эди. Миср мамлакати, олтин тарихий даврининг ярмидан кўпи мобайнида, ер юзида ягона олтин етказиб берувчи эди.

Кейинги 2700 йил олтиннинг тангалар сифатида муомалада юриш давридир. Жаҳонга маълум бўлган энг таниқли олтин тангалар ичида куйидаги тангаларни ажратиб кўриш мумкин:

-қадимги юонон (Грек) олтин статерлари (Крез статери – крезеид, 11 грамм; Филипп ва Александр Македонскийнинг статерлари, 7,27 грамм) ва кумуш драхмалар;

-Юлий Цезардан (8,18 грамм) то Валентингача Рим олтин ауреуслари (3,89 грамм).

Ўрта асрларда:

-Византияда, солидус бизантиуслар ёки безантлар (4,54 грамм ва бошқа оғирликда);

-арабларда, динорлар (4,25 грамм ва бошқа оғирликда).

Илк уйганиш Европасида:

-Флоренцияда, флоринлар (1252 йилдан 3,56 грамм);

-Венецияда, гроссо (1192 йилдан), кейин дукатлар ёки цехинлар (1284 йилдан);

-Францияда, экю (1266 йилдан);

-Англияда, нобль (9,4 грамм, кейинчалик 7 граммгача);

-Кастилияда, дублон (18-асрнинг охиридан).

Америка олтини очилгандан сунг:

-Испанияда, эскудо (3,10 грамм 1537 йилдан) ва машхур 6,20 грамм оғирликга эга икки баробарли танга – пистоль (ва кумуш пиастрлар);

-Францияда, луидор (6,69 грамм 1640 йилда Луи 13 томонидан, экюнинг ўрнига муомалага киритилган, кейинчалик ЭКЮ кумуш тангага айланган);

-Англияда, луидор намунаси бўйича гинея муомалага киритилган.

Янги даврда:

-Англияда, 1 фунт стерлинг қимматлигидаги соверен (7,98 грамм);

-Францияда, наполеондор номини олган 20 франк қимматлигидаги олтин танга (6,45 грамм);

-Россияда, империаллар (10 рубль);

-А+Шда олтин доллар (1,504 грамм 1834 йилдан), 10 долларли “игл” (бургут) ва 20 долларли “дабл игл” (двойной орёл).

Ҳозирда жаҳонда мавжуд олтин (танга, қўйма ва турли тақинчоқлар шаклида банкларда, хусусий шахсларда) минг йиллар мобайнида жамғарилган. 1493 йилдан 1992 йилгача жами 110000 тонна ишлаб чиқарилган олтин ҳисобга олинган. +адимги даврларда ва ўрта асрларда ишлаб чиқарилган олтинни ҳисобласак, унда якун қўйидагича бўлади:

-таксиминан 10000 тонна 4400 йил ичида (асримизгача 3900 йилдан асримизнинг 500 йилигача);

-2500 тонна ўрта асрнинг 1000 йили ичида (500 йилдан 1493 йилгача). 1493 йилгача ишлаб чиқарилган барча олтин жаҳон бўйлаб тарқалган ва кишилик жамияти учун йўқотилган;

-4900 тонна 340 йил ичида (XVI, XVII, XVIII асрлар ва XIX асрнинг боши), Американи очилишидан бошлаб, XIX асрнинг ярмигача;

-95000 тонна 1840 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача. Ер юзида 1 йилда ўртacha 1350 тонна олтин қазиб олинади. Унинг 840 тоннаси заргарларга, 95 тоннаси электрон саноатига (факат Япония электрон саноатининг ўзи йилига 50 тоннадан зиёд олтин ишлатади), 65 тоннага яқини эса тиш протезларига

ишлатилади. Олтиннинг қолган қисми эса хусусий коллекциялар ва заҳираларга тушади ҳамда тангаларни зарб этиш учун ишлатилади.

Жанубий Африка Республикаси ҳар йили жаҳонда қазиб чиқариладиган олтиннинг 70 фоизини беради.

Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи ҳудудларга Мурунтоу ва бошқа конлар киради.

Олтин бозоридаги таклиф манбалари бўлиб, янги қазиб олинган олтин, давлат ва хусусий заҳиралар, инвесторлар ва тезовраторларнинг сотувлари ҳисобланади. Талаб эса фирмалар, тижорат банклари, хусусий шахсларнинг олтинга бўлган талабидан шаклланади. Олтин тақдимотининг сиёсатига мувофиқ Халқаро Валюта Фонди 1978 йилдан бошлаб, давлатлар Марказий банкларига, олтин бозорларида шаклланадиган баҳолар асосида олди-соттиларни ўтказишга рухсат берди.

Тарихан, қофоз пуллар заминида олтин ётган бўлиб, ушбу олтиннинг микдори қофоз пул бирилигининг қийматини белгилаб берган. Бошқача қилиб айтганда, миллий қофоз пул бирлиги ўз заминида ётган олтин микдори қийматини ифодалаган. +оғоз пул бирлиги заминида ётган олтин микдори – баҳо масштаби деб аталган.

Баҳо масштаби - бу тарихан шаклланган ва мамлакатнинг миллий пул бирлиги заминида ётган расмий олтин микдоридир. Бошқача қилиб айтганда миллий пул бирлиги қийматини ифодаловчи олтин микдоридир. Масалан, тарихий масштабларга назар соладиган бўлсак, улар куйидагича: 1887 йилда Чор Россиясининг 1 рубли заминида 0,774234 грамм олтин бор эди ёки 1 рубль 0,774234 грамм олтин қийматини ифодалар эди. 1922-24 йилларда Советлар томонидан чиқарилган 1 червонецда 7,74234 грамм олтин бор эди. Буюк Британия фунт стерлинги заминида эса 1821 йилда 7,322365 грамм, Германия маркасида 1873 йилда 0,385422 грамм олтин бор эди. Шу билан биргаликда, А+Ш доллари заминида 1971 йилда 0,888671 грамм, СССР рублида эса 1961 йилда 0,987412 грамм олтин бор эди.

Миллий пул бирликлари заминида ётган олтин микдорлари, давлатларнинг иқтисодий барқарорлигига қараб ўзгариб туриши мумкин. Агарда, давлат иқтисодиётида муаммолар пайдо бўлиб, мувозанатсизлик бошланса, унда давлат миллий пул бирлигининг қадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида уни “девальвация” қилишга, заминидаги олтин микдорини камайтиришга мажбур бўлар эди. Аксинча бўлганда эса, давлатлар томонидан миллий пул бирликларининг “ревальвация”си, яъни заминидаги олтин микдорини ошириш тадбирлари кўрилар эди.

Баҳо масштаблари Ямайка валюта тизимиғача, яъни 1976 йилгача амалиётда бўлган. Ямайка валюта тизими шароитида расмий асосда олтин ўзининг пул сифатидаги ҳаракатини тўхтатади (олтин демонетизацияси) ва халқаро муносабатларда кўп валютали стандарт қабул қилинади.

Олтин демонетизацияси – бу, олтиннинг аста-секин пул функцияларини йўқотиш жараёнидир. Олтин демонетизацияси объектив

ҳамда субъектив сабаблар билан асослангандир. Улар қуидагилар ҳисобланади:

- хусусий мулкчиликда ижтимоийлаштириш ва режалаштиришга интилиш шароитида товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий якка-холлиги бартараф этилган пайтда олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермай қолади;
- кредит муносабатларининг ривожланиши билан кредит пуллар (банкноталар, векселлар, чеклар) олтинни аввал ички пул муомаласидан, сўнг эса халқаро валюта муносабатларидан аста-секин сиқиб чиқардилар;
- субъектив омиллар – А+Ш нинг валюта сиёсати, олтин билан операцияларнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши унинг деноминациясини тезлаштиради.

Олтинга нисбатан А+Ш валюта сиёсатининг стратегияси- долларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида унинг жаҳон валюта тизимининг асоси сифатидаги обрўсига путур етказиш эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг молиявий марказ Европадан А+Ш га қўчиб ўтгандан кейин, А+Ш ўз доллар гегемониясини ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатларга ўтди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, А+Ш ўзининг ўсган валюта-иктисодий потенциалига таянган ҳолда, “доллар олтиндан яхши” шиори остида доллар хукмронлиги учун курашни авж олдириб юборади.

Таянч иборалари: хўқизлар, айклар, демонетизация, миллий, регионал, жаҳон валюта бозорлари

#### Назорат саволлари

1. “Валюта бозори” тушунчасининг мазмуни.
2. Валюта бозорининг субъектлари. Валюта бозорининг турлари.
3. Миллий валюта бозорлари.
4. Регионал валюта бозорлари.
5. Жаҳон валюта бозорлари.
6. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта бозорининг юзага келиши ва фаолиятини режими.
7. Валюта дилинги тушунчаси. (10404)
8. Валюта клиринги, унинг аҳамияти ва турлари. (10405)
9. Валюта курси ва унинг бошқарилиши. (10406)
10. Валюта бозори: мақсади, функцияси (10407)
11. Вексел муомаласи ва Ўзбекистон Республикасида вексел операциясини олиб борувчи банклар. (10408)
12. Халқаро молия бозорида валюта операцияларини турлари. (10410)
13. Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизими. (10422)
14. Халқаро валюта фонди, унинг Ўзбекистон иқтисодидаги роли. (10446)
15. Жаҳон валюта тизими ва замонавий валюта тизими муаммолари. (10449)

## 16. Своп операцияси тушунчаси.<sup>21</sup> (10455)

### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент, 1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнёе финансў. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнёе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнёе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнёе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
10. Красавина Л.Н. Международнёе расчетнёе отношения. Москва, 2004 г.
11. Красавина Л.Н. Международнёе валютнёе. кредитнёе и финансовёе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
12. Рубцов Б.Б. Зарубежнёе фондовёе рўнки. Москва, 2003 г.
13. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
14. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.: ЗАО Финансист, 2002.-325с.
15. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
16. Семенов К.А. Международнўй валютнёе и финансовёе отношения.- М.: ТЕИС, 2000.-125с.
17. Моисеев С.Р. Международнўй валютнёе и кредитнёе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

### **Интернетдан олинган вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.peugeotufa.ru](http://www.peugeotufa.ru)
7. [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru)
8. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)

<sup>21</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисадий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

9. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)

10. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)

## **5-МАВЗУ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

1. Спот операциялари<sup>22</sup>.
2. Форвард операциялари.
3. Фьючерс операциялари.
4. Опцион шартномалари.
5. Своп шартномалари<sup>23</sup>.
6. Валюта арбитражи.

### **1.Спот операциялари.**

Жаҳон валюта бозорида амалга ошадиган операцияларнинг барчасини 100% деб олсак, уларнинг 70% дан зиёди спот (spot) номли операцияларга тўғри келади.

Спот операциялари - бу бир зумда амалга ошадиган валюта операцияси бўлиб, сотувчи сотган валютасини сотиб олувчига 2 банк иш куни давомида, шартнома тузилган кун курси бўйича, етказиши лозим. Замонавий шароитда, мазкур валюта операцияларининг амалга ошиши ва валютани етказилиши 2 банк иш кунини талаб этмайди.

Касса шартномаси спот шартлари асосида амалга оширилади ва асосан халқаро ҳисоб-китоблар бўйича, курслар ўзгариши оқибатида эҳтимолли валюта йуқотишларининг олдини олиш, шунингдек капиталларнинг (қайноқ пулларни ўз ичига олган ҳолда) бир жойдан бошқа жойга тез оқиб ўтиши мақсадида, хорижий валютани зудлик билан олиш учун қўлланилади.

Валюта курсларининг эркин тебраниш режимига ўтилиши билан валюталар билан чайқов касса савдоси кучайди. Ушбу операциялар валюта бозорларида кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги кунда банклараро бозор умумий муомаласининг кўп қисмини ташкил этади.

Касса операцияси учун хусусиятли нарса шундаки, шартнома тузилишининг пайти унинг ижро этилиш пайти билан тўғри келмайди. Валюта, шартнома тузилганидан сўнг, ўша заҳоти, 2 банк иш кунидан кечикмаган ҳолда, сотиб олувчига етказилади. Валютани етказиб бериш муддати “валюталаш санаси” деб номланади. Сотувчи, сотилган валютани одатда, сотиб олувчи банк кўрсатган ҳисоб рақамга телеграф орқали ўтказади.

Спот валюта шартномасида одатда бозорда, валюта бозори иштирокчилари томонидан валюта курсининг асосий қўрсаткичи сифатида кўриладиган, телеграф орқали пул ўтказиш курси қўлланилади. Нақдли шартномаларнинг курслари котировка жадвалларида чоп этилади.

---

<sup>22</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 474-бет.

<sup>23</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 474-бет.

Касса шартномаларида якуний ҳисоб-китоб санасининг тўғри белгиланиши катта рол ўйнайди. “касса» атамаси одатда ҳисоб-китоблар, шартнома шартлари келишиладиган кунда амалга ошадиган валюта шартномаларига алоқадордир. Бу атама, асосан Шимолий Америка ва валюта сотиб олиш учун ушбу бозорлар хизматларига мурожаат этадиган мамлакатлар бозорларида, улар учун қулай соат пояслари мавжудлиги сабабли, ишлатилади. Европа ва шарқий бозорларда касса шартномалари “шу кунда ҳисоб-китоби билан шартномалар” деб аталади.

Тўғри (аниқ) белгиланган спот санасининг муҳимлиги шундаки, валюта бозори, валюта алмашуви операциясида иштирок этаётган тарафлардан биронтаси ҳам бошқа тарафга кредит бермаётганлигини кафолатлайдиган, компесация қилинган қиймат тамойили асосида ҳаракат қиласди. Бу дегани, Лондон банки фунтларни тўлаётган кунда Америка банки А+Ш долларидаги унинг эквивалентини тўлаши керак. Аммо, шунга қарамасдан, иккала тўлов ҳам тааллукли бенефициарлар томонидан бир вақтда олинишини амалда кафолатлаб бўлмайди. Вақтдаги 5 соатлик фарқларни ҳисобга олиб, Лондон банки, Нью-Йорк банки эшиклари энди очилаётган пайтда, клиринг учун ёпилади. Бундан, Лондон банки Нью-Йорк банкига кундузги овердрафтни тақдим этишга мажбур бўлади. Ривожланган пул бозорларида фоиз фақат суткалик овердрафтга ҳисобланади, кундузги овердрафт ҳолатида (кун мубайнидаги овердрафтга) эса фоиз ҳисобланмайди. Спот санасига ҳам маълум бир тузатишлар киритилиш мумкин, агарда у дам олиш кунига тўғри келса. Фараз қилайлик, шартнома жума куни амалга оширилган бўлса, унда спот куни келаси ҳафтанинг сешанба қунига тўғри келади. Агарда, Нью-Йорк банки учун душанба дам олиш куни бўлса, муаммо туғилади (Лондон банки Нью-Йорк банки билан контрактли муносабатларга кирган бўлса). Агар Нью-Йоркда душанба дам олиш куни бўлса, Лондон банки бу ҳақда унугиб қўйган бўлса, унда Нью-Йорк банки, сешанбага эмас балки чоршанбага тўғри келадиган, спот кунини Нью-Йоркчасига белгилайди. Лондондаги дилер эса, Нью-Йоркдаги дилер сешанбани спот куни деб белгилаганини одатдаги ҳол деб қарashi мумкин, чунки бу кун – Лондонда спот куни. Сешанба куни Лондон банки, Нью-Йоркда А+Ш долларидаги эквивалентни олишни кўзлаб, 1000000 GBP ни тклайди ва Нью-Йоркдаги банк бу пулларни фақат чоршанба куни тўлашини аниқлайди. Вазият, агарда Нью-Йорк банки Лондон банкига котировка олишга мурожаат этганида, бошқача бўлар эди, чунки бу ҳолатда ҳисоб-китоб куни Лондон календари бўйича аниқланар эди. Ҳамда, душанба Нью-Йоркда дам олиши куни бўлиши мумкин, аммо бу Лондондаги банк иш куни бўлганлиги сабали, спот куни сифатида сешанба белгиланиши мумкин. Шундай қилиб, котировкани амалга ошираётган банк мамлакатидаги банк иш кунлари спот куни белгиланишини аниқлаб беради. Шунинг учун, шартномадаги тарафлардан бири ўзининг белгилаган спот куни, респондент

томонидан белгиланган спот кунига түғри келишига ишонч ҳосил қилиши керак.

“Спот” курс – олдиндан келишув ёки шартнома сифатида расмийлаштирилмаган валюта операцияларида қўлланиладиган (ишлатиладиган) олди-сотти валюта алмашув курси.

“Спот” курсининг котировкаси ҳозирги дақиқага берилади, валютанинг ўзи эса кечи билан 2 банк иш кунидан сўнг етказилиб берилади. Масалан, экспортёрлар қанча GBP олиши керак ёки импортёрларнинг қанча GBP тўлаши кераклиги, банкнинг комиссия ҳақини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблансин:

А)Британиялик экспортёр Франциялик мижоздан 15000 FRF ҳажмида тўловни олди.

Б)Британиялик импортёр Япониялик сотувчиidan 1000000 GPY ҳажмида товарларни сотиб олди.

В)Британиялик экспортёр Голландиялик мижозидан 80000 NLG ҳажмида тўловни олди.

Г)Британиялик экспортёр Швеция маслаҳатчи фирмасига 120000 SEK ҳажмида хизмати учун тўлади.

Бозордаги шароит: “Спот” курслари

Франция	10,34 - 10,37
Япония	228,5 - 230,5
Нидерландлар	3,45 - 3,47
Швеция	3,09 - 3,11

Ишланиши:

А)Банқдан FRF ларни сотиб олишни сўрашди, ва у экспортёрга қуйидаги суммани беради – 150000 / 10,37 қ 14464,80 GBP.

Б)Импортёр учун GBP ни сотишни банқдан илтимос қилишди – 1000000 / 228,5 қ 4376,37 GBP.

В)Экспортёрдан NLG ларни сотиб олишни банқдан илтимос қилишди ва у қуйидаги суммани тўлайди – 80000 / 3,47 қ 23054,76 GBP.

Г)Банқдан SEK ларни сотишни илтимос қилдилар ва у қуйидаги суммани талаб қиласди – 120000 / 3,09 қ 38834,95 GBP.

Спот операцияларини амалга оширадиган дилерлар валюта позициясини юритадилар.

Валюта позицияси – дилернинг талаб ва мажбуриятларини нисбати. У икки қисмдан иборат, яъни “узун” ва “қисқа” позициядан.

“Узун” позицияда дилернинг талаблари акс этади. Талаблар эса, дилер томонидан валюта сотиб олинганда ҳосил бўлади.

“+исқа” позицияда дилернинг мажбуриятлари акс этади. Мажбуриятлар эса, дилер томонидан валюта сотилганда ҳосил бўлади.

Агарда, дилернинг талаблари мажбуриятларидан кўп бўлса, унда валюта позицияси “узун” позиция бўйича очик ҳисобланади. Агарда, дилернинг мажбуриятлари талабларидан кўп бўлса, унда валюта позицияси “қисқа” позиция бўйича очик ҳисобланади. Дилерни талаб ва мажбуриятлари ўзаро тенг бўлса, унда валюта позицияси ёпиқ ҳисобланади.

Ҳар қандай дилер, жаҳон валюта бозорида ўз миллий валютаси билан ишлайди. Валюта позициясини, дилер, ўз миллий валютасида ёки А+Ш долларида ёпади.

Валюта позициясининг ёпилиши натижасида дилернинг талаблари мажбуриятларидан 26,23 USD-га (503,75 – 477,52) кўп эканлиги аниқланди.

Маркет-мэйкерлар – бу турли валюталар сотувчи ва сотиб оловчи курсларини мунтазам равишда котировкасини амалга оширадиган ва улар бўйича шартномаларга кирадиган молиявий ташкилотлардир.

Маркет-мэйкерлар нафакат хорижий валюталарни миллий валюта билан солиширади, балки хорижий валюталарни, миллий валютага тегмаган ҳолда, ўзаро солишириш (курсини аниқлаш) билан ҳам шуғулланади.

Умуман, алоҳида олинган валюталар бўйича маркет-мэйкерлар бу валюталарни эмитент-мамлакатларида жойлашган. Швеция кронаси бўйича етакчи маркет-мэйкерларни Швецияда, швейцария франклари бўйича эса Швейцарияда топиш мумкин.

Булардан истисно сифатида заҳира валюталари, хусусан А+Ш доллари бўйича маркет-мэйкерлар ҳисобланади. А+Ш долларидан бутун жаҳонни валюта операцияларини асоси сифатида фойдаланиши, уни маркет-мэйкерларини яқиндан Нью-Йорк билан боғлиқ бўлишини тақозо этмайди. Бироқ, бу ерда бир шартни таъкидлаб ўтиш зарурки, яъни Федерал Резерв Тизим А+Ш долларини курсини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ҳеч қандай тадбирларни амалга оширмаётган бўлиши керак. Бундай ҳолда А+Ш долларлари бозори Франкфурт-Майнда ёки Лондонда ёки бирор бир бошқа, А+Ш долларлари билан миллий валютага қарши операциялар амалга оширилаётган жойда бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни оддий тушуниш мумкин: заҳира валютаси кўпчилик бозор иштирокчиларининг қўлида ва уни, заҳира валютаси бўлиб ҳисобланмаган валютага нисбатан, сотиб олиш ёки депозитлар бозорида жойлаштириш нисбатан осонроқ.

“Спот” бозоридаги котировка:

Швецияда: 1USD - 2,0000 ёки 2,0005 SEK

Сотиб олиш Сотиш

Нью-Йоркда 1USD - 2,0000 ёки 2,0005 SEK

Сотиш Сотиб олиш

Келтирилган мисолда кўриниб турибдики, Швецияда тўғри котировка бўлса, Нью-Йоркда банклар тескари котировкалар билан ишлайди.

Амалиётда бир котировка тури бошқа котировка турига айлантирилиши мумкин. Масалан: 1USD-2,0000 ёки 2,0005 SEK, Швецияда түғри котировка. Уни тескари котировкага айлантириш учун 1 сонини юқоридаги котировкага бўлиш лозим, яъни

1 / 2,0000 SEK 0,50 USD ёки 1 / 2,0005 SEK 0,49988 USD.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан:

Швецияда 1 USD: 0,49988 ёки 0,50000 USD – тескари котировка бўлади.

Спот шартлари асосида валюталар кросс-курсларини хисоблаш.

Спот шартлари асосидаги шартномада валюталар кросс-курсларининг хисоб-китоби ўзига хос бир схема бўйича амалга ошади.

Мисол 1. Банкимиз мижози бўлмиш Швейцариялик X мижоз 5000000 SEK ни CHF ларига олмоқчи. Ушбу шартномада курс қандай бўлади?

Амалиётда барча валюталар А+Ш долларига нисбатан котировка қилингандырылғаның сабаблы, ушбу шартномадаги курсни биз, қуйида көлтирилген, SEK ва CHF ларини А+Ш долларига нисбатан жорий курсларидан фойдаланған ҳолда хисоблашимиз лозим.

Спот курс: USD/SEK 1,6418 1,6428  
USD/CHF 1,4885 1,4895

Банк қүйидагиларни амалга оширади:

а)мижоз SEK ларни биздан сотиб олмоқчи, ҳаттоғи ҳозирги пайтда банкимиз ушбу суммадаги SEK ларга эга бўлмаса ҳам. Мижозни йўқотмаслик ва манфаатли шартномани қўлдан бой бермаслик учун, зикр этилган SEK ларни А+Ш долларларига хорижий ҳамкор банклардан 1,6418 курси бўйича А+Ш долларини яъни сотиб олишимиз мумкин. Спот шартномаларини амалга ошириш қоидаларига мувофиқ, хисоб-китобларни якунлашга ажратилган 2 кунлик муддат, бизга керакли ҳажмдаги А+Ш долларларини излаб топиш ва қўйида келтирилган схема бўйича ҳисоб-китоб килиш имконини беради;

б) Швеция банки билан SEK ларни сотиб олиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун биз, X мижоздан олингган CHF ларини Цюрихдаги банкга USD ларига, уларни жорий сотиш курси бўйича, яъни 1,4895 курсида сотишимиз керак;

в) қуидаги тенгламани ишлаган ҳолда биз SEK ларнинг CHF га сотиш курсини аниқтаймиз:

X CHF k 100 SEK

1,6418 SEK  $\neq$  1USD

1USD ≈ 1,4895 CHF

100 x 1 x 1,4895

X(100 SEK) к ----- к 90,72 CHF (сотиш курси).

1,6418

Бирок, SEK-ларни 90,72 CHF-ларига сотиш бизга ҳеч қандай фойда келтирмайды, агарда биз бозорга SEK-ларни сотиб олиш ва CHF-ларини сотиш мақсадида чиқсак, ҳамда 90,72 CHF-курси бизнинг харажатларимизни кўрсатади. Шундай қилиб, X мижоз билан ҳисоб-китобларда, ушбу шартнома банкимиз учун рентабель бўлишилиги учун, биз курсга катта бўлмаган курс-кўшимчасини қилишимиз керак бўлади.

Мисол 2. Агарда X мижоз SEK-ларни CHF-ларига сотиб олмасдан, сотишини хоҳлаганда эди, бизнинг ҳисоб-китобларимиз қуидагича кўринишида булар эди:

$$\begin{aligned}
 & \text{X CHF қ 100 SEK} \\
 & 1,6428 \text{ SEK қ 1USD} \\
 & 1\text{USD қ 1,4885 CHF} \\
 & \quad 100 \times 1 \times 1,4885 \\
 & \text{X(100 SEK) қ ----- қ 90,60 CHF (сотиш курси).} \\
 & \quad 1,6428
 \end{aligned}$$

Мисол 3. Мижоз, Швейцариялик эмас, балки Швециялик буюртмачи бўлган ҳолатда юқорида аниқланган курслар унга тўғри келмас эди ва у SEK-ларни CHF-ларига сотиб олмасдан, аксинча CHF-ларини SEK-ларга сотган бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, мижоз SEK/CHF курсини (швейцария шартларини) хоҳламайди, аксинча унга CHF/SEK курси қулайдир.

Юқорида фойдаланилган курслар асосида:

$$\begin{aligned}
 & \text{USD/SEK } 1,6418 - 1,6428 \\
 & \text{USD/CHF } 1,4885 - 1,4895
 \end{aligned}$$

Ҳисоб-китоблар қуидаги кўринишида бўлади:

$$\begin{aligned}
 & \text{X SEK қ 100 CHF} \\
 & 1,4895 \text{ CHF қ 1USD} \\
 & 1\text{USD қ 1,6418 SEK} \\
 & \quad 100 \times 1 \times 1,6418 \\
 & \text{X(100 CHF) қ ----- қ 110,22 SEK (сотиш курси).} \\
 & \quad 1,4895
 \end{aligned}$$

Албатта, SEK-ларда ифодаланган CHF-ларининг ушбу баҳоси SEK-ларнинг CHF-ларидаги баҳосига қайта ҳисбланиши мумкин:

$$\begin{aligned}
 & \text{X CHF қ 100 SEK} \\
 & 110,22 \text{ SEK қ 100 CHF} \\
 & \quad 100 \times 100 \\
 & \text{X (100 SEK) қ ----- қ 90,72 CHF.} \\
 & \quad 110,22
 \end{aligned}$$

Валюталарнинг ўртачалаштирилган курсларини аниқлаш.

Битта шартнома бўйича йирик суммаларда, бозор ставкасидан яхши ёки ёмон тарафга фарқ қиласидан ставкалар бўйича бир неча ҳамкорлар контрактларини аниқлашга тўғри келади. Умуман операциялар бўйича курснинг фойда олиш имкониятини бериши, ҳамда манфаатли мижозлар учун имтиёзли котировкаларни амалга ошириш учун дилер ўртacha курсни аниқлаш керак.

## **2.Муддатли валюта операциялари. Форвард операциялари.**

Реал валюта билан муддатли шартномалар ташқи-иктисодий операциялар бўйича тўловларни ва хориждаги капитал қуийлмаларини суғурталаш ҳамда арбитраж фойдасини олиш мақсадида тузилади.

Муддатли валюта операциялари деб, валюталарни келгусида етказиб бериш ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш шарти билан, шартнома тузиш куни курси асосида сотиб олиш ёки сотиш тушунилади. Улар одатда, валюта курси ўзгаришидан суғурта қилишда ёки чайқов фойдасини олишда ишлатилади.

Банклараро муддатли валюта операциялари “форвард” операциялари деб аталади. Форвард операциялари – биржадан ташқари муддатли валюта операциялари бўлиб, келишув асосида, телефон ёки телекс орқали банклар ва савдо-саноат компаниялари томонидан амалга оширилади. 1984 йилдан бошлаб кредит (молия) инструментлари билан операциялар – яъни “келгусида етказиб бериш тўғрисида келишув” (forward rate agreements), ўтказиш амалиёти қўлланилади. Улар, бир йилгача депозитлар бўйича фоизлар ўзгариши оқибатидаги кўрилган заарларни ўзаро қоплаш бўйича банклараро муддатли келишувлардан иборат бўлиб, одатда 1 млн.-50 млн. А+Ш доллари ҳажмидаги суммаларга тузилади.

Форвард шартномаси тузилаётганда унинг муддати, курси ва суммаси қатъий белгиланади (фиксируется). Аммо, ижро муддати (1 – 6 ой) етиб келгунча ҳисоб рақамлари бўйича ҳеч қандай суммалар ўтказилмайди. Одатда, кўпчилик банклар, ҳамкор мижозларининг, ўзларида очилган ҳисоб рақамларда, маълум бир суммага эга бўлишини хоҳлайдилар. Бироқ, форвард шартномалари ҳажм жиҳатидан чегараланмай, пул таъминотини талаб этмайдилар.

Муддатли операцияларга форвард, фьючерс ва опцион шартномалари киради. Форвард шартномалари қуидаги икки асосий қўринишда амалга оширилади:

-оддий форвард шартномаси. Бу ҳолда, бунга тескари бўлган шартнома (обратная сделка) бир вақтнинг ўзида тузилмайди. Шартномадаги тарафлар, фақат маълум бир суммани белгиланган муддатга ва келишилган курс асосида етказиб бериш ҳақида келишиб оладилар. Форвард шартномасини бу

туридан валюта курси ўзгариши рискидан ҳимояланиш мақсадида фойдаланилади;

-своп шартномаси. Своп шартномаси – бу, банклар ўртасидаги валюта шартномаси бўлиб, бир турдаги ва бир хил ҳажмдаги валютанинг турли муддатларга олди-сотди операциялари комбинациясидан иборатdir. Бир шартнома доирасида валютанинг маълум бир суммаси муайян муддатга сотиб олинади ва ўша заҳоти нақдли валюта бозорида сотилади, ёки бунинг тескариси бўлиши мумкин.

Муддатли операцияларни амалга оширишнинг ижобий томонларидан бири шундаки, улар манёвр учун катта имконият беради, айниқса форвард операцияси ўзига хос актив ва пассивларга қарши қаратилмаган бўлса. Спот операциялари зудлик билан амалга оширилиши ёки қолдирилиши лозим, оддий форвард контрактлари эса назоратни амалга ошириш ва корректировкаларни қилиш учун вақт қолдирадилар.

Форвард бозори, компаниялар молия бўлимлари бошқарувчилари учун ҳам муҳимдир, чунки улар экспорт ва импортнинг миллий валютадаги қийматини, тўлов амалга ошишидан анча олдин, аниқлашлари мумкин. Молия бўлими бошқарувчиси нуфузли банк билан муддатли шартнома тузган пайтда, унинг бирдан-бир вазифаси–қандайдир бир сабабларга кўра товар ёки тўлов олинмай қолган тақдирда, очиқ валюта позицияси билан қолмасликдан иборат.

Профессионал дилерлар, чекланмаган бозор маълумотларига эга бўлган ҳолда, ўзларининг тижорат билан шуғулланувчи ҳамкасларига нисбатан манёвр учун кенг имкониятларга эгадирлар. Шу билан биргаликда, муддатли шартномалар билан боғлиқ аҳамиятли рисклар ҳам мавжуд. Форвард шартномасининг муддати қанчалик узун бўлса, шартнома бўйича контрагент молиявий аҳволининг ёмонлашиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Шундай бўлиб қолиши мумкинки, шартномадаги тарафлар спот шартлар асосида шартнома шартларини бажара олмаслик шароитига тушиб қолиши мумкин. Аммо, спот шартлари асосидаги шартномани бекор қилиниш эҳтимоли, форвард контрактининг бекор қилиниш эҳтимолига кўра нисбатан пастроқ. Бунда, шартнома иштирокчиларидан бири томонидан мажбуриятлар бажарилганда иккинчиси томонидан уларни бажарилмаслик энг ёмон ҳолатни вужудга келтиради. Бундай ҳолат катта заарларга ёки судлашиш жараёнларига олиб келиши мумкин. Агарда, айбдор тараф ўз мажбуриятларини мутлақо бажара олмаса, унда валютадаги сўндирилмаган қарздорлик барибир жорий бозор курси асосида қопланиши лозим. Бундан чиқди, очиқ валюта позицияси бартараф этилганда, кейинги заарлар пайдо бўлиши мумкин. Аммо, ушбу операциялар бўйича бекор қилинган шартномалар ёки кўрилган заарларни, операцияларнинг умумий ҳажмидаги улуши ниҳоятда камдир.

Форвард ҳисоб-китоб саналари<sup>24</sup>.

Форвард шартномалари бўйича стандарт ҳисоб-китоб саналари 1, 2, 3, 6, 9, 12 ой ҳисобланади. Кўпчилик фонд ва валюта бозорларида келгусидаги контрактлар 30, 60, 120 ва шу каби кунларга, ҳамма вақт кейинги форвард санасигача 30 кун қўшилиши билан, тўғри келади, яъни календар ой тизими қабул қилинган. Аммо, шартномадаги иккала тарафнинг манфаатдорлиги ҳолатида шартномаларни тузилиши турли бошқа муддатларга ҳам амалга ошиши мумкин.

Муддатлар календар тизимининг соддалиги шундаки, агарда спот санаси январ ойига тўғри келса, унда бир ойлик форвард муддати кейинги календар ойга тўғри келиши керак, яъни феврал ойига, икки ойлиги эса–март ойига ва шу каби. Агарда ҳар бир календар ойнинг давомийлиги 30 кунни ташкил этганда эди, унда ҳеч қандай муаммо бўлмас эди. Аммо, нима қилиш керак, агарда спот санаси 31 январга тўғри келса, феврал ойида эса атиги 28 кун. Демак, форвард муддатлари аниқланганда спот қоидасига риоя этилиши керак ва унга асосан операциялар амалга оширилганда ҳисоб-китоб куни, иккала клиринг тизимларида ҳам, банк куни бўлмоғи даркор. Шанба ва якшанба дам олиш кунларидан ташқари турли давлатларда маҳаллий ва миллий байрамлар мавжуд – бу вазиятни анча мураккаблаштириб юборади.

Турли номувофиқликлар ва амалиётда қўлланилишининг кам эҳтимоллигига қарамасдан форвард саналарини белгилаш тамойилини қўйидагидан кўришимиз мумкин:

Агарда спот санаси	4 январга тўғри келса
унда бир ой	4 февралга тўғри келади
икки ой	4 марта
уч ой	4 апрелга
олти ой	4 июлга
тўққиз ой	4 октябрга
ўн икки ой	4 январга (кейинги йилни)
2 йил	4 январга (2 йилдан кейинги).

Кам учрайдиган стандарт форвард ҳисоб-китоб саналари, масалан 5, 7, 8 ой - тааллуқли ойнинг 4-санасига тўғри келади.

Ҳафтадаги етти кундан иккитаси нобанк кунлари ҳисобланади ва тўловларни фовард санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда ойнинг бу куни ойлик календар график ҳаракат муддати давомида ҳаракатдаги кун бўлиб ҳисобланмайди. Агарда, мантиқий форвард санаси нобанк кунига тўғри келса, спот қоидасига кўра, иккала клиринг тизимида ҳам, навбатдаги келаётган биринчи иш куни ҳисоб-китобларнинг форвард санасига айланади. Шундай қилиб, валюта бозоридаги бир ой 30, 31 ва 35 ҳамда ундан ортиқ кунларни ўз ичига олиши мумкин.

<sup>24</sup> Пискулов В. Теория и практика валютного дилинга. М.ФиС. 2004. 89 стр

Умумий хулоса: агарда бир ойлик сана, яъни юқорида келтирилганидек 4 февралга тўғри келса ва бу сана клиринг марказларидан бирида дам олиш куни бўлса, унда ҳисоб-китоблар куни бўлиб 5, 6 кун ёки бошқа бир сана белгиланиши мумкин. Агарда, ойлик муддат спот санасига тўғри келадиган ойнинг уша санасига тўғри келмаса ҳам форвард ҳисоб-китобларининг бошқа саналари 4-санага тўғри келиши мумкин (агарда у очиқ кун талабларига мувофиқ бўлса). Шундай қилиб, агарда спот санаси 4 январга, ойлик сана – 6 февралга тўғри келса, унда бошқа ҳисоб-китоб муддатлари тааллуқли ойларнинг 4-саналарига тўғри келиши мумкин. Амалиётда қисқа ва узун форвард ойлари пайдо бўлади ва бу фактни, форвардлар бозорида фаолият кўрсатувчи дилерлар, ҳисобга олиши зарур. Валюта ва депозит бозорларида амалда бўлган ойни охиридаги ҳисоб-китоблар тизими, халқаро заёмлар ҳақида келишаётган тарафлар учун сана белгилашнинг ноаниқ тортишувли амалиётини ташкил этади.

Агар календар услубига мурожаат этилса, муаммо туғилиши мумкин: агар ойнинг охирига тўғри келадиган спот санасига форвард ойида ушбу санага мос сана топилмаса, нима қилиш керак? Масалан, битим 29 январда тугатилган бўлса ва спот санаси 31 январга тўғри келса унда ойлик форвард сана 31 январга тўғри келмаслиги керак, чунки феврал ойида 28 ёки 29 календар кун мавжуд. Бу муаммони қуидагича ҳал этиш мумкин: агар спот куни ойнинг сўнгги иш кунига тўғри келса, унда ушбу кунга мувофиқ келадиган форвард саналари ҳам ойнинг сўнгги иш кунига тўғри келиши керак.

Шундай қилиб, 31 январ спот санасига 28 ёки 29 феврал форвард санаси мувофиқ келади. Бунда, агар февралнинг 28 ва 29 саналари дам олиш кунига тўғри келса, унда форвард санаси 26, 27 саналарига ёки ойнинг бошқа сўнгги иш кунига тўғри келади. Валюта битимларини ойнинг охирида амалга ошириш форвард ойнинг охири, бир қатор муддат жиҳатидан аввал келадиган спот саналарини форвард санасига айланиши мумкин. Буни қуидаги мисолда кўриш мумкин:

Битим санаси	спот санаси	bir ойлик сана
24 январ	26 январ	
25 январ	27 январ	
26 январ	28 январ	28 феврал
27 январ	29 январ	
28 январ	30 январ	
29 январ	31 январ	

Келтирилган жадвалда кўрсатилган барча кунлар иш кунлари бўлиши мумкин эмас, бир ёки бир нечта спот кунлари шанба ёки якшанбага тўғри келиши мумкин. Келтирилган мисол ой охиридаги бир қатор операциялар ва ҳисоб-китоб кунлари бир турдаги форвард санасига ёки саналарига эга бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу тизимга мувофиқ, 28 феврал 26, 27

феврал ёки улардан олдин келадиган сана, иккала марказларда (мамлакатларда) иш куни талаблариға жавоб берадиган ҳар қандай рақам билан ўзгартирилиши мумкин. Бундай тартиб бошқа ойларга нисбатан ҳам кўлланилиши мумкин.

Нима сабабдан бошқа ойга ўтиб бўлмади? Бозордаги профессионаллар биладики, ой охирида бозорда бирмунча жонланиш бўлади, айниқса ой охири, чорак охири, ёки йилнинг охири билан тўғри келиб қолса. Ўз навбатида бу жонланиш форвард котировкаларига таъсир этиб, провард оқибатда anomal (одатда тушунтириб бўлмайдиган) фоиз ставкаларда ўз аксини топади ва бундай ҳолатда навбатдаги иш куни услубидан фойдаланиш иккала ой охирини корректировка қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Февралда битимлар амалга оширилганда дилерлар 28 феврал-1 март омилини инкор қилишлари мумкин. Агар спот санаси 1 ёки 2 февралга тўғри келса ва дилер томонидан битим 1 ой муддатга, яъни мартдаги 1-иш кунига амалга оширилса, унда дилер томонидан феврал-март даври синчковлик билан кўриб чиқиши лозим ва бунда энди дилернинг феврал ва март ойларини охири билан иши бўлмайди. Бундан ташқари, дилернинг ҳаракатлари, агарда у спот саналарининг январ ойига тўғри келишини билса, осонлашади, чунки бунда форвард санаси келаси календар ойга тўғри келади.

Шундай қилиб, турли мамлакатлар орасида шартномалар амалга оширилганда, ой охиридаги спот санаси форвард ойларининг кунларида бир қанча англашмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

“Ностандарт” тўлов муддатлари деганда, битим амалга ошиши аниқ бир кунининг стандарт форвард тузилмасига киритиб бўлмайдиган, барча форвард саналари кўзда тутилади. Агар стандарт форвард ҳисоб-китоб саналари 1, 2, 3 ва шу каби ойларга белгиланса, мижоз эса котировкани 2,5 ойга олмоқчи бўлса, бу дегани мижоз ҳисоб-китобларни “ностандарт” муддатига курсни ва “ностандарт” санасини белгилашни сўраётганлигини билдиради.

Айрим профессионаллар, асосан спот асосидаги, ностандарт форвард саналарига ихтисослашадилар. Ўз хизматлари учун ҳақни улар, одатда сотувчи ва сотиб олувчи курслари орасидаги маржани кенгайтириш орқали, ўз котировкалари ҳисобига оладилар.

### **Тижорат банклари томонидан форвард курсининг ҳисобланиши.**

Муддатли валюта шартномаларининг хусусиятли томони шундаки, шартномани тузиш ва уни ижро этиш пайлари орасида вақт интервали мавжуд. Шу билан биргаликда, мазкур шартнома бўйича валюта курси шартнома тузилиш пайтида аниқланади.

Биржанинг котировка бюллетенларида шартномалар учун курслар эълон қилинади, турли муддатларга форвард шартномалари бўйича курсни белгилаш учун мукофот ва дисконтлар ҳам берилган.

Мукофот ёки дисконт миқдори “спот” курсига нисбатан барқарорроқдир. Шунинг учун банклараро бозорда муддатли шартнома курси котировка қилинганда фақат мукофот ёки дисконт аниқланади.

Тўғри котировкада мукофот “спот” курсига қўшилади, дисконт эса айрилади. Тескари котировкада эса, дисконт “спот” курсга қўшилади, мукофот эса айрилади.

Агарда, форвард шартлари асосида валюта, “spot” шартларига нисбатан юқорироқ котировка қилинса, унда бу хорижий валюта мукофот билан котировка қилинади. Дисконт эса бунинг тескарисидир.

Мукофот ёки дисконт услуги орқали аниқланган муддатли курс “аутрайт” курси деб аталади.

Мукофот бўлганда валюта муддатга “spot” курсга нисбатан қимматроқ, дисконт бўлганда эса арzonроқ котировка қилинади.

Агарда, 1 ой муддатга А+Ш долларларининг GBPларга сотиб олиниши нақд А+Ш долларларидан арзонга тушса, бу, валюта бозори иштирокчилари томонидан ўз жамғармаларини А+Ш долларларида, GBPларга нисбатан, ушлаш қулайлигини билдиради.

Форвард шартномалари бўйича мукофот ва дисконтнинг сабаби тааллукли валюталар бўйича муддатга, одатда форвард шартномаси муддатига тенг, қисқа муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларини фарқи хисобланади.

Мисол. Швейцариялик экспортёр 1 млн. А+Ш долларини CHFларига форвард шартлари асосида, 3 ойга сотмоқчи.

Бозордаги шароит:

“Spot” USD/CHF	1,8410	1,8425
3 ойлик Евродоллар		
депозитлари бўйича		
фоиз ставкаси	7%	7 1/8%
3 ойлик CHFдаги		
Евродепозитлари		
бўйича фоиз ставкалари	4 5/8%	4 7/8%
шартнома муддати	94	кун.

1.(а) операцияси. Швейцариялик банк мижоздан 1 млн. USD ни олади, 94 кундан сўнг CHFлари эвазига етказиб бериш шарти билан, аниқланиши керак бўлган курс асосида.

2.(б) операцияси. Банк валюта рискини бартараф этиш учун шу заҳоти USDни CHFларига, Нью Йоркда 1,8210 бозор курси, “Spot” шартлари асосида сотиб юборади.

3.(а) операцияси. Банк, ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бера олмаслик рискини олдини олиш мақсадида, тўлов муддатларидан келиб чиқсан ҳолда: -1 млн. А+Ш долларини Евродоллар бозорида 3 ойга 7 1/8%

устидан қарзга (кредит) олади;  
-бу суммани CHFлариға айлантириб, Швейцарияда Зойга 4 5/8%  
устидан депозитга құяди.

4.Бу операциялар банкка 1 йилда қуйидаги тушади:

$$(4 \frac{5}{8} - 7 \frac{1}{8}) \times 1,8410 / 100 \times 360 \text{ қ} = 0,0460 \text{ CHF.}$$

З ойга эса бу қуйидагини ташкил этади:

$$0,0460 \times 94 / 360 \text{ қ} = 0,0120 \text{ CHF.}$$

Долларли ссуда бүйича банк томонидан түланадиган фоизлар ва CHFларида  
банк томонидан депозит учун олинадиган фоизлар фарқи З ойда ҳар бир  
долларга -0,0120 CHF ташкил этади.

5.(г) операцияси. А+Ш долларида 94 кунга олинган қарз, мижоздан  
форвард шартномаси асосида олинган доллар ҳисобидан, долларда түланади,  
депозитдан эса, муддати етганда, CHFлари олинади.

Дollarда олинган қарз бүйича түланадиган фоизлар қуйидагини  
ташкил этади:

$$1000000 \times 7 \frac{1}{8\%} \times 94 / 100 \times 360 \text{ қ} = 18604,17 \text{ доллар.}$$

Швейцария франкларида очилған депозитта ҳисобланған фоизлар  
қуйидагини ташкил этади:

$$1841000 \times 4 \frac{5}{8\%} \times 94 / 100 \times 360 \text{ қ} = 22232,63 \text{ CHF.}$$

7. Банк 4-операция натижасида ҳар бир доллардан З ойга 0,012 CHF заар  
күради ва А+Ш долларидаги қарзни швейцария франклариға ўтказиш  
учун курс 1,8410 – 0,012 қ 1,8290-ни, яъни тахминий форвард курсини  
ташкимл этади. Хамда,

18604,17 x 1,8290 қ 34027,03 CHF-ни ташкил этади.

Энди, банк қандай миқдордаги швейцария франкларини экспортёрга  
түлайди, агарда ундан З ой муддатта 1 млн. А+Ш долларини олган бўлса.

Форвард операциялари бүйича швейцария франкларидағи ҳисоб  
рақамни, долларли қарзнинг фоизлар суммасига (швейцария франкларида),  
кредитлаб, уни яна швейцария франкларидағи депозит бүйича олинадиган  
фоизлар суммасига дебетлаган ҳолда, яъни 22232,63 CHF-га, биз қуйидагига  
эга буламиз:

$$1841000 + 22232,63 - 34027,03 \text{ қ} = 1829205,6 \text{ CHF.}$$

Келтирилган ҳисоб рақамлардан кўриниб турибдики, хеджинглаш  
бүйича операциялар амалга оширилганидан сўнг, банк 1 млн. А+Ш доллари  
учун 1841000 CHF ўрнига (1,8410-спот курс), факат 1829205,6 CHF  
бермоқда. Яъни, бу форвард курси 1,8292 (1829205,6 CHF / 1000000USD)  
асосида. Бу ҳолатда спот ва форвард курслари орасидаги фарқ 0,0118 (1,8410  
– 1,8292) сотиб оловчи дисконтини ташкил этади.

Мисолимиздаги 1,8292 курс, сотиб оловчи курси ва 0,0118 дисконт,  
сотиб оловчи дисконти бўлиб ҳисобланади.

Мисол 2. Юқоридаги мисол шартлари сақланган ҳолда, энди мижоз банкдан форвард шартлари асосида 1 млн. А+Ш долларини 3 ойга сотиб олмоқчи. Бу ҳолда биз қуидаги бухгалтер ҳисоб рақамлари ва проводкаларига эга бўламиз:

- 1.(а) Форвард операциясини акс эттириш.
- 2.(б) операцияси. 1,8425 “Spot” курси шартлари асосида валюта рискини бартараф этиш.
- 3.(в) операцияси. Банк, ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берса олмаслик рискининг олдини олиш мақсадида, тўлов муддатларидан келиб чиқсан ҳолда:  
 -1842500 CHF-ни 3 ойга 4 7/8% устидан қарзга (кредит) олади;  
 -бу суммани А+Ш долларига айлантириб, евродоллар депозитига 3 ойга 7% устидан қўяди.

Бу операциялар банкга 3 ойга қуидагига тушади:

$$(4 \frac{7}{8} - 7) \times 1,8425 \times 94 / 100 \times 360 \text{ к } -0,0102 \text{ CHF.}$$

4.“г” операцияси. Евродоллар депозити бўйича ҳисобланган фоизлар қуидагини ташкил этади:

$$1000000 \times 7 \times 94 / 100 \times 360 \text{ к } 18277,78 \text{ USD.}$$

Банк томонидан швейцария франкларидаги қарзга ҳисобланган фоизлар:

$$1842500 \times 4 \frac{7}{8} \times 94 / 100 \times 360 \text{ к } 23453,49 \text{ CHF.}$$

5. Тахминий форвард курси 1,8425 – 0,0102 к 1,8323 CHF-ни ташкил этади. Долларли депозит бўйича ҳисобланган ва швейцария франкларида ифодаланган фоизлар  $18277,78 \times 1,8323 \text{ к } 33490,39 \text{ CHF.}$

1 млн. А+Ш долларини форвард шартлари асосида сотиб олиш учун керак бўладиган швейцария франкларининг ҳажми қуидагига teng:

$$1842500 - 33490,38 + 23453,49 \text{ к } 1832463,10 \text{ CHF.}$$

Бунда, аниқланган форвард, сотувчи курси 1,8325-ни, сотувчини дисконти эса 0,010-ни (1,8324-1,8425) ташкил этади.

Шундай қилиб, депозит ставкалари кредит ставкаларига нисбатан юқори бўлган хорижий валюталар, муддатга, нақдли операцияларга нисбатан арzonроқ котировка қилинади, яъни дисконт билан. Аксинча, депозит ставкалари кредит ставкаларига нисбатан паст бўлган хорижий валюталар, муддатга, нақдли операцияларга нисбатан қимматроқ котировка қилинади, яъни мукофот билан.

Мукофот ёки дисконт қуидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

(СПДв x КС – СПДа x ПКФ) x СР

П/Д к -----, бу ерда  
100% x 360

П/Д – мукофот ёки дисконт;

СПДв – “в” валютасидаги депозит бўйича фоиз ставкаси, “в”-котировка қилаётган валюта;

СПДа – “а” валютасидаги депозит бўйича фоиз ставкаси, “а”-котировка қилинаётган валюта;

КС – спот курс;

ПКФ – тахминий форвард курси, у қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

(СПДв - СПДа) x КС x СР

ПКФ к -----, бу ерда  
100% x 360

СР – форвард шартномасининг муддати.

Валютанинг форвард курси - валютани келгусида маълум санада етказиб бериш шарти билан, сотиб олиниши (сотилиши) мумкин бўлган курси.

Валюталарнинг оддий форвардли курслари своп бозори курсларига бўлган мукофот ва дисконтларга асослангандир. Бунда гап баҳоланаётган валютани мукофоти ёки дисконти ҳақида кетади.

Форвардли курсларнинг оддийлиги шундаки, улар доимо икки элементдан иборат, яъни спот курси ва форвард маржасидан.

Мукофот ёки дисконт услуги ёрдамида аниқланган валюталарни муддатли курслари “аутрайт” курслари деб аталади. Бундай, ишлатилаётган мукофот ва дисконтлар – “своп ставкалари” деб аталади.

Муддатли шартнома бўйича курс қуйидагича аниқланади:

-битимни тузилиш пайтида валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати билан;

-алоҳида валюталар бўйича фоиз ставкаларнинг фарқлари билан. Бу омиллар ўзаро боғлиқдир.

Агар хорижий валюта бўйича фоиз ставкалари сезиларли кўтарилса, унда нақдли бозорда ушбу валютага талаб ҳам кўтарилади, бунинг оқибатида спот курс ошади. Бир вақтнинг ўзида муддатли валюта бозорида талаб пасаяди ва демак форвардли курс ҳам пасаяди. Бундай ҳолатда форвардли курс бўйича нақдли курсга нисбатан депорт ҳосил бўлади.

Эркин сузувчи валюта курслари шароитида курс ҳаракатини (юқорига ёки пастга) амалдаги тенденциясининг характеристига ушбу валютага бўлган талаб ва таклиф бевосита боғлиқ.

Форвард валюта шартномалари ёрдамида экспортёр ва импортёрлар ўз манфаатларини валюта курсини ўзгариш рискидан ҳимоя қиладилар. Шартномалар, тижорат банклари томонидан эълон қилинган, форвард курслари (нақдли курсга репорт ёки депорт билан) бўйича амалга оширилади.

Мисол:

Спот курс USD/NLG                    2,7558 – 2,7578

3 ойлик дисконт                        42 – 32

форвардли курс                        2,7516 – 2,7546

Ушбу мисолда спот курслари бўйича маржа 20 бирликни, форвардли курслар бўйича эса 30 бирликни ташкил этади.

Мисол:

Спот курс USD/ITL                    1436,66 – 1438,66

3 ойлик мукофот                        8,75 – 9,50

форвардли курс                        1445,41 – 1448,16

\*- А+Ш доллари учун миллий валюта;

\*\*- фунт стерлингларга А+Ш доллари.

Келтирилган жадвалда спот курслар бўйича маржа 2,00-га, форвардли курслар бўйича – 2,75га тенг.

Экспортёр ва импортёрлар, келтирилган шароитлардан келиб чиқиб, узоқ муддатли ташқи иқтисодий шартномани суғурта қилиш мақсадида муддатли валюта битимиши тузиш ёки тузмаслик қарорига келишлари керак. Муддатли шартнома бўйича узил-кесил курс белгиланганда мижозлар муддатли шартнома банк мижозлари учун маълум бир пул йифимлари билан боғлиқлигини эътиборга олишлари керак.

Экспортёр ва импортёрлар ўз миллий валютасида шартнома тузишга ҳаракат қиладилар, чунки бунда улар валюта курси ўзгариши рискидан ҳимояланган бўладилар. Агар, валюта шартномаси иштирокчиси хорижий валютани ишлатишга мажбур бўлиб қолса, у албатта ушбу валюта курсининг динамикасини ҳисобга олади. Бунда, импортёр учун курси пасайиш тенденциясига эга валютадан, экспортёр учун эса курси кўтарилиш тенденцияга эга валютадан фойдаланиш қулай.

Валюта курслари динамикаси ва муддатли шартномадаги мұваққат фарқни түғри прогнози валюта операцияларидаги тарафларга курс фойдасини олиш имконини беради.

Валюта бозори иштирокчилари бўлмиш тижорат банклари ва бошқа иштирокчилари орасида валюта курсларининг пасайиши ва кўтарилишига ўйнайдиган дилерлар мавжуд. Бунда, валюта курсининг пасайиши кутилганда, “айиқлар” уни ўша пайтдаги форвард курси бўйича сотиб олувчига, шартномада келишилган муддатга етказиб бериш шарти билан, сотадилар. Айиқлар учун ёқимли бўлган курснинг ривожи шароитида, курс фарқи сифатида фойда олган ҳолда бозорда улар валютани нисбатан арzonроқ сотиб олиши мумкин. Бироқ, ушбу шартномалар валюта талаби ва таклифи орасидаги мувозанатни бузиб юбориб, бозорда тартибсизлик келтириб чиқариши мумкин.

### **Валюта арбитражи.**

Арбитраж деганда – иқтисодий қулай шароитларда шартномалар тузиш тушунилади. Буни валюта савдосига қиёс қилинадиган бўлса, маълум бир вақтда молия бозорларида нақдли ва муддатли курслар ва фоиз ставкалари орасида мавжуд фарқлардан фойдаланиш орқали заарлардан қочиш ва фойда олишга уриниб кўришдан иборатdir.

Арбитражни ўтказиш учун алоҳида молия бозорларидағи ҳолатни, операцион харажатлар даражасини билиш зарур. Арбитражни бир неча тури мавжуд.

**Валюта арбитражи.** Бу арбитраж турида халқаро ва миллий валюта бозорларидаги котировкалардаги фарқлар ишлатилади. Бундай бозорлар сифатида валюта биржалари ҳамда валюта савдоси йирик масштабларда олиб бориладиган молиявий марказлар бўлиши мумкин.

Валюта арбитражи, агар банк мижоздан унга маълум бир суммада валютани тақдим этиш ҳақида буюртма олса, мақсадга эришиш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Бундай ҳолатда банк, валютани, курси муқобил бўлган жойда сотиб олишга ёки сотишга ҳаракат қиласди. Бунда, арбитраждан фойдаланишдан мақсад, сотиб олиш ва сотиш баҳоларини фарқи сифатида фойда олишдир.

Амалиётда курслар фарқи асосидаги арбитраж ва тенглаштирувчи арбитраж мавжуд. Биринчи ҳолатда, арбитражёр (дилер) маълум бир молиявий марказда валютани иложи борича арzonроқ сотиб олиб, бир вақтнинг ўзида уни курси нисбатан юқорироқ бўлган жойда фойда олган ҳолда сотишдан иборат. Шундай қилиб, дилер бир вақтнинг ўзида иккита ёки ундан ортиқ ўзаро қопланувчи шартномаларни тузади. Бунга ўхшаш операциялар одатда банкнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Масалан, Цюрих банкининг дилери Франкфурт-Майндаги, Париж ва Лондондаги контрагентлари билан ўзаро шартномага кирган. Энг паст сотувчи курсини (USD/SEK) у Франкфурт-Майндаги бозорда олади. Шу

вақтнинг ўзида у Парижда USD/SEK курси нисбатан юқорилиги ҳақида хабар топади. Унда, у Франкфурт-Майндаги бозорда нисбатан арzon нрахда USD-ларини SEK-ларга сотиб олади ва Парижда нисбатан оқори баҳода SEK-ларга сотади.

Тенглаштирувчи арбитраж тўғри ва тескари турларга бўлинади. Тўғри арбитражда қарздор ва кредитор валюталари орасидаги курс фарқи ишлатилади.

Форвардли шартномалар механизмида катта ўринни фоизли арбитраж эгаллайди. Давлатлардаги мавжуд фоиз ставкалари орасидаги катта фарқ шунга олиб келиши мумкинки, капитал “қидирган” инвестиция қилишнинг уларда мавжуд яхши шароитлари, капитал халқаро харакати фоизли дифференциал билан белгиланадиган бўлади. Капитал биринчи навбатда юқори фоизлар мавжуд давлатларга оқади. Бундай давлатларда валюта оқимлари каттиқ валюта чегараланишлардан нисбатан ҳолидир (ривожланган давлатларга хос).

### **Форвард курсининг ҳисоб-китоби.**

Назарий форвард маржасини қандай ҳисоблаш керак?

Назарияга мувофиқ, фоизли арбитраж билан операцияларни амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатда, амалиётда, мазкур соҳа мутахассисларига етарли шароит яратиб берувчи бошқа кучлар ишга тушади:

-бозор, оддий кредитор ёки қарз олувчига мўлжалланган фоиз ставкаларини берсада, барча қарз олувчилар бир хилдаги кредит лаёқатлилигига эга эмас. Буни ҳамда географик омилларни ҳисобга олиш, қарздорлар учун фоиз ставкаларни ўсишига ёки пасайишига олиб келиши мумкин;

-қандайдир маълум муддатга белгиланадиган фоиз ставкалари ёки форвардли маржалар индикатив (индикатор) характерга эга ва конкрет бозор шароитларига мослаша олган, алоқа ва контактларга эга арбитражёргина вазиятдан фойдаланиб қолиши мумкин;

-валюта назорати ва бошқа тартибга солувчи чегараланишлар баъзи маркет-мейкерлар ва бозордан фойдаланувчилар фаолиятини чеклаб туради. Бироқ, шу вақтнинг ўзида ушбу чегараланишларга алоқадор бўлмаганлар, қулай вазиятдан фойда олишга тайёрдирлар;

-баъзи кредитор ва қарз олувчилар, ўзларини етарли бўлмаган ёки ортиқча ликвидли позициядан ҳоли этиш ҳамда бунда ҳосил бўладиган рискларни қоплаш мақсадида, нокулай фоиз ставкалар асосида маблағларни қарзга олишга ёки депозитларга жойлаштиришга мажбур. Улар, эҳтиёткор ёки қулай географик жойлашишга эга дилерларга жуда ёқимли таклифларни қилишга мажбур.

Аммо қандай сабаб бўлишидан қатъий назар, фоизли арбитражёр ёки форвардли своплар бўйича дилерлар форвардли маржани тўғри аниқлаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Бунда ҳеч қандай катта яхлитлашлар мумкин эмас.

Спот операцияларида муҳим аҳамиятга эга бўлган интуитив (интуиция) дилинг, фозли арбитраж ўтказища тавсия этилмайди. Фоизли арбитражни амалга оширишда мавжуд актив ва пассивлардан келиб чиқилади, спот операциялари эса балансда акс эттирилмайди.

Масала. Ҳозирги пайтга спот курс GBP/USD 2,2515-га тенг. Бу дегани, 1000000 GBP-га эга бўлмоқчи бўлган арбитражёр 2251500 USD-ни спот шартлари асосида конвертация қилиш лозим. Фараз қилайлик, USD бўйича фоиз ставкаси йиллик 10 фоизни, GBP-лар бўйича эса йиллик 11 фоизни ташкил этади деб. Бунда биз GBP/USD муддатли операция учун назарий форвард курси ва маржасини аниқлашга керак бўлган барча маълумотга эга бўламиз.

Юқорида келтирилган курсдан ҳар қандай оғишлар валюта арбитражини ўтказиш учун ёқимли шарт-шароит тугдиради (албатта ушбу оғишлар операциялар юзасидан харажатларни қоплаш ва маълум бир фойда олиш имконини берса).

Бироқ амалиётда фоиз ставкаларни фарқлари ва форвард операцияларини муддати юқоридаги ҳолатга ўзгартиришлар киритиши ва фоиз арбитражига имкон яратилиши мумкин.

Фоиз йили узунлигининг таъсири. GBP-лардаги депозит ва қарзлар бўйича фоизлар маълум бир муддатга ҳисобланади, яъни 365 ёки 366 кун (феврал 29). USD бўйича депозит ва қарзлар бўйича фоизлар эса 360 кунга ҳисобланади.

Фоизлар ҳисоблашни стандарт формуласи:

Сумма x Курс x Давр (кунлар сони)

----- қ Фоизли даромад

360 ёки 365 x 100

ёки юқоридаги мисол маълумотларидан фойдалансак:

2251500 x 10 x 90

----- қ 56287,50 USD

360 x 100

ва

1000000 x 11 x 90

----- қ 27123,29 GBP

365 x 100

Юқоридаги ҳисоб-китобларда биз доллар ва фунтлардаги инвестицияларга фоизли даромадларни аниқладик. Бундан форвард курсини аниқлаймиз.

Мисол 1. Фараз қилайлик 3 ойдан сүнг USD-лардаги сумма катталашыб  $2251500 + 56287,50 = 2307787,59$  USD-га етди. Бунда, USD-лари қарзға олинганми ёки кредитта тақдим этиганидан қатый назар, уларнинг қиймати фоизни ҳисобга олган ҳолда GBP-даги эквивалентга тенг бўлади, яъни  $1000000 + 27123,29 = 1027123,29$  GBP. Бундан 3 ойлик (90 кун) муддатли курс:

$$2307787,50 / 1027123,29 = 2,246846 \text{ USD.}$$

Бунга мувофиқ форвардли маржа:  $2,2515 - 2,246846 = 0,004654 \text{ USD.}$

Бозор, бундай аниқликдаги котировкаларни бермайди. Ушбу маржани йиллик фоизга ҳисобламоқчи бўлган дилер хато қилиши мумкин:

$$0,0046 \times 4 \times 10$$

----- к 0,817233 % (йиллик ҳисобда)

$$2,2515$$

Ушбу ҳисоб-китобда йилдаги кунлар нотўғри олинган, 365 кун олиниши керак ва ҳисоб-китоб қуидагича бўлади:

$$0,0046 \times 365 \times 10$$

----- = 0,828584 % (йиллик ҳисобда)

$$2,2515 \times 90$$

Аммо бу ҳам ҳали аниқ ҳисоб-китоб эмас, яъни 1 фоизли фарққа яқин эмас. Олинган фоизлар фарқи даражаларида дилер йиллик ҳисобда 0,17% миқдорида даромад олиш мақсадида долларли заём олиши ва уларни стерлингларга айлантириши мумкин.

Ҳисоб-китобларда форвардли курсни ишлатилиши аниқроқ натижка олишга имкон беради:

$$0,0046 \times 365 \times 100$$

----- к 0,830280 % (йиллик ҳисобда)

$$2,2469 \times 90$$

Аммо бу натижка ҳам жуда аниқ натижалардан эмас.

Муддатлар узунлиги ва кенг фоиз фарқларининг таъсири ҳисоб-китобларда ноаниқликларни келтириб чиқариши мумкин ва буни биз қуидагилардан кўришимиз мумкин.

Мисол 2. SEK-лар 6 ойга йиллик 8% ҳисобидан кредитта олиниши ва USD-ларига айлантирилиб ўша муддатга йиллик 14,5% ҳисобидан депозиттга қўйилиши мумкин. USD ва SEK-ларнинг (Евробозорида) йиллик даври бир хил, яъни 360 кунни ташкил этса ҳам, бу омил назарий форвард курсининг ҳисоб-китобида эътиборга олиниши керак. Спот USD/SEK 2,00.

Шундай қилиб:

2000000 x 8 x 182  
----- қ 80888,89 SEK ва  
360 x 100

1000000 x 14,5 x 182  
----- қ 73305,56 USD  
360 x 100

Демак б ойдан сүнг 2080888,89 SEK (2000000+80888,89) 1073305,56 USD қийматига (1000000+73305,56) тенг бўлади ва бунда форвард курси 1,938767-га (2080888,89/1073305,56).

Ушбу валюта курси мавжудлигида арбитражёрга бозорга чиқиш қулай эмас, чунки у операциялар натижаси бўйича фойда ололмайди. Форвард маржаси 0,061233 (1,938767 - 2,00) ёки 0,0612-ни ташкил этиб, арбитражни амалга ошириш учун етмас эди.

Юқоридаги мисолда қарз муддатини ҳисобга олган ҳолдаги ҳисобланган фоиз, баъзиларга арбитраж ўtkазиш учун етарли бўлиб кўриниши мумкин:

0,0612 x 365 x 100  
----- қ 6,136818% йиллик  
2,00 x 182

Бунинг асосида даромаднинг соф фоизи 14,5 – (8 + 6,136818) қ 0,3632% йилликни ташкил этади, агар ҳисоблаш учун спот курс олинса.

Агарда форвард курсидан фойдаланилса, ҳисоб-китоб анчагина аниқроқ бўлиб, аммо бу ҳам ҳақиқатдан йирокроқдир, яъни

0,0612 x 365 x 100  
----- = 6,330635% йиллик  
1,938767 x 182

Бу тахминан йиллик 0,16% даромадга tengdir. Демак муддат ва фоизлар фарқи қанчалик катта бўлса, форвард курсининг ҳисоб-китоби бўйича натижа шунчалик аниқ бўлади.

Юқоридаги мисолни йиллик давр асосида ҳисобласак, қуйидагича бўлади:

2000000 SEK x 365 x 8  
-----= 162222,22 SEK  
360 x 100

1000000 x 365 x 14,5  
----- = 147013,89 USD  
360 x 100

Юқоридагидан форвард курси 1,885088 SEK-ни (2162222,22 / 1147013,89) ташкил этади, маржа эса 0,1149-га (1,885088 – 2,00) тенг бўлади.

Маржа 0,1149-га тенг бўлганда спот курсни ҳисобга олган ҳолда йиллик фоиз қулай бўлади:

0,1149 x 100  
-----= 5,745% йиллик ёки фойда нормаси йиллик 0,75%.  
2,00

Бу, агар ҳисоблардан фоизли даромад олиб ташланса, яхши фойда нормаси ёки фоизли экономия бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, фоизли даромад форвадли бозорда қопланмаса.

Халқаро савдо форвард ёки муддатли валюта шартномалардан фойдаланишни зарур қилиб қўяди, чунки улар валюта рискларидан ҳимояланиш имконини берадилар. Субъектлар ташки савдо контрактлари билан биргаликда валюта олди-соттиси бўйича шартнома ҳам тузадилар.

Шу билан биргаликда, хорижий валюталар билан муддатли шартномаларни зарурлиги турли молиявий операцияларни хеджинглаш билан ҳам асосланади:

-пул бозорларида депозитларга пул қўйиш; қимматли қофозларга инвестициялар; хорижда филиалларга тақдим этилган заёмлар; хорижий валютада амалга оширилган тўғрида-тўғри инвестициялар ва бошқа шу кабилар. Булар валюта активлари ҳисобланиб, тааллуқли валюталарни муддатга сотиш йўли орқали хеджингланиши керак;

-хорижда, хорижий валютада, капиталлар бозорида олинган заёмлар. Булар хорижий валютадаги пассивларни ташкил этади ва бу ҳолатда валюта рискини суғурта қилиш тааллуқли валюталарни муддатга сотиб олиш орқали амалга оширилади.

Форвард операциялари ёрдамида хеджинглаш нафақат қисқа муддатли, балки ўрта ва узоқ муддатли шартномаларга тегишлидир. Форвард шартномалари одатда 12 ойгача муддатга тузилади, аммо муддатли шартномани муддати тугаши билан мунтазам равишда янгилаш ёрдамида, шартноматма суғуртасини пролонгация қилиш мумкин.

Шартномани суғуртаси билан ёки унинг форвард қопланиши боғлиқ харажатлар одатда шартноманинг биринчи даври мобайнида аниқланади, сўнгги даврлардаги харажатлар эса олдиндан маълумдир.

Муддатли валюта операциялари конверсион, сұғурта ва чайқов турларыга, шартли равища бўлиниши мумкин. Келтирилган операциянинг ҳар бир турида чайқов элементи мавжуд.

Контракт тузилаётган пайтда, хорижий ва миллий валюталарнинг, тўлов валютаси валюта курсининг эҳтимолли ўзгариши ҳисобга олинади. Бошқача қилиб айтганда, валюта рисклари ҳисобга олинади.

Агарда тўлов валютасининг курси кўтарилса, экспортёр учун хорижий валютада тўлов муддати кечикирилган счёtnи бериш манфаатли бўлади. Чунки тушумни миллий валютага конверсия қилишда курс ниҳоятда қулай бўлади.

Агарда экспортёр товарни тўлови кечикирилган ҳолда сотиб, тўлов валютаси курсини пасайишидан хавотирда бўлса, у кўрилиши эҳтимолли бўлган зарарни хорижий валюта билан муддатли шартнома тузиш орқали суғурта қилади. Бу ҳолда экспортёр хорижий валютани форвард шартлари асосида, импортёрдан тушумни олиш муддатига етказиб бериш шарти билан сотади. Бунда, хорижий валютанинг миллий валютага конверсияси, валюта шартномасини тузиш кунига, форвард курси асосида амалга ошади. Яъни, экспортёрнинг импортёрдан валюта тушумини олаётган пайтдаги курс асосида.

Ўз навбатида, импортёр, курси кўтарилаётган хорижий валютада товарлар учун тўлови кечикирилган ҳолда, форвард шартномасини валюта рискидан ҳимояланишда ишлатади.

Форвард шартномалари чайқов операцияларни амалга оширишда қулай восита бўлиб ҳисобланади, чунки бундай операцияларни амалга ошириш ликвид маблағларни талаб этмайди.

Масалан, сотиб олувчи X валютани Y валюта ҳисобига, муддатида сотиб олмаслик нияти билан, сотиб олишга муддатли шартнома тузди. У, муддат тугаши билан, форвард шартномасини X валютасини спот шартлари асосида сотиш билан қопламоқчи (X валютани ўша пайтга келиб курси кўтарилишига умид қилган ҳолда). Чайқов характеристига эга, хорижий валюта билан, ушбу муддатли операция тури “валюта курсини кўтаришга ўйин” номини олган.

Мисол: мижоз, валюта курсининг кўтарилишига ўйнаб, 12 ойдан сўнг етказиб бериш шарти билан GBP-ларни CHF-ларига сотиб олишга муддатли шартнома тузди.

Спот курс GBP/USD	1,5060 – 1,5070
12 ойга форвард дисконти	0,0270 – 0,0240
12 ойлик форвард	1,5310 (1,5070 + 0,0240)
Спот курс USD/CHF	1,8410 – 1,8425
12 ойга форвард дисконти	0,0495 – 0,0470

12 ойлик форвард	1,7955 (1,8425 - 0,0470)
------------------	--------------------------

Швейцария банки мижозга фунтларни 1,7955 x 1,5310 қ 2,7490 CHF курси асосида сотади.

Агарда, бир йилдан сўнг GBP-нинг курси ўсиб 3,0000 CHF-ни ташкил этса, мижоз ҳар бир GBP-га 0,2510 CHF фойда кўради (3,0000 – 2,7490).

Валюта курсининг кўтарилишига сингари, уни пасайишига ҳам ўйин мавжуд. Бунда, маълум бир муддатдан сўнг етказиб бериш шарти билан, сотувчи X валютани У валютага сотиш ҳақида муддатли шартнома тузади (ўша пайтга келиб X валютани курси пасайишига умид қилган ҳолда) ва натижада унда ушбу валютани, спот шартлари асосида, арzonроқ сотиб олиш имкони туғилади.

Агарда, бундан олдинги мисолдагига нисбатан, фунтни курси пасайиб 2,6000 CHF-ни ташкил этса, унда фойдани банк олади, яъни валютанинг пасайишига ўйнаган сотувчи. Бу фойда, ҳар бир GBP-га 0,1490 CHF-ни (2,7490 – 2,6000) ташкил этади. Бу ҳолатда мижоз худди шу ҳажмда зарар кўради.

Шундай қилиб, муддатли чайқов операциялари катта миқдорда фойда сингари, банк ва фирмаларни банкротликка олиб борувчи, зарар ҳам келтириши мумкин.

Форвардли кросс-курсни ҳисоблашни қўйидаги мисолда кўрамиз.

Мижоз Швейцария банкига ITL-ни CHF-га, 1 ойдан сўнг етказиб бериш шарти билан сотмоқчи.

Спот курс USD/ITL	1530,70 – 1531,70
1 ойлик мукофот	+5,00 - +6,50
<hr/>	
1 ойлик форвард	1538,2 (1531,70 + 6,50)

Спот курс USD/CHF	1,8410 – 1,8425
1 ойлик дисконт	0,0033 – 0,0028
<hr/>	
1 ойлик форвард	1,8377 (1,8410 - 0,0033)

1.Швейцариядаги банк Италиядаги банкга ITL-ни USD-га 1538,20 сотувчи курсида муддатга сотади.

2.Банк CHF-ларини Швейцариядаги бошқа банкдан USD-га 1,8377 сотиб оловчи курсида сотиб олади.

X CHF	қ 100 ITL
1538,20 ITL	қ 1 USD
1 USD	қ 1,8377 CHF

100 x 1,8377  
 X қ ----- қ 0,1195 CHF  
 1538,20

Шундай қилиб, 1 ойлик муддатли шартнома бўйича ITL-нинг CHF-ига бўлган сотиб олиш курси 0,1195 CHF-ни ташкил этади. Бу курсни таққослаш учун қуйида спот курсларни келтирамиз:

100 x 1,8410  
 ----- қ 0,1202 CHF,  
 1531,70

дисконт эса 0,0007 CHF-ига teng бўлади ёки

0,0007 x 12 x 100%  
 ----- қ 7% (йиллик ҳисобда).  
 0,1202

Валютани маълум бир санага етказиб бериш шарти билан боғлиқ кўпгина валюта операциялари стандарт муддатларга (1, 2, 3, 6 ва 12 ой) номувофиқ муддатларга эга. Кўп ҳолларда банклар форвард позициясини муддати тўғри келадиган шартнома билан ёпмоқчи бўладилар. Аммо, кўп ҳолларда бозорда ушбу зачётни амалга ошириш имконини берадиган шартномани топиш қийин. Шунинг учун, валюта етказиб беришнинг ностандарт муддатларига эга шартнома бўйича дисконт ёки мукофотни аниқлаш зарур.

Масалан, 3 марта 25 апрел санасига дисконт/мукофотни ҳисоблаш керак:

1 ойга дисконт-мукофот 0,0101  
 2 ойга дисконт-мукофот 0,0203  
 Спот 3 март шартномаси

бўйича етказиб бериш санаси – 7 апрел (32 кун)

1 ой муддатга етказиб бериш санаси – 7 апрел  
 2 ой муддатга етказиб бериш санаси – 9 май  
 25 апрел – 9 май қ 14 кун  
 0,0203 - 0,0101 қ 0,0102  
 0,0102 : 32 қ 0,00032 бир кунга  
 14 x 0,00032 қ 0,0045 14 кунга  
 0,0203 - 0,0045 қ 0,0158  
 0,0158 – 3 марта 25 апрелга қадар ҳисобланган дисконт-мукофот, яъни 14 кунга.

Айрим валюталарга, масалан CHF-ларига, ойнинг сўнгги кунида бошқа кунларга нисбатан, банклар нисбатан юқори фоиз белгилайдилар, бу эса

валюта етказиб бериш муддатлари ностандарт бўлган шартномаларда дисконт-мукофот ҳисоб-китобини қийинлаштиради.

24 марта 29 апрелгача муддатга (етказиб бериш санаси 28 апрел) дисконт-мукофот ҳисобланиши зарур:

1 ойга (31 кун) дисконт	-0,0097
оининг сўнгги куни (1-кун)	
учун мукофот	+0,0015
30 оддий кун учун дисконт	-0,0112 (0,0015 – (-0,0097))

1 оддий кун учун дисконт  
куйидагига тенг бўлади -0,0112 : 30 қ 0,00037

28 марта 29 апрелга қадар (28 март-28 апрел)  
даврға дисконт – 0,0097 + (-0,00037) қ0,01007-ни ташкил этади.

### 3. Фьючерс операциялари.

Фьючерс – хосилавий молиявий инструментлар туркумига киради. Фьючерс операциялари, биржадаги муддатли операциялар бўлиб, хом-ашё товарлари, олтин, валюта, молиявий ва кредит инструментларини шартнома тузилаётган пайтда қайд этилган баҳода сотиш ёки сотиб олишдан иборат. Бунда, шартномани ижроси келгусида (2-3 йил) амалга ошади.

Амалиётда товар фьючерслари, фонд фьючерслари ва валюта фьючерслари мавжуд.

Форвард ва фьючерс шартномалари маълум бир валюта ёки молиявий инструментни маълум бир курс асосида келгусидаги маълум бир санада сотиш ёки сотиб олиш тўғрисидаги шартномадир.

Форвард шартномалари – бу, биржадан ташқаридаги бозорда амалга ошириладиган операциялардир. Фьючерс операциялари эса – бу, валюталарнинг белгиланган суммалари билан биржа бозорида алмашиш операцияларидир. Валюта фьючерслари – бу, биржада амалга ошириладиган тўлов муддати кўрсатилган ва стандартлаштирилган шартнома ҳажмлари билан хорижий валюталар билан бўлган муддатли валюта операцияларидир. Бундай операцияларни асосий мақсади курслар фарқи сифатида даромад олишдир.<sup>25</sup>

Фьючерс шартномалари ижро этилгунга қадар, кафолат сифатида, маълум бир сумма бўнак сифатида биржага тўланади. Операциялар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар клиринг палатаси орқали амалга ошади ва ушбу палата сотувчи ва сотиб олувчи орасида воситачи бўлиб, шартнома ижро этилишини кафолатлайди.

Фьючерс операцияларининг қўпчилиги товар ёки бошқа бир савдо объектларини етказиб бериш билан якунланмайди, чунки ушбу

<sup>25</sup> Ё.И. Эдәнәеев “Лаҳзабоёндӣ ҳаёти ӯзбекистони ҳамон тарзига ташкил этилди” 2004а

шартноманинг асосий мақсади хеджинглаш, яъни активлар ёки мажбуриятларни баҳолар, курслар ёки фоиз ставкаларини ўзгариши рискидан ҳимоялаш (суғурталаш)дир. Бунинг учун биржада накдли операцияларга параллел равишда, суммалари жиҳатидан тенг бўлган, аммо уларга қарама-қарши бўлган фьючерс операциялари амалга оширилади.

Хом-ашё товарлари билан фьючерс операциялари XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб амалга оширилади. Бреттон-Вудс валюта тизими инқизози ва Ямайка валюта тизими шароитида эркин сузуви валюта курсларининг киритилиши, валюта курслари, фоиз ставкалари, олтин баҳосининг тебранишидан ҳимояни талаб эта бошлади. Бунинг учун 1972 йилдан бошлаб хорижий валюта ва олтин билан фьючерс операциялари амалга оширила бошлади. 1975 йилдан бошлаб – сертификатлар, векселлар, облигациялар, депозитлар билан амалга оширила бошлади. 1982 йилда баҳоси турли фонд индекслари бўлган фьючерс операциялари пайдо бўлади.

Товар биржалари учун анъанавий бўлмаган молиявий инструментлар билан фьючерс операцияларининг йифиндиси молиявий фьючерслар номини олди. Молиявий фьючерслар биржа шартномаларига киради. Молия борасидаги фьючерслар билан савдо 1972 йилда Чикаго товар биржасида биринчи бор хорижий валюталарга молиявий фьючерс контрактлари пайдо бўлиши билан бошланган (GBP, CAD, SEK, ITL, JPY, CHF, MEP).

Хорижий валютага (AUD, GBP, SEK, FRF, JPY, CHF) фьючерс контрактлари Чикаго тижорат биржаси таркибидаги Халқаро валюта биржаси орқали тузилади.

Чикаго биржасининг бўлинмаси бўлмиш индекслар ва опционлар биржаси AUD, GBP, CAD, SEK, JPY, CHF-ларига бўлган фьючерс контрактлари бўйича опционлар билан савдо қиласи.

Ўртаамерика товар биржаси GBP, CAD, SEK, JPY, CHF-ларига бўлган фьючерс контрактлари билан савдо қиласи. AUD, FRF, GBP, JPY, SEK, CAD, CHF ва Евро бўйича муддатли контрактлар Филадельфия биржаси орқали сотилади.

Молиявий фьючерслар билан савдонинг асосий марказлари – анъанавий муддатли товар биржалари, яъни Чикаго ва Нью-Йорк товар биржалари (Нью-Йоркдаги олтин савдоси бўйича етакчи бўлмиш КОМЕКС биржаси, валюта бўйича - Чикаго меркантайл экспейндж, молиявий инструментлар билан - Чикаго борд оффтрэйд).

Бундан ташқари, улар билан Канада, Лондон, Сингапур, Сидней биржаларида ҳам савдо қиласи. Шу билан биргалиқда, ихтисослашган марказлар ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, НИФЕ (Нью-Йорк), ЛИФФЕ (Лондон), Торонто фьючерс экспейндж. Жаҳонда фьючерслар билан 1 кунлик савдонинг умумий ҳажми тахминан 100 млрд. А+Ш долларини ташкил этади.

Фьючерс операцияларида кўпчилик брокер фирмалари, инвестиция институтлари, саноат ва савдо монополиялари, алоҳида инвесторлар иштирок этади. Шу билан биргалиқда, ушбу операцияларда катта ролни тижорат

банклари ўйнамоқда. Бунинг учун улар алоҳида маҳсус шуъба компаниялар ёки бўлимлар ташкил этади.

Фьючерс операцияларини тартибга солиш (мувофиқлаштириш) биржа раҳбарияти, марказий банклар ва молия вазирликларига юклатилган. А+Ш-да муддатли савдо бўйича маҳсус федерал комиссия ташкил этилган.

Маржа тизими (кафолат бадали) ҳар қандай камомадларни қоплаш имконини беради. Ушбу камомадлар, биржада фьючерс контрактларини кундалик асосда қайта баҳоланиш оқибатида ҳосил бўлади. Шу сабабли, кафолат бадали биржа савдосининг иштироқчиси томонидан, шартнома амалга оширилгунга қадар, биржага тўланиши лозим. Масалан, халқаро валюта бозорида 25000 USD ҳажмида контрактни тузиш учун 1500 USD ҳажмида дастлабки сотувчи ва сотиб оловчи томонидан кафолат бадалини тўлаш талаб этилади.

Масала 1. Сотиб оловчи биржада 25000 GBP ҳажмидаги 1 GBP қ 2 USD курсида, ижроси декабрда (учинчи чоршанба ёки навбатдаги биринчи иш куни) бўлган фьючерс контрактини сотиб олмоқда. Бу дегани, тузилаётган контрактнинг қиймати 50000 USD. Сотиб оловчи биржага 1500 USD ҳажмида кафолат бадалини тўлайди. Биржа ўз навбатида, ҳар иш кунини охирида ижро этилмаган контрактларни, иш кунининг охирига бўлган курс асосида қайта баҳолаш ишини амалга оширади.

Агар ушбу иш кунини охирига GBP-нинг курси пасайиб 1,98 USD-ни ташкил этса, сотиб оловчи 500 USD ҳажмида зарар кўради. Бунда биржа сотиб оловчидан кафолат бадалига қўшимча пул ўтказиши талаб этмайди. Чунки, сотиб оловчининг кўрган зарари у ҳосил қилган кафолат бадали суммасидан ошиб кетмади. Бизнинг мисолимиздаги бўнак қолдиғи 1000 USD ўтадиган маржа (переходяҳая маржа) бўлади.

Бироқ, GBP мисолимизда 1,95 USD-гача пасайиб кетса, унда контрактнинг қиймати 48750 USD-ни ташкил этади ва сотиб оловчи эртаси кун, биржа очилгунга қадар, бўнак бадалини ўтадиган маржа ҳажмига (1000 USD) етказиш мақсадида, биржага 250 USD ўтказиши керак бўлади.

Аксинча, кунлик қайта баҳолаш натижасида фойда ҳосил бўлса, унда у сотиб оловчи ҳисоб рақамига ўтказилади (минимал 1000 USD ўтадиган маржа сақланган ҳолда).

Масала 2. Компания З ойдан сўнг кредит олиши зарур, ушбу қарзни олиш санаси ғазнахона векселларига бўлган фьючерс контрактининг келгусидаги ҳисоб-китоб санаси билан тўғри келади. Вексель бўйича даромад йиллик 13%, қарз қиймати эса йиллик 15% ташкил этади. Агарда, қарз оловчи бозордаги келгусидаги ўзгаришларни тўғри тахмин қила олса ва унинг ўйлашича, фоиз ставкалари 2-3 ойдан сўнг йиллик 17% ва ундан юқори даражага кўтарилса, компания бир ёки бир нечта векселларни сўзсиз сотади, йиллик 13% баҳосида, 3 ойдан сўнг ҳисоб-китоб қилиш шарти билан. Агар компания тахминлари тўғри чиқиб, векселлар бўйича даромад йиллик 15%-гача кўтарилса, қарз баҳоси эса йиллик 17%-гача кўтарилса, унда қарз олиш

ва ғазнахона векселларининг сотиши санасига келиб компания йиллик 2%-ни тежаб қолади ва қарз бўйича ўз харажатларини йиллик 15% даражасида барқарорлаштиради.

Масала 3.

Масалан, Лондон молия фьючерсларининг Халқаро биржасида (LIFFE) сотилган CHF валюта фьючерсининг стандартлаштирилган контракти куйидаги кўринишга эга:

Савдо бирлиги - (швейцария франклари 125000 март, июн, тўловлар - сентябр ва декабр ойларининг учинчи чоршанбаси).

Савдо вақти - эрталаб соат 8,30 – кундузи соат 4,00 (Лондон вақти билан).

Савдонинг сўнгти куни - тўловдан олдин бўлган 2 иш куни, эрталаб соат 10,30-гача (Лондон вақти бўйича).

Фьючерс бозори – бу, марказлашган бозор бўлиб, унда рақобатдошлиқ асосида товарни етказиб беришга фьючерс контрактлари сотилади ва сотиб олинади. Конкрет товарга бўлган ҳар бир контракт стандартлашган (яъни, келишилган муддатдан сўнг, белгиланган қатъий кунда, етказиб бериладиган маълум бир миқдордаги ва сифатдаги товарни намоён этади).

Контрактнинг барча шартлари стандартлаштирилганлиги сабабли, муҳокама этиладиган ягона нарса – бу, товарнинг баҳосидир (у савдо залида аниқланади).

Фьючерс бозорининг иқтисоддаги роли – биринчидан, баҳоларни аниқ белгилаш, иккинчидан, хеджинглаш учун шароит яратиш, яъни баҳо рискларини суғурталаш.

Фьючерс контракти брокернинг ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси олдида келгусида маълум бир товарни сотиши ёки сотиб олиш ҳақидаги реал мажбурияти бўлиб ҳисобланади.

Келгусида етказиб бериладиган товарнинг баҳоси шартнома тузилаётган пайтда қайд этилади.

Товарга ҳақ тўланиши ва товарнинг етказилиши контрактда кўрсатилган ойда ҳамда савдо қоидалари билан белгиланган кунларда (етказиб бериш ойнинг 28, 29, 30-саналарида) амалга ошади.

#### **4. Опцион шартномалари.**

Юқорида кўриб чиқилган мавзулардаги валюта операцияларда биз истиқбол баҳоларини ҳисобга олмаган эдик. Одатда, қўшимчалар сифатидаги мукофот ёки дисконтлар, контрагентларнинг шу соҳа бўйича қанчалик маълумотга эга эканлигига боғлиқ ва улар шартнома предмети бўлиб ҳисобланади. Бунинг муносабати билан, бу ерда муҳим аҳамиятни опционлар билан шартномалар касб этади.

Опцион – лотинча сўз “*optio*”дан олинган бўлиб, танлов маъносини беради. Опцион – бу маълум бир активни шартномада қайд этилган баҳода, олдиндан келишилган санада ёки келишилган маълум бир давр ичида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини (сотиб олевчи опциони учун) бошқа шахсга берилиши ҳақидаги икки тарафлама шартномадир.

Мазкур шартнома бўйича бир брокер (дилер) ёзиб, опционни бошқа брокерга беради, бошқа брокер эса уни сотиб олади ва опцион шартлари кўзда тутган муддат ичида уни (“страйк” баҳо) ўрнатилган курс асосида опционни ёзиб берган шахсдан (сотиб олевчи опциони) маълум бир микдордаги валютани сотиб олиш ёки унга бу валютани сотиш (сотувчи опциони) ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, опцион сотувчиси валютани сотишга (ёки сотиб олишга) мажбур, опционни сотиб олевчи шахс эса буни қилиши шарт эмас. Яъни, у, валютани сотиб олиши ёки сотиб олмаслиги (сотиши ёки сотмаслиги) мумкин. Демак, опцион сотиб олевчини алмашув курсини келишилган “страйк” баҳодан ошиқ ёқимсиз ўзгаришидан ҳимоя қилувчи, валюта рискларини суғурта қилишнинг шаклидир. Опцион, унга, агарда алмашув курси “страйк” баҳодан ошиб, унга ёқимли тарафга ўзгарса, даромад олиш имконини беради.

Опционнинг “страйк” баҳога нисбатан алмашув (жорий) курсини ўсиши “апсайд” (инглизча “upside” – юқори томони) деб аталади. Унинг “страйк” баҳога нисбатан пасайиши эса “даунсайд” (инглизча “downside” – пастки томони) деб аталади.

Опционнинг 3 тури мавжуд, яъни:

1. Сотиб олишга опцион (“call option”) – бу опционни сотиб олевчи шахснинг, валюта курсининг ўсиш хавфидан (ёки маълум бир санага ҳисоб-китоб қилишдан) ўзини ҳимоя қилиш мақсадида, унинг шу мазкур валютани сотиб олиш (ёки ҳисоб-китобни амалга ошириш) ҳуқуқидир (мажбурияти эмас).

2. Сотишга опцион (“put option”) – бу опционни сотиб олган шахснинг, валюта қадрсизланишидан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида, шу опционни сотишга (ёки маълум санага ҳисоб-китоб қилиш) ҳуқуқини (мажбуриятини эмас) билдиради.

3. Опцион стеллаж (немисча “stellage”) ёки (двойной опцион) ёки (“put-call option”) – бу опцион эгасига валютани, базис баҳоси бўйича, сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради (бир вақтнинг ўзида сотиб олиш ва сотишни эмас). Опционда унинг муддати кўрсатилади.

Опционнинг муддати - бу сана ёки маълум бир давр бўлиб, сана ёки давр муҳлати ўтиб кетса, мазкур опционни ишлатиб бўлмайди.

Опционнинг 2 стили мавжуд: а) европача ва б) америкача.  
Европача стили – бунда, опцион фақат маълум бир белгиланган санага ишлатилиши мумкин.

Америкача стили – бунда, опцион, опцион даврининг исталган пайтида ишлатилиши мумкин.

Опцион ўз курсига эга. Опцион курси – бу страйк баходир (инглизча “strike price”). Бу валютани, яъни опцион активини сотиб олиш (“put”) ёки сотиш (“call”) мумкин бўлган баҳосидир.

Опционни сотиб оловчи шахс, опционни сотувчи ёки уни ёзиб берган шахсга, мукофот деб аталмиш комиссия ҳақини тўлайди.

Мукофот – бу опционнинг баҳосидир. Опционни сотиб оловчи шахснинг риски шу мукофот миқдори билан чекланади, ўз навбатида, опционни сотувчи шахснинг риски эса, олинган мукофот миқдорига камаяди.

Опционга эгалик қилиш, уни сотиб олган шахсга, олдиндан билиб бўлмайдиган келгусидаги ўзгаришлардан ўзини ҳимоя қилиш имконини беради. Опцион шартномаси, опцион эгаси учун, ижро этилиши мажбурий бўлган шартнома эмас. Шунинг учун ҳам, агарда опцион амалга ошмаса, эгаси уни бериб юбориши ёки ишлатмасдан қолдириши мумкин.

Опцион ва форвард шартномалари орасидаги асосий фарқлар:

1. Сотиб оловчи апсайддан фойда олади.
2. Сотиб оловчи даунсайддан ҳимоя қилинган.
3. Сотиб оловчи опцион учун мукофот тўлайди.

Мукофот, яъни опционнинг баҳоси қўйидаги 2 элементдан ташкил топади: а) ички қиймат ва б) даврий қиймат.

Ички қиймат (бошқача номи ички қимматлиги) – бу, опцион эгасининг уни сотишдан олган потенциал даромади. Опцион мукофотининг пастки чегараси ички қийматга тенгдир. Чунки, сотувчи опционнинг страйк баҳоси ва жорий баҳоси (“спот” курс) сифатидаги фарқдан кичик бўлган мукофотга рози бўлмайди.

Мисол. “Спот” курс 1 А+Ш доллари - 20 сўмни ташкил этади. Опциондаги сотиб олиш “страйк” баҳоси – 19 сўм. Опцион эгаси А+Ш долларларини 1 А+Ш доллари - 19 сўм баҳода сотиб олиши ва 1 А+Ш доллари-20 сўм баҳода сотиши мумкин. Бунда, опционнинг ички қиймати 1 сўмни (20 сўм – 19 сўм) ташкил қиласди.

“Ички қиймат” тушунчасидан келиб чиқсан ҳолда опционлар қўйидагиларга фарқланади:

- 1.”Пулдаги опционлар” (инглизча “in the money option”).
- 2.”Пулнинг олдидағи опционлар” (инглизча “at the money option”).
- 3.”Пулсиз опционлар” (инглизча “out of the money option”).

Опционнинг алмашув курси, унинг шартномаси, страйк, баҳосидан юқори бўлса – “пулдаги опцион” бўлади. “Пулдаги опцион” мустақил ижобий қийматга эга, яъни фьючерс жорий баҳосидан паст сотиш баҳосига эга сотувчи опциони, ёки сотиш баҳоси, фьючерс жорий баҳосидан паст бўлган сотиб олиш опциони.

Мисол. Январда ижро этиладиган фьючерс 1 А+Ш доллари - 20 сўм баҳода сотилса, унда ижроси январда, сотилиш баҳоси 1 А+Ш доллари- 19 сўм бўлган сотиб олувчи опционы “пулда” 1 А+Ш доллари-1 сўм бўлади.

Базис баҳоси тахминан жорий баҳосига тенг, яъни мустақил баҳоси нолга тенг бўлган опцион - “пулни олдидағи опцион” бўлади.

Салбий мустақил қийматга эга бўлган опцион - “Пулсиз опцион” бўлади.

Даврий қиймат опционлар савдосида рискларни акс эттиради. Бундай рискларнинг катта ёки кичиклигига “страйк” баҳо, валюта курсларнинг ўзгарувчанлиги, фоиз ставкалари, валюта бозоридаги талаб ва таклиф миқдорлари таъсир этади.

Опционлар жорий баҳоси ва “страйк” баҳоларининг тенглиги шароитида даврий қиймат ўзининг энг катта миқдорига етади. Чунки, опционлар жорий баҳосининг у ёки бу тарафга оғиш эҳтимоллиги ниҳоятда юқори. Агарда, опционнинг ижро санасига жорий баҳоси (“спот” курс) тебраниш эҳтимоли нолга яқинлашса, унда даврий қиймат ҳам нолга тенг бўлади.

Мисол. Валюта биржасида қўйидаги параметрларга эга А+Ш долларларини сотиб олишга опцион таклиф этилмоқда:

“put” (1 А+Ш доллари учун сўм)

жорий курс (“спот” курс)	100 сўм/”col” А+Ш доллари
--------------------------	---------------------------

суммаси	10000 А+Ш доллари
---------	-------------------

муддати	3 ой
---------	------

опцион курси (“страйк” баҳо)	12 сўм-1 А+Ш долларига
------------------------------	------------------------

мукофот	1 сўм-1 А+Ш долларига
---------	-----------------------

стили	европача
-------	----------

Опционнинг сотиб олиниши, 10000 А+Ш долларини, 3 ойдан сўнг, 1 А+Ш доллари 12 сўм курси асосида сотиб олиш имконини бермоқда, яъни харажатлар 120000 (10000\$ x 12 сўм) сўмни ташкил этмоқда. Опцион шартномасини тузган пайтда, сотиб олувчи 10000 сўм (10000\$ x 1 сўм) миқдорида мукофот тўлайди. Валютани сотиб олиш билан боғлиқ жами харажатлар 130000 сўмни (120000 сўм + 10000 сўм) ташкил этади.

Опционни сотиб олиб, сотиб олувчи қўйидаги имтиёзларга эга бўлади:

-опцион, валюта курсини кўтарилишидан тўла химоя қиласи.

Бизнинг мисолимизда, сотиб олувчи 1 А+Ш доллари - 12 сўм миқдоридаги кафолатланган сотиб олиш курсига эга. Агарда, опционни ишлатилиш кунига келиб жорий курс (“спот” курс) опцион курсидан юқори бўлса, сотиб олувчи бундан қатъий назар валютани 1 А+Ш доллари - 12 сўм курси асосида сотиб олади.

Сотиб олувчи валюта курсининг пасайишидан ҳам ютади. Агарда, опционнинг ишлатилиш кунига келиб жорий курс (“спот” курс) опцион курсидан паст бўлса, сотиб олувчи опциондан фойдаланмаслиги мумкин ва А+Ш долларларини, курснинг пасайиши оқибатида ютган ҳолда, нақдли бозорда сотиб олиши мумкин.

Сотиб олишга опцион, эгасига, валютани нисбатан паст курсда сотиб олиш ва даромад олиш ҳуқуқини беради. Бу даромад қуйидаги формула асосида аниқланади:

$D_k(P_1 - P_0) \times n - C_n$ , ёки

$D_k(P_1 - P_0 - C) \times n$ ;

бу ерда,  $D$  – сотиб олишга опциондан келадиган даромад;

$P_1$  – опцион ижроси пайтидаги бозордаги валюта курси (спот-курс);

$P_0$  – “страйк” баҳо (валютани сотиб олишга опцион курси);

$C$  – опцион мукофоти (опцион баҳоси);

$n$  – опцион бўйича сотиб олинаётган валюта миқдори.

Сотишига опцион, эгасига, бозор томонидан паст даражада баҳолангандан валютани, нисбатан юқори курсда сотиши ва даромад олиш ҳуқуқини беради. Бу даромад қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$D_k (P_1 - P_0 - C) \times n$ .

Опцион шартномалари – бу шундай форвард шартномаларики, улар тузилганидан сўнг мижоз шартноманинг бажарилишини талаб этиши мумкин:

а) шартнома тузилган санадан бошлаб, хоҳлаган кунда ва келгусидаги истаган санасигача;

б) икки сана орасидаги хоҳлаган муддатида, бу иккала сана келгусидаги саналардир.

Мижоз валютани сотишининг аниқ муддатига эга бўлмаса, тўлов муддатини ўз ичига оладиган, тўла ойларни қоплай оладиган опцион шартномалари ишлатилади.

Опцион шартноманинг қўлланилишидан мақсад, форвард шартномаларини янгилаш ёки уларни бир неча кунга узайтириш заруратидан холис бўлишидир. Бу эса, кунлик ҳисобда жуда қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун, мижоз опцион шартномайдан фойдаланган ҳолда ўз валюта рискини қоплаш имконига эга бўлади, хатто аниқ муддатга эга бўлмаса хам.

Масалан, 10 апрелда банкимизнинг мижози май ойининг охиригача 40000 CHF тўлаши кераклиги ҳақида билади. У 40000 CHFни шу муддат ичida унга сотиши ҳақида банк билан форвард опциони тузади, масалан, 10 августдан то 10 июнгача. Шундай қилиб, бу шартнома ўз ичига 2 ой ичидаги ҳар қандай санани олади.

Бундан ташқари, опционлар қисмлар бўйича ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, мижоз форвардли опцион шартлари асосида 3 июлдан то 3 августгача бўлган давр ичидаги хоҳлаган кунда 100000 SEK-ни сотиши ҳақида шартнома тузади. Бунга асосан, у 20000 SEK-ни 5 июлда, 50000 SEK-ни 15 июлда ва 30000 SEK-ни 1 августда сотиши мумкин.

Мижоз ва банк орасида форвардли опцион шартномаи тузилаётган пайтда сотувчи ва сотиб олувчи курслари аниқланиши лозим, чунки банк уни котировка қиласи. Албатта банк ўзи учун қулай бўлган курсни шу опцион даври учун котировка қиласи. Бу масала муҳим аҳамиятга эга, чунки мижоз

шартноманинг ижро этилишини опцион даврининг исталган санасида тала бетиши мумкин. Бунда банк, мижоз банк ҳисобига қулай курсга эга бўлиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Масалан, а) мижоз 1 мартда, 1 мартдан то 1 апрелгача бўлган даврда 20000 USDни сотиб олиш ҳақида опцион шартномасини тузмоқчи. Банкнинг сотиш курслари қўйидагича:

“Spot” курс - 1,5250 USD

1 ойлик форвард курси - 1,10 цент мукофот

Банк ўзи учун қулай бўлган курсни беради, бу курс опцион даврининг охирги кунига тўғри келадиган курсдир, яъни 1,5250 USD минус мукофот 1,10 цент қ 1,5140 USA. Мижоз учун фунт стерлингдаги сотиш баҳоси 13210,04 GBP-ни ташкил этади (20000 USA : 1,5140 USD);

б) Фараз килайлик, мижоз 40000 SEK-ни сотиш учун 1 мартда, 1 апрелдан то 1 майгача бўлган опцион шартноманини тузмоқчи. Банкнинг сотиб олиш шартлари:

“Spot” курс - 3,05 SEK

1 ойлик форвард курси - 1 1/2 пфенинг мукофот

2 ойлик форвард курси - 2 1/2 пфенинг мукофот

Банк ўзи учун қулай бўлган курсни котировка қиласди (3,05 - 1 1/2 пфенинг) 3,03 1/2 (1 апрель) ёки (3,05 - 2 1/2 пфенинг) 3,02 1/2 (1 май). Бунда, банк сотиб олади ва банк учун қулай курс 1 апрель курси бўлади, яъни 3,03 1/2 (иккала курснинг ичидаги энг юқориси).

Мижозга қилинадиган тўлов 13179,57 GBP-ни ташкил этади (40000 SEK : 3,03 1/2), бу ерда 3,03 1/2 қ 3,035 ни ташкил этади;

в) Фараз килайлик, мижоз 1 мартда, 1 май ва 1 июн ойлари орасида банк 300000 испан песетини сотиб олиши ҳақида опцион шартноманини тузади. Банкнинг курслари қўйидагича:

“Spot” курс - 196,50 ёки 198,00

2 ойлик форвард курси - 290 ёки 365 сентано dis

3 ойлик форвард курси - 435 ёки 525 сентано dis

Банк учун қулай сотиб олиш курслари қўйидагича: (198+3,65)қ 201,65 (1 май) ёки (198 + 5,25) қ 203,25 (1 июнь). Бунда, банк учун арzon курс бу юқори курс бўлади, яъни 203,25 ва мижоз қўйидаги суммани олади 1476,01 GBP (300000 : 203,25).

## **5. Своп шартномалари.**

Своп (ингл. “swap”, “swop”) – алмашув, алмаштириш маъносини билдиради. Своп операцияси – бу, ҳисоб-китоб саналари турлича бўлган, тахминан тенг ҳажмдаги хорижий валютанинг бир вақтнинг ўзидаги сотилиши ва сотиб олинишидир. Своп, валюта операцияси валютанинг “spot” шартлари асосида, миллий валюта эвазига сотиб олиниши ва кейинчалик унинг қайта сотиб олинишини кўзда тутади. Демак, своп операцияси – бу, валютанинг, микдор жиҳатидан тенг суммаларга, улар бўйича ҳисоб-китобларни турли

саналарда амалга ошириш шарти билан, бир вақтнинг ўзида сотиб олиниши ва сотилишидир. Своп – бу, валютани, сўнгги сотув кафолати билан, вақтинчалик сотиб олишдир.

Амалиётда своп, бир вақтнинг ўзида, валюта алмашуви билан боғлиқ икки алоҳида шартноманинг имзоланишини кўзда тутади. Бу шартномалар қарама-қарши йўналишларга ва турли ҳисоб-китоб саналарига эга. Бу шартномаларнинг бири бўйича, биринчи валюта иккинчи валюта ҳисобига, маълум бир санада етказиб бериш шарти билан сотиб олинади. Иккинчи шартнома бўйича эса, биринчи валюта иккинчи валютага, бошқа санада етказиб бериш шарти билан, сотиб юборилади.

Своп валюта операцияларини кўп ҳолларда банклар амалга оширади. Бунда, икки банк орасида икки валюта билан алмашув маълум бир даврда бўлиб, шартнома охирида дастлабки валюталар банкларга қайтарилади. Валюталар билан алмашув, бир вақтнинг ўзида тузиладиган, аммо валюталарнинг турли саналарда етказиб берилиши кўзда тутилган икки қарама-қарши шартнома шаклида амалга ошади: “spot” бир шартнома бўйича ва “форвард” бошқа шартнома бўйича. Бунинг натижасида иккала банк ҳам, “spot” шартлари асосида сотиб олинган валютани, то у “форвард” шартлари асосида сотилгунга кадар, ўз ихтиёрига олади. Барқарор иқтисод ва капиталларнинг эркин ҳаракати шароитида форвард бозоридаги баҳолар фоизлар фарқларига боғлангандир. Форвардли (ҳисоб-китоб қилинган) курс қуидагига teng бўлади:

Ф  $\frac{1+a}{(1+L)xC}$  бу ерда, Ф – валютанинг форвардли курси;  
С – валютанинг “spot” курси;  
а – банклараро кредит бўйича фоиз ставкалари;  
L – Либор ставкаси (Лондон банклараро ставкаси).

Мисол. А+Ш долларининг жорий “spot” курси 4987 Россия рублини ташкил этади. Банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкаси йиллик 12%дан то 16%гача тебраниб турибди. Бу ҳолда, йиллик фоиз ставкаси 16% ва ЛИБОР ставкаси йиллик 3,16%га teng бўлганда, А+Ш долларининг 3 ойлик форвард курси:

Ф  $\frac{1+0,16}{(1+0,0316)x3/12} \times 4987 = 5145,83$  RUR

Беқарор иқтисодиёт шароитида ҳисоб-китоб қилинган форвардли курс қўлланилмайди. Валюта баҳоси шартнома асосида белгиланади.

Своп шартномаларининг бошқа шартномаларга нисбатан қулайлиги шундаки, улар валюта рискини тўла бартараф этадилар. Турли саналарда сотиб олинган ва сотилган валюталар, тескари свопни ташкил этган ҳолда, сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Шунинг учун, агарда ҳисоб-китоб саналаридаги фарқлар ҳисобига қопланмаган позиция ҳосил бўлса, у осонгина тўла қопланиши ёки камайтирилиши мумкин. Своп – бу, жорий фоиз ставкалари таъсири остида, бир валютанинг ўзгариб турадиган форвард маржасини бошқа валюта форвард маржасига қандай таъсир этиши юзасидан турли фикрга эга бўлган брокерларнинг (дилер) ўзаро алоқасидир.

Своп операцияларининг асосий қулайлиги шундаки, унинг иштирокчиларига валюталарни қисқа муддатли тебранишидан безовталанишига ҳожат йўқ, чунки бундай тебранишлар форвардли курсга сезиларли таъсир этмайди. Своп операцияларида, бир вақтнинг ўзида, “спот” ва “форвард” курслари белгиланади ва барча ҳолатларда, бу курслар бир биридан фарқ қиласди.

Амалиётда фоиз ставкасининг свопи ва валюта свопи фарқланади. Фоиз ставкасининг свопи – бу, кредитнинг асосий шартли суммаси буйича АКШ долларидаги фоиз тўловлари билан маълум бир муддатга икки тараф орасида алмашиниш тўғрисидаги келишувдир. “Кредитнинг асосий суммаси” ёки “принципial” атамаси, свопни белгиловчи назарий асосга тегишилди. Шундай қилиб, кредитнинг асосий шартли суммаси – бу, фоизлар нисбатан ҳисобланадиган оддий суммадир. Асосий сумма билан алмашинилмайди. Муддат, бир йилгача муддатдан то 15 йилгача бўлиши мумкин. Бирок, кўпчилик шартномалар 2 йилдан 10 йилгача муддатларга тузилади.

Фоиз тўловлари свопининг асосий 2 шакли мавжуд булиб, булар купонли своп ва негизли (базисной) своп ҳисобланади. Купонли свопда иштирокчи бўлмиш бир тараф, шартнома пайтида маълум бир казначейлик облигациясига нисбатан маржа сифатида ҳисобланган, қатъий белгиланган ставкани тўлайди. Шу вақтнинг ўзида бошқа тараф, шартнома муддати даврида ўрнатилган индексга нисбатан даврий асосда ўзгариб турадиган, эркин ўзгариб турувчи ставкани тўлайди.

Негиз свопида эса шартномада иштирок этувчи икки тараф, турли ставкаларга асосланган, эркин ўзгариб турувчи фоиз тўловлари билан ўзаро алмашадилар. Асосан, ушбу нисбатан очиқ (тўғри) механизмдан фойдаланган ҳолда, фоиз ставкасининг свопи облигациялар чиқарилишини, активлар, пассивлар ва ҳар қандай нақд пул оқимининг бир турдаги кўринишдан бошқа турдаги кўринишга, ҳамда баъзи бир вариантларда шартнома таркибидаги бир валютани бошқа валютага трансформация қиласди.

Своп бозори молиявий ресурлар манбалари орасидаги алокани улкан (глобал) ҳажмга ошишига сабаб бўлди. Инстиутлар томонидан молиявий қарорлар қабул қилинишининг таҳлил этиш услубларини кескин ўзгартириб юборди. Бу албатта, свопларнинг активлар ва мажбуриятларини бошқаришнинг янги самарали йўлларини таъминлаш билан ҳам боғлиқдир.

Валюта свопи. Валюта свопи фоизли своп фойдаланган услуг орқали нақдли оқим таркибини катъий белгиланган ставкадан эркин сузувлига ўзгартириши ҳамда своп механизми орқали валютанинг ўзини ҳам ўзгартириши мумкин. Бундай тусдаги шартнома фоизли-валюта свопи ёки оддий валюта свопи деб аталади. Фоиз свопи ва валюта свопи орасидаги асосий фарқ шундаки, валюта свопи нафақат фоиз тўловлари билан алмашинишни, балки асосий сумма (принципал) билан бирламчи ва якуний алмашувни ҳам ўз ичига олади.

Бирламчи алмашув свопнинг бошида, якуний алмашув эса своп муддатининг тугаш санасига амалга ошади. Ўзининг бу мазмунига қўра, валюта свопи компенсацион кредит ёки параллел заёмларга жуда ўхшаб кетади.

Своплардан фойдаланиш кенг тарқалган: бу энди бир нечта танлов инструментларидан иборат ихтисослашган мослама эмас. Своплардан капитал қийматини пасайтириш, хавф-хатарларни бошқариш ва ялпи иқтисодиётда катта миқёсда ишлатиш мақсадида фойдаланилади.

Своплардан жаҳоннинг турли капиталлар бозорларида арбитражни олиш учун ҳам фойдаланилади. +арз олувчилар ва кредиторлар синтетик инструментларни яратиб, янги бозорларга своп технологиясидан фойдаланган ҳолда кириб борадилар. Масалан, янги, “потолок/пол” сингари келишув кўринишидаги опцион характеристикалари билан своп таркибий тузилмалари ва своп ҳосилалари ишлаб чиқилган эди.

Фоизли опционларнинг “потолок/пол” комбинацияси сотиб олувчига фоиз ставкаларининг “коридорини” таъминлайди. Свопларнинг оммавийлашганлиги фойдаланувчиларга, ликвидликнинг ўсиши ва ҳужжатларнинг стандартлашиши каби бир қатор имтиёзларни берди. Своп бизнеси, 140 га яқин аъзоларга эга бўлган Своп Дилерларининг Халқаро Ассоциацияси (ISDA) билан ҳамкорликда қўллаб-қувватланади.

## **6. Валюта арбитражи.**

Валюта арбитражи – бу, фойда олиш мақсадида валюталарнинг олди-соттиси билан боғлиқ операциялардир. Арбитраж 2 шаклда бўлади: а) валюта арбитражи ва б) фоиз арбитражи.

Валюта арбитражи (французча “arbitrage”) – бу, валютанинг, унинг бир вақтнинг ўзида сотилишини ҳисобга олган ҳолда, валюта курслари фарқлари сифатида фойда олиш мақсадида, сотиб олиниши.

Оддий валюта арбитражи - бу, бир хорижий валюта ва ўзбек сўми билан ёки икки хорижий валюталар билан амалга ошириладиган арбитраждир.

Мураккаб валюта арбитражи – бу, кўп турдаги валюталар билан амалга ошириладиган арбитраждир.

Муваққат валюта арбитражи – бу, маълум бир вақт давомида валюта курсларининг фарқи сифатида фойда олишга каратилган операциядир. У ўз ичига қўйидаги операцияларни олади:

- валютанинг биринчи спот курси асосида сотиб олиниши;
- депозитнинг очилиши;
- валютанинг депозитда сақланиши;
- валютанинг депозитдан олиниши;
- валютанинг иккинчи спот курс асосида сотилиши.

Мисол. Арбитражёр (хўжалик субъекти) қўйидаги шартномаларни тузади:

1.Биржада 10000 USD сотиб олади, 17 сўм 1 USD жорий спот курси асосида ва шу суммани 3 ойдан сўнг, 1 USD 20 сўм курси асосида сотиш ҳақида форвард шартномасини тузади. Валютани сотиб олишга унинг харажатлари:

$$10000 \text{ USD} \times 17 = 170000 \text{ сўм.}$$

2.Сотиб олинган 10000 USD халқаро пул бозорида 3 ойга ЛИБОР йиллик 3,16 фоиз устидан жойлаштиради (ёки ваколатли банкларда депозитга жойлаштиради). Бу операциядан олинган даромад:

$$10000 \text{ USD} \times 3,16\% \times 3 / 100\% \times 12 \text{ ой} = 79 \text{ USD}$$

$$10000 \text{ USD} + 79 \text{ USD} = 10079 \text{ USD.}$$

3.Уч ойдан сўнг шу 10079 USD ни 1 USD = 20 сўм форвард курси асосида сотади. Тушум қўйидагини ташкил этади:

$$10079 \text{ USD} \times 20 \text{ сўм} = 201580 \text{ сўм.}$$

4.Валютанинг олди-соттисидан олинган фойда:

$$201580 \text{ сўм} - 170000 \text{ сўм} = 31580 \text{ сўм.}$$

Валюта арбитражи бўйича йиллик фойда нормаси:

$$31580 \times 12 \text{ ой} / 170000 \times 3 \text{ ой} \times 100\% = 74,306 (\%).$$

Дилерлар бир оз бошқача турдаги валюта арбитражини амалга оширишлари ҳам мумкин. Улар биржада валютани сотиб олиб, хорижий банкка ўтказадилар, хорижда бу валютани нақд шаклига ўтказиб, қайтиб ўз мамлакатига олиб кирадилар. Ўз мамлакатида бу валютани улар улгуржи ёки чакана сотиб олувчиларга, устига қўшимча ҳақ қўйган ҳолда, эркин бозор (кўча) баҳосида сотишлари мумкин.

Арбитраж кўп ҳолларда, спрэд шартномаларининг якуни сифатида майдонга чиқади. Спрэд шартномаси, ҳамма вақт, бир вақтнинг ўзида, бир валютанинг сотиб олиниши ва бошқа бир валютанинг сотилишини кўзда тутади. Бундай валюталар курслари албатта, биргаликда, аммо турли суръатларда, кўтарилади ёки пасаяди. Бунда, дилер бир операцияда пул йўқотишини ва бошқа бир операцияда фойда олишини ҳисобга олади.

Фазовий валюта арбитражи – бу, турли валюта бозорларида (турли биржаларда), мазкур валюта курси фарқлари ҳисобига фойда олиш мақсадида ўтказиладиган операциядир. Бошқача қилиб айтганда, бир вақтнинг ўзида, бир биржада валюта сотиб олинади ва бошқа биржада шу валюта, нисбатан юқори курсда сотилади.

Фазовий валюта арбитражи ўз ичига қўйидаги операцияларни олади:

1. Биринчи спот курси асосида валютани сотиб олиш.
2. Сотиб олинган валютанинг бошқа жойга ўтказилиши.
3. Валютанинг иккинчи спот курси асосида сотилиши.
4. Валютанинг сотилишидан олинган пулни бошқа жойга ўтказиш.

Фоиз арбитражи - бу, турли валюталар бўйича фоизлар фарқи сифатида фойда олиш мақсадида, хўжалик субъектларининг (арбитражёрларнинг) ўз қисқа муддатли активлари ва пассивлари валюта таркибини тартибга солишга қаратилган валюта (конверсион) ва депозит операцияларини ўзида мужассам этган шартномадир. Фоиз арбитражи, бу, пул бозорида бир вақтнинг ўзида пулларнинг маълум бир фоизга олиниши ва нисбатан юқори фоизга кредитга берилиши шаклида кенг қўлланилади. Фоиз арбитражи икки шаклда ишлатилади: а)форвардли қопланиш билан ва б)форвардли қопланишсиз.

Форвардли қопланиш билан фоиз арбитражи – валютанинг спот курси асосида сотиб олиниши, муддатли депозитга жойлаштирилиши ва шу вақтнинг ўзида форвард курси бўйича сотиб юборилиши. Фоиз арбитражининг бу шакли валюта хавф-хатарларидан холи. Бу операция бўйича фойда манбаи, форвард маржаси ҳажми билан белгиланадиган, валюталар бўйича фоизлар фарқи сифатида ва валюта рискларини суғурта қилиш қиймати ҳисобига олинаётган даромадлар даражаларининг фарқи ҳисобланади. У, ўз ичига қўйидаги операцияларни олади:

- 1.Арбитражёр томонидан USD–да депозитнинг очилиши.
- 2.Спот курси асосида USD–ларини SEK–ларга айлантириш.
- 3.SEK –ларни депозитда сақлаш.
- 4.Депозит даври тугаши билан арбитражёр томонидан SEK–ларнинг олиниши.

5.Форвард курси асосида SEK–ларнинг USD–ларига сотилиши.

Форвардли қопланиш билан фоиз арбитражига мисол:

1. 400000 USD ҳажмдаги капитал қиймати 1,7500 спот курси асосида SEK –ларга сотилганда 700000 SEK олинади ( $400000 \times 1.7500$ ).

2. USD ва SEK–ларни 6 ойлик депозитга қўйиш мумкин:

а) 400000 USD депозит 6 ойдан сўнг, йиллик 3% ҳисобидан, 406000 USD –гача кўпайиши мумкин ( $400000 \text{ USD} \times 3\% \times 6 \text{ ой} / 100\% \times 12 \text{ ой}$ ).

б) 700000 SEK депозит 6 ойдан сўнг, йиллик 9% ҳисобидан, 731500 SEK –гача кўпайиши мумкин ( $700000 \text{ SEK} \times 9\% \times 6 \text{ ой} / 100\% \times 12 \text{ ой}$ ).

Бу ерда кўриниб турибдики, SEK–лардаги капитал қиймати USD – лардаги капитал қийматига нисбатан тезроқ ўсмоқда.

3.400000 USD “spot” шартлари асосида (1,7500 SEK) етказиб берилганда 700000 SEK–ни ташкил этади. 731500 SEK эса форвард шартлари асосида 6 ойдан сўнг етказиб берилганда 406000 USD ташкил этади. Шундай қилиб, SEK -нинг 6 ойлик форвард курси USD –га нисбатан қўйидагини ташкил этади:

$731500 \text{ SEK} / 406000 \text{ USD} = 1,8017 \text{ SEK}$ , яъни  $1 \text{ SEK} = 0,55 \text{ USD}$ .

4.Форвардли курс 1 USD-га 0,0517 SEK–га teng мукофот билан ҳисобланган ( $1,7500 - 1,8017$ ).

5. SEK-ларни USD-ларига ҳисоб-китоб қилинган курс асосида сотилганда арбитражер заарар кўрмайди, аммо фойда ҳам олмайди. Шунинг учун у, SEK-нинг форвардли котировкасини мукофотдан кам миқдорда белгилайди, масалан – 0,0317 SEK.

6. Унда форвард курси ҳисоб-китоб қилинганидан кўп бўлади ва  $1,8017 - 0,0317 = 1,7700$  SEK-ни ташкил этади, яъни  $1 \text{ SEK} = 0,5650 \text{ USD}$ -га тенг бўлади.

7. 0,0317 SEK спот операциясидан арбитражли фойда қўйидагини ташкил этади:

$$731500 \text{ SEK} / 1,7700 \text{ SEK} - 406000 \text{ USD} = 7277 \text{ USD}.$$

Шундай қилиб, арбитражёрга фойдани олиш учун форвард курси фойдасини ҳисоблаш зарур ва SEK форвард котировкасини мукофотдан паст миқдорда белгилаш керак.

Форвардли қопланишсиз фоиз арбитражи – бу, депозитга жойлаштириш шарти билан спот курси асосида валютанинг сотиб олиниши ва депозит даври тугаши билан уни спот курси асосида тескари конверсия қилинишидир. У, ўз ичига қўйидаги операцияларни олади:

1. Арбитражёр томонидан USD-ларида депозит очилиниши.
2. Биринчи спот курс асосида USD-ларнинг SEK-ларга айлантирилиши.

3. SEK-ларнинг депозитда сақланиши ва депозит даври тугаганидан сўнг уларнинг депозитдан қайтариб олиниши.

4. Иккинчи спот курс асосида SEK-ларнинг USD-ларига ўтказилиши ва уларнинг арбитражёр томонидан олиниши.

Форвардли қопланишсиз фоиз арбитражига мисол:

1. 200000 USD-ларига, йиллик 3% устидан б ойлик депозит очилади. Бунда б ойдан сўнг капиталнинг қиймати қўйидагини ташкил этади:  $200000 \text{ USD} \times 3\% \times 6 \text{ ой} / 100\% \times 12 \text{ ой} = 3000 \text{ USD}$ .  $200000 \text{ USD} + 3000 \text{ USD} = 203000 \text{ USD}$ .

Депозит очилиш кунида USD-лари SEK-ларга 1,7350 спот курси асосида айлантирилади. Капиталнинг қиймати 347000 SEK-ни ташкил этади ( $200000 \times 1,7350 = 347000 \text{ SEK}$ ).

2. SEK бўйича б ойлик депозит ставкаси йиллик 9%. б ойдан сўнг капитал қиймати қўйидагини ташкил этади:

$$347000 \text{ SEK} \times 9\% \times 6 \text{ ой} / 100\% \times 12 \text{ ой} = 15615 \text{ SEK}$$

$$347000 \text{ SEK} + 15615 \text{ SEK} = 362615 \text{ SEK}.$$

3. Депозитдан маблагни олиш кунида USD-нинг SEK-ларга нисбатан курси 1,7350 ни ташкил этса, унда SEK-ларнинг USD-ларига ўтказилиши капиталнинг қўйидаги қийматини беради:

$$362615 \text{ SEK} / 1,7350 \text{ SEK} = 209000 \text{ USD}.$$

4.Арбитраж фойдаси қўйидагини ташкил этади:  
209000 USD - 203000 USD = 6000 USD.

5.Агарда SEK–нинг курси кўтаришса, унда фойда ҳам кўтарилади.  
Аксинча, SEK–нинг курси пасайганда заар олинади.

Форвардли қопланишсиз фоиз арбитражи шакли, арбитражёр учун валюта риски билан боғлиқ, чунки унинг натижаси нафақат валюталар бўйича фоиз ставкаларининг солиштирилишига, балки депозит муддати ичига валюта курсларининг ўзгаришига ҳам боғлиқ.

Эркин сузуви валюта курслари шароитида валюта курсларининг тебраниши, одатда турли валюталар фоиз ставкалари орасидаги фарқлардан ошиб кетади. Бу эса, форвардли қопланишсиз фоиз арбитражини ўтказаётган арбитражёларга нафақат фоиз ставкаларининг миқдорига қарашга, балки валюта курсларининг кутилаётган ўзгаришига қарашга мажбур этади. Бунда, валюта курсларининг кескин кўтарилиши, шартномани форвардли қопланишсиз фоиз арбитражига айлантиради.

Валюта чайқови, лотинча “speculatio” – синчиклаб қидириш, кузатиш маъносини беради. Валюта чайқови - бу, вақт давомида валюта курсларининг ўзгариши натижасида ёки валюта рискларини билиб, ўзига қабул қилган ҳолда турли бозорларда фойда олиш мақсадида ўтказиладиган операциядир.

Валюта чайқовига, биринчи навбатда, нақдли ва нақдсиз валюталар курсларининг фарқига қилинаётган ўйин киради. Бунда, сўмларга нақдсиз эркин муомалада юрадиган валюта сотиб олинади ва у нақдли шаклга ўтказилиб, сўнг сўмларга сотилади.

Таянч иборалар: кросс-курс, мукофот, дисконт, позиция, форвард, фьючерс, своп

### Назорат саволлари

1. “Валюта операциялари” тушунчасининг мазмунни.
2. Валюта операцияларининг асосий турлари<sup>26</sup>.
3. Спот операциялари ва спот курслари.
4. Мукофот ва дисконтлар тўғрисида тушунча.
5. Мукофот ва дисконтларни ҳисоблаш тартиби.
6. Форвард операциялари ва уларни қўллаш доираси<sup>27</sup>.
7. Фьючерс операциялари
8. Опцион шартномалари.
9. Своп операциялари.

<sup>26</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисодий мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 474-бет.

<sup>27</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисодий мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 474-бет.

10. Тижорат банклари ва марказий банкларнинг валюта операцияларидаги ўзаро фарқлар.

11. Валюта операцияларини амалга оширишда корреспондент ҳисоб рақамларнинг аҳамияти ва уларни очиш тартиби.

12. Жисмоний ва хуқуқий шахслар учун валюта ҳисоб рақамларини очиш тартиби.

13. Валютавий ҳисобрақамлардан фойдаланиш режими.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент, 1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнёе финансў. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнёе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнўе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
10. Иванов Н.С. Международнёе кредитнўе отношения. Москва, 2002 г.
11. Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
12. Красавина Л.Н. Международнёе расчетнўе отношения. Москва, 2004 г.
13. Красавина Л.Н. Международнёе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
14. Международнёе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
15. Наговиҳина А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
16. Рубцов Б.Б. Зарубежнўе фондовўе рўнки. Москва, 2003 г.
17. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
18. Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнўй опўт. 2003 г.
19. Редход К., С.Хьюс. Управление финансовўми рисками. Москва, 2001 г.
20. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
21. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
22. Семенов К.А. Международнўй валютнўе и финансовўе отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.

23.Моисеев С.Р. Международнүй валютнүе и кредитнүе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

**Интернетдан олинганд вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.peugeotfa.ru](http://www.peugeotfa.ru)
7. [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru)
8. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)
9. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
10. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
11. [www.Rambler.ru](http://www.Rambler.ru)
12. [www.Google.ru](http://www.Google.ru)
13. [www.Yandex.ru](http://www.Yandex.ru)
14. [www.Referat.ru](http://www.Referat.ru)
15. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
16. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
17. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
18. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
19. <http://www.boj.or.jp.en/siryo.htm>
20. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

## **6-МАВЗУ. ВАЛЮТА РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШ+АРИШ УСУЛЛАРИ**

- 1.Халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларидағи валюта хавф-хатарлари<sup>28</sup>.
- 2.Валюта хавф-хатарларидан ҳимояланиш услуглари<sup>29</sup>.
- 3.Валюта таваккалчилигини суғурта қилиш зарурати.

1.Халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларидағи валюта хавф-хатарлари.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг узоқ йиллар мобайнидаги тажрибаси асосида товарлар ва хизматлар, эквивалент қийматлар билан ўзаро алмашинишнинг ўзаро манфаатли шакллари шаклланди.

Халқаро савдо-кредит ва түлов муносабатлари ҳамма вақт валюта ҳисоб-китоблари билан қамраб олинган. Бу дегани, ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъекти ҳисоб-китобларни унинг учун хорижий ҳисобланган валютада амалга оширади.

Халқаро шартномани амалга ошириш даврида, бир қатор иқтисодий омилларнинг таъсири остида шартномадаги валюта курси бошқа валюталар курсига нисбатан ўзгариши мумкин. Бу эса ўз навбатида шартномада иштирок этувчи тарафларнинг маълум бир йўқотишларига олиб келиши мумкин.

70-йилларнинг бошидан барча давлатларнинг эркин сузадиган курслар режимига ўтиши, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида сезиларли салбий оқибатларга олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, жаҳон бозорида валюта курсларларининг эркин сузиши шароитида иқтисодий мувозанатсизлик кучайди.

Валюта таваккалчилиги деганда, кенг маънода, валюта курсларининг тебраниши оқибатида ташқи иқтисодий операциялар натижаларини ва ташқи иқтисодий муносабатлар иштирокчилари бўлмиш хўжаликлар фаолиятлари натижасининг ўзгариш эҳтимоли тушунилади. Валюта таваккалчилиги таъсири остига ташқи иқтисодий муносабатларнинг барча субъектлари тушади: давлат, банклар, савдо ва саноат компаниялари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар.

Валюта курсларининг мувозанатсизлиги халқаро меҳнат тақсимотига салбий таъсир этади, товарлар ва хизматлар эквивалент алмашувини қийинлаштиради, халқаро савдо балансига ва ҳажмига салбий таъсир этади.

---

<sup>28</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

<sup>29</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

Валюта курсларининг мувозанатсизлиги импортёр ва экспортёрларни ўзларининг хориждан сотиб олиш ва хорижга сотиш операцияларини қисқартиришга мажбур қиласди. Чунки, импортёр ва экспортёрлар валюталарнинг яқин вақт ичида динамикасини олдиндан била олмайдилар. Шунинг учун, масалан, импортёр маълум бир товарни ўзини валюта хавф-хатарига қўйиб, чет давлатдан сотиб олганидан кўра, ўз мамлакатида шундай ишлаб чиқарилаётган товарни сотиб олмоғи афзалроқдир.

Тўлови келгусида амалга ошиши қўзда тутилган, шартнома тузилиш пайтида маълум бир суммада қайд этилган ҳар қандай кредит операцияси, шартнома валютаси иштирокчи учун хорижий бўлган тарафнинг валюта хавф-хатарига чалинади Кредитор, ўзининг хорижлик контрагентларига кредитни берган ҳолда, қийматни эквивалент миқдорда ололмаслик хавф-хатарига учрайди. +арз олувчи ҳам, агарда тўлов пайтида қарз валютасининг курси шартнома тузилган санага нисбатан кўтарилса, зарар кўриши мумкин.

Экспортёр ва импортёрлар, валюта таваккалчилиги билан, ташқи савдо операцияларини амалга оширганда тўқнашадилар. Экспортёр, агарда у товарларни тўлови кечиктирилган ҳолда сотган бўлса, ва баҳо валютаси сифатида импортёр валютаси ёки учинчи давлат валютаси олинган бўлса, валюта рискига дучор бўлади. Агарда, баҳо валютасининг курси экспортёр миллий валютасига нисбатан пасайса, унда экспортёр зарар кўриши мумкин.

Шундай қилиб экспортёр учун валюта хавф-хатари бўлиб, шартноманинг тузилишидан то ижро этилгунга қадар давр ичиди, баҳо валютаси курсининг миллий валютага нисбатан пасайиши ҳисобланади. Демак валюта таваккалчилиги барча ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқ шартномаларга таъсир этади.

Импортёр учун валюта таваккалчиликлари қуйидаги ҳолатларда вужудга келади: агарда, товарлар, баҳоси чет эл валютасида қатъий белгиланиб сотиб олинаётган бўлса. Бунда, агар чет эл валютасининг курси импортёр валютасига нисбатан кўтарилса, унда импортёр томонидан сотиб олинган товарлар учун ҳақ тўлашда, миллий валютада кўпроқ харажат қилинишига тўғри келади.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, ҳеч бир савдо шартномаи бир кун ичиди амалга ошиб, у бўйича тўлов ҳам бир кун ичиди амалга ошмайди. Шунга кўра, албатта, валюта таваккалчилиги шартнома муддатига тўғри пропорционал равишда ортиб боради.

Хорижий валютадаги шартнома баҳосини  $M$  деб, шартнома тузилиш санасига “spot” курсини  $K_0$ , тўловни амалга ошириш санасига спот курсини  $K_1$  деб белгиласак (котировкалар миллий валютада бир бирлик хорижий валюта учун берилган), валюта таваккалчилиги ( $M \times K_0$ ) ва ( $M \times K_1$ ) орасидаги фарқ сифатида аниқланади. Экспортёр (инвестор) тушумининг камайиши ва импортёр (қарз олувчи) тўлов суммасининг ошиши, шартнома натижаларининг ёмонлашишига олиб келади.

Юқорида баён этилганларни конкрет мисолда кўрсатиш мумкин. Тасаввур қиласиз, Швеция фирмаси 1 млн. USD-ги товарларни сотиб олишга шартнома тузди (шартноманинг валюта баҳоси USD). Тўлов муддати 3 ой. Спот курс шартнома тузилганидан сўнг 1 USD – 1,8 SEK-ни ташкил этган. Агарда, 3 ой мобайнида SEK-нинг курси USD курсига нисбатан 2 SEK-гача пасайса, унда фирманинг шартнома бўйича тўлови 2 млн. SEK-гача кўпаяди. Бунда, курсларнинг ўзгариши ҳисобига фирма харажатининг қўшимча 200 минг SEK-га ошиб кетиши унинг иқтисодий аҳволига ёмон таъсир этади.

Агарда, тескариси бўлиб, USD курси SEK курсига нисбатан пасайиб 1,7 SEK-ни ташкил этса, унда фирмани товарларни сотиб олиш билан бўлган харажатлари 1,8 млн. SEK-дан 1,7 млн. SEK-гача камаяди.

Тадбиркорлар ўз фаолият натижаларини, нисбатан узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда режалаштиришга ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун, /арб корпорацияларининг иш амалиётида валюта рискини баҳолашда ҳисоб нуқтаси сифатида шартноманинг имзоланиш санаси эмас, балки ундан аввалги сана, яъни корпорация томонидан шартнома тузишга қарор қилинган сана ёки шартнома тузишга таклифнинг берилиш санаси ҳисобланади.

Масалан, фараз килайлик, фирма 1998 йилни сентябрь ойида 3,5 минг баррель нефтни, /арбий Европа давлатларининг бирига 100000 USD (28 USD 1 баррель учун) хажмида экспорт қилишга, жорий йилнинг 4-чорагида етказиб бериш шарти билан шартнома тузишга қарор қилди. Мазкур шартнома бўйича тахмин қилинган экспорт тушуми 100000 USD-ни, ёки 12800000 сўмни (1998 йил сентябрь оиि курси 1 USD - 128 сўм ҳисобидан) ташкил этиши керак эди.

Бироқ, шартноманинг имзоланиш пайтига, яъни 1998 йил октябрь ойининг бошига келиб, нефт бозор баҳосининг ўзгармаганлиги шароитида (1 баррель 28 USD), унинг қиймати, USD курсининг пасайиши ҳисобига, 100000 USD энди 12500000 сўмни (1998 йил октябрь оига курс 1 USD – 125 сўм) ташкил этди.

Шартнома бўйича тўловни амалга ошириш пайтига келганда эса, яъни 1999 йил январь ойининг бошида (3 ойдан сўнг) 100000 USD шартнома бўйича тушумлар суммаси 12200000 сўмни ташкил этди (1999 йил январь оида курс 1 USD – 122 сўм). Бу сумма, дастлабки режаланган суммадан 600000 сўмга кам (12800000 сўм – 12200000 сўм).

Юқорида қайд этилган хавф-хатарлар (шартнома тузилгунга кадар ва шартнома тузилганидан сўнг) ўз характеристига кўра ва уларни олдини олишнинг мавжуд имкониятларига қараб бир-биридан фарқ қиласи.

Бизнинг фикримизча, шартноманинг имзоланиш пайтигача (шартномани тайёрлаш даврида) хорижий валюта курсининг ўзгариш хавф-хатари валюта таваккалчилигига кирмайди, у кўпроқ баҳо хавф-хатарига ёки валюта курси ўзгариши билан боғлиқ рақобатдошликтининг ёмонлашиш хавф-хатарига киради. Бундай таваккалчилик, шартноманинг тузилиш даврида, муҳокамалар пайтида ҳал этилиши мумкин. Хусусан, музокаралар даврида

валюта курсини тўсатдан ўзгариб кетиши натижасида шартнома иштирокчиси (бундай ўзгариш заарларини қисман ёки тўла қоплаш мақсадида) шартномадаги дастлабки баҳонинг бир мунча ўзгартирилишини талаб қилиши мумкин ёки бу шартномадан бошқа контрагент фойдасига бутунлай воз кечиши мумкин.

Шартнома тузилиб, имзоланганидан сўнг, юқорида баён этилган ўзгартишларни шартнома шартларига киритиб бўлмайди (агарда, шартнома шартларида бу хусусида валюта шартлари (оговорка) мавжуд бўлмаса).

Фикримизча, баҳо ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарга, валюта шартномасининг инфляцион қадрсизланиш хатари яъни, товар баҳоларининг ўсиши шаклида ифодаланган валюта қийматларининг товар баҳоларига нисбатан ўзгариш хатари киради. Баъзи тадқиқотчилар томонидан улар валюта хавф-хатарининг амал қилиш шаклларига киритилган.

Валюта таваккалчилиги бундай турининг заминида, валюта хавф-хатари пайдо бўлиши билан бевосита алоқада бўлмаган, аммо унга билвосита валюта курси орқали таъсир этадиган, валюталарни товарларга нисбатан қадрсизланишининг умумий тенденцияси ётади.

Узоқ муддатли даврда ташқи иқтисодий муносабатлар самарадорлиги учун, курслар ўзгариши оқибатидаги йўқотишларга караганда, инфляцион омил нисбатан чуқурроқ салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Курслар ҳаракатидаги ва валюталарни сотиб олиш қобилиятидаги фарқлар, ташқи иқтисодий шартномалар иштирокчиси бўлган ҳар бирининг йўқотишлар ва даромадлар балансининг нафақат валюта курсини ёқимли ёки ёқимсиз ҳаракатига, балки валюталар курслари ўзгаришининг ўзаро нисбати ва биргалиқдаги ҳаракатига боғлиқ. Масалан, агарда валюталарнинг ташқи қадрсизланиши (валюта курсини пасайиши) уни ички бозордаги қадрсизланишидан ўсиб кетса, унда хорижлик импортёrlар қўшимча фойда олиш имкониятига эга бўладилар. Чунки, улар ўз валютасида харажатларни оширмасдан туриб, қадрсизланиб бораётган мамлакатнинг валютасига кўпроқ товарлар сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Юқорида баён этилган фикрлар, барча хўжалик шартномаларининг самарадорлигига таъсир этган ҳолда, валюта хавф-хатарларини ташқи иқтисодий шартномалар самарадорлигини кўрсатувчи аҳамиятли, аммо ягона омил эмаслигини кўрсатади.

Валюта таваккалчилигининг алоҳида ҳолати сифатида, валюта маблағларини жойлаштириш пайтида вужудга келадиган валюта авуарларининг қадрсизланиш таваккалчилигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таваккалчилик тури бўйича валюта заарларини банклар сингари, мижозлар ва давлат ҳам кўриши мумкин. Бу ҳолда вужудга келадиган валюта хавф-хатарлари мазмун жиҳатидан ҳар қандай савдо-кредит операциясидаги валюта таваккалчилиги сингари бўлади, чунки валюта маблағларини жойлаштириш билан боғлиқ операциялар кредит

характерига эга. Бу ҳолда валюта таваккалчилигини ҳисобга олиш хусусиятлари ва уни суғурталаш услублари (валюта маблағларини жойлаштиришда) таваккалчиликни, валюта таваккалчилигининг алоҳида турига ажратишга асос бўлади.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси, валюта таваккалчилиги таърифини қуидагича аниқлашга имкон беради, яъни: валюта таваккалчилиги – бу, валютада йўқотишлар хавфи ва валюта авуарларининг ёқимсиз қайта баҳоланишидир (ташқи савдо, кредит, валюта операцияларини амалга оширишда ва валюта маблағларини сақлашда хорижий валюта курсининг миллий валюта курсига нисбатан ўзгариши оқибатида).

Экспортёр (кредитор), агарда шартноманинг тузилиши ва у бўйича тўловнинг амалга оширилиши даври ичида баҳо валютасининг курси унинг миллий валютасига нисбатан пасайса, заарар кўради. Импортёр (дебитор) учун эса зааррлар, курснинг юқоридагига нисбатан қарама-қарши ҳаракати натижасида пайдо бўлади.

Хорижий валюталарда ифодаланган авуарларни ушлаб турган шахслар, маблағларнинг ҳаракат даври мобайнида авуарлар ҳажмини ёқимсиз тарафга қайта баҳолашга мажбур. Бу эса, иқтисодий нуқтаи назардан, амалга оширилмаган зааррларга киради.

Валюта таваккалчилиги, шартнома иштирокчисига келиб тушган тушумнинг режаланган ҳажмига нисбатан ўзгарган ҳажми ёки унинг амалга ошираётган тўловларини режаланган ҳажмига нисбатан ўзгарган ҳажми сифатида амалга ошади.

Валюта таваккалчилиги халқаро савдо ва кредит муносабатларини қийинлаштириб юборади, оқибатда мазкур муносабатлар иштирокчилари валюта хавф-хатарларини ўрганиш орқали уларни бартараф этиш йўлларини қидира бошлайдилар.

## 2. Валюта хавф-хатарларидан ҳимояланиш услублари.

Ташқи иқтисодий шартнома иштирокчилари учун валюта таваккалчилиги пайдо бўлишининг қуидаги шартларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- очиқ валюта позициясининг мавжудлиги;
- шартнома валютаси сифатида хорижий валютадан фойдаланиш;
- шартноманинг тузилиши ва у бўйича ҳисоб-китоб орасида вақт узилиш даврининг мавжудлиги.

Валюта курслари мувозанатсизлиги қанчалик юқори бўлса, валюта таваккалчилиги шунчалик юқори бўлади. Ҳозиргача, биз валюта таваккалчилиги тушунчасини фақат бир операцияга нисбатан кўриб чиқсан эдик. Агарда, ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари бўлмиш тарафлар хорижий валютада ифодаланган мажбуриятлар ва талабларга эга бўлиб, кўп турдаги операцияларни амалга ошиrsa, унда улар барча операциялар бўйича

эмас, балки фақат очиқ валюта позицияси бўйича валюта хатарига учрайдилар.

Очиқ валюта позицияси валюта таваккалчилиги билан боғлик бўлиб, банкларнинг (фирмаларни) қўшимча даромад олиш ёки ортиқча харажат (ҳатто банкротликка) қилишга олиб келади. Шу сабабли, кўпгина мамлакатларда давлат молия органлари очиқ валюта позициялари миқдорларини чегаралайдилар. Масалан, 1974 йилда “Херштадт” банкнинг банкротлигидан сўнг Германияда очиқ валюта позицияси бўйича лимит банк балансининг 30 фоизидан 20 фоизигача пасайтирилган эди (Узбекистонда очик валюта позицияси буйича чегаралар алоҳида валюталар буйича 5,5 фоиз, бир нечта валюталар буйича эса 20 фоиз).

Одатда, валюта таваккалчилиги муаммосини ҳал этиш билан боғлик фирманинг иши очиқ валюта позицияси миқдори, яъни валюта хатарига тортиладиган хорижий валютадаги суммаларни аниқлашдан бошланади. Очиқ валюта позицияларининг ҳосил бўлишини мисолда кўриб чиқамиз. Бу ерда шуни ҳисобга олиш керакки, хорижий валюта сотиб олинганда валюта позициясининг узун позицияси кўпаяди ёки шу валютадаги қисқа валюта позицияси камаяди (талаблар ошади ёки мажбуриятларни бир қисми бажарилади), хорижий валюта сотилганда эса бунинг тескариси бўлади, яъни қисқа валюта позицияси қўпаяди, ёки узун позиция камаяди.

Келтирилган мисолда очиқ валюта позицияси 61,68 GBP даромад келтирди, аммо бундай ҳол ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Одатда, очиқ валюта позицияси юқори даражадаги валюта таваккалчилиги манбаидир. Валюта йўқотишларни манбай бўлган, очиқ валюта позицияларини аниқланиши билан, валюта хавф-хатарларини бартараф этиш зарурати туғилади.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган валюта хатарининг пайдо бўлиш шароитларига (шартномаларда хорижий валютанинг ишлатилиши, шартнома тузилиши ва ижро этилиши орасида вақт узилишининг мавжудлиги) яна бир шароитни, яъни очиқ валюта позициясини мавжудлигини қўшса бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган валюта хавф-хатарларининг пайдо бўлиш шароитлари, биринчи навбатда, ташқи савдо ва кредит шартномалари билан боғлик конкрет операцияларга алоқадордир. Улар эса, ўз навбатида ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг валютада зарар кўришига олиб келиши мумкин. Бундай валюта хавф-хатарларини 1-турдаги валюта хавф-хатарларига, яъни нақд валютада йўқотишлар таваккалчилигига киритиш мумкин.

Валюта хавф-хатарларининг 2-тури – бу, бевосита ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлик бўлмаган, балки баланс актив ва пассив моддаларини қайта баҳолашда пайдо бўладиган ва хорижий валютада ифодаланган хатарлар (шу жумладан, хорижий валютадаги авуарларнинг ва хорижий филиалларнинг миллий валютадаги фойдасининг қайта баҳоланиши)дир.

Валюта таваккалчилигининг 2-тури ўзининг мазмуни ва шакли жиҳатидан 1-туридан тубдан фарқ қиласи. У, ишлатилмаган фойда ёки заардан иборатдир. Фойда ёки заар олиниши мумкин, агарда, маблағлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган аниқ ташқи савдо ёки кредит шартномаси амалга ошса: валюта авуарларининг ишлатилиши, корхонанинг тугатилиши ва активларининг сўнгти тақсимланиши, қарзнинг қопланиши, хорижий филиал фойдасининг ўтказилиши ва шу кабилар. Бироқ, бу валюта таваккалчилиги ҳолатлари реал валюта йўқотишларга олиб келиши мумкин ва улар ўз мазмуни жиҳатидан 1-тоифа таваккалчиликлари қаторига кириб кетади.

### 3. Валюта таваккалчилигини суғурта қилиш зарурияти.

Валюта хавф-хатарини суғурта қилиш масаласида 2 та стратегия мавжуд: чайқов ва бой берилган манфаат хавф-хатари.

Валюта таваккалчилиги суғуртаси деганда уни бартараф этиш билан боғлиқ чоралар тушунилади. Бундай чораларга, ташқи иқтисодий операциялар натижаларини, хорижий валюталар курсининг ўзгаришига боғлиқлигини йўқотишга каратилган чоралар киради.

Икки бошқарув ечимидан бирини танлаш оқибатида нисбатан ёмон иқтисодий натижалар олиш имконияти (валюта таваккалчилигини суғурта қилиш ёки суғурта килмаслик) бошқа эҳтимоли бор ечимга нисбатан бой берилган манфаат хавф-хатари номини олган. Бу ерда гап шу ҳақда бормоқдаки, курснинг ўзгариши корхона учун ёқимли бўлиб чиқиши мумкин, аммо шартномани валюта хавф-хатарларидан суғурта қилган ҳолда, корхона ёқимли шароит натижасида пайдо бўлган фойдани йўқотиши мумкин.

Бир қатор фирмалар, валюта мувозанатсизлигини замонавий халқаро савдо муаммоларидан бири деб ҳисоблаб, ҳеч качон валюта хавф-хатарларини суғурта килмайдилар. Оқибатда, бундай фирмалар катта заарлар кўргани ҳолда уларнинг сони ҳозирги кунда анча камайган.

Бошқа корхоналар эса, валюта курслари прогнозларини ҳисобга олмай, барча очиқ позицияларини қоплайдилар. Бундай сиёsat албатта яхши оқибатларга олиб келмайди.

Бой берилган манфаатлар хавф-хатарининг мавжудлиги ва юқорида айтиб ўтилган 2 стратегиянинг имтиёзли томонларини ҳисобга олган ҳолда уларни бирлаштириш, кўпгина банк ва савдо-саноат компаниялари, ташқи иқтисодий операцияларининг самарадорлигини ошириш мақсадида очиқ валюта позицияларини атайлаб ушлаган ҳолда, валюта хатарини 100 фоиз суғурта қилишдан ўзини ушлашга олиб келди. Компания томонидан очиқ валюта позицияси ҳисобига фойда олиш мақсадида валюта таваккалчилигини суғурта қилишдан атайлаб воз кечилиши валюта чайқови деб аталади.

Валюта таваккалчилиги ва бой берилган манфаатлар хавф-хатари орасида аҳамиятли фарқлар мавжуд. Бой берилган манфаатлар хавф-хатари реал заарларга олиб келмайди. Чунки, ташқи иқтисодий муносабат

иштирокчиси валюта рискини суғурта қилган ҳолда, ўзига маълум бир меъёрда фойда олишни кафолатлайди. Аксинча, валюта таваккалчилиги эса, айникса нақдли заарлар қисмиди, реал заарларга, ҳаттоқи банклар ва савдо-саноат компанияларининг банкротлигига олиб келиши мумкин.

Валюта чайқови бўйича реал заарларнинг пайдо бўлиши, ташқи иқтисодий муносабатлар иштирокчисининг ҳар бир валюта операциясига баланснинг бошқа тарафида операцияларнинг қарама-қарши туриши билан изоҳланади. Масалан, экспорт шартномаларидан ва берилган кредитлардан келадиган тушумлар ҳажмининг режалаштирилган натижаларга нисбатан камайиши, олинган сумма жорий харажатларни ёки жалб қилинган банк маблағлари қийматини қопламаслигига олиб келиши мумкин. Ёмон валюта чайқови мисоли сифатида 1974 йилдаги “Херштадт” номли немис банкининг, 1978 йилдаги “Дай ити Канге” номли Япон банкининг (жами 36,5 млрд. USD ҳажмида) банкротлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Валюта таваккалчилигининг суғуртаси ва суғуртасиз шакли билан бўладиган иқтисодий операцияларнинг самарадорлиги операцияларни амалга ошириш даврида валюта курсларининг ўзгаришига боғлик.

Шартнома иштирокчиси бошқарув қарорининг самарадорлиги – валюта таваккалчилигини суғурта қилиш ёки суғурта қилмаслик – шартнома тузилиши ва унинг ижро этилиши даври орасида валюта курсларини истиқбол ҳаракатларининг у томондан олдиндан тўғри баҳоланишига боғлик. Демак, валюта курслари ўзгаришини башорат қилиш, валюта таваккалчилигини суғурта қилиш ва валюта чайқови орасидаги танловнинг зарурий шартидир.

Валюта курсларини башорат қилиш деганда, маҳсус илмий тадқиқот услублари ёрдамида курсларнинг келгусидаги ўзгариши ҳақида информация олиш тушунилади.

Амалиётга валюталарнинг эркин сузадиган курслари тизимининг кириб келиши билан, уларнинг тебраниши масштабли, олдиндан билиб бўлмайдиган ва мунтазам равишда тебранадиган бўлди. Бу эса, ўз навбатида валюта таваккалчилигини кучайтириб, иштирокчиларга валюта хатари ва валюта чайқови ўртасидаги танловни қийинлаштириб юборди.

Прогноз қилишнинг мазмуни ўзгарди, яъни у ёрдамчи воситадан профессионал фаолиятнинг мустақил соҳасига айланди. Прогнозлар келгусида очиқ валюта позициясининг ўзгариш диапазонини аниқлаш мақсадида ишлатилади. Минимум ва максимум кўрсаткичлари суғурталаш харажатлари билан таққосланадиган эҳтимолли валюта йўқотишларни ҳисоблаш учун ишлатилади (тўла суғурта қилиш, суғурта қилишдан бош тортиш, қисман суғурта қилиш). Агар потенциал валюта йўқотишларнинг миқдори қопланиш бўйича харажатлар суммасидан катта бўлса, тўла очиқ валюта позициясини ёки унинг бир қисмини суғурталаш тавсия этилади. +опланиш қиймати даромадларга ёки заарларга курснинг таъсир эҳтимолидан юқори бўлса, фирма суғурта қилмаслиги керак.

Баъзи мамлакатларда, банкларнинг узун ва қисқа валюта позицияларининг миқдори валюта қонунчилиги билан тартибга солинади.

### Валютавий чеклашлар ва уларнинг аҳамияти

Валюта чекланишлари валюта сиёсатининг шакларидан бири сифатида мунтазам равишда ишлатилади. Валюта чекланишлари – бу, резидент ва норезидентларнинг валюта ва бошқа валюта қимматликлари билан операцияларини қонунчилик ёки маъмурий жиҳатдан тақиқлаш, лимитлаш ва чеклашдир.<sup>30</sup> Валюта чекланишлари, резидент ва норезидентлар валюта операцияларини текшириш орқали валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлайдиган валюта назоратининг таркибий қисмидир. Валюта чекланишлари мавжудлигига валюта назорати жараёнида лицензия ва рухсатномаларнинг бор-йўқлиги, резидентлар томонидан миллий валюта бозорида хорижий валюталарнинг сотилиши билан боғлиқ талабларнинг бажарилиши, хорижий валютадаги тўловларнинг асосланганлиги, валюта операциялари бўйича ҳисобни юритиш ва ҳисботнинг сифати текширилади. Валюта чекланишлари мавжудлигига валюта назорати функциялари одатда Марказий банкка юқлатилади, айрим давлатларда эса бунинг учун маҳсус органлар ташкил этилади (масалан, Францияда иккинчи жаҳон урушидан сўнг).

Валюта сиёсатининг турли-туманлиги сифатидаги валюта чекланишлари қўйидаги мақсадларни кўзлайди: 1) тўлов балансини бирхиллаштириш; 2)валюта курсини қўллаб-қувватлаш; 3)жорий стратегик вазифаларни бажариш учун давлат қўлида валюта қимматликларининг тўплануви. Валюта чекланишлари ўзининг камситиш характеристи билан ажralиб туради, чунки валюта қимматликларини, майда ва ўрта тадбиркорлар ҳисобига, уларнинг хорижий валюталар олиши учун қийинчиликлар туғдирган ҳолда, давлат ва йирик корхоналар фойдасига қайта тақсимланишига кўмаклашади. Шу сабабли монополлашмаган сектор валюта чекланишларининг киритилишига одатда қарши чиқади. Валюта чекланишлари одатда ҳамкор-савдогарларга нисбатан қўлланиладиган тазиқ ва камситиш сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ҳисбланади. Уларнинг қўлланилишида сиёсий сабаблар катта роль уйнайди.

Етакчи мамлакатлар бошқа давлатларга тазиқ ўтказиш мақсадида валюта блокадасидан фойдаланадилар. Валюта блокадаси – бу, бошқа давлатга нисбатан бир ёки бир нечта мамлакатларнинг бир томонлама валюта чекловлари шаклидаги иқтисодий жазо чоралариdir. Ушбу бир томонлама чекловлар, давлатни валюта-иқтисодий мавқеига путур етказиш ва маълум бир талабларни бажаришга мажбур қилиш мақсадида, унга ўз валюта қимматликларидан фойдаланишга тўсқинлик қиласди. Валюта блокадасининг моҳияти хорижий банкларда сақланаётган ушбу давлат валюта

<sup>30</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

қимматликларини музлатиб қуиши ва камситувчи валюта чекловларини күллашдан иборатдир. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва урушдан сўнг Буюк Британия стерлинг зонаси давлатларининг хорижий валюта (асосан фунт стерлинг) сақланаётган банк ҳисоб варакларини музлатган. Ушбу ҳисоб вараклардаги маблағлар фақат зикр этилган валюта гурӯҳи аъзоси бўлмиш давлатлар орасидаги ҳисоб-китобларда ишлатилиши мумкин эди. 1950 йилларнинг бошида Англия-Эрон нефт компаниясининг миллийлаштирилиши муносабати билан Англия банки Эрон учун фунт стерлингларни А+Ш долларларига алмаштирилишини тўхтатди ва Италия ҳамда Япония давлатларига ушбу мамлакат билан фунт стерлингларда ҳисоб-китобларни олиб бормасликка тавсиялар берди. 1956 йилда Суэц каналининг миллийлаштирилишига жавобан Буюк Британия, А+Ш ва Франция банклари Мисрга қарши, унинг валюта ҳисоб варакларини музлатган ҳолда, валюта блокадасини ташкил қилдилар.

Чилида 1971 йилда давлат бошига Халқ бирлиги ҳукуматининг келишидан сўнг Америка банклари хорижий валютадаги барча Чили авуарларини музлатиб қуидилар ва кредит блокадасини ташкил қилдилар.

1979 йил ноябридаги Америка-Эрон можароси даврида, америкалик гаровга олинган шахсларни бўшатишни талаб этган ҳолда, А+Ш Эрон банк авуарларини (12 млрд. доллар) музлатиб қуидилар ва айрим заёмларни бекор қилдилар. 1982 йилдаги Фолкленд можароси даврида Буюк Британия томонидан Аргентина валюта активлари музлатилган. Натижада Аргентина ҳам, Буюк Британиядан ибрат олган ҳолда, ўхшаш жавоб чораларини кўрган. 1986 йилни январида А+Ш маъмурияти Ливия жумҳуриятини Америка банклари ва уларнинг филиалларидаги валюта активларини музлатган ҳолда, унинг валюта блокадаси ҳақида эълон қилди. Мақсад, Ливия жумҳуриятини ўтказилаётган мустақил ташқи сиёсатдан воз кечдириш ва Вашингтон диктатига буйсўндиришdir.

Валюта чекловлари қуидагиларни назарда тутади:

- 1) халқаро пул тўловлари ва капитал ўтказмаларини мувофиқлаштириш, экспорт тушуми, фойда, олтин ҳаракати, пул белгилари ва қимматли қофозлар репатриацияси;
- 2) хорижий валютанинг эркин олди-сотдисини тақиқлаш;
- 3) хорижий валюта ва бошқа валюта қимматликларининг давлат қўлида тўплануви. Шу жумладан, тўлов хужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар), номинали хорижий валютада кўрсатилган қимматли қофозлар, қимматбаҳо металлар.

Бунинг муносабати билан, юқоридагиларнинг мазмунини белгилаб берувчи валюта чекловларнинг қуидаги тамойиллари фарқланади:

-марказий ва ваколатли (девизли) банкларда валюта операцияларининг марказлашуви;

-валюта операцияларини лицензиялаш – импортёрлар ёки қарздорлар томонидан хорижий валютани сотиб олиш учун валюта назорати органларининг дастлабки рухсат талаблари;

-валюта ҳисоб-варақларининг тўла ёки қисман музлатилиши;

-валюталар айирбошланишини чеклаш. Мувофиқ равишда валюта ҳисоб-варақларининг турли тоифалари киритилади: эркин айирбошланадиган, ички (миллий валютада мамлакат ичкарисида фойдаланилади), икки тарафлама давлат келишувлари бўйича, клирингли, блок қилинган ва бошқалар.

Валюта чекловларининг икки асосий жараёни фарқланади: тўлов балансининг жорий операциялари (савдо ва “кўзга куринмайдиган” операциялар) ва молиявий (капиталлар ва кредитлар ҳаракати, фойда, солик ва бошқа тўловлар ўтказмалари) жараёнлар.

Валюта чекловлари шакллари уларнинг ички мазмуни ва таркибий тузилишини акс эттиради, ҳамда қўлланилиш жараёнларига қараб бир-биридан фарқланади. Тўлов баланси жорий операциялари бўйича уларнинг куйидаги шакллари қўлланилади:

-ушбу мамлакатда товарлар сотилишидан олинган хорижий экспортёрлар тушумини блокировка қилиш, уларнинг ушбу маблағлардан фойдаланиш имкониятларини чеклаш;

-Марказий банк валюта лицензиясига эга марказий ва ваколатли (девизли) банкларга экспортёрлар валюта тушумининг тўла ёки қисман мажбурий сотуви;

-импортёрларга (валюта назорати органининг рухсатномаси мавжуд бўлгандагина) хорижий валютанинг чекланган сотуви. Айrim давлатларда импортёр импорт лицензиясини олиш учун миллий валютадаги маълум бир суммани банкка депозитга қўйишга мажбур;

-импортёрлар томонидан хорижий валютани форвард сотиб олишларига чекловлар;

-хорижда товарларнинг миллий валютага сотилишини тақиқлаш;

-айrim товарлар импортига хорижий валютада ҳақ тўлаш;

-валюта курслари барқарорсизлиги шароитида “лидз энд лэёз” операцияларининг ривожи туфайли экспорт ва импорт бўйича тўлов муддатларини мувофиқлаштириш. Айrim ҳолатларда импортёрларнинг хорижлик экспортёрларга бўнак тўловлари назорат қилинади, экспортёрлар томонидан хорижий валютанинг миллий валютага чекланган сотув муддатлари (30 кун), ушбу маблағлар миллий валютага қарши чайқовчилик операцияларида ишлатилмаслиги учун, ўрнатилади;

-валюта курсларининг кўп хиллиги – турли операциялар, товар гурухлари ва худудлар бўйича валюталарнинг табақалаштирилган курс нисбатлари.

Валюта курсларининг кўп хиллиги олтин монометализмининг бекор қилиниши ва валюта чекловлари киритилганидан сўнг 1929-1933 йиллар

иқтисодий инқизорзи даврларида биринчи бор қўлланилган эди. Кўпчилик валюта ҳисоб ва рақлари музлатилганлиги ва улардан эркин фойдаланиш даражаси турлича бўлганлиги сабабли валюта расмий курсига нисбатан дисконт 10%-дан 90%-гача тебраниб туради (Германияда).

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ХВФ аъзоси бўлмиш давлатлар унинг Устав талабларини бузган ҳолда валюта курсларининг кўп хиллигини амалда қўллаган эдилар. Францияда 10 валюта курси белгиланган эди. Туркия жумхуриятида 1960 йилларнинг ўрталаригача миллий валютанинг нисбатан юқори белгиланган расмий курси (1 А+Ш доллари 2,8 лира) билан бир қаторда бошқа табакалашган курслар қўлланилган: импорт бўйича 9 лир (уни қисқартириш мақсадида); мис экспорти бўйича 4,9 лира; узум магизи ва ёнғоқ экспорти бўйича 5,6 лира (мамлакатнинг ушбу анъанавий экспорт товарларининг четга олиб чиқилишини рағбатлантириш мақсадида); бошқа товарларнинг олиб чиқилиши бўйича 9 лира.

Саноат жиҳатидан кўпчилик ривожланган мамлакатларда валюта курси, унинг эркин айирбошланиши киритилиши билан, соддалаштирилган бўлса-да, айрим давлатлар, икки қатламли валюта бозори шаклидаги курсларнинг кўп хиллиги амалиётига даврий равишда қайтмоқдалар.

Маълум бир товар ёки операциялар турлари бўйича миллий валюта курси кўтариб юборилишининг мақсади биринчи эҳтиёж товарлари импортини арzonлаштириш, ташқи қарз бўйича ушбу валютадаги реал тўловларни ва маълум бир товарлар экспортини камайтиришдан иборатdir. Курснинг пасайиши эса бунга мутлақо тескари бўлган мақсадларни кўзлайди. Курслар фарқи расмий курсга нисбатан мукофот ёки дисконт сифатида майдонга чиқади. Бунда, курсларнинг кўп хиллиги ортида ҳақиқий девальвация яшириниб ётади (масалан, 1979 йил июнида Туркия Республикасида лиранинг кўп поғонали курсининг киритилиши унинг А+Ш долларига нисбатан ҳақиқий курсининг 43,6% пасайиб кетишига олиб келди). Импорт бўйича лицензиялар тизими товарларнинг мамлакатга олиб кириш имкониятларини чеклади. ХВФнинг барқарорлаштириш дастурларига киритиладиган валюта курслари кўп хиллигини бекор қилиш бўйича тавсияларига қарамасдан, айрим ривожланиб бораётган мамлакатлар миллий иқтисодларни ҳимоялашда улардан фойдаланишини давом эттироқда.

Хорижий валютани тежаш мақсадида хорижга туристлар сифатида сафарга чиқувчи резидентлар учун уни алмаштириш чекланади. Валюта чекловлари суғурта, лицензияланган тўловлар, гонорарлар, комиссиян мукофотлар, фойда ва фоиз ўтказмалари ва бошқа “кўзга кўринмайдиган” операцияларга амал қиласди. Молиявий операциялар бўйича валюта чекловларнинг шакллари капиталлар ҳаракати йўналишини бошқаришга боғлиқдир.

Пассив тўлов балансида олиб чиқишини ва капитал “қочиб кетишини” чекловчи ҳамда валюта курсини қўллаб-қувватлаш мақсадида капитални оқиб келишини рағбатлантирувчи қуидаги чоралар қўлланилади:

-миллий ва хорижий валюта, олтин, қимматли қоғозлар олиб чиқилиши ҳамда кредитлар берилишини лимитлаш;

-кредит ва молия бозорлари фаолияти устидан назорат: операцияларининг амалга оширилиши фақат Молия Вазирлиги рухсати билан бўлади ва валюта назорати органларининг олдиндан рухсат берганлиги (хусусан облигацион заёmlарни чиқаришга) шарти билан хориждаги берилаётган кредитлар ҳамда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми, хорижий кредитларни жалб этиш ҳақидаги маълумот берилаётганда, ушбулар миллий валюта ва ссуда капиталлари бозорларига ҳамда муомалада пул массаси ўсишига таъсир этмаслиги учун;

-хорижий валютада халқаро заёmlар тақдим этилишида миллий банклар иштирокини чеклаш;

-резидентларга тегишли хорижий қимматли қоғозларни муомаладан мажбуран чиқарилиши ва уларнинг валютага сотилиши. Бундай чора Германияда иккинчи жаҳон урушидан олдин, Буюк Британияда эса уруш даврида ва урушдан сўнг кўрилган;

-ташқи қарзнинг тўла ёки қисман сўндирилишини тўхтатилиши ёки ушбу қарзни, четга ўтказмаслик хукуки билан, миллий валютада сўндирилишига рухсат берилиши. 1930 йиллар иқтисодий инқизори даврларида 25 мамлакат ташқи қарзи бўйича тўловларни тўхтатди, Германия эса 1933 йилдан бошлаб стерлинг ва доллардаги қарздорлигини, блокли ҳисоб варакларга олинадиган ва улардан фойдаланиш ҳамда хорижий валютага алмаштириш хуқуқисиз, немис маркалари билан сўндира борди.

Фавқулодда ҳолатларда валюта чекловларнинг обьекти бўлиб олтин ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши даврида олтин бозолари ёпилган эди: Францияда – 1949 йилгача, Буюк Британияда – 1954 йилгача, Нидерландларда – 1968 йилгача. А+Шда 1934 йилдан бошлаб 40 йил мобайнида жисмоний ва юридик шахслар учун олтин билан операциялар ўтказиш тақиқланган эди.

Тўлов балансининг активлиги ҳолатида мамлакатга капиталлар оқиб келиши ва миллий валюта курси кўтарилишини секинлаштириш мақсадида молиявий операциялар бўйича қуидаги валюта ва кредит чекловлари шакллари қўлланилади:

-банкларнинг янги хорижий мажбуриятларини Марказий банкдаги фоизсиз ҳисоб варакда депонирование қилиниши. ГФРда 1978 йилда кредит ташкилотларининг Марказий банкда сақлаши мажбурий бўлган минимал заҳиралари, банклар хорижий мажбуриятлари қисмининг 100 фоизигача миқдорда кўтарилган эди. Япония, мамлакатга А+Ш долларларини оқиб келишини тўхтатиш мақсадида, ушбу меъёрни 1978 йилни март ойида 50% дан 100%гача кўтарган эди, 1978 йилнинг декабр ойида эса, А+Ш томонидан

А+Ш долларини қўллаб-қувватлаш Дастури эълон қилинганидан сўнг, 50%гача пасайтирган, 1979 йилнинг февраль ойидан бошлаб эса, 0,25% бундан мустасно, мажбурий заҳиралар бутунлай бекор қилинган;

-норезидентлар инвестициялари ва хорижликларга миллий қимматли қоғозлар сотилишининг тақиқланиши. Швейцарияда 1972-1974 йилларда қисман, 1978 йилни февраль ойидан 1979 йилни охиригача қисқа муддатли Швейцария қимматли қоғозларини норезидентларга сотилиши деярли тўлиқ тақиқланган эди. ГФРда 1978 йилнинг январь ойида хорижликларга миллий қимматли қоғозларни сотиш 2 йилдан 4 йилгача муддатга тақиқланган эди. Японияда эса норезидентлар томонидан иеналарда ифодаланган қисқа муддатли облигацияларни сотиб олишга муваққат тақиқ 1978 йилни мартаидаги киритилган эди;

-миллий Марказий банкда хорижий валютадаги заёмларни мажбурий конверсияси Швейцарияда қўлланилган;

-хорижликлар муддатли қўйилмалари бўйича фоизларнинг миллий валютада тўланишини тақиқлаш. Ушбу тақиқ Швецарияда, капиталларни мамлакатдан еврошвейцария франклари бозорига қайта тақсимлаш ва миллий валюта курсини пасайтириш мақсадида 1974 йилни ноябридан 1980 йилнинг февралига қадар амалда бўлган;

-миллий валютадаги норезидентлар қўйилмалари бўйича манфий фоиз ставкасининг (йиллик 12%дан 40%гача) киритилиши. Бунда хорижий валютада омонатлар жалб этилишидан манфаатдор бўлган банк ўзининг давлат валюта муассасига фоизлар тўлайди. Ушбу чора капиталлар оқиб келишини секинлаштириш мақсадида турли даврларда Белгия, Нидерландлар, ГФР, Швейцария (1972-1979 йиллар) қўлланган;

-мамлакатга валюта олиб киришнинг чеклови. Дастреб ушбу чора 1976-1977 йилларда Швейцарияда қўлланилган. Бундан сўнг, 1979 йил банк қонуни банкларга швейцария франкларидаги банкноталарни, хорижликлар томонидан ижарага олинган сейфларда сақлашни, хорижлик мижозлар буйруғи асосида уларнинг номига ёзилган йирик суммалардаги чекларни ушлаб туришни тақиқлади;

-хорижликларга миллий валютанинг форвардли сотувларига чекловлар. Швейцарияда ушбу чекловлар 1974 йилнинг ноябридан 1980 йилни мартаига қадар қўлланилган ва сўнг улар бирмунча юмшатилган: франкларнинг 10 кун муддатгача сотилиши бўйича лимит 1974 йил 31 октябрь ҳолатига шартнома суммасидан 20%дан 40%гача, муддати нисбатан катта бўлган битимлар бўйича эса 50%дан 80%гача оширилган;

-мажбурий депозитлар схемаси. Ушбу чора ГФРда 1972 йилнинг мартаидан 1974 йилни сентябрига қадар қўлланилган. Мамлакатдаги фоиз ставкалари нисбатан паст бўлган еврокредитлардан актив фойдаланган фирмалар жалб этилган капиталларнинг бир қисмини Германия федерал банкидаги фоизсиз ҳисоб-вараққа жойлаштириши керак эди.

Шундай қилиб, валюта чекловлари бир қатор ҳолларда кредит ва савдо мувофиқлаштирилиши билан чамбарчас боғланиб кетмоқда.

**Валюта чекловларининг валюта курси ва ташқи иқтисодий муносабатларга бўлган таъсири.** Чекловлар шаклларининг алоҳида мамлакатлар ҳамда ялпи жаҳон иқтисодининг валюта-иқтисодий ҳолатига боғлик ҳолда ушбу таъсири даражаси ва йўналиши турличадир. Айрим ҳолатларда ушбу таъсир баҳолар, етказиб бериш шартлари ва сотувдан сўнг кўрсатиладиган хизмат сифати билан бир қаторда, товарлар рақобатбардошлигида акс этади. Валюта чекловларининг оқибати бўлиб расмий валюта курсининг маълум бир даражада ушлаб турилиши ҳисобланади. Бироқ, эркин бозорда расмий курсдан бирмунча юқори унга параллел бўлган хорижий валюта курси, ноқонуний (қора бозор) бозорда эса ундан ҳам юқори курс ўрнатилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, бир қатор /арбий Европа давлатларидаги қаттиқ валюта чекловларига қарамасдан, улар валюталарининг курси пасайган эди. Швейцария, Япония, ГФР валюталари курси эса, капиталлар оқиб келиши устидан назоратга қарамасдан, кескин ўсиб борди. Швейцарияга хорижий капитал оқиб келишини секинлаштиришнинг нисбатан самарали воситаси бўлиб норезидентларга швейцария франкларининг форвардли сотувларига ўрнатилган чекловлар ҳамда уларнинг ҳисоб вараклари бўйича манфий фоиз ставкаларининг мавжудлиги бўлди. Бироқ, Швейцариядаги хорижий марказий банкларнинг франклардаги ҳисоб вараклари бўйича манфий фоиз ставкаларининг тарқалиши самарасиз бўлиб чиқди, чунки швейцария франкининг халқаро валюта ликвидлигидаги улуши нисбатан катта эмас. ГФРда манфий фоиз ставкаларининг киритилиши сезиларли натижаларни бермади, чунки ушбу мамлакатдаги капиталлар бозори Швейцариядагига нисбатан эркинроқдир. 1978 йилда мажбурий захира меъёрларининг ГФР банклари хорижий мажбуриятлар қисмининг 100%игача ошиши, мамлакатга оқиб келган хорижий валюталар ҳажмининг 1/3 қисмини муомаладан чегириб олиш имконини берди.

Ихтиёрий чекловлар дастури ва унинг ўрнига жорий этилган А+Шдан капиталлар олиб чиқишининг барча шаклларини мувофиқлаштириш тизими А+ШII банкларининг хорижий кредитлар ҳажмининг пасайишига олиб келмади.

Молиявий операциялар бўйича валюта чекловларининг қарама-қаршилик характеристи шундаки, улар “қайноқ” пулларнинг ихтиёrsиз ҳаракати ва капиталнинг “қочиб кетиши”га қандай таъсир этса, қисқа муддатли капиталлар нормал оқимларига ҳам шундай ўз таъсирини ўтказади.

Хорижга жўнаётган туристлар учун миллий валютанинг хорижий валютага алмашувини лимитлаш “қора” валюта бозоридаги чайқов операцияларни рағбатлантиради.

Валюта чекловлари қисқа муддатли ижобий натижа берадилар. Хусусан, агар 1968 йилнинг сентябрида валюта чекловларининг бекор қилиниши Франциядан 15 млрд. француз франкининг қочиб кетишини енгиллаштирган бўлса, ушбу чекловлар тикланишидан сўнг капиталлар оқиб кетиши кескин қисқарди ва қисқа муддатли капиталларнинг ҳаракат сальдоси ижобий бўлиб қолди. Охир оқибатда валюта чекловлари ташқи иқтисодий муносабатларга, экспорт ривожини қийинлаштирган ҳолда, салбий таъсир этадилар. Экспортёрлар, қуидагилардан фойдаланган ҳолда, хорижий валютани олишга ишончлари бўлмаган ҳолда, валюта тушумини ўзлари учун самарасиз бўлган расмий курс асосида девиз банкларга топширишдан бош тортишга ҳаракат қиласидилар:

- счёт-фактуралардаги баҳолар манипуляциялари орқали (икки қаватли шартнома). Масалан, экспортёр импортёр билан келишувга асосан божхона назоратидан ўтиш учун ҳақиқий валюта тушумига нисбатан расмий баҳони пасайтиради. Ҳосил бўлаётган фарқ хорижий банкдаги жисмоний шахс ёки соҳта фирма ҳисоб-варағига олинади;

- валюталари топширилиши кўзда тутилмаган учинчи мамлакатларга товарларнинг сотуви;

- хориждаги ўз бўлинмасига ёрдам кўрсатиш зарурати муносабати билан валюта тушумининг бир қисмини давлатга топширмаслик ҳақида экспортёр-фирма илтимосини далиллаштирувчи адвокатлар хатлари;

- қимматли совға ёки хизмат туркумидаги поралар.

Валюта назорати органлари тааллуқли қонунчилик, баҳолар, ҳисоб варакларга амал қилиниши устидан қаттиқ назорат қиласидилар ва қонунбузарлик ҳолатларида жарима ва жазо чораларидан фойдаланадилар. Бироқ, кўпчилик юридик ва жисмоний шахслар манфаатли контрагентни йўқотгандан кўра ушбу жазо чораларига чалинишни афзал кўрадилар. Давлат, валюта чекловларига қарамасдан, йирик фирмаларга бир қатор имтиёзлар беради.

**Валюта чекловларининг эволюцияси ва валюталар эркин айирбошланишига ўтилиши: жаҳон тажрибаси.** Биринчи бор валюта чекловлари биринчи жаҳон уруши йилларида иштирок этаётган мамлакатларда қўлланила бошланди. 1924-1928 йилларнинг қисман ва муваққат барқарорлик даврларида улар бекор қилинган эди. 1929-1933 йиллар жаҳон иқтисодий инқирози шароитида, айниқса 1931 йилдан бошлаб, кўпчилик мамлакатлар тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашиши, капиталнинг “қочиб кетиши”, олтин стандартининг инқирози, валюталар қадрсизланиши муносабати билан валюта чекловлари кенг тарқалди. Капиталлар ҳаракати ва давлат ҳамда хусусий қарзлар тўланиши жараёнларига валюта чекловларининг киритилиши 25 қарздор-давлатлар банкротлигини қонунийлаштиргди. Иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик кўриш ва уни олиб

боришини молиялаштириш учун давлат қўлида валюта ресурсларини тўплаш мақсадида, фашист иттифоқи давлатлари томонидан валюта чекловларидан актив фойдаланилган<sup>31</sup>.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан валюта чекловлари деярли бутун дунёга тарқалиб кетди. Уруш тугаганидан сўнг валюта чекловлари фақат А+Ш, Швейцария, Канада каби давлатларда йўқ эди. Лотин Америкасининг айrim давлатлари, ушбу ҳудудларда капиталлар ва ўз инвестицияларидан олинган фойдаларни ҳеч қандай тўсиқсиз ўtkазилишидан манфаатдор бўлган А+Ш монополияларининг тазиқи остида, валюта операцияларининг эркинлигини сақлаб қолдилар.

Урушдан сўнгги янгилик валюта чекловларининг ХВФ орқали давлатлараро мувофиқлаштирилиши бўлди. А+Ш ХВФ Уставига асосланган ҳолда аъзо-мамлакатлардан жорий операциялар бўйича валюта чекловларни бекор қилиш ва валюталарни ўзаро алмашина олишига рози бўлишларига уринмоқда эди. Аммо, урушдан сўнгги вайронагарчилик, тўлов баланслар инқирози, валюта заҳираларининг камайиб кетиши шароитида А+Шнинг ушбу хатти-ҳаракати /арбий Европа ва Япония давлатларининг қаршилигига учради. ХВФ Уставининг 14-моддаси мамлакатда валюта чекловлари сақланиб қолиниши мумкин бўлган ўтиш даврини кўзда тутади. Бундан ташқари, Фонд Устави иқтисоднинг барқарорсизлиги шароитида капиталлар ҳаракати бўйича, айrim ҳолатларда, мамлакатларнинг валюта чекловларини киритиши мумкинлиги бўйича мажбуриятини кўзда тутади. Шу билан биргаликда, мамлакат тўлов балансининг мутаносиблигини таъминлашда Фонддан кредит олиш имконияти валюта чекловларидан фойдаланишнинг самарадорлигига боғлиқ қилиб кўйилган. Ҳар йили Фонд эксперталари томонидан тааллуқли мамлакатлар билан валюта чекловлари муаммолари бўйича консультациялар ўтказилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, мамлакатлар ўз иқтисодларини инқирозли жараёнлардан ҳимоялаш мақсадида ушбу чекловларни киритишга мажбур бўладилар.

Валюта чекловлари халқаро ҳисоб-китоб, валюта ва кредит операцияларида миллий валюталардан фойдаланишга ва уларнинг хорижий валюталарга эркин алмашинувига тўсқинлик қиласи. Агар эмитент-давлат (ёки унинг ваколатли органи) ўз валютасини тўлов баланси жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга алмашинишини чекласа ёки тақиқласа, унда ушбу валюта бошқа валюталарга алмашинилмайдиган валюта бўлиб ҳисобланади. Маълум бир иқтисодий ёки сиёсий мақсадларга эришиш учун банклардаги хорижий валютада очилган ҳисоб-варакларда мавжуд маблағлардан эркин фойдаланишнинг расмий асосда тақиқланиши ҳисоб-рақамларни музлатиш (блокирование) деб аталади. Ушбу чора валюта чекловларида ва бошқа мамлакатларга нисбатан, ҳамда суд даъвосига асосан ҳисобварақ эгасига нисбатан жазо чораси сифатида қўлланилади. Валюта

<sup>31</sup> Наговицин М. Валютная политика. М. Политиздат. 2004. стр-467

чекловлари шароитида ҳисоб-варақларни музлатиш капиталларнинг хорижга “қочиб кетиш” маромини пасайтиришга қаратилгандир.

Валюта чекловлари амалиёти билан “блок қилинган валюта” тушунчаси боғлиқ. “Блок қилинган валюта” – бу, давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдаланилиши тақиқланган ёки чекланган банклар ҳисоб-варақларидаги валютадир. Валюта чекловларида ҳисобварақ эгаси билан келишилган ҳолда клиринг ёки маҳсус мақсадларга мўлжалланган банк ҳисоб-варагидаги маблағлардан фойдаланишнинг чекланган режими белгиланади. Банк жойлашган мамлакат ҳудудидан ташқарисида бўлган жисмоний ва юридик шахслар учун, валюта маблағларидан фойдаланишнинг маҳсус режими орқали (норезидентлар учун) ташқи ҳисобварақлар киритилади. Миллий валюта курси ва капиталлар ҳаракатига таъсири этиш мақсадида ушбу ҳисоб вараглар бўйича фоиз ставкалар, салбий фоиз ставкаларини ўрнатишгача муқобиллаштирилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги дастлабки йилларда фақат А+Ш ва Швейцария давлатлари ўз валюталари эркин алмашувини таъминлаш мажбуриятини, яъни тўлов баланси жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмашувини ўз зиммаларига олдилар. Бунда, уларнинг валюталарини эркин алмашуви резидентлар (ички) ва норезидентларга (ташқи) тааллуқли эди. Валюталарнинг ички алмашинуви ушбу мамлакат фуқаролари ва ташкилотларига хорижга тўловларни амалга ошириш ва хорижий валютани чекланмаган миқдорда сотиб олиш ҳуқуқини беради. Валюталарнинг ташқи алмашинуви хорижлик фуқаролар ва ташкилотларга ушбу валютадаги маблағларни хорижга эркин ўtkазиш ва бошқа валюталарга айирбошлаш имконини беради. Валютанинг бошқа валюталарга эркин айирбошланиши – мамлакатнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашувининг зарурӣ шартларидан бири. Чунки, хўжалик алоқаларининг байнамилаллашуви товарлар, хизматлар, капиталлар ва валюта бозорларининг ўзаро боғлиқлигини талаб этади.

Валюталарнинг қисман айирбошланиши валюта чекловлари шароитида ҳам сақланиб қолади. Бу, резидент ва норезидентлар учун турли режимларга эга валюта ҳисобварақлари мавжудлигига ўз аксини топади. Бунга мувофиқ, банк ҳисобварақларининг муқобиллашган тоифалари фарқланади: ички (миллий валютада, мамлакат ичкарисида ишлатилиши билан); ҳукуматнинг икки тарафлама келишувлари бўйича; блок қилинган; конвертация қилинадиган (тўла ёки қисман). Хорижий пул бирликларига оралиқ (промежуточнўй) айирбошланиш режимига эга бўлган валюталар қисман конвертация қилинадиган валюталар деб аталади. Бундай ҳолатда валютанинг конвертацияланиши ушбу валюта эгаси бўлмиш маълум бир шахсларга алоқадордир ёки ҳудудий ҳарактерга эга (маълум бир мамлакатлар доираси билан кифояланади, масалан валюта гурухида – француз франки ҳудудида Африка мамлакатлари валюталари француз франкига эркин айирбошланади).

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Буюк Британия бир қатор давлатлар билан уларга ўтказиладиган ҳисобвараклар очиш тўғрисида келишувлар тузди. Ушбу ҳисоб вараклардан фунт стерлинглар фақат ушбу мамлакатлар ҳисоб варакларига ўтказилган. 1954 йилда ушбу режим барча хорижий давлатларга қаратилди ва ушбу чора Англия фунт стерлинги айирбошланиш жараёнини кенгайтириб юборди. ГФР 1954 йилдан, Италия ва Франция давлатлари 1957 йилдан ва бундан сўнг ЕТИ нинг (Европа Тўлов Иттифоки) бошқа иштирокчилари чекланган конвертация қилинувчи валютада тўловлар тўғрисидаги келишув доирасида ушбу турдаги ҳисобваракларни очдилар. А+Ш тазиқи остида доллар ҳудуди мамлакатларининг баъзилари америкалик инвесторлар манфаатларида ўз валюталарининг айирбошланиш даражаларини қўллаб-қувватлаб туришга мажбур эдилар. Канада ушбу кўринишдаги айирбошланишни 1952 йилда киритган эди.

/арбий Европа ва Япония мамлакатлари валюталарининг айирбошланишини тиклаш муаммолари, урушдан сўнгти муаммолар йиғиндинсининг марказига айланди. А+Ш, миллий монополияларнинг экспансиясига кўмаклашиш мақсадида, Европа мамлакатлари валюталарини ўзаро айирбошланишининг жорий этилишига мунтазам равишда ҳаракат қилиб келди. Фунт стерлингни айирбошланиш масаласи айниқса долзарб эди. Америка капитали тазиқи остида Буюк Британия, 1946 йилда А+Шдан олинган 3,7 млрд. А+Ш доллари ҳажмидаги заём учун тўлов сифатида, 1947 йилнинг июлида фунт стерлингларни А+Ш долларларига эркин айирбошланишини тиклади. Ушбу чора эса локал валюта инқизозига олиб келди. 35 кундан сўнг эса, яъни 1947 йилнинг 21 августида мамлакатда олдингидан ҳам қаттиқроқ валюта чекловлари тикланди. Буюк Британиянинг бундай салбий тажрибаси валютанинг эркин айирбошланишига ўтишдан аввал бунга зарур шарт-шароитлар яратиш кераклигини кўрсатади. А+Шнинг тазиқига қарамасдан, /арбий Европа мамлакатлари валюта чекловларини фақат 1958 йилнинг охирига келиб аста-секин бекор қила бошладилар. Ушбу жараён /арбий Европа мамлакатларида то 1992 йилгача давом этди.

**Валюта чекловларининг бекор қилиниши ва валюталарни айирбошланишини киритилиши.** Миллий валюта айирбошланишига ўтишнинг жаҳон тажрибаси ушбу жараённи муҳим бўғинларини ажратиб кўрсатиш имконини беради, яъни улар:

- валюта айирбошланишини киритиш пайти ва суръатини танлаш;
- ким учун – резидентлар ёки норезидентлар учун ва қандай кетма-кетлика;
- қандай операциялар бўйича – тўлов баланси жорий операциялари ёки молиявий операциялар бўйича.

Биринчи муаммо. Валюта муносабатлари тарихида икки модел маълум – “шок” модели ва етарли шарт-шароитлар яратилишига қараб валюта айирбошланишига аста-секин ўтиш модели. Биринчиси валюнтаристик (Туркия, Шарқий Европа давлатлари, Россия) вариант бўлиб, миллий валюта

курсининг пасайиши, расмий олтин-валюта заҳираларининг камайиши билан хусусиятлидир. Чунки, хорижий валютага бўлган талаб ошиб боради. Бундай девальвация импортни қимматлаштиради, бу эса ўз навбатида инфляцияни ўстиради ва ташки қарзни хорижий валютада тўлагандан валюта йўқотишларини кучайтиради. Девальвациянинг экспортга бўлган рағбатлантирувчи омилига келсак, ушбу омил, агарда шунга лойиқ экспорт қилинувчи рақобатбардош товарлар мавжуд бўлса, албатта ишлайди.

Иккинчи вариант, валютанинг эркин айирбошланишига босқичмабосқич ўтиш (/арбий Европа давлатлари ва Япония тажрибаси) “шок”ли варианту нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Чунки, у миллий ва жаҳон бозорлари фаолиятларини ўзаро бир-бирига боғлашга, хусусан баҳонинг шаклланиш жараёни ва унга туртки бўладиган омилларни тайёрлашга асосланган. Валюта айирбошланиши киритишнинг асосий сабаблари бўлиб, иқтисодни барқарорлаштириш, давлат бюджети камомадини қисқартириш, инфляция суръатини пасайтириш, тўлов баланси камомадини камайтириш, мамлакат ташки фаолиятини мувофиқлаштириш, расмий олтин ва валюта заҳираларини тўплаш, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий ҳолатни барқарорлаштириш ҳисобланади.

Иккинчи муаммо резидент ва норезидент шахслар учун валюта айирбошланиши киритилишининг кетма-кетлигини аниқлашдан иборат. Жаҳон тажрибасига кўра, тенг хуқуқли ҳамкорликдан манфаатдор бўлиш мақсадида одатда биринчи навбатда хорижлик ҳамкорларга эътибор қаратилади.

Учинчи муаммо валюта айирбошланиши киритилаётган операцияларни танлови билан боғлиқ. 1958 йилнинг декабрида, объектив иқтисодий шартшароитларнинг етилиши билан, /арбий Европа мамлакатлари, норезидентлар учун тўлов баланси жорий операциялари бўйича валюта чекловларини бекор қилган ҳолда, ўз валюталарининг қисман айирбошланишини киритдилар. Техник жиҳатдан ушбу тадбир ўтказиладиган ва эркин айирбошланадиган ҳисоб варакларни бир турдаги тоифага, яъни “хорижликларнинг ташки ҳисоб вараклари”га ўзаро бирлаштириш орқали амалга оширилган эди. 1961 йилнинг февралида ушбу мамлакатлар резидентлар учун ҳам валюта чекловларини бекор қилдилар.

Бреттон-Вудс валюта тизими шароитида, агарда мамлакат тўлов баланси жорий операциялари бўйича валюта чекловларини бекор қилган ва ўз валютасини бошқа давлатлар валюталарига айирбошланиши ҳамда халқаро ҳисоб-китобларда ишлатилишига тўсқинлик қилмаган бўлса, валюта эркин айирбошланадиган деб ҳисобланар эди. ХВФ Уставининг ўша даврдаги талаблари молиявий операцияларга (капитал ҳаракати) алоқадор эмас эди. Шунинг учун валюта айирбошланишининг етакчи ўлчови бўлиб, жорий операциялар бўйича валюта чекловларининг йўқлиги ҳисобланган.

20 йил мобайнида аста-секин, маълум бир интерваллар билан, факат 1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мамлакатлар ўз валюталарининг

айирбошланишини молиявий операцияларда ҳам қўллай бошладилар. Бунинг сабаби, капитал халқаро миграциясининг, тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялари, қимматли қофозлар билан шартномалар, кредит операцияларини ўз ичига олган ҳолда, товарлар ва хизматлар оқимидан анча илгарилаб кетганинигидир. Бу эса ўз навбатида тўлов баланси ва валюта курсига ижобий таъсир этади. Шу сабабли, молиявий операциялар бўйича валюта чекловларини бекор қилиш жараёни аста-секин ва нотекис боради. Ушбу чекловлар, миллий иқтисодни ҳимоялаш мақсадида, даврий асосда тикланиб турилади. Тузилмавий инқирозларнинг ўзаро чамбарчас боғланиб кетиши шароитида 1960-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ва 1970-80 йилларда валюта муносабатларининг эркинлаштирилиши товарлар ва капиталлар харакати йўлидаги тўсиқлар шаклидаги валюта протекционизми билан алмашди. Ушбу жараён, мамлакатлараро келишмовчиликларнинг кучайишига олиб келувчи, ўзининг нотекислиги билан ажралиб туради. 1971–1973 йилларда ГФР, Франция, Швейцария, Бенилюкс, Испания давлатлари ўз худудларига капиталлар оқиб келишини бир мунча секинлаштриш мақсадида валюта чекловларини киритдилар. 1972 йилнинг июлида Буюк Британия фунт стерлинг курсининг эркин сузиш режимига ўтиш шароитида стерлинг зонаси мамлакатлари билан муноабатларида капиталнинг “қочиб кетиш” маромини секинлаштириш мақсадида капиталлар харакати бўйича биринчи бор валюта чекловларини киритди. 1973 йилнинг мартаидан валюта курсларининг эркин сузиш режимига оммавий ўтилиши валюта чекловлари ва халқаро молиявий операциялар бўйича назоратнинг бўшашибланлигини англатди.

А+Ш молиявий операциялари бўйича валюта чекловларнинг эволюцияси ҳам, бир-бирига қарама-қарши бўлган тенденцияларнинг ўзаро чамбарчас боғланиб кетганинигидан далолат беради. 1960-йилларнинг бошида, тўлов баланси ҳолати ва доллар мавқеининг ёмонлашиши муносабати билан А+Ш капитални четга олиб чиқиши чеклашга қаратилган, қуйидаги шаклларда чекловлар киритди:

-капитални четга олиб чиқиши чеклаш мақсадида, Америка қимматли қофозлари бўйича даромадлар билан тенглаштиришга қаратилган, Америка фуқаролари ва фирмаларининг хорижий қимматли қофозларига киритган инвестициялардан олган даромадларига тенглаштирувчи солик (1963 йил). Бу ерда валюта чекловлари солиқни мувофиқлаштириш билан чамбарчас боғланиб кетган;

-Америка банклари халқаро кредитларининг “ўз хоҳишига кўра чеклаш” дастури, ушбу кредитлар йиллик ўсишининг 5 фоизи чегарасида. 1968 йилдан бошлаб ушбу Дастур А+Шдан капитал олиб чиқишининг барча шакллари устидан назоратни амалга ошириш билан алмаштирилган.

1976 – 1978 йилларда ХВФ Уставининг 4-моддасига тузатиш қабул қилинган эди. Ушбу тузатишда жаҳон валюта тизимининг вазифаларидан

бири - капиталлар эркин ҳаракатини таъминлаш эканлиги ёзиб қўйилган. Ямайка валюта тизимига ўтилиши билан (1976-1978 й.й.) ХВФнинг ўзгартирилган Уставида “эркин ишлатиладиган валюта”, яъни ҳалқаро ҳисобкитоблар ва жақон валюта бозорлари операцияларида эркин қўлланиладиган валюта сифатида янги тушунча киритилди. ХВФ СДР валюта саватига кирувчи доллар, марка, иена, фунт стерлинг ва француз франкини валюталарнинг ушбу тоифасига киритди.

А+Ш, доллар мавқеини қўтариш ва хорижий инвесторларни жалб этиш учун биринчи бўлиб пул, кредит, валюта, молия бозорларини бошқармаслик (эркинлаштириш) ишини бошлади. 1974 йилдан бошлаб А+Ш четга капитал олиб чиқиш устидан назоратни бекор қилди ва доллар мавқеи пасайиб борган даврларда ҳам ушбу чорани қўллади. А+Ш, ўз савдо ҳамкорларининг зиёнига хорижий капиталларни жалб этиш учун фоизлар ва доллар курсининг ўсиши шароитида капитал ҳаракатини эркинлаштиришдан актив фойдаландилар.

1957 йил “Рим шартномаси”га мувофиқ валюта операцияларининг эркинлаштирилиш даражаси “Умумий бозор” нормал фаолият кўрсатишини таъминлай олиш даражасида бўлиши мажбурий эди. Шунинг учун, Делор дастурини қабул қилиш пайтида, 1989 йилда фақатгина Буюк Британия ва ГФРда валюта чекловлари йўқ эди. ГФР 1960 йилларнинг бошларида валюта чекловларини бекор қилган ҳолда, сўнгги 40 йил мобайнида уларга бошқа қайтмади. 1980 йилларнинг глобал эркинлашуви ГФРни ҳам қамраб олди. 1984 йилдан бошлаб банклар валюта операцияларига бўлган чекловлар бекор қилинди: Германия банкларига “своп” операциялари ва шартномаларни “ЭКЮ”да амалга оширишга рухсат берилди, норезидентлар мулки бўлмиш немис облигациялари бўйича фоизларга бўлган солиқ бекор қилинди.

Буюк Британияда 1939 йилда киритилган валюта чекловлари 1958 йилнинг охиридан бошлаб, то 1979 йилни охиригача батамом йўқ қилинди. 1980 йилларда кучайган Америка рақобатига жавобан “катта Лондон сакраши”, яъни хорижий капитални жалб этиш мақсадида молиявий бозорнинг кенг эркинлаштирилиши амалга оширилган эди.

Францияда, 1958–1961 йилларда франкнинг бошқа валюталарга айирбошланиши киритилишига қарамасдан, ҳалқаро валюта, кредит, молия операцияларининг давлат чеклови анъанавий асосда сақланиб келинаётган эди. Ушбуларни бартараф этишга бўлган уринишлар (1967 йилда, 1970 йиллар бошида ва айниқса, 1978-1980 йилларда), ички ва ҳалқаро сабабларга кўра муваффақиятсиз бўлиб чиқди. 1981 йилда мамлакат валюта-иктисодий ҳолатининг ёмонлашиши муносабати билан валюта чекловлари тикланди, 1983 йилда эса савдо баланси камомадини ва мамлакатдан капиталлар оқиб кетишини камайтириш мақсадида ушбу чекловлар кучайтирилди. 1984 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб мазкур валюта чекловлари аста-секин кучсизлантирилди. 1989 йилга келиб Франция, Италия, Дания давлатларида валюта чекловларининг кучсизлантирилишига қарамасдан, хорижда банк ҳисоб варакларини очишга чекловлар сақланиб қолаётган эди. Бельгия ва

Люксембургда (тижорат ва молиявий шартномалар учун) икки қатламли валюта курси қўлланилаётган эди. Испания, Португалия, Греция, Ирландия давлатларида ҳам валюта чекловлари мавжуд эди.

1989 йилдаги иқтисодий ва валюта иттифоқини барпо этиш режаси Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида капиталлар ҳаракатининг тўла эркинлаштирилишини кўзда тутган эди. Франция, Италия, Дания, Нидерландлар 1990 – 1992 йилларда деярли барча мавжуд валюта чекловларини бекор қилдилар. Бельгия ва Люксембург эса, икки қатламли валюта курсини бекор қилди. Испанияда валюта чекловлари бирмунча кучсизлантирилди. Европа Иттифоқи барпо этилишининг 1993 йил ноябрь ойида кучга кирган Маастрихт келишувига асосан, Ирландия, Португалия, Грециядаги валюта режимлари эркинлашишининг босқичма-босқич амалга оширилиши асосан 1994 йилга келиб якунланди.

Валютанинг эркин айирбошланишига ўтишнинг Япония тажрибаси юқорида кўриб чиқилган бошқа давлатлар тажрибасидан сабабчи-омилларни синчковлик билан тайёрлаш, эҳтиёткорлик ва прагматизми билан ажралиб туради. Урушдан кейин жорий этилган қаттиқ валюта чекловлари фақат 1980-йилларга келиб, асосан жорий операциялар бўйича аста-секин бекор қилинди. Аммо, молиявий операциялар бўйича улар сақланиб қолинди. Еврооблигацияларни иеналарда чиқариш ва капиталлар бозоридаги шартномалар учун Молия Вазирлигининг рухсати керак. Резидентлар, халқаро кредитлар, кафилликлар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хориждаги қимматли қоғозларнинг эмиссияси ва сотуви тўғрисидаги маълумотларни валюта назорати органларига бериб туришлари шарт. Молия Вазирлиги 20 кун мобайнида шартнома шартларини ўзгартиришга ёки уни бекор қилиш бўйича тавсияларни бериш ҳуқуқига эга. Япония банкларини евродоллардаги кредитларни бериш бўйича халқаро банк консорциумларидағи иштироки ҳам чекловлар остига тушади. Валюта операцияларининг эркинлаштирилишига қарамасдан, Япон фирмалари ихтиёрий асосда ўзида қўллаётган, заҳиравий протекционистик чоралар сақланиб қолган.

Шундай қилиб, валюта чекловлари – умумиқтисодий ва валюта сиёсатининг таркибий қисми. Валютани эркин айирбошланишига ўтишда кўпчилик давлатлар, миллий валюта курсининг кескин пасайишини эмас, балки барқарорлигини таъминлайдиган вариантни маъқуллади. ХВФнинг 8-моддасига қўшилган давлатлар сони аста-секин ортиб бормоқда, жумладан, 1965 йилда – 27, 1978 йилда – 46 (мамлакатларнинг 1/3 ХВФ аъзолари), 1985 йил – 60, 1994 йил – 88, 1999 йил – 147 та мамлакат кирган. Ушбулар ривожланган мамлакатлар замонавий валюта сиёсатини рақобатнинг бозор механизми ва валюта операцияларини мувофиқлаштиришга йўналтирилганлигига ўз аксини топади.

Таянч иборалар: таваккалчилик, сугурта, чеклов, Халқаро валюта фонди.

## Назорат саволлари

1. Валютавий чеклашларнинг аҳамияти.
2. Валютавий чеклашларнинг тўлов балансини тартибга солишдаги роли. Унинг валюта курсини ушлаб туриш воситаси сифатидаги ўрни.
3. Жаҳон тажрибасидаги валютавий чеклашлардан мисоллар ва уларнинг ижобий ва салбий томонлари.

## Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент, 1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнўе финансў. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнўе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнўе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
10. Иванов Н.С. Международнўе кредитнўе отношения. Москва, 2002 г.
11. Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
12. Красавина Л.Н. Международнўе расчетнўе отношения. Москва, 2004 г.
13. Красавина Л.Н. Международнўе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
14. Международнўе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
15. Наговиҳина А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
16. Рубцов Б.Б. Зарубежнўе фондовўе рўнки. Москва, 2003 г.
17. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
18. Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнўй опўт. 2003 г.
19. Редход К., С. Хьюс. Управление финансовўми рисками. Москва, 2001 г.
20. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
21. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.

- 22.Семенов К.А. Международнўе валютнўе и финансовоўе отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
- 23.Моисеев С.Р. Международнўе валютнўе и кредитнўе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

**Интернетдан олинган вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.peugeotfa.ru](http://www.peugeotfa.ru)
7. [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru)
8. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)
9. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
- 10.[www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)

## 7-МАВЗУ. ТҮЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБ БАЛАНСЛАРИ

- 1.Халқаро ҳисоб-китоб баланси тушунчаси ва таркиби.
- 2.Түлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари<sup>32</sup>.
- 3.Түлов баланси сальдосини ўлчаш услублари.
- 4.Түлов балансига таъсир этувчи омиллар.
- 5.Түлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари<sup>33</sup>.

### **1.Халқаро түлов баланси тушунчаси ва таркиби.**

Барча мамлакатлар замонавий жаҳон хўжалигининг иштирокчилари бўлиб ҳисобланади. Алоҳида мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашганлик даражаси турли даражада бўлади. Мамлакатнинг ўз ҳамкорлари билан ташқи иқтисодий алоқалари, миллий иқтисодларни жаҳон хўжалигига бирлаштирадиган халқаро иқтисодий алоқалардан иборат. Иқтисодий муносабатлардан ташқари, мамлакатлар ўртасида пул тўловлари ва тушумларини вужудга келтирувчи сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа муносабатлар ҳам мавжуд.

Мамлакатнинг кўп қиррали халқаро муносабатлари унинг халқаро операциялари баланс ҳисобварагида ўз аксини топади. Ушбу баланс анъана бўйича тўлов баланси деб аталади.

**Тўлов баланси** – бу, халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварагидир. Яъни, бу, мамлакатнинг товарлар, хизматлар, капиталларни олиб кириш ва олиб чиқиш кўрсаткичларининг нисбати шаклидаги халқаро-хўжалик алоқалари комплексининг қиймат ифодасидир.<sup>34</sup>

Халқаро операцияларнинг баланс ҳисоб-вараги, мамлакат ташқи иқтисодий операцияларининг масштаблари, таркиби ва характеристини қиймат жиҳатидан миқдорий ва сифат ифодасидир. Амалиётда, одат сифатида “тўлов баланси” атамасидан фойдаланиш, барча операциялар бўйича валюта оқимларининг кўрсаткичларини эса тўлов ва тушумлар сифатида белгилаш қабул қилинган.

Матбуотда чоп этилаётган тўлов баланслари нафақат амалга оширилган ёки маълум бир санага ижро этилиши керак бўлган тўлов ва тушумларни қамраб олади, балки халқаро талаблар ва мажбуриятлар бўйича кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади.

Тўлов балансларининг замонавий жадваллари барча қимматликларни мамлакатлараро ҳаракати ҳақида етарли маълумотларга эга. Бунда мажбуриятларнинг жорий даврида тўланмайдиган ва келгуси даврга

<sup>32</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 477-бет.

<sup>33</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари бўйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 477-бет.

<sup>34</sup> Л.Н. Красавина “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2004г.

ўтказилиб юбориладиган қисми, капитал ёки кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи тўлов баланси моддаларига киритилади.

Сўнгги пайтларда тўлов балансига қўшимча сифатида мамлакатлараро қимматликлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотга эга мамлакатнинг халқаро активлар ва пассивлар баланси тузилади. Ушбу баланс мамлакатнинг заҳира категориясидаги халқаро молиявий ҳолатини акс эттиради ва мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини қандай босқичида (поғонасида) турганлигини кўрсатади.

Мазкур балансда ушбу даврга мамлакат томонидан тақдим этилган ва олинган кредитлар, инвестициялар, бошқа молиявий активлар қийматининг нисбати акс этади. Айрим давлатларда олинган ресурслар ҳажми, хориждаги активларига нисбатан катта. Бошқа мамлакатларда бу иккала кўрсаткич ҳам катта, ҳам турличадир. Хорижий молиявий ресурсларнинг нетто-импортёри сифатида А+Ш алоҳида ўрин эгаллади. Халқаро молиявий позиция ва тўлов баланси кўрсаткичлари ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Иқтисодий мазмунига кўра, маълум бир санага бўлган тўлов баланси ва маълум бир давр тўлов баланси фарқланади. Маълум бир санага бўлган тўлов балансини статистик кўрсаткичлар шаклида қайд этишининг иложи йук. Чунки, у кундан-кунга ўзгариб турвчи тўлов ва тушумларнинг нисбат шакли сифатида мавжуддир.

Тўлов балансининг ахволи, ушбу даврга миллий ва хорижий валютага бўлган талабни белгилаб беради ва валюта курсини шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълум бир давр учун тўлов баланси (ой, чорак, йил) ушбу давр мобайнида амалга оширилган ташқи иқтисодий шартномалар бўйича статистик кўрсаткичлар асосида тузилади ва мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларида, унинг жаҳон хўжалигидаги иштироки миқёсларида ва характеристида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш имкониятини беради.

Давр учун тўлов балансининг кўрсаткичлари, иқтисодий ривожланишнинг агрегат кўрсаткичлари билан боғлиқдир (ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва шу кабилар) ва давлат томонидан мувофиқлаштириш обьекти бўлиб ҳисобланади.

Давр учун тўлов балансининг ахволи миллий валютанинг узок муддатдаги даврга бўлган ҳолати, унинг барқарорлиги ёки валюта курсининг ўзгариш характеристи билан узвий боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан тўлов баланси доимо мувозанатда бўлади. Аммо, ўзининг асосий булинмалари бўйича агар тушумлар тўловлардан кўп бўлса, актив сальдога, аксинча бўлганда пассив сальдога эга бўлади. Шу сабабли, тўлов балансини тузишнинг ва сальдосини ўлчашнинг услублари, мамлакат ташқи иқтисодий операцияларини характеристовчи кўрсаткичларни тўғри таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайдилар.

Тўлов баланси тузишнинг назарияси ва амалиёти жаҳон иқтисодида бўлаётган ўзгаришларга мувофиқ равища ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. “Баланс” атамаси халқаро тўлов муносабатларида бир қатор тушунчаларни хусусан, баланс ҳисобварағи, сальдо ёки ҳисобварақ қолдиги, ҳисобварақ аҳволи, мувозанат ва бошқаларни ифода этиш мақсадида ишлатилади. Шу сабали тўлов баланси – бу, нафақат икки тарафи бир-бирига тенг бўлган мамлакат халқаро операциялари ҳисоб-варағи, балки ўз ичига асосий элементларнинг сифат ва таркибий характеристикаларини олган, ушбу операцияларнинг маълум бир ҳолатидир.

**Тўлов балансининг таркибий тузилиши.** Тўлов баланси қуйидаги асосий бўлимлардан иборат:

- савдо баланси, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш орасидаги нисбат;
- хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси (“кўзга куринмайдиган” операциялар баланси);
- ўз ичига товарлар, хизматлар ва бир томонлама ўтказмаларни олган жорий операциялар баланси;
- капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси;
- расмий валюта заҳиралари билан операциялар.

**Савдо баланси.** Ташқи савдо ташқи иқтисодий муносабатларни миллий хўжаликларни жаҳон хўжалигига боғловчи бирламчи шакл бўлиб тарихан майдонга чиқади. Ташқи савдо ва бошқа халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётган халқаро меҳнат тақсимоти ташқи савдо туфайли шаклланади.

Ташқи савдо кўрсаткичлари анъанавий равища тўлов балансида муҳим ўринни эгаллайди. Товарлар экспорти ва импортиning ўзаро нисбати савдо балансини ташкил этади. Ташқи савдонинг катта ҳажми кредит ҳисобига амалга оширилганлиги сабабли, ҳақиқатда шу даврда амалга оширилган савдо, тўловлар ва тушумлар кўрсаткичлари орасида тафовутлар мавжуд. Ушбу тафовутлар туфайли, турли сўндирилиш муддатларига эга, тааллуқли талаб ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи умумий савдо балансидан фарқли ўлароқ, ўз даврида амалга оширилган пул тўловлари ва ҳақиқатда олинган тушумларнинг нисбати сифатида, тўлов баланси тушунчаси пайдо бўлди. Бироқ, ташқи иқтисодий операциялар бўйича маълумот йиғувчи органлар ҳеч қачон ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар ва олинган тушумларни, умумий савдо кўрсаткичларидан ажратиш имкониятига эга бўлмаган. Улар, савдо балансига киритиладиган ташқи иқтисодий битимлар бўйича божхона маълумотларидан фойдаланадилар. Айнан шу маълумотлар, давлат иқтисодий сиёсати нуқтаи назаридан, асосий қизиқиши объекти бўлиб ҳисобланади. Улар ва реал тўловлар орасидаги фарқлар, тўлов балансининг кредит операцияларида акс этган.

Савдо баланси актив ёки пассивлигининг иқтисодий мазмуни аниқ мамлакатга нисбатан алоқадор ҳамда унинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ҳамкорлари билан алоқаларининг характеристи ва умумий иқтисодий сиёсатига боғлиқдир. Етакчи давлатлардан иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича орқада бўлган мамлакатлар учун актив савдо баланси, лицензиялар импортига, хорижий инвестициялар бўйича даромадларни тўлашга ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўйича ҳақ тўлаш учун валюта маблағлари манбаси сифатида зарур. Бир қатор саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар (Япония, Германия ва бошқалар) учун савдо балансининг актив сальдоси, капиталлар экспорти, хорижда иккинчи иқтисодни барпо этиш учун ишлатилади.

Пассив савдо баланси кераксиз ҳисобланиб, мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнининг кучсизлигини билдиради. Бу, асосан, валюта тушуми тақчиллигини сезаётган, ривожланиб бораётган мамлакатлар учун хосдир. Саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар учун эса бу бошқача маънога эга бўлади. Масалан, А+Ш савдо балансининг камомади (1991 йилдан бошлаб), А+Ш бозорига, интелектуал товарларни ишлаб чиқарувчи, халқаро рақобатчиларни (/арбий Европа, Япония, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар) кириб бориши билан характерланади. Бундай халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиб бориши оқибатида А+Ш ва жаҳон миқёсида ресурслар нисбатан самаралироқ ишлатилади. А+Ш ташқи савдосининг камомади, юқорида зикр этилган ҳамкор-мамлакатларнинг ушбу операциялар бўйича актив сальдосида ўз аксини топади. Ўз навбатида, ушбу ҳамкор-мамлакатлар ўзининг валюта тушумлари ҳисобига хорижий капитал куйилмаларни, шу жумладан А+Шда ҳам амалга оширади.

**Хизматлар баланси**, ўз ичига транспорт юқ ташувлари, суғурта, электрон, телекосмик, телеграф, поча ва бошқа алоқа турлари, халқаро туризм, илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан алмашиш, эксперт хизматлари, дипломатик, савдо ва хориждаги бошқа хизматлар харажатларини кўтариш, маълумотларни узатиш, маданий ва илмий алоқалар, турли воситачилик йигимлари, реклама, ярмарка ва бошқа шу кабилар бўйича тўлов ва тушумларни олади.

Хизматлар халқаро иқтисодий алоқаларнинг бир маромда ривожланиб бораётган секторини ташкил этади. Хизматларнинг тўловлар ва тушумларнинг ҳажми ҳамда таркибий тузилишидаги роли ва уларга таъсири мунтазам равишда ўсиб бормоқда.

Анъанавий хизмат турлари (транспорт, суғурта), савдо бўйича товарларни етказиб беришнинг ҳажми ва турли-туманлигининг ўсиб бориши, уларнинг таркибида, халқаро кооперация ва ихтисослашувнинг ривожланиши туфайли, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар улушининг ортиб бориши билан, ўз бошидан катта қайта қуриш жараёнини кечирмоқда.

Ривожланган давлатларда аҳолининг яшаш даражаси ўсиб боргани сари, замонавий ишлаб чиқаришнинг байналмиллашуви натижасида

таркибида катта улушга эга бўлмиш хизмат юзасидан сафарлар сифатидаги халқаро туризм масштаблари ҳам кескин ўси.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиши, илмий-техник инқилоб ва хўжалик ҳаёти байналмиллашувининг бошқа омиллари, лицензиялар, ноу-хау, илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибасининг бошқа турлари, лизинг опреациялари, ишбилармон маслаҳатлар ва ишлаб чиқариш ҳамда алоҳида хусусиятга эга бошқа хизматлар билан савдо қилишни рағбатлантириди.

Жаҳон амалиётида қабул қилинган қоидаларга мувофиқ “хизматлар” бўлимига инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича фоиз даромадларидан олинган тўлов ва тушумлар киради, модомики иқтисодий мазмунига кўра улар капиталлар ҳаракатига яқинроқдир. Тўлов балансида қўйидаги моддалар ажратилиб кўрсатилади: хорижий давлатларга ҳарбий ёрдам кўрсатиш, хориждаги ҳарбий харажатлар. Ушбу харажатлар хизматлар операцияларига мансубдир.

Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) услубиётига мувофиқ, тўлов балансида, алоҳида позиция сифатида бир томонлама ўтказмаларни кўрсатиш қабул қилинган. Уларнинг таркибида: 1) давлат операциялари – бошқа мамлакатларга, иқтисодий ёрдам йўналиши бўйича, субсидиялар, давлат нафақалари, халқаро ташкилотларга бадаллар; 2) хусусий тусдаги операциялар–хориждаги ишчилар, мутахассислар, қариндош-уругларнинг мамлакатга пул ўтказмалари. Операцияларнинг ушбу тури катта иқтисодий аҳамиятга эга. Италия, Туркия, Испания, Греция, Португалия, Покистон, Миср ва бошқа давлатлар ўз фуқароларининг пул ишлаб келиш учун хорижга чиқиш масалаларини мувофиқлаштиришга катта эътибор беради. Чунки, ушбу давлатлар, мазкур валюта тушумлари манбасидан ўз иқтисодларини ривожлантириш мақсадида фойдаланадилар.

Хорижий ишчилар ва мутахассисларни вақтинча жалб этадиган ГФР, А+Ш, Франция, Буюк Британия, Швейцария, ЖАР ва бошқа мамлакатлар учун эса, аксинча ушбу пул ўтказмалари тўлов баланси ушбу моддасининг камомад манбаси бўлиб хизмат қиласи.

Юқорида зикр этилган хизматлар бўйича операциялар, инвестициялар бўйича даромадлар ҳаракати, ҳарбий тусдаги келишувлар ва бир томонлама ўтказмалар, товарлар (сезиларли қимматликлар) импорти ва экспортига алоқаси бўлмаган ҳолда, “кўзга кўринмас” операциялар деб аташади. Уларнинг таркибида З тоифадаги келишувларни ажратиб кўрсатиш мумкин, яъни, хизматлар, инвестициялардан олинган даромадлар, бир томонлама ўтказмалар. “Хизматлар ва нотижорат тўловлари” атамаси ҳам ишлатилади.

**Жорий операциялар бўйича тўлов баланси ўз ичига савдо баланси ва “кўзга кўринмас” операцияларни олади.** Тўлов баланси тузилишининг баъзи бир услублари бир томонлама давлат ўтказмаларини алоҳида моддага ажратиб кўрсатади ва уни жорий операциялар сальдосига қўшмайди. Жорий операциялар деб, ушбу операцияларнинг товарлар ва хизматлар билан жаҳон

савдосини молиявий ресурсларнинг капитал ва кредитлар шаклидаги халқаро ҳаракатидан ажратиш учун шундай номланган.

**Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси** давлат ва хусусий капиталлар, тақдим этилган ва олинган халқаро кредитларнинг давлатга олиб кирилиши ва олиб чиқилиши орасидаги нисбатни ифодалайди. Иқтисодий мазмунига кўра ушбу операциялар қуидаги икки категорияга бўлинади: тадбиркорлик ва ссуда капиталларининг халқаро ҳаракатига.

Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (хорижда корхоналарни сотиб олиш ва қуриш) ва портфель инвестицияларини (хорижий компаниялар қимматли қофозларини сотиб олиш) ўз ичига олади. Тўғридан-тўғри инвестициялар узоқ муддатли капитални олиб чиқишининг энг муҳим шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади ва тўлов балансига сезиларли таъсир этади. Улар мулк сотиб олиниши билан боғлиқ бўлган ҳолда, қарз мажбуриятларини вужудга келтирмайдилар. Ушбу инвестициялар натижасида миллий иқтисодларнинг савдога нисбатан юқорироқ даражада ва мустаҳкамроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашувига кўмаклашувчи халқаро ишлаб чиқариш ривожланади. 1997 йилда, ҳар йилги қўйилмаларни қўшиб бориш ва қолдиги кўпайиб борувчи услуби билан ҳисобланган мамлакатларнинг барча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг тўпланган қиймати 3 трлн. А+Ш долларидан кўп суммани ташкил этди.<sup>35</sup> Тадбиркорлик капиталининг хорижга олиб чиқилиши, ишлаб чиқариш ва ташқи савдонинг ўсишига нисбатан тез суръатларда амалга ошади. Бу эса, ўз навбатида хўжалик фаолиятининг байналмиллашуви ва глобаллашувида унинг роли етакчи эканлигини исботлайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қийматининг учдан икки қисмидан зиёдини ривожланган давлатларнинг ўзаро капитал қўйилмалари ташкил этади. Бу дегани, уларнинг орасидаги хўжалик алоқалари бошқа давлатлар орасидаги хўжалик алоқаларига нисбатан юқорироқ даражада мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Ссуда капиталининг халқаро ҳаракати муддатлилик аломатига кўра таснифланади.

1.Узоқ ва ўрта муддатли операциялар бир йилдан зиёд муддатга тақдим этилган давлат ва хусусий заёмлар ҳамда кредитларни ўз ичига олади. Ушбу, давлат ва хусусий заёмлар ҳамда кредитларнинг олувчилари бўлиб, одатда иқтисодий ривожланиш бўйича илғор давлатлардан орқада қолган мамлакатлар ҳисобланади. Илғор ривожланган давлатлар эса бу ерда кредиторлар сифатида майдонга чиқади. Хусусий, узоқ муддатли заёмлар ва кредитлар бўйича ҳолат эса бутунлай бошқача кўринишга эга. Бу ерда ҳам, ривожланиб бораётган давлатлар ривожланган давлатларнинг хусусий молия-кредит институтларидан қарз оладилар. Бироқ, ривожланган давлатларда ҳам корпорациялар, узоқ муддатли қимматли қофозларни

<sup>35</sup> Л.Н. Красавина "Международные валютно-кредитные и финансовые отношения" М. 2001г.

Эмиссия қилиш ёки жаҳон бозоридан ресурсларни банк кредити шаклларида актив жалб этадилар.

2. +исқа муддатли операциялар миллий банкларнинг хорижий банклардаги жорий ҳисобвараклари (авуарлар), пул капиталини банклар орасидаги ҳаракати каби бир йилгача муддатга бўлган халқаро кредитларни ўз ичига олади. Сўнгти 20 йил ичидаги жаҳон пул бозоридаги банклараро қисқа муддатли операциялар катта ҳажмга эга бўлди. Агарда, 60-70 йилларда, Бреттон-Вудс валюта тизими инқирозини кучайтириб юборувчи, капиталлар оқимида “қайнок” пулларнинг стихияли оқими нисбатан катта улушга эга бўлган бўлса, 80-90 йилларга келиб, қисқа муддатли пул капиталларининг асосий оқими евровалюта бозори орқали амалга ошадиган бўлди.

Тўлов баланси статистик кўрсаткичларини йигиши ва қайта ишлаш услубини такомиллашишига қарамасдан, ушбу баланс кўрсаткичларидаги хатоликлар сезиларли бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, статистик хатоликлар ва ҳисобга олинмаган операциялар бўйича маълумотлар киритиладиган “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси ажратиб кўрсатилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қисқа муддатли пул капитали ҳаракатининг ҳисобини юритиш, айниқса иқтисодий инқироз пайтида, ниҳоятда қийин. Шу сабабли, “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси тўлов балансини капиталлар ва кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи бўлимига қўшилади ва инқироз ҳолатларида унинг кўрсаткичлари кескин ошиб кетади.

Тўлов балансининг якуний моддалари, давлат валюта органлари иштирок этувчи, ликвид валюта активлари билан операцияларни акс эттиради. Ушбу операциялар натижасида марказлаштирилган расмий олтин-валюта захираларни ҳажми ва таркиби ўзгаради.

## **7.2. Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари.**

Мамлакат халқаро ҳисоб-китобларининг акси сифатида тўлов балансининг тузилиши, ўзаро яқиндан алоқада бўлган ҳам ҳисоб юритиш, ҳам таҳлилий вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Ташқи иқтисодий операциялар иштирокчиларининг давраси турли-тумандир: алоҳида мамлакатлар ва уларнинг гурухлари, миллий, хорижий ва трансмиллий корпорациялар, компаниялар ва банклар, турли миллий ва халқаро ташкилотлар ва муассасалар, хусусий шахслар, давлат валюта органлари ва бошқа шу кабилар. Бу ўз навбатида нафақат миллий, балки хорижий манбалардан келиб тушадиган катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобини юритиш, қайта ишлаш заруратига олиб келади. Бундан, ўхшаш туркумдаги кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб услублари ва мазмунининг яхлитлиги асосий талаб бўлиб қолади. +ўлланилаётган кўрсаткичларга универсал характерни ва уларни ўзаро солишитириш имконини берувчи яхлитликка эришишга

Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) тўлов балансини тузиш бўйича қўлланмасидаги кўрсатмалар қаратилган.

Ҳозирги кунда ушбу кўрсатмалар ХВФ га аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тузиш асосига солингандир. Шу билан биргаликда, айrim мамлакатлар тўлов балансларини тузиш қоидаларига, ўз иқтисоди ва жаҳондаги ташқи иқтисодий ўрни ҳамда миллий ҳисоб юритишининг қабул қилинган хусусиятлари билан асосланган ўз элементларини киритмоқдалар. Шу сабабли, алоҳида мамлакатлар тўлов баланслари кўрсаткичларини ўзаро солиштириш жараёни, қутулиб бўлмайдиган, маълум бир даражадаги шартлилик ва нотўғриликларга асослангандир. Бундай сабабга кўра, ушбу таққослашлардан келиб чиқадиган хulosалар, биринчи навбатда таҳлил этилаётган ҳодисаларнинг кўлами катталигига, бўлиб ўтаётган жараёнларнинг асосий йўналишлари ва оқибатларига ишора этади, аммо берилаётган баҳоларнинг мутлақ тўла ва тўғрилигига даъвогар бўла олмайди.

**Тўлов балансига турли таърифлар.** Хорижий иқтисодий адабиётлардаги тўлов баланси таърифига мурожаат этайлик. Турли илмий ишларда келтирилган таърифлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу таърифларнинг барчаси тўлов балансини мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тақдим этилишининг шакли сифатидаги прагматик изоҳлашга айланган.

Америкалик иқтисодчилар Вассерман ва Уэйрларнинг тўлов баланси муаммолари бўйича фундаментал ишида қуйидаги атама берилади: “Тўлов балансини, муайян бир давлат резидентлари ва дунёning бошқа вакиллари (бошқа мамлакат, бир гуруҳ мамлакат ёки халқаро ташкилотлар) орасида ушбу даврда мавжуд бўлган иқтисодий операцияларнинг статистик кўриниши сифатида кўз олдига келтириш мумкин”.<sup>36</sup> ХВФ-нинг услугбий қўлланмаларида шундай дейилган: “Тўлов баланси, қуйидагиларни кўрсатувчи маълум бир давр статистик кўрсаткичлар жадвалидан иборат: а) муайян бир давлат ва дунёning бошқа мамлакатлари орасидаги товарлар, хизматлар ва даромадлар билан операцияларини; б) мулк шаклининг ўзгариши ва ушбу мамлакатга тегишли бўлган монетар олтин ва қарз олишнинг маҳсус хуқуқларидаги (СДР) ҳамда дунёning бошқа мамлакатларига нисбатан молиявий талаб ва мажбуриятлардаги бошқа ўзгаришларни; в) ўзаро ёпилмайдиган операция ва ўзгаришларни бухгалтерия нуқтаи назаридан баланслаштиришда зарур бўлган бир томонлама ўтказмалар ва қопловчи ёзувлар”. Бундай кўрсатмаларга мувофиқ тўлов балансига нафакат амалга оширилган операциялар бўйича маълумотлар, балки ушбу операцияларни баланслаштириш мақсадида тузилган сунъий кўрсаткичлар ҳам киради.

Француз расмий матбуот нашрларида қуйидаги атама берилган: мамлакатнинг тўлов баланси мунтазам равишда ўзаро таққосланадиган

<sup>36</sup> Л.Н. Красавина “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” М. 2004г.

статистик қайдномадан иборат бўлиб, унинг мазмуни маълум бир давр мобайнида резидент ва норезидент шахслар орасида реал ва молиявий оқимлар йифиндиси ҳаракатининг ҳисобланган кўрсаткичлари кўринишида акс этган.

ГФР тўлов баланси таҳлилларидан бирида, унинг атамаси қуидагича берилган: одатда тўлов баланси деганда маҳаллий ва хорижий субъектлар орасида маълум бир давр мобайнида амалга ошган барча иқтисодий келишувларнинг тизимлаштирилган, статистик қўринишининг алоҳида рукнларига бўлинган баланс шакли тушунилади.

**Резидент тушунчаси.** Мамлакатнинг ташқи иқтисодий операцияларини ички хўжалик операцияларидан фарқлаш зарурлиги сабабли, тўлов баланси тузилаётган пайтда резидент ва шартнома, ҳисобга олиниши зарур бўлган трансакциялар тушунчалари муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Ташқи иқтисодий операциялар, халқаро тўлов муносабатлари нуқтаи назаридан ушбу мамлакатнинг резиденти ёки норезиденти сифатида майдонга чикувчи, аниқ бир ташкилот, фирма ёки хусусий шахс томонидан амалга оширилади. Замонавий, капиталлар ва ишчи кучи миграцияси, иқтисод жараёнидаги глобаллашув ва трансмиллий корпорацияларнинг кучайиши шароитида ушбу оддийдек туюлган масала, мураккаблашиб боради.

ХВФнинг раҳбарияти резидент атамасига қуидаги тарифни беради: “Мамлакат иқтисоди, ушбу ҳудуд билан яқинроқ боғланган, хўжалик бирликларининг йифиндиси сифатида кўрилади. Ушбу мамлакатнинг тўлов баланси, агарда бу хўжалик бирликлари ушбу мамлакатнинг резидентлари сифатида кўрилса, дунёнинг бошқа субъектлари билан мазкур хўжалик бирликларининг операцияларини акс эттиради. Ёки, агарда мазкур хўжалик субъектлари ушбу мамлакатга нисбатан норезидент шахслар деб қаралса, ушбу хўжалик бирликларининг мазкур давлат билан операциялари сифатида кўрилади.” Икки тарафлама ёзув тизимидан фойдаланган ҳолда, ХВФ нинг қўлланмасида айтилганидек, хатоликка йўл қуилган пайтда баланс бузилмайди, аммо амалга оширилган операциялар бўйича нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатга учрамаслик учун резидент атамасига, унинг барча жойларда тўғри ишлатилиши учун, универсал тушунча ишлаб чиқиши лозим.

А+Шда резидентлар деб, мамлакатда мунатазам равишда мавжуд бўлган барча ҳукумат ташкилотлари, миллий компаниялар ёки муҳим яшовчи фуқаролар ҳисобланади. Хорижда яшовчи А+Ш фуқароларининг (давлат хизматчиларидан ташқари) резидент шахсга мансублиги эса, уларнинг хорижда яшаш муддатлари ва бошқа омилларга боғлик. А+Ш корпорацияларининг хорижий филиаллари ва шульба корхоналари А+Ш учун хорижий фирмалар бўлиб ҳисобланади. Худди шундай амалиёт бошқа ривожланган давлатлар учун ҳам хосдир.

ГФРда, тўлов баланси нуқтаи назаридан, резидент бўлиб, “субъектларнинг миллий тааллуқлигидан қатъий назар, хўжалик манфаатларининг маркази ушбу давлат бўлган, жисмоний ва юридик шахслар, корхоналар ва шу кабилар ҳисобланади”. Шу сабабли, ГФРда резидентларга нафақат келиб чиқиши германиялик бўлган шахслар, балки ушбу мамлакатда ўтириб қолган хорижлик тадбиркорлар ҳам киради.

Францияда қабул қилинган услубиётга асосан “резидент” атамаси, Францияда яшовчи ёки хорижда 2 йилдан кам вақт давомида яшаган француз миллатига мансуб шахсларни, ҳамда Францияда 2 йилдан ортиқ вақт давомида яшаган хорижликларни (хорижлик хизматчилар бундан истисно) билдиради. Бундан ташқари, Францияда жойлашган юридик шахслар ҳам резидент ҳисобланади (Францияда ишлаётган дипломатик ва консуллик ваколатхоналаридан ташқари).

Ўзбекистон Республикасида 1993 йилнинг 7 майидан амалда бўлган ва 2004 йилда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги +онунга мувофиқ резидентлар бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

а)Ўзбекистон Республикасида муқим яшовчи фуқаролар, шу жумладан вақтинча хорижда бўлган фуқаролар;

б)Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар;

в)Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, юридик шахс бўлмаган корхона ва ташкилотлар;

г)Ўзбекистон Республикасининг хорижда жойлашган дипломатик ва бошқа ваколатхоналари;

д)юқоридаги кичик “б)” ва “в)” бандларда зикр этилган резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси худудининг ташқарисида жойлашган филиаллари ва ваколатхоналари.

**Шартнома (битим) таърифи.** Бу ерда таснифнинг мураккаб томонлари мавжуд. Халқаро шартномалар (битимлар), одатда, алмашувни кўзда тутади, деб ҳисобланади. Шаклланган анъана доирасида 4 кўринишдаги шартномалар (ёки операциялар) фарқланади: молиявий активларга қарата товарлар, хизматлар сотиб олиш ва сотиш (алмашиш); бартер, яъни ушбу мамлакат товар ва хизматларини бошқа мамлакатлар товар ва хизматларига бевосита алмаштириш; молиявий активларни бошқа молиявий активларга алмаштириш, яъни қимматли қофозларни пулга сотиш, тижорат қарзларни тўлаш ва шу кабилар; бир томонлама ўтказмалар, яъни бир томонлама асосда, қопланишсиз товар ва хизматлар ёки молиявий активларни тақдим этиш ёки сотиб олиш.

Бундай таъриф, ташки иқтисодий операцияларнинг қўпчилигини қамраб олса-да, бу борада кўп масалалар очиқ қолмоқда. Миллий ҳисобваракларни тузиш бўйича услубиётга асосан, товарлар, хизматлар ва

даромадлар борасидаги шартнома (битим) деб, иштирокчи бўлмиш бир субъектдан бошқа субъектга аниқ (мавжуд) ушбу ресурсларни бериш тушунилади. Бироқ, ички ва халқаро алмашувда иштирокчи бўлмиш иккала тараф ҳам бир юридик шахс бўлиб чиқиши каби гумонли ҳолатлар вужудга келади. Бунда моддий қимматликларнинг бир қўлдан бошқа қўлга ўтишида юридик мулқдорлик ўзгармайди. Бундай тусдаги операцияларни ТМКлар, ўз хорижий филиаллари билан йирик кўламларда амалга оширадилар. Шу билан биргаликда, шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, шартнома тусига эга бўлмаган операциялар оқибатида қандайdir ўзгаришлар шартномага хос иқтисодий самарани вужудга келтиради. Масалан, валюта курсларининг ўзгариши муносабати билан валюта захираларининг қайта баҳоланиши мамлакатнинг ташки дунёга бўлган талабларининг қисқариши ёки ўсишига олиб келади.

ХВФ эксперталари томонидан, тўлов балансини тузилишига алоқадор бўлган, шартнома (битим) ёки операциянинг таърифи тавсия этилади. Ушбу атамадан тўлов балансида акс этиши керак бўлган ҳар қандай операцияга нисбатан фойдаланиш тавсия этилади.

Бир қатор операциялар таърифларининг мукаммал эмаслиги ва олинаётган маълумотлардаги хатоликлар шароитида тўлов балансининг кредит ва дебет тарафларида якуний кўрсаткичларида маълум бир номутаносиблиқ кузатилади. Бундай ҳолатга дучор бўлмаслик учун, тўлов баланси жадвалларини тузиш негизига икки тарафлама бухгалтерия ёзуви тамойили қўйилган. Бу дегани, тўлов балансида қайд этиладиган ҳар қандай операция бўйича, ушбу хужжатга 2 бир-бирига ўхшаш кўрсаткич киритилади: бири – кредит тарафида ижобий белги билан, иккинчиси – дебетли тарафида манфий белги билан. Булардан, биринчи кўрсаткич сотиб олинган ёки ушбу мамлакат резидентлари томонидан сотилган товарлар, хизматлар ва қимматли қоғозлар қийматини кўрсатади, иккинчиси эса ушбу операциянинг қандай қилиб молиялаштирилиши ҳақида кўрсатади: нақдли тўловлар, молиявий активлар берилиши ёки (кам ҳолларда) бартер асосида.

Товарлар ва хизматлар экспорти хориждан тушумлар сифатида қайд этилади ва кредитли операциялар бўлимига киритилади; товарлар ва хизматлар импорти эса – дебетли операциялар бўлимига, тўловлар сифатида, киритилади. Ушбу операцияларнинг ҳар бири учун қилинаётган иккинчи ёзув, ушбу операцияни молиялаштирувчи нақд пуллар ёки молиявий активлар ҳаракат йўналишини очиб беради. Масалан, товарлар экспорти ҳолатида биринчи кўрсаткич тушумлар бўлимида унинг қийматини, иккинчиси эса – тўловлар бўлимида, хорижга нисбатан молиявий талабларнинг ортишини кўрсатади ёки ушбу малакат банкларида хорижликларга тегишли авуарларнинг тааллуқли қисқаришини кўрсатади.

Тайёрлов ҳисобварақларнинг катта қисмини қайта ишланиши асосида, ийғма тўлов балансига, тушум ва тўловлар ёки мамлакатнинг ташки дунё билан операцияларининг талаб ва мажбуриятларида ўзгаришларни акс эттирувчи якуний кўрсаткичлар киритилади. Шундай қилиб, тўлов

балансининг тузилиш тамойилига асосан, унинг ижобий кўрсаткичлари якуний суммаси салбий кўрсаткичларининг якуний суммасига тенг бўлиши керак. Яъни, бу унинг расмий мувозанатини таъминлаши лозим. Бироқ, бундай ҳолатда ҳам услубиёт ва ҳисоб юритиш характеридаги ноаниқликлар ва қўлдан бой берилган имкониятлар сақланиб қолади.

**Баҳоларнинг ҳисоби.** Катта бир муаммонинг асосини ташқи иқтисодий характердаги шартномалар амалга ошадиган баҳоларнинг ҳисоби ташкил этади. Тўлов балансларини тузишга алоқадор органлар ҳамма вақт ҳам тўғри маълумотлар олиш имкониятига эга эмас. Аксинча, шартнома иштирокчиларининг тижорат сирини сақлашдан манфаатдорлиги туфайли, кўп ҳолларда ушбу маълумотларни олишнинг имконияти йўқ.

Ҳар бир товар учун турли географик бозорларда, турли баҳолар мавжуд: божхона ва бошқа солиқ йиғимлари олинадиган баҳолар; товарнинг эгаси ўз ҳисоб юритиш ҳужжатларида товарнинг ҳисобини юритадиган баҳолар; ички фирма ёки трансферт баҳолар ва бошқа шу кабилар. Кўпчилик баҳоларнинг ичидан, тўлов балансига шартнома (битим) ҳақида маълумот киритиш учун, кредитли ва дебетли ёзувлар учун ягона тамойил асосида белгиланадиган баҳо ишлатилиши керак, аксинча бўлганда, операцияларнинг баланслашганлик қоидасига риоя қилинмайди. Баҳонинг танланиши нафақат, сўз юритилаётган мамлакатга, балки ўз операцияларини биргаликда амалга ошираётган унинг ҳамкорларига алоқадор эканлиги, бир хиллик ва статистик талабларни таъминлаш мақсадида савдо операцияларини бозор баҳосида ёки уларнинг эквивалентида баҳолаш тавсия этилади.

ХВФ нинг қўлланмаси ва миллий услубий ишланмаларда тўлов балансида тааллуқли кўрсаткичларни акс эттириш учун баҳоларни қандай танлаш кераклиги тўғрисида батафсил кўрсатмалар мавжуд.

**Шартнома (битим) пайтини қайд этиш.** Маълумотлари тўлов балансига киритиладиган операцияни амалга ошириш пайтини қайд этиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Операцияни амалга оширилиш санасини акс эттирувчи кўрсаткич сифатида қуйидаги саналар бўлиши мумкин: шартноманинг тузилиши (имзоланиши) ёки келишувга эришилиши, товарнинг транспортга ортиб жўнатилиши, унинг етказилиши, божхонадан ўтиш тартиб-қоидлари, хизматларни бажариш, даромад ёки харажатнинг ҳисобланиши. ХВФ раҳбарияти шартномани амалга ошириш санасини шундай танлашни тавсия этадики, мулкнинг ўрнидан кўчганлиги миллий ҳисоб юритишида ўз аксини топсин.

ХВФ томонидан тавсия этилган тўлов баланси жадвалининг батафсил таркибий тузилиши, юқорида қайд этилган йирик моддаларга бўлинган, 100 дан ортиқ кўринишдаги операцияларни ўз ичига олган. Ушбу тавсиялар ХВФ га аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тузиш ва уларни ўзаро таққослашдаги бир хилликка эришишга қаратилган. Бироқ, амалиётда бу масаланинг кўриниши ҳақиқатдан анча йироқдир. Ташқи иқтисодий операцияларга алоқадор маълумотларни йиғишдаги мураккаблик, уларнинг

тўла эмаслиги, услугий фарқлар ва бошқа омиллар давлат органлари учун, ташки иқтисодий операцияларнинг ҳажми, таркибий тузилиши, ижро этилиши вақти ва бошқа характеристикаларини муқобил акс эттирадиган, тўлов баланси хужжатларини тузишни қийинлаштириб юборади.

Турли хилдаги хато ва нотўғриликлар шунга олиб келадики, тўлов балансига “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” ёки “статистик хатоликлар” моддаси киритилади. Бироқ, тўлов баланси расмий нуқтаи назардан доим мувозанатда бўлишини инобатга олган ҳолда, ҳақиқий маълумотлар бўйича тафовутлар ушбу моддага киритилади. Бир қатор ҳолатларда, ушбу моддага, қандайдир сабабаларга кўра, тўлов баланси моддаларининг мавжуд тавсифига тўғри келмайдиган ёки яширилиши керак бўлган кўрсаткичлар киритилади. Ушбу модда, нафақат услубиёт хатоликларини, балки ҳисобга олинмаган, шу жумладан котрабанда операцияларни акс эттиради. Шу сабабли, ушбу модда бўйича кўрсаткичларнинг ҳажми одатда етарли даражада барқарордир. Аммо, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий ва сиёсий мувозанатсизликлар даврида “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддасининг ялпи кўрсаткичи кўтарилиди.

**Тўлов баланси моддаларини таснифлаш услублари.** Тўлов балансини тузиш услублари ва унинг сальдосини ўлчашни ўрганиш, халқаро ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини тўғри тушунишда катта аҳамият касб этади. Иқтисодий адабиётларда, кўп ҳолларда, тўлов баланси кўрсаткичлари, уларнинг иқтисодий мазмуни изоҳсиз келтирилади. Бу асосан тўлов балансининг сальдосига алоқадордир. Масалан, А+Ш тўлов балансининг 1958 ва 1978 йиллардаги камомад кўрсаткичлари бир-биридан фарқли, турлича иқтисодий мазмунга эгадир; улар турлича ўлчанади ва уларнинг матбуотда эълон қилиниши турли (бир-бирига ўхшамас) оқибатларга олиб келган. Шу сабабли, таҳлил ва таққослашлар мақсадида тўлов баланси кўрсаткичларидан фойдаланиш, иқтисодий муҳит ва халқаро валюта-кредит ҳамда молиявий муносабатлардаги ўзгариш ўз бошидан бир қатор янгиланишларни кечирган ушбу кўрсаткичларнинг ўлчаниш тамойиллари ва уларда мужассам бўлган иқтисодий мазмунни билишни тақозо этади.

Халқаро тўлов муносабатлари узок ривожланиш даврни ўз бошидан кечирган. Улар билан биргаликда, тўлов балансларини тузиш ва таҳлил этиш услубиёти ҳам ривожланмоқда ва бир қатор ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Тўлов балансларининг замонавий шакллари тўлов баланси назариясининг узок даврдаги эволюцияси ва тузилиш амалиётининг натижасидир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар оқибатлари масштабларининг ҳисобини юритиш ва уларни баҳолашнинг дастлабки хатти-ҳаракатлари XIV асрнинг охирида Буюк Британияда пайдо бўлган ва эрта меркантилизм иқтисодий қарашлари билан боғлиқ бўлган. Мамлакатдан, миллий бойлик рамзи бўлмиш олтинни ташқарига оқиб кетишини олдини олишга интилиш, ташки савдо ҳамда бошқа ташки иқтисодий операциялар табиатини тушуниш

ва қўламларини баҳолашга зарурат туғдириди. “Тўлов баланси” тушунчаси дастлаб 1767 йилда Жеймс Стюарт томонидан иқтисодий назарияга киритилган. Бироқ, XX асрнинг бошигача тўлов балансини тузиш ва унинг таркибига кирган операцияларни қамраб олиш турли давлатларда турлича тушунилган.

Эркин рақобат капитализми даврида халқаро иқтисодий операциялар ҳисобини юритиш муаммоси ва уларни талаб даражасида тўлов балансида акс эттиришга қизиқиши, айрим давлатларнинг иқтисодий ва кредит инқирозлари даврида олтиннинг оқиб кетишини олидини олишга қаратилган хатти-ҳаракатлари билан, иқтисодчилар томонидан эса – умумий мувозанат иқтисодий назарияси доирасида тўлов мувозанатининг бузилиши ва тикланишини тушунтиришга интилиш билан асосланган. Бироқ, ушбу даврда ҳали халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисида, улар ҳақида маълумотлар йиғиш тизимининг такомиллашмаганлиги, ҳамда уларни англаб олишнинг назарий ёндашувларидаги камчиликлар мавжудлиги оқибатида тўлақонли ва ҳаққоний маълумотлар йўқ эди.

Иқтисодий фаннинг А. Смит ва Д. Рикардодан бошлаб кўзга куинган намоёндалари тўлов баланси мувозанати муаммосига тан бериб, тўлов балансларини тузиш жараёнига янги элементлар ва тасаввурлар киритган ҳолда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Капитализмнинг, капитални четга олиб чиқилиши, бошқа халқаро иқтисодий операцияларнинг тез ривожланиши билан хусусиятли бўлган замонавий босқичга ўтиши тўлов баланслари мазмунининг кенгайишига олиб келди. Бир вақтнинг ўзида, тўлов балансларини шакллантириш ва мувофиқлаштиришдаги давлат роли қучайтирилишининг оқибати сифатида халқаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш амалиёти такомиллашди ҳамда унга зарурат ортиб борди. Фаолияти, халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил этишни ўз ичига олган ғазначилиқ, бюджет ва кредит органлари, божхона ва бошқа ташкилотлар каби давлат иқтисодий муассасаларининг роли ортиб борди.

А+Ш ва Буюк Британияда тўлов баланси тузишнинг услублари, XX асрнинг бошига келиб, ўзининг тўла ривожини топди. А+Ш тўлов балансининг биринчи расмий чоп этилиши Савдо Вазирлиги томонидан, 1922 йил кўрсаткичлари асосида, 1923 йилда тайёрланган эди. Бундан олдинги чоп этилишлар айрим, якка ҳолдаги изланувчиларга тегишли бўлиб, расмий тусга эга бўлмаганлар.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг А+Ш кредитор-давлатга ва жаҳон молиявий марказига айланишининг оқибатларидан бири сифатида, муқобил иқтисодий сиёsat ишлаб чиқишига йўналиш бўла оладиган етарли даражада аниқ ва батафсил бўлган халқаро иқтисодий операциялар балансини тузишга қизиқиши бўлди. Бу мақсадда А+Ш Савдо Вазирлиги биринчи расмий нашрнинг маълумотлари ва услубини корректировка қилиб А+Ш нинг 1923 йил тўлов балансини чоп этди. Ушбу баланснинг маълумотлари таҳлил

мақсадида қуидаги 3 гурұхға бўлинган эди: жорий операциялар, капиталлар ҳаракати, олтин ва кумуш билан операциялар. Бунда қуидаги тамойилларга асосланилди: жорий операцияларга жорий йилда тугалланган деб ҳисобланган, кейинчалик тўловлар ёки тушумларни келтириб чиқармайдиган операциялар киритилди. Ушбу қаторга савдо сингари “кўзга кўринмайдиган” операциялар ҳам киритилди. Капиталлар ҳаракати бўйича операцияларга, ҳаракатидан келгусида фойдалар ёки фоизлар тушуми кутилаётган операциялар киради. Олтин ва кумуш билан операцияларга катта аҳамият берилган ҳолда, улар маҳсус бўлимга ажратилди.

1943 йилда америкалик иқтисодчи X. Лэри 1919-1939 йилларга А+Ш тўлов балансини тузди. Ушбу баланснинг шакли иккинчи жаҳон урушидан сўнг А+Ш тўлов балансини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1946 йилдан бошлаб тўлов баланси тўғрисидаги чорак ва йиллик ҳисботлар А+Ш Савдо Вазирлиги томонидан “Survey of Current Business” журналида чоп этила бошланди. Худди шу сингари Буюк Британия ва бир қатор бошқа давлатлар тўлов балансларининг ишлаб чиқилиш ва кўрсаткичларини таҳлил этилиш жараёнлари бўлиб ўтди.

Лэри томонидан 1919-1939 йилларда тузилган тўлов баланси ва ундан сўнг чоп этилган А+Ш ва бошқа давлатларининг тўлов баланслари, бундан олдинги тўлов баланслардан шакл ва мазмун жиҳатидан фарқ қиласди. Тўлов баланси, ташқи дунёга нисбатан мамлакат молиявий позициясини таҳлил қилиш учун, статистик жадвал сифатида тузилган. Бундан келиб чиқсан ҳолда тўлов балансига факат нақд пул тушуми билан тугайдиган битимлар киритилган. Халқаро савдо ички иқтисодга таъсир этади деб ҳисобланар эди, модомики экспортнинг импортдан ошиши ва буни тескариси, асосан халқаро ҳисоб-китоблардаги мувозанатни автоматик равишда тикланишига кўмаклашувчи пул муомаласи ва баҳолар соҳасидаги ўзгаришларга олиб келади.

Иқтисодга давлат аралашувининг кучайиши назариётчиларни иқтисодни автоматик мувофиқлаштириш концепциясидан, хусуан бозорнинг стихияли кучлари ёрдамида тўлов балансини мувофиқлаштиришдан воз кечишига олиб келди. Тўлов баланси тушунчасининг қайта кўриб чиқилишига миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот ҳисоб-китоблари услубларини ривожланиши ҳам ёрдам берди. Замонавий иқтисодчилар тўлов балансида бошқа мамлакатларга товар ва хизматлар сифатида олиб чиқиб кетилган миллий маҳсулот улушкини, мамлакатга олиб кирилаётган товар ва хизматлар ҳажмини ва экспорт ҳамда импорт орасидаги фарқни молиялаштириш услубларини акс эттиришни муҳим деб ҳисоблайди. Замонавий тўлов баланси жорий операцияларининг қолдиги одатда ички ялпи маҳсулот, миллий даромад, “харажатлар ва чиқариш” ҳисобварақлари ҳисоб-китобларининг жадвалларига киради.

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши айрим давлатлар халқаро ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини таққослашни талаб этар эди. Шу сабабли айрим

давлатлар тўлов балансларини тузишнинг тамойиллари тобора соддалаштиришмоқда. Халқаро ҳисоб-китоблар бўйича маълумотларни тақдим этиш борасида маълум даражадаги бирхилликка эришишга Миллатлар Лигаси ва ХВФ нинг фаолияти кўмаклашди.

Миллатлар Лигасининг эксперталари тўлов баланслари тузиш услугларини стандартлаштириш бўйича иш олиб борди. 1924 йилда Миллатлар Лигаси томонидан 13 мамлакатнинг 1922 йил тўлов баланслари тўғрисидаги маълумотларнинг чоп этилиши ушбу кўрсаткичларни халқаро таққосланишига асос солиб кетди. 1927 йилда Миллатлар Лигаси томонидан асосан намуна сифатида А+Ш ва Буюк Британия тўлов баланслари олинган схема ва бир қатор тавсияномалар берилган эди.

Миллатлар Лигаси эксперталари томонидан киритилган аниқликлар туфайли 1947 йилда БМТ ҳужжати сифатида чоп этилган тўлов баланси тузишнинг схемаси яратилди. Ушбу ҳужжат Миллатлар Лигасининг ушбу фаолият борасидаги якуни ва бир вақтнинг ўзида ХВФ томонидан тўлов балансини тузишнинг шакл ва тамойилларини ишлаб чиқишининг негизи бўлиб ҳисобланди.

ХВФ тўлов баланси схемасини соддалаштириш услубиётини ишлаб чиқиши давом эттириди, унинг натижаси мунтазам равишда қайта чоп этилаётган тўлов баланси бўйича қўлланмада акс этмоқда. Ҳозирги кунда ХВФ аъзоси бўлмиш мамлакатлар тўлов балансларини чоп этилиши 1993 йил қўлланмасидаги қоидалар асосида амалга ошади.

### **ХВФ услубиётига асосан тўлов баланси моддаларини таснифи.**

#### A. Жорий операциялар

Товарлар

Хизматлар

Инвестициялардан тушган даромадлар

Бошқа хизматлар ва даромадлар

Бир томонлама хусусий ўтказмалар

Расмий бир томонлама ўтказмалар

А.нинг якуни. Жорий операциялар баланси

#### B. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқа узоқ муддатли

капитал

Тўғридан-тўғри инвестициялар

Портфель инвестициялари

Бошқа узоқ муддатли капитал

Жами: А+В (А+Шдаги базавий баланс концепциясига мувофиқдир)

#### C. қисқа муддатли капитал

#### D. Хатолар ва ўтказиб юборишлар

Жами: А+В+С+Д (А+Шдаги ликвидлилик концепциясига мувофиқдир)

#### E. Ўрнини қопловчи моддалар

- Олтин-валюта захираларини қайта баҳолаш, СДРнинг  
тақсимланиши ва ишлатилиши
- F. Фавқулодда молиялаштириш
- G. Хорижий расмий органларнинг валюта захираларини ташкил  
этувчи мажбуриятлар  
Жами: А+В+С+Д+Е+Г (А+Шдаги расмий ҳисоб-китоблар  
концепциясига мувофиқдир)
- H. СДР захираларининг якуний ўзгариши  
ХВФдаги захири позицияси  
Хорижий валюта  
Бошқа талаблар  
ХВФ кредитлари

ХВФда қабул қилинган тўлов баланси моддаларини таснифлаш тизими ушбу Фондга аъзо давлатлар томонидан қўлланилади. Бунда айрим мамлакатлар халқаро ҳисоб-китобларининг характеристи улар томонидан тузилаётган тўлов балансларини хусусиятли томонларини белгилайди. Ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлекатлар тўлов баланслари, мазмунига кўра бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

### **7.3. Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услублари.**

Тўлов баланси тузишнинг муҳим масалаларидан бири – бу, унинг сальдосини ўлчашдир. Ушбу масала кенг кўламдаги саволларни камраб олади – алоҳида халқаро битимлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлигидан жадвал тузишнинг таркибий тузилишигача ҳамда тўлов баланси назарияси ва амалиётининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тўлов балансининг камомади ёки актив сальдосининг қабул қилинган аниқлаш услуби – бу, тўлов балансини асосий ва балансловчи моддаларга бўлишдир. Асосий моддаларнинг сальдосини “тўлов балансининг сальдоси” деб аташади. Ушбу миқдорнинг ижобий ёки салбий бўлишига қараб эса, тўлов балансининг активи ёки камомади белгиланади.

Тўлов балансининг сальдоси муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Унинг миқдори ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад ҳисоб-китобига киритилади, валютанинг ҳолатига, ички ва ташки сиёсатни олиб бориш воситаларини танловига таъсир этади. Бундан, тўлов баланси сальдосини ўлчаш пайтидаги энг муҳим муаммо сифатида майдонга моддаларни асосий ёки балансловчи моддаларга таснифлаш муаммоси чиқади.

Тўлов баланси сальдоси тушунчаси операцияларнинг маълум бир тўпламининг баланс якунига алоқадордир. Ушбу тушунча принципиал характерга эгадир. Тўлов балансининг активлиги ёки пассивлиги кўрсаткичи, доим мувозанатда бўлган ялпи тўлов балансининг характеристикаси сифатида қабул қилиниши керак эмас. Тўлов баланси сальдосининг кўрсаткичи тузилмавий бўлиб ҳисобланади. Унинг катта-кичиклиги биринчи навбатда, ушбу моддалар якунини ифодаловчи, моддалар танловига боғлик.

Бундай танлов ўз ҳолиша бўлиши керак эмас. У маълум бир мақсадга буйсўнган ва ўзида тааллуқли таҳлилий ёндашувни акс эттиromoғи лозим.

Тўлов баланси моддаларининг ХВФ услубиётига мувофиқ таснифи унинг сальдосини аниқлашнинг эволюциясини кузатиб бориш имконини беради. Ушбу схемадан фойдаланган ҳолда, маълум бир гурух операциялар тагига чизишининг ўзи кифоя қилиб ва бунда, ушбу чизиқнинг юқорисида жойлашган барча кўрсаткичларнинг якуний кўрсаткичи, бизга маълум бўлган бир концепцияга биноан, тўлов баланси сальдосига мувофиқ бўлади. Ушбу кўрсаткич, чизиқдан пастда бўлган тескари ифода билан олинган барча кўрсаткичлар суммалари билан мувозанатлаштирилади. Мазкур таснифлашнинг таркибий тузилиши маълум бир меъёрда тарихан халқаро иқтисодий операциялар ривожи кетидан боради.

**Жорий операциялар балансининг концепцияси.** Халқаро алмашувнинг тарихан энг ривожланган шакли сифатида майдонга ташқи савдо чиқади. Халқаро савдо бўйича ҳисоб-китоблар дастлабки тўлов баланслари моддаларининг асосий мазмунини ташкил этган эди. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши билан хизматлар халқаро алмашувда каттароқ роль ўйнай бошлади.

Савдо баланси ва хизматлар баланси мамлакат ички иқтисодининг ҳолати ва жаҳон хўжалигида эгаллаган ўрни билан ўзаро боғлиқдир. Ташқи савдонинг камомади ёки активлиги жаҳон бозорида ушбу мамлакат товарлари ракобатдошлигини, иқтисодининг кучли ёки кучсизлигини акс эттиради ва жиддий иқтисодий чоралар кўрилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ташқи дунё билан мамлакат иқтисодий алоқаларини, кенгроқ маънода, тўлов балансининг жорий операциялар баланси акс эттиради. Масалан, мамлакат лицензиялар сотуви ва туризмдан тушумлар, хорижда ишлаётган ишчилар пул ўтказмалари ҳисобига савдо баланси камомадини қоплаши мумкин. Тўлов балансининг жорий операциялар сальдоси кўп ҳолларда мамлакат ташқи иқтисодий ҳолатининг характеристикаси учун ишлатилади. Жорий операциялар баланси мамлакат томонидан хорижга бериб юборган ёхуд хориждан ялпи ички маҳсулотга қўшимча олган реал қимматликлар қийматини акс эттиради, деб ҳисобланади.

Таҳлилий нуқтаи назардан жорий операциялар баланси хорижий эксперtlар фикрига кўра, ўзининг икки хусусияти билан фарқланади. Яъни, биринчидан, жорий операциялар ўзининг табиатига кўра, якунланган операциялардир – улар бўйича ҳисоб-китоблар, капиталлар билан операциялар сингари, жавоб сифатидаги қўшимча операцияларни келтириб чиқармайди. Иккинчидан, қисқа муддатли даврда жорий операциялар нисбатан мувозантлидир, уларнинг якуни эса нисбатан чуқурроқ иқтисодий тенденциялар таъсирини акс эттиради. Буларнинг оқибатида жорий операциялар баланси ҳозиргача катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич сифатида кўрилади. Ушбу кўрсаткич мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти якунларини ҳамда ички иқтисодий жараёнлар билан ўзаро

ҳаракатларини аниқлаш мақсадида миллий ҳисобварагларга, “харажатлар-чиқарувлар” ҳисоб-китоблари, бошқа макроиктисодий агрегатларга киритилади.

**Базис балансининг концепцияси.** Узок муддатли капитал ҳисоби юритилиши ва уни тўлов балансида тўлароқ акс эттирилишини ривожланиши билан базис баланси концепцияси олға сурилган эди. У иккинчи жаҳон урушидан сўнг А+Ш, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган эди ва тўлов баланси ҳолатини аниқлашда ишлатилган. Ушбу концепциянинг асл мазмуни шундаки, бунда асосий моддаларга киритиладиган, базавий барқарор битимлар ажратиб олинади. Ушбу битимлар, муаллифларнинг фикрича, вақт давридаги барқарорлик ва иқтисодий конъюнктура ўзгаришларига бефарқлиги билан характерланади. Бундайларга нафақат жорий операциялар, балки узок муддатли капитал ҳаракатлари ҳам киритилди. Балансловчи операцияларга қисқа муддатли капитал ва валюта заҳиралари ҳаракати киритилди. ХВФнинг таснифи бўйича базис балансининг сальдоси “А” ва “В” гурухлар операциялари бўйича сальдо суммаси сифатида аниқланадиган бўлди. Ушбу сумма “В” гурухидан пастдаги операциялар баланси билан мувозанатлантирилиши лозим.

Базис баланси концепциясига мувофиқ жорий операциялар активи капитал ҳаракатини мувозанатлаштирибгина қолмай, балки ушбу мақсадга эришиш учун валютанинг оқиб келишини таъминлайди. Тўлов балансини узил-кесил баланслаштириш, маълум бир чегараларда валюта курслари, фоиз ставкалари ва иқтисодий сиёsatнинг бошқа инструментларини ўзgartириш орқали бошқариладиган қисқа муддатли капитал ҳаракати орқали таъминланиши керак эди. Бундай ёндашувни маълум бир давргача қисқа муддатли капитал ҳаракатига мустақил жараён сифатида жиддий эътибор берилмаганлиги билан тушунтириш мумкин эди.

**Ликвидлилик концепцияси.** Ушбу концепция 1958 йилда А+Шда ишлаб чиқилган эди. Уша даврларда А+Ш тўлов баланси ҳолатининг кескин ёмонлашуви ва долларнинг инқирози Савдо вазирлиги томонидан тўлов баланси тузиш ва унинг камомадини ўлчаш услубларини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишига мажбур этди. +исқа муддатли капитал ҳаракатига нисбатан муносабат ҳам қайта кўриб чиқилди ва бунда хорижлик хусусий шахслар ва расмий органлар қўлидаги ликвид долларли активларга муҳим аҳамият берилди. Бу эса ўз навбатида янги ёндашувнинг мазмуни ва номини белгилаб берди.

Ликвидлик концепцияси А+Ш долларининг захира валютаси эканлиги, ҳамда халқаро тўлов ва заҳира воситаси сифатида ишлатилишидан келиб чиқсан эди. Бундан, А+Ш А+Ш долларларидан чайқов мақсадида фойдаланилишига қарши курашга доим тайёр бўлиб туриши керак. Бунинг учун эса, норезидент шахсларда қанча ликвидли долларли активлар борлигини билиш даркор. Ушбу сумманинг ўсимини эса тўлов балансининг

сальдоси кўрсатиши керак эди. Шу сабабли, ликвидлилик концепциясига мувофик, негизли шартномалар тарафдорлари томонидан киритиладиган моддалардан ташқари, асосий моддалар қаторига яна З кўринишдаги шартномалар киради: қисқа муддатли хусусий миллий капитал ҳаракати, хорижий тижорат кредитлари ва “хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси бўйича сальдо.

Савдо вазирлигининг фикри бўйича, А+Шнинг халқаро ликвидли позициясидаги ўзгаришларни акс эттирувчи моддалар баланслаштирувчи сифатида олинади. Баланслаштирувчи моддаларга қўйидаги ўзгаришлар киради: Америка валюта заҳиралари (ХВФга бадални ҳисобга олган ҳолда), А+Шнинг хорижлик расмий ташкилотлар ва хусусий шахслар олдидаги ликвидли мажбуриятлари. Ушбу концепциянинг ўзига хослиги шундаки, у А+Ш давлат валюта заҳиралари ва америка хусусий эгалар қўлидаги валюта активларини айирбошлиш имконини беради.

ХВФда қабул қилинган, тўлов баланси моддаларининг таснифига кўра ликвидлилик концепцияси бўйича сальдо бирмунча шартлашувлар билан (“С” гурухига алокадор), асосий деб ҳисобланувчи, А+В+С+Д гурухлари операциялари бўйича сальдоларининг суммасига мувофиқдир. Ушбу сальдо, Е+Ғ+Ғ+Н гурухлари бўйича олинган ялпи сальдо ҳажми билан, тескари (манфий) ифода билан, баланслаштирилади.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) томонидан қабул қилинган таснифда ликвидлилик концепцияси яққол акс этган. Аввал у ўзида бирмунча қарама-қаршиликларни мужассам этган эди. +исқа муддатли капитал билан бир қатор операцияларнинг тўлов баланси асосий моддалари қаторига киритилиши етарли даражада асосланмаган эди. Хусусан, америкалик хусусий шахслар қўлида турган хорижий валюталар активларини тўлов балансига киритилишининг асосий сабаби шундаки, А+Ш қонунчилиги давлат молия органларига улардан, расмий заҳираларга қўшимча равишда, долларни ҳимоялашда фойдаланишни қийинлаштириб кўйган эди. “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси бўйича сальдо қисқа муддатли капитал ҳаракати билан боғланмаган бўлиб, ушбу ҳол халқаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишнинг камчиликлари билан изоҳланар эди.

Баланслаштирувчи моддалар қаторига А+Ш нинг хусусий қисқа муддатли мажбуриятлар ўзгаришини киритилиши ушбу мажбуриятларга, долларга бўлаётган яққол хавф сифатида қарашни акс эттирас эди. Ҳакиқатда ҳам, А+Ш қонунчилигига мувофик, долларларнинг хорижлик эгалари уларни бевосита А+Ш /азнахонасида олтинга алмаштира олмас эдилар. Аммо, А+Ш долларига ишонч йўқолган пайтда хорижлик хусусий банклар ўз долларлик активларини Марказий банкларга сотиш имкониятига эга бўлган эдилар, Марказий банклар эса ўз навбатида ушбу долларларни А+Ш /азнахосига олтинга алмаштиришга тақдим қилас эдилар.

1958 йилдаги А+Ш тўлов балансининг йирик камомади ҳукумат ва Молия доираларида катта безовталанишни келтириб чиқарди. Бу эса, ўз

навбатида, камомадни ўлчаш услубларига бўлган ишончсизликда ўз ифодасини топди. Ликвидлилик концепцияси, эндигина пайдо бўлиб, қаттиқ танқидга учради. Бироқ, А+Ш Савдо Вазирлиги уни ҳимоя қилиш ва амалда қолдиришга муваффак бўлди. Ликвидлилик концепцияси, доллар заҳира валютаси мақомига эга бўлганлиги сабабли, расмий концепция сифатида фақатгина А+Ш тўлов балансига нисбатан фойдаланилган. А+Ш тўлов балансининг йирик камомадлари бошиданоқ ушбу концепцияни гумон остига қўйди.

**Расмий заҳиралар баланси концепцияси.** Тўлов баланси сальдосини ўлчашда навбатдаги қадам бўлиб, А+Ш томонидан 1965 йилда олға сурилган ва кейинчалик ХВФ ва ИХТТ эксперtlари томонидан асосий концепция сифатидан қабул қилинган, расмий ҳисоб-китоблар концепцияси бўлди. А+Ш ва бошқа мамлакатлар расмий органлари учун ушбу услубиётнинг ёқимли томонлари шундаки, биринчидан, у камомадни нисбатан пастроқ кўрсаткичларини берган, иккинчидан тўлов баланси ҳолатини яхшилашда хорижий хусусий қисқа муддатли ва портфель капиталларини кенг жалб этиш амалиёти заминидаги назарий асосни келтирди. Расмий ҳисоб-китоблар концепцияси А+Ш тўлов баланси сальдосини ўлчаш услубларининг танқидий таҳлили натижасида пайдо бўлди.

Расмий ҳисоб-китоблар балансининг концепцияси ёки ХВФ нашрларида якуний баланс деб номланганидек, А+Шда 1965 йилдан бошлаб ишлатила бошланди. Кейинчалик эса бошқа мамлакатларда ҳам тарқалди ва ХВФ ва ИХТТ эксперtlари томонидан ҳам қўллаб қувватланди.

Расмий ҳисоб-китоблар балансининг, кўп мамлакатлар томонидан ишлатилган, стандарт таърифи баланслаштирувчи моддалар қаторига қуидаги моддаларни киритилишини кўзда тутади: расмий валюта органларининг валюта заҳиралари билан операцияларини (олтин, хорижий валюта, ХВФ даги заҳира позицияси ва СДР даги активлар); расмий валюта органларини хорижлик расмий ташкилотлар олдидаги, халқаро ташкилотлар ва СДР тақсимотини ўз ичига олган ҳолда, мажбуриятларининг ўзгариши. ХВФнинг таснифига кўра, тўлов баланси сальдоси расмий ҳисоб-китоблар концепциясига мувофиқ, асосий моддалар сифатида таснифланадиган А+B+C+D+E+F+G гурухлари бўйича якун сифатида майдонга чиқади, ҳамда “Н” гурухи бўйича операцияларнинг якуний суммаси, яъни мутлақ расмий валюта операциялари билан мувозанатлаштирилади.

Расмий ҳисоб-китоблар концепциясининг алоҳида мамлакатларда ишлатилиши ўз хусусиятларига эга бўлиб, ХВФ тавсиялари ва ИХТТ схемаларидан фарқли эди.

70-йиллар ўртасидаги, жаҳон иқтисоди ва валюта тизимидағи инқирозли ларзалар шароитида халқаро тўлов муносабатлари таркибий тузилишидаги йирик силжишлар ва бу билан боғлиқ капитал ҳаракатидаги барқарорсизлик тўлов баланси сальдосини аниқлаш услубларини қайта кўриб чиқишига олиб келди.

А+Ш да, 1976 йилдан бошлаб, тўлов баланси сальдосини расмий асосда фақат жорий операциялар сальдоси сифатида, бошқа операциялар бўйича маълумотларни маълумотли кўрсаткичлар сифатида чоп этиб, ўлчай бошладилар.

#### **7.4. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар.**

Тўлов баланси такрор ишлаб чиқариш билан тўғри ва тескари алоқага эга. Бир томондан, у такрор ишлаб чиқаришда руй бераётган жараёнлар оқибатида шаклланади, бошқа томондан эса – унга акс таъсир кўрсатади, чунки валюталар курси, олтин-валюта заҳиралари, валюта ҳолати, ташқи қарз, валюта ва иқтисодий сиёsat йўналишлари, жаҳон валюта тизими ҳолатига таъсир этади.

Тўлов баланси, мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки, ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаблари, таркиби ва характеристи тўғрисида маълумот беради. Тўлов балансида қўйидагилар акс эттирилади:

1)экспортнинг турли имкониятларини ва товарлар, капиталлар, хизматлар импортига эҳтиёжни белгиловчи иқтисоднинг таркибий диспропорциялари;

2)иқтисодни бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштириш услугларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришлар;

3)конъюнктур омиллар (халқаро рақобат, инфляция, валюта курси ва бошқаларнинг ўзгариш даражаси).

Тўлов баланси ҳолатига бир қатор омиллар таъсир этади. Булар қўйидагилар:

а)мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги, халқаро рақобат. Тўлов баланси асосий моддаларининг эволюцияси жаҳон иқтисодидаги рақиб-марказлар кучларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришларни акс эттиради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, /арбий Европа ва Япония давлатлари тўлов балансларининг йирик камомади шароитида А+Ш нинг актив тўлов баланси шаклланди. Бу ўз навбатида, А+Ш нинг 1950 йиллар охиригача моноцентрик ҳукмронлиги тизимида ўз аксини топди, яъни то 1960 йилгача /арбий Европа ва Япония давлатларининг савдо баланслари одатда пассив эди, шу даврлардаги А+Ш нинг савдо баланси эса, Америка монополияларининг жаҳон бозоридаги мавқеи ва долларнинг барқарорлиги туфайли, жуда катта актив сальдо билан ёпилар эди (1947 йилда 10 млрд. А+Ш доллари). А+Ш нинг халқаро инвестор ва кредиторга айланиши, ушбу мамлакатга хориждан йирик миқдордаги дивиденdlар ва фоизларни оқиб келишига сабаб бўлди. Бироқ, кейинчалик тўғридан-тўғри инвестицияларнинг йиллик ўсимидаги А+Ш нинг улушки, /арбий Европа ва Япония давлатлари улушининг ўсиши ҳисобига, 1967 йилда 50 фоиздан то 1980 йилда 4 фоизгача камайди. 1985 йилдан бошлаб эса А+Ш капиталнинг нетто-импортёрига айланди. А+Ш нинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улушкини, ҳарбий харажатларининг ўсиши шароитида, 1948 йилда 54,6

фоиздан 1984 йилда 37,8 фоизгача пасайиши, товарлар экспортида 33 фоиздан 12,7 фоизгача, капиталлар экспортида 70-йиллар ичидаги 20 фоизга пасайиши мамлакат түлов баланси жорий операцияларининг мунтазам камомадига олиб келди. А+Ш нинг 1990 йиллардаги узоқ муддатли иқтисодий кўтарилиши А+Ш га яна жаҳон иқтисоди ва халқаро молиядаги иқтисодий пешқадамликни қайтариб олиш имконини берди. Юқорида зикр этилган уч марказ, яъни А+Ш, /арбий Европа ва Япония орасидаги қарама-қаршилик уларнинг түлов баланслари ҳолатида ўз аксини топади;

б)иқтисоднинг циклли тебранишлари. Түлов балансларда мамлакат хўжалик ҳаётидаги тебранишлар, кўтарилишлар ва тушкунликлар ўз аксини топади. Чунки, ташқи иқтисодий операциялар мамлакат ички иқтисодининг ҳолатига боғлиқ. Саноат цикллари механизми билан боғлиқ түлов балансининг тебранишлари, мамлакат ички иқтисодий циклли жараёнларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга ўтиб кетишига кўмаклашади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёқилғи, хом-ашё, жихозлар импортининг ўсишига, пасайиши эса товарлар олиб кириш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Товарлар, капиталлар, хизматлар экспорти жаҳон бозори шароитларининг ўзгаришига молик бўлади. Хўжалик ривожланишининг сустлигига капиталнинг четга чиқиши қўпаяди. Иқтисоднинг жадал ривожланишида, яъни фойдалар ўсган, мамлакатда кредит экспансияси кучайган, фоиз ставкаси кўтарилган пайтда капиталнинг четга чиқиши пасяди. Замонавий иқтисодий циклнинг асинхронлиги сабабли унинг тебранишлари түлов балансига тўғридан-тўғри эмас, балки эгри таъсир этади. Жаҳон иқтисодий инқирозлари у ёки бу мамлакатлар түлов балансларининг йирик масштабдаги камомадларига олиб келади;

в)давлат хорижий харажатларининг ўсиши. Түлов баланси учун оғир юк бўлиб, турли сиёсий ва иқтисодий мақсадларга қаратилган, хукуматнинг ташқи харажатлари ҳисобланади;

г)иқтисоднинг милитаризацияси ва ҳарбий харажатлар. А+Ш нинг, түлов балансида акс этадиган, хориждаги харажатларининг асосий қисми ҳарбий мақсадларга мўкльжалланган. Ҳарбий харажатларнинг түлов балансига эгри таъсири биринчи навбатда уларни ишлаб чиқариш шароитлари ва иқтисодий ўсишнинг суръатларига бўлган таъсирида, ҳарбий бўлмаган тармоқлардан юлиб олинаётган ресурсларда ўз аксини топади. Агар экспорт тармоқлари ҳарбий буюртмалар билан босиб юборилган, товарларни четга олиб чиқиши кенгайтиришга мўлжалланган маблағлар ҳарбий мақсадларга йўналтирилган бўлса, мамлакатнинг экспорт қобилияти қисқаради. +уролларнинг ўсиши ҳарбий-стратегик товарлар, шу жумладан, тинчлик вақтидаги истеъмол меъёрларидан ортиқ бўлган ҳажмда кўп турдаги хом-ашёларнинг (нефт, каучук, рангли металлар) импортини оширади;

д)халқаро молиявий боғлиқликнинг кучайиши. Замонавий шароитларда молиявий оқимларнинг ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларидан бирига айланди. Бу эса ўз навбатида

четга капиталларни олиб чиқишининг, ссуда капиталлари жаҳон бозорининг (евробозорларни ўз ичига олган ҳолда) ривожланишини, шартнома шартлари эркинлашиши шароитида молиявий бозорларнинг ўсиши билан асосланади. Натижада, мамлакатларнинг молиявий ўзаро боғлиқлиги уларнинг ўзаро тижорат боғлиқлигидан устунроқ бўлиб қолди. Бу эса, валюта ва кредит таваккалчиликларни, биринчи навбатида қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлигини кучайтириб юборади. 1980-90 йиллардаги жаҳон қарзлар инқирози ва 1997-98 йиллардаги валюта-молия инқирозлари ушбу таваккалчиликлар хавфлилигини очиб ташлади;

е)халқаро савдодаги ўзгаришлар. Илмий техник инқилоб, хўжалик ривожланиши суръатларининг ўсиши, янги энергетика базасига ўтиш халқаро иқтисодий алоқаларда таркибий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Тайёр маҳсулотлар билан, шу жумладан интеллектуал товарлар, нефт ва энергия ресурслари билан савдо қилиш суръати ошди. 1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошида нефт баҳосининг тўсатдан 18 баробар ошиб кетиши нефт импортёри бўлмиш мамлакатлар тўлов баланси жорий операцияларининг камомадига олиб келди. Товарлар оқимининг географиясида ривожланган давлатлар орасидаги алмашувнинг, уларнинг ташқи савдосида ривожланиб бораётган мамлакатлар улушининг қисқариши ҳолатида, кенгайиши тарафига қараб ўсиш бўлади (жаҳон савдосининг 70%, Европа иттифоқи мамлакатлари-38%). Ривожланган давлатларнинг ўзаро савдоси улар экспортининг 80 фоизини ўз ичига олади (Европа иттифоқи мамлакатлари-58%), ривожланиб бораётган мамлакатлар орасидаги савдо эса уларнинг экспортининг 1/4 ташкил этади. Бундай ҳол жаҳон бозоридаги рақобат курашини кучайтириб юборади;

ж)тўлов балансига валюта-молиявий омилларининг таъсири. Девальвация, одатда экспортни, ревальвация эса импортни рағбатлантиради. Жаҳон валюта тизимининг барқарорсизлиги халқаро савдо ва ҳисоб-китоблар шароитларини ёмонлаштиради. Миллий валюта курсининг пасайишини кутган ҳолда экспорт ва импорт бўйича тўлов муддатларининг ўрнидан силжиши руй беради, яъни импортёрлар тўловларни тезлаштиришга, экспортёрлар эса аксинча хорижий валютадаги тушумни олишни кечикиришга ҳаракат қиласидилар (“лидз энд лэёз” сиёсати). Халқаро ҳисоб-китоблар муддатларидағи кичик бир қисқа узилиш, мамлакатдан капиталларнинг четга оқиб кетишига олиб келиши мумкин. Баҳо ва тўлов валютаси сифатида ишлатилаётган етакчи валюталар курсларининг тебраниши кўпчилик давлатлар тўлов балансларига таъсир этади;

з)инфляциянинг тўлов балансига салбий таъсири. Бундай ҳолат, баҳоларнинг пасайиши миллий товарларнинг экспортини қийинлаштириб, рақобатдошлигини пасайтирган, товарлар импортини рағбатлантирган ва капиталларни хорижга чиқиб кетишига имкон берган пайтда вужудга келади;

и)фавқулодда ҳолатлар – ҳосилнинг бўлмаслиги, табиий оғатлар, халокатлар ва шу кабилар тўлов балансига салбий таъсир этади.

## **7.5. Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари.**

Тўлов баланси азалдан давлат томонидан мувофиқлаштирилувчи объектлардан бири бўлиб саналади. Бу қуйидаги сабаблар билан асосланади.

Биринчидан, тўлов балансларга, баъзи мамлакатлардаги йирик ва узоқ муддатли камомад, баъзиларига эса ҳаддан ташқари актив сальдода акс этувчи мувозанатсизлик хосдир. Халқаро ҳисоб-китоблар балансининг мувозанатсизлиги валюта курси динамикасига, капиталлар миграциясига, иқтисоднинг ҳолатига таъсир этади. Масалан, тўлов баланси жорий операциялари камомадини миллий валюта билан қоплаган ҳолда, А+Ш бошқа мамлакатларга инфляциянинг экспортига, долларларнинг халқаро мумомалада керагидан қўпайиб кетишига кўмаклашди. Бу эса, 1970-йилларда Бреттон-Вудс валюта тизимининг емирилишига олиб келди.

Иккинчидан, олтин стандартининг 1930-йилларда бекор қилинишидан сўнг, тўлов балансини баҳо ёрдамида мувофиқлаштириш орқали мувозанатлаштиришнинг стихияли механизми ниҳоятда кучсиз ҳаракатланадиган бўлиб қолди. Шу сабабли тўлов балансини мувозанатлаштириш давлатнинг мақсадли тадбирларига муҳтождир.

Учинчидан, хўжалик алоқаларининг глобаллашуви шароитида, иқтисодни давлат томонидан мувофиқлаштириш тизимида, тўлов балансининг аҳамияти кўтарилди. Уни мувозанатлаштириш вазифаси, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, инфляция ва ишсизликни жиловлаш билан биргаликда, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари доирасига киради.

Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг моддий асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- а) расмий олтин-валюта заҳиралари;
- б) давлат бюджети орқали қайта тақсимланган миллий даромад;
- в) капиталнинг экспортёри, кредитори, кафили, қарз олувчиси сифатида давлатнинг ташки иқтисодий алоқаларда бевосита иштирок этиши;
- г) меъёрий актлар ва давлат назорат органлари ёрдамида ташки иқтисодий операцияларни чеклаш.

Тўлов балансини мувофиқлаштиришда муаммо туғилади: қандай мамлакатлар (актив сальдо ёки камомадга эга) мувозанатлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши керак. Ушбу масала бўйича назариётчиларнинг ва амалиётчиларнинг фикрлари турличадир. Одатда, ички ва ташки омиллар тазиёки остида тўлов балансини мувофиқлаштириш муаммоси камомадга эга мамлакатлар олдида ниҳоятда долзарб бўлиб қолади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг актив балансига эга мамлакатлар юқорида зикр этилган давлатларга ўз уйларида тартибни қарор топтиришга ундейдилар, яъни: инфляцияни чеклаш, дефляцион сиёсатни амалга ошириш, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини қисқартириш ва бошқа шу кабилар. Бундай талабларни, иккинчи жаҳон урушидан сўнг А+Ш тўлов

балансини муттасил камомадига эга /арбий Европа давлатлариға құйған. 1960-йиллар ва 1980-йилларнинг бириңчи ярмида вазият ўзгарди, /арбий Европа давлатлари ва бириңчи навбатда Европа Иттифоқи аъзолари худди шундай талаблар билан А+Ш га мурожаат этдилар. Түлов баланси камомадига эга бўлган давлатлар, одатда, уларнинг ҳамкорлари бўлмиш актив сальдога эга бўлган давлатларни импортнинг божхона ва бошқа шу каби чекловларини бекор қилишга, капитални четга олиб чиқиши кенгайтиришга ундейдилар.

Тўлов балансининг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши – бу, тўлов балансининг асосий моддаларини шакллантиришга ҳамда шаклланган сальдони қоплашга йўналтирилган давлатнинг иқтисодий, шу жумладан валюта, молиявий, пул-кредит чора-тадбирларининг йигиндисидир. Мамлакатни валюта-иктисодий ва халқаро ҳисоб-китобларининг ҳолатига кўра, ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантиришга ёки чеклашга қаратилган тўлов балансини мувофиқлаштириш услубларининг турли хилдаги тўплами мавжуд.

Камомадли тўлов балансига эга мамлакатлар томонидан, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини чеклаш, хорижий капиталларни жалб этиш, капиталларни четга чиқиб кетишини чеклаш мақсадида одатда куйидаги чора-тадбирлар қўлланилади.

**1. Дефляцион сиёсат.** Бундай, ички талабни пасайтиришга қаратилган сиёсат фуқаролик мақсадлари, баҳолар ва иш ҳақларни музлатишга мўлжалланган бюджет харажатлари чекловини ўз ичига олади. Унинг муҳим инструментлари сифатида молиявий ва пул-кредит чоралари хизмат қиласи: бюджет камомадини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисобни юритиши ставкасини ўзгартириш (дисконт сиёсати), кредит чекловлари, пул массаси ўсимининг чегараларини белгилаш. Иқтисодий тушкунлик, катта ишсизлар армияси ва фойдаланилмаган ишлаб чиқариш қувватларининг заҳираларини мавжудлиги шароитларида дефляция сиёсати ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини янада пасайишига олиб келади.

**2. Девальвация.** Миллий валюта курсининг пасайиши экспортни рағбатлантиришга ва товарлар импортини пасайтиришга қаратилгандир. Бироқ, тўлов балансини муайян бир шарт-шароитлариға ҳамда ушбу жараён пайтидаги умумиқтисодий ва молиявий сиёсатга боғлиқ бўлади. Девальвация, фақатгина рақобатбардош товарлар ва хизматлар экспорти салоҳиятининг мавжудлиги ҳамда жаҳон бозорида ёқимли шароит бўлгандагина товарлар экспортини рағбатлантиради. Импортни пасайтириш омили сифатидаги девальвацияга келсак, ишлаб чиқаришнинг байналмиллашуви ва халқаро ихтисослашувнинг ривожланиши шароитида, мамлакат товарларни олиб киришни тўсатдан қисқартира олмайди.

Девальвация импортни қимматлаштирган ҳолда, маҳаллий товарлар ишлаб чиқарилишида харажатлар ва баҳоларнинг ўсишига, ҳамда

девальвация эвазига ташқи бозорларда эришилган рақобат имтиёзларидан айрилишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, девальвация мамлакатга вақтингчалик имтиёзларни берсада, кўп ҳолларда тўлов баланси камомади сабабларини бартараф эта олмайди. Кутилаётган самарага эришиш учун девальвация етарлича миқдордаги ҳажмга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у фақатгина валюта бозоридаги чайқов операцияларини кучайтириб юборади. Масалан, 1967 йил ноябрь ойидаги фунт стерлингларнинг 14,3 фоизга ва долларнинг 1971 йил декабрида 7,89 фоизга девальвацияси ушбу валюталарга бўлган чайқов босимини бартараф эта олмади. Шу билан биргаликда, девальвациянинг ҳаддан ташқари катта ҳажми бошқа валюталар курслари пасайишининг занжирли реакциясини келтириб чиқаради ва бунда, ўз валютасини девальвация қилган мамлакат режалаштирган рақобат имтиёзларидан айрилади. Баъзи мамлакатлар мунтазам равишда ёпик шаклдаги девальвация сифатида, баъзи пайтларда қўш-қатламли валюта бозори шаклида валюта курсининг кўп хиллигини қўллайди. Валюталар эркин сузувчи курслар режимининг киритилиши тўлов балансларининг муқобиллашувига олиб келмади. Кескин тебранувчан характердаги девальвацияларнинг тугатилиши маълум бир даражада чайқов капиталларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган босимини юмшатди. Бироқ, эркин сузувчи валюта курслари режими шароитида девальвацияни экспорт ва импорт қилинаётган товарлар баҳоларининг нисбатига таъсири деярли йўққа чиқарилади. Шу сабабли, девальвациянинг самарасини таъминлаш учун кўпчилик мамлакатлар, айниқса ривожланиб бораётган давлатлар, экспорт ва импортга табақалаштирилган божлар ва субсидияларни киритадилар.

**3. Валюта чекловлари.** Экспортёрлар валюта тушумини музлатиш, импортёрларга хорижий валютани сотиши лицензиялаш, валюта операцияларининг ваколатли банкларда тўплануви, капитал экспортини чеклаш ва уни четдан оқиб келинишини рағбатлантириш ҳамда товарлар импортини чеклаш орқали тўлов баланси камомадини бартараф этишга қаратилгандир. 1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошида жорий операцияларни эркинлаштирилишига қарамасдан, эркин муомалада юрадиган валютага эга мамлакатларнинг тахминан 90 фоизи капиталларнинг халқаро ҳаракати бўйича чекловларни қўллаган. Европа Иттифоқи мамлакатлари ушбу чекланишларни 1990 йилларни бошига келиб бекор қилдилар.

**4. Молиявий ва пул-кредит сиёсати.** Тўлов баланси камомадини пасайтириш мақсадида экспотёрларга бюджет субсидияларидан, импорт божларини протекционистик оширилишидан, мамлакатга капиталлар оқиб келиши мақсадида қимматли қоғозларнинг хорижлик эгаларига тўланадиган фоизлардан олинадиган солиқни бекор қилинишидан, пул-кредит сиёсатидан, айниқса ҳисобни юритиш сиёсати ва пул массасини таргетлашдан (пул

массасини хар йиллик ўсишининг мақсадли йўналишларини белгилаш) фойдаланилади.

**5.Тўлов балансига – савдо баланси, “кўзга куринмайдиган” операциялар, капитал ҳаракати балансига, унинг асосий моддаларини шаклланиши борасида, давлатнинг махсус таъсир чоралари.** Мувофиқлаштиришнинг муҳим обьекти бўлиб савдо баланси ҳисобланади. Замонавий шароитларда давлат томонидан мувофиқлаштириш нафақат муомала соҳасини, балки экспорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш соҳасини ҳам қамраб олади. Товарларнинг сотилиши босқичида экспортни рағбатлантириш, мазкур товарлар баҳоларга таъсир этиш орқали (экспортёрларга солиқ, кредит имтиёзларини бериш, валюта курсини ўзгариши ва бошқа шу кабилар) амалга оширилади. Экспортёрларда товарларни хорижга олиб чиқиш ва хорижий бозорларни ўзлаштиришда узок муддатли қизиқиши яратиш учун, давлат уларга мақсадли экспорт кредитларини тақдим этади, иқтисодий ва сиёсий таваккалчиликлардан суғурта қиласи, асосий капитал амортизациясининг имтиёзли режимини киритади ҳамда уларнинг маълум бир экспорт дастурини бажариш бўйича мажбуриятлари эвазига бошқа молия-кредит имтиёзларини тақдим этади.

Экспортни рағбатлантириш услубларининг қўлланилиши тобора комплекслашиб бормоқда. Улар ўз ичига экспортёрларни валюта, кредит, молиявий қўллаб-қувватлаш шаклларини, шу жумладан, реклама, маълумотлар, кадрларни тайёрлашни олади. Капитални четга олиб чиқиш азалдан товарлар экспортини рағбатлантириш учун ишлатилади. Пассив тўлов балансида импортни мувофиқлаштириш, импорт ўрнини босувчи миллий товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва бу билан импортни қисқартириш орқали амалга оширилади.

Тўлов балансининг “кўзга кўринмас” операциялари бўйича тўлов ва тушумларни мувофиқлаштириш мақсадида қўйидаги чоралар кўрилади:

а) ушбу мамлакат туристлари томонидан валютани четга олиб чиқиш меъёрини чеклаш;

б) хорижлик туристларни жалб этиш мақсадида туристик инфратузилмани ташкил этишда давлатни тўғридан-тўғри ёки билвосита иштироқи;

в) ”Транспорт“ моддаси бўйича харажатларни камайтириш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобига денгиз кемалари қурилишига қўмаклашиш;

г) патентлар, лицензиялар, илмий-техник билимлар ва бошқа шу кабилар билан савдодан тушумларни кўпайтириш мақсадида илмий-текшириш ишларига давлат харажатларини кенгайтириш;

д) ишчи кучи миграциясини мувофиқлаштириш. Хусусан, хорижлик ишчилар пул ўтказмаларини қисқартириш мақсадида мамлакатга иммигрантлар кишини чеклаш.

Капиталлар ҳаракатини мувофиқлаштириш бир томондан, миллий монополияларнинг ташқи иқтисодий экспансияларини рағбатлантиришга,

бошқа томондан эса хорижий капиталларнинг оқиб келиши ва миллий капиталларни репатриация қилинишини рағбатлантириш орқали тўлов балансини муқобиллаштирилишига қаратилганд. Ушбу мақсадга, давлатнинг хорижлик хусусий инвестициялар учун ва товарларни четга олиб чиқишига ёқимли шароитлар яратиб берувчи капиталлар экспортёри сифатидаги фаолияти бўйсунган. Инвестициялар бўйича хукумат кафолатлари тижорат ва сиёсий таваккалчиликларни суғурталашни таъминлайди.

**Тўлов балансларини муқобиллаштиришнинг услублари.** Расмий асосда тўлов баланси ҳар қандай баланс сингари муқобиллашган. Чунки, асосий ва балансловчи моддаларнинг якуний кўрсаткичлари бир-бирини сўндиради. Агар жорий моддалар бўйича тўловлар тушумлардан кўп бўлса, унда тўлов баланси сальдосини мувофиқлаштиришнинг манбалари ва услубларини характерлайдиган балансловчи моддалар ҳисобига камомадни қоплаш муаммоси туғилади. Бунинг учун, анъанавий равишда, хорижий заёмлар ва капиталларни олиб кириш ишлатилади. Бу ерда гап, тўлов балансини муваққат баланслаштириш услублари ҳақида кетмоқда, чунки қарздор мамлакатлар фоизлар ва дивидендлар ҳамда заёмлар суммасини тўлашга мажбур. Тўлов баланси камомадини қоплаш учун ХВФ заҳира (шартсиз) кредитларни тақдим этади. Уларнинг ҳажми катта эмас ва мамлакатлар орасида, квоталарининг (бадалларининг) 25 фоизи чегарасида нотекис тақсимланади. Ушбу заҳира позициясидан ошиқ бўлган кредитлар, ХВФ барқарорлаштириш дастурларининг қаттиқ талаблари билан изоҳланади.

Ривожланган давлатлар тўлов баланси камомадини қоплашнинг манбаларини қидиришда жаҳон капиталлари бозоридан маблағларни банк консорциумлари кредитлари, облигация заёмлари шаклида жалб этадилар. Бунга асосан, тўлов баланси камомадини қоплашда тижорат банклари (айниқса евробанклар) актив иштирок этадилар. Банк кредитларини, халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг кредитларига нисбатан, имтиёзли томони шундаки, уларни олиш осон ва улар барқарорлаштириш дастурлари билан изоҳланмаган. Бироқ, банк кредитлари нисбатан қимматроқ ва йирик ташки қарзи бор давлатлар учун уларни олиш қийинроқдир. Масалан, Америка банклари мунтазам равишида баъзи мамлакатларни (асосан ривожланиб бораётган давлатларни) “кора рўйхатга” киритиб борадилар. Шу билан биргалиқда, хусусий банклар ва халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари фаолиятларини координация қилиниш тенденциялари кучайиб бормоқда.

Баланс пассив сальдосини қоплаш учун, марказий банклар томонидан миллий валютада ўзаро тақдим этиладиган, “своп” шартномалари бўйича қисқа муддатли кредитлар ишлатилади.

1970-йилларнинг ўрталаридан то 1980-йилларнинг ўрталаригача ривожланган давлатлар ўз тўлов баланслари камомадини қоплашда нефтдолларлардан, нефт қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг нефт

экспортидан олинган валюта тушумини қайта тақсимлаш (рециклирование) орқали актив фойдаланган.

Тўлов баланси камомадини қоплашнинг мувакқат услубларига яна, мамлакатнинг хорижий ёрдам йўналиши бўйича олинган, имтиёзли кредитлар киради.

Тўлов балансини муқобиллаштиришга хорижий кредитларни актив равишда жалб этилиши муносабати билан ташки қарз (мажбурият) глобал муаммога айланди. Тўлов балансини муқобиллаштиришнинг яқуний услуби бўлиб расмий валюта заҳираларидан фойдаланиш ҳисобланади. Тўлов балансини муқобиллаштиришнинг яна бир яқуний услуби бўлиб, субсидиялар ва совға шаклидаги хорижий ёрдам ҳисобланади. Масалан, 1947 йилда /арбий Европа давлатлари тўлов баланслари ялпи камомадининг 75 фоизи А+Ш нинг молиявий ёрдами ҳисобига қопланган эди.

Тўлов балансининг актив сальдоси давлат томонидан мамлакатнинг ташки қарзини (шу жумладан муддатидан аввал) сўндириш, хорижий давлатларга кредит бериш, ўзининг расмий олтин-валюта заҳираларини кенгайтириш, хорижда иккинчи иқтисодни барпо этиш мақсадида капитални четга олиб чиқиши учун ишлатилади.

Замонавий, янги кўриниш сифатида 1970-йиллардан бошлаб тўлов балансини давлатлараро мувофиқлаштириш бўлди. У, жаҳон хўжалиги глобаллашуви ва миллий мувофиқлаштиришнинг етарлича самарадорликка эга бўлмаганлиги оқибати пайдо бўлди. Такрор ишлаб чиқаришнинг ташки омиллари ролининг ошиб бориши билан, тўлов балансининг узоқ муддатли мувозанатсизлиги, алоҳида мамлакатлар иқтисоди ва жаҳон хўжалигидаги диспропорцияларни қучайтириб юборади. Шу сабабли етакчи давлатлар тўлов балансини коллектив мувофиқлаштиришнинг услубларини ишлаб чиқмоқдалар. Тўлов балансларини давлатлараро мувофиқлаштириш воситаларига қўйидагилар киради: экспортни давлат томонидан кредитлаш шартларини келишиб олиш, икки тарафлама ҳукумат кредитлари, марказий банкларнинг “своп” шартномалари бўйича миллий валюталардаги қисқа муддатли ўзаро кредитлари, халқаро молия институтларининг, биринчи навбатда ХВФ нинг кредитлари.

Европа Иттифоқида тўлов балансининг давлатлараро мувофиқлаштирилиши қўйидаги асосий услубларда амалга оширилади:

а) божхона божларининг бекор қилиниши, 1968 йил 1 июлдан божхона иттифоқини яратиш ва учинчи давлатларга нисбатан ягона ташки тарифнинг киритилиши;

б) солиқ тизимини соддалаштириш;

в) товарлар экспортини кредитлаш шартларини ўзаро келишиш.

Шундай қилиб, тўлов балансини мувофиқлаштириш жараёни анча мураккаблашди, унинг инструментлари кўпайди, қўлланилиши эса, иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари билан биргаликда мунтазам тус олди.

**Таянч иборалар: баланс, девальвация, ревальвация, тўлов баланси дефицити, савдо баланси, резидент**

**Назорат саволлари**

1. Тўлов баланси ва унинг таркиби.
2. Жорий операциялар баланси.
3. Капиталлар ҳаракатининг баланси.
4. Олтин-валюта резервларининг ҳаракати.
5. Тўлов балансининг дефицити ва унинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари.
6. Тўлов балансининг дефицитига барҳам бериш усуллари.
7. Халқаро Валюта Фондининг тўлов балансини дефицитини тугатиш ёки қисқартириш соҳасидаги фаолияти.
8. Тўлов балансига таъсир қилувчи омиллар.
9. Марказий банклар ва тўлов баланслари ўртасидаги боғлиқлик.
- 10.Хисоб-китоб баланси ва унинг таркиби.
- 11.Хисоб-китоб балансининг аҳамияти ва унинг тўлов балансидан фарқлантирувчи томонлари.

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент,1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнўе финансў. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнўе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнўе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
- 10.Иванов Н.С. Международнўе кредитнўе отношения. Москва, 2002 г.
- 11.Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
- 12.Красавина Л.Н. Международнўе расчетнўе отношения. Москва, 2004 г.
- 13.Красавина Л.Н. Международнўе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
- 14.Международнўе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.

15. Наговицхина А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
16. Рубцов Б.Б. Зарубежнўе фондовъе рўнки. Москва, 2003 г.
17. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
18. Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнўй опт. 2003 г.
19. Редход К., С. Хьюс. Управление финансовыми рисками. Москва, 2001 г.
20. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.: ЗАО Финансист, 2002.-325с.
21. Свиридов О.Ю. Финансъ, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
22. Семенов К.А. Международнўй валютнўе и финансовое отношения.- М.: ТЕИС,2000.-125с.
23. Моисеев С.Р. Международнўй валютнўе и кредитнўе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

**Интернетдан олинганд вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.peugeotfa.ru](http://www.peugeotfa.ru)
7. [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru)
8. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)
9. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
10. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
11. [www.Rambler.ru](http://www.Rambler.ru)
12. [www.Google.ru](http://www.Google.ru)
13. [www.Yandex.ru](http://www.Yandex.ru)
14. [www.Referat.ru](http://www.Referat.ru)
15. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
16. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
17. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
18. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
19. <http://www.boj.or.jp.en/siryo.htm>
20. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

## **8-МАВЗУ. ХАЛ+АРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ.**

1.Халқаро ҳисоб-китоблар ҳақида тушунча. Ташқи иқтисодий шартномалардаги валюта-молиявий ва тўлов шартлари.<sup>37</sup>

2. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари.

### **1.Халқаро ҳисоб-китоблар ҳақида тушунча. Ташқи иқтисодий шартномалардаги валюта-молиявий ва тўлов шартлари.**

Халқаро ҳисоб-китоблардаги ўзгартиришларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг янада такомиллашиб бориши товар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ривожланиши ҳамда байналмиллашуви билан боғлиқдир. Товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш даврларининг ўзаро мувофиқ келмаслиги ҳамда истеъмол бозорларининг узоқлиги туфайли, халқаро муомаладаги қийматлар ҳаракатининг нисбатан мустақил бўлиб қолган шакли халқаро ҳисоб-китобларда ўз аксини топади. Халқаро ҳисоб-китоблар товарлар ва хизматлар билан ташқи савдо ҳамда нотижорат операциялар, кредитлар ва мамлакатлараро капиталлар ҳаракати бўйича ҳисоб-китобларни қамраб олади.

Халқаро ҳисоб-китоблар – турли мамлакатлар фуқаролари ва юридик шахслари орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар туфайли вужудга келадиган пул талаблари ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мувофиқлаштиришдир.<sup>38</sup> Халқаро ҳисоб-китоблар бир томондан, амалиётда шаклланган ва халқаро хужжатлар ҳамда удумлар билан мустаҳкамланган тўловларни амалга ошириш шартлари ва тартибини, иккинчи томондан, ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш юзасидан кунлик амалий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисоб-китобларнинг энг катта ҳажми банк ҳисобваракларида ёзувларни амлга ошириш орқали нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунда, жаҳоннинг энг йирик банклари халқаро ҳисоб-китобларда етакчилик ролини ўйнайди. Мазкур банкларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган таъсир даражаси улар жойлашган мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари, миллий валютасининг ишлатилиш масштаблари, ихтисослашганлиги, молиявий аҳволи, ишбилармонлик мавқеи, вакил-банклар тизимига бевосита боғлиқдир.

Банклар, ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўзларининг хорижий бўлимлари ва хорижий банклар билан ўрнатилган вакиллик муносабатларидан фойдаланадилар. Хорижий банклар билан вакиллик

<sup>37</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисларни буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

<sup>38</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2001г.

муносабатлари ўрнатилганда “лоро” (хорижий банкларнинг мазкур банқда очган ҳисобварағи) ва “ностро” (мазкур банкнинг хорижий банкларда очган ҳисобварағи) ҳисобварақлари очилади. Вакиллик муносабатлари ҳисоб-китоблар тартиби, воситачилик ҳақининг ҳажми, ишлатилиб бўлинган маблағларни тўлатиш услубларини белгилаб беради. Халқаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун банклар одатда кутилаётган тўловларнинг таркибий тузилиши ва муддатларига мувофиқ равишда зарур бўлган ва турли валюталарда ифодаланган валюта позицияларини таъминлаб турадилар ва ўз валюта заҳираларини диверсификациялаш сиёсатини ўтказадилар. Банклар, нисбатан юқори фойда олиш мақсадида ўз валюта активларини жаҳон ссуда капиталлари бозорида, шу жумладан евробозорда жойлаштиришни афзал кўрган ҳолда “ностро” ҳисобварақларидаги минимал қолдиқларни таъминлашга ҳаракат қиласадилар.

Халқаро ҳисоб-китоблар борасидаги банклар фаолияти бир томондан, миллий қонунчилик билан мувофиқлаштирилади, бошқа томондан эса – ўрнатилган қоидалар ва удумлар ёки алоҳида ҳужжатлар билан мустахкамланган кўринишда мавжуд бўлган, шаклланган амалиёт билан белгиланади.

**Миллий валюта, халқаро ҳисоб-китоб валюта бирликлари ва олтиннинг халқаро ҳисоб-китоблардаги роли.** Етакчи давлатларнинг миллий кредит пуллари жорий халқаро ҳисоб-китобларда қадимдан ишлатилган. Биринчи жаҳон урушигача фунт стерлингларда ифодаланган ўтказма векселлар (тратталар) халқаро ҳисоб-китобларнинг 80 фоизига хизмат кўрсатган. Мамлакатларнинг нотекис ривожланиши оқибатида фунт стерлингларнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги улуши 1948 йилда 40 фоизга ва 1990 йилларнинг бошида 5 фоизгача пасайди, аксинча А+Ш долларининг улуши эса 1982 йилда деярли 75 фоизгача кўтарилиди ва сўнг 1990 йилларда 55 фоизгача пасайди.<sup>39</sup> Чунки, немис маркаси, япон иенаси, Швейцария франки ва бошқа етакчи валюталар ҳамхалқаро ҳисоб-китоб воситалари сифатида ишлатила бошланди. 1970-йиллардан бошлаб халқаро ҳисоб-китоб валюта бирликлари СДР (асосан давлатлараро ҳисоб-китобларда) ва ЭКЮнинг (расмий ва хусусий секторда валюта баҳоси ва тўлов валютаси сифатида) ишлатилиши янгилик сифатида бўлди.

Демак, тўлов ҳисоб-китоб муносабатлари ривожининг тарихий қонунияти олтинни кредит пуллар томонидан нафақат ички, балки халқаро ҳисоб-китоблардан сиқиб чиқариш тамойилига буйсунгандир. Ушбуниңг хусусиятли томони шундаки, олтин стандартининг ҳукмронлиги даврида ҳам олтин тўлов баланси пассив сальдосини сўндириш воситаси бўлиб хизмат қиласади. Олтин стандартининг ва олтиннинг кредит пулларга алмашинишининг бекор қилиниши билан халқаро мажбуриятларни олтин билан тўлашга бўлган зарурат йўқолди. Бироқ, кўзда тутилмаган ҳолатлар

<sup>39</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2001г.

(урушлар, табиий оғатлар, иқтисодий ларзалар ва бошқа шу кабилар)да ёки бошқа имкониятлар қолмаган пайтда олтин фавқулодда жаҳон пуллари сифатида ишлатилади. Масалан, иккинчи жаҳон уруши йилларида қўпчилик халқаро тўловлар стандарт олтин қўймалар билан сўндирилар эди. Урушдан сўнг давлатлараро кўп томонлама клиринг (1950-1958 йиллар Европа тўлов иттифоқи) бўйича сальдо олтин билан (аввал 40%, 1955 йилдан бошлаб эса 75%) сўндирилар эди. Мамлакатлар, замонавий шароитда, ташқи савдо шартномалари ва кредит битимлари бўйича мажбуриятлар қайси хорижий валютада ифодаланган бўлса, ўша валютага расмий олтин заҳираларининг бир қисмини сотишга қарор қиласидилар. Демак, бугунги кунда олтин, халқаро ҳисоб-китобларда олтин бозорларидаги операциялар орқали ишлатилади.

Халқаро ҳисоб-китобларда асосан миллий валюталарнинг ишлатилиши улардан фойдаланиш самарадорлигини курс тебранишлари ҳамда ушбу валюталар эмитентлари бўлмиш мамлакатларнинг иқтисодий ва валюта сиёсатига боғлиқлигини кучайтиради. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати бир қатор омилларга боғлиқдир: мамлакатлар орасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар; валюта қонунчилиги; халқаро савдо қоидалари ва удумлари; банк амалиётлари; ташқи савдо шартномалари ва кредит битимларининг шартлари.

**Ташқи иқтисодий битимларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари.** Халқаро савдо шартномалари бўйича ҳисоб-китоблар ўта мураккаб бўлиб, банк ходимларининг юқори малакага эга бўлишилигини талаб этади. Тўлов олинишининг тезлиги ва кафолати ҳамда банклар орқали операциялар ўтказишнинг харажатлар суммаси ҳисоб-китоблар шакллари ва шартларининг танловига боғлиқдир. Шу сабабли, ташқи савдо бўйича ҳамкорлар музокаралар борасида тўлов шартларининг унсурларини келишиб олади ва сўнг ушбу шартларни шартномага киритиб, расмийлаштиради. Шартномаларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари тузилаётган пайтда экспортёр манфаатларини импортёр манфаатларига тескари эканлиги одатда кўзга ташланади. Бунда, экспортёр валютанинг максимал суммасига ниҳоятда қисқа вақт ичида эга бўлишни хоҳлайди, импортёр эса аксинча иложи борича кам миқдордаги валюта ҳажмини тўлаш, товарлар олинишини тезлаштириш ҳамда мазкур товарлар тўла сотилгунга қадар тўлов муддатини иложи борича кечикиришдан манфаатдордир. Битимларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартларини танланишига мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг характеристи, контрагентлар кучларининг ўзаро нисбати, уларнинг ушбу соҳадаги малакасига ҳамда мазкур товар билан савдонинг анъаналари ва удумларига боғлиқдир. Ҳукуматлараро келишувлар ҳисоб-китобларнинг умумий тамойилларини белгилайди, ташқи савдо шартномаларда эса ушбу ҳисоб-китоблар амалга оширилишининг батафсил шартлари кўрсатилади. Мазкур шартлар қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади: баҳо валютаси; тўлов валютаси; тўлов

шартлари; тўлов воситалари; хисоб-китоб шакллари ҳамда ушбу ҳисоб-китобларни амалга оширадиган банклар.

**Баҳо валютаси ва тўлов валютаси.** Баҳо валютаси ва тўлов валютаси танловига (баҳо даражаси, кредит бўйича фоиз ставкаси катта-кичиклигидан фарқли ўлароқ) маълум бир даражада битимнинг валюта самарадорлиги боғлиқдир. Экспорт ва импорт шартнома баҳолари турличадир, ҳамда улар ушбу шартномаларга киритиладиган товарларнинг экспортёрдан импортёрга етказилиши билан боғлиқ (экспортёр-мамлакат омборида сақланиши, портгача бўлган йўл ва портдаги сақланиш, чет элдаги йўл, хориждаги омбор ҳамда импортёрга товарларни етказиш харажатлари) қўшимча харажатларга боғлиқдир. Товарлар баҳоларини аниқлашнинг қуидаги беш асосий тамойили мавжуд:

1. Шартномани тузайтган пайтда баҳоларнинг қатъий белгиланиши ҳамда ушбу шартнома ижроси мобайнида белгиланган баҳолар ўзгармаслиги. Ушбу услугуб жаҳон бозорида баҳоларнинг пасайиши тенденцияси мавжуд бўлган пайтда қўлланилади.

2. Шартномага имзо қўйилаётган пайтда баҳони (товар етказилиш кунига бўлган у ёки бу товар бозорининг котировкалари асосида) белгилаш тамойили қайд этилади, баҳонинг ўзи эса битимнинг ижроси мобайнида белгиланади. Ушбу услугуб бозор баҳоларининг кўтарилиши тенденциясида одатда қўлланилади.

3. Шартнома тузилаётган пайтда баҳо қатъий белгиланади, аммо бозор баҳоси шартномадаги баҳога нисбатан, айтайлик, 5%дан ошироқ ҳажмга ўзгарса, у ўзгариши мумкин.

4. Харажатларни ташкил этувчи элементлар ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлган сирпанувчан баҳо. Масалан, жихоз (асбоб-ускуна)лар етказиб берилишига буюртма берилганда. Юқори конъюнктура шароитларида буюртмачи манфаатларида чекловлар киритилади (баҳо ўзгаришининг умумий чегараси ёки баҳо “сирпаниши”ни харажатларнинг бир қисмига ва қисқа муддатга тарқалишини).

5. Аралаш шакли: баҳонинг бир қисми қатъий белгиланади, бир қисми эса сирпанувчан шаклда ўрнатиланди.

Баҳо валютаси – бу, товарга бўлган баҳо ифодаланадиган валютадир. Товарнинг баҳоси қатъий белгиланадиган валютани танлашда товарнинг тури ва юқорида айтиб ўтилган халқаро хисоб-китобларга таъсир этувчи омиллар, айниқса ҳукуматлараро келишувларнинг шартлари ва халқаро удумлар катта аҳамият касб этади. Баъзида шартноманинг баҳоси, валюта хавф-хатарларини суғурталаш максадида, бир нечта (икки ва ундан кўп) валютада ёки стандарт (СДР, ЭКЮ- 1999 йилда “евро”га ўзгаририлган) валюта саватида қўрсатилади.

Тўлов валютаси – бу, импортёр (ёки қарз олувчи) мажбуриятлари сўндирилиши керак бўлган валютадир. Валюта курсининг барқарорсизлиги шароитида баҳолар нисбатан барқарор бўлган валютада, тўлов эса одатда

импортёр-мамлакат валютасида белгиланади. Агарда баҳо валютаси ва тўлов валютаси ўзаро мувофиқ келмаса, унда шартномада бир валютани иккинчи валютага қайта ҳисобланиш курси ўзаро келишилади (ёки ХВФ СДР негизида қайд этиладиган паритети, ёки валюталарнинг бозор курси бўйича). Шартномада қайта ҳисобланиш шартлари белгиланади: 1)маълум бир турдаги тўлов воситасининг курси – траттасиз тўловлар бўйича телеграф пул ўтказмаси ёки кредит билан боғлиқ ҳисоб-китоблар бўйича векселни; 2)маълум бир валюта бозорида (сотувчи, сотиб олувчи ёки учинчи тарафнинг) тузатиш ва мувофиқлаштиришлар вақти аниқлаб олинади (масалан, тўлов амалга оширилишидан бир кун аввал ёки тўлов куни); 3)қайта ҳисоблаш амалга ошириладиган курс келишиб олинади: одатда ўртача курс, баъзида валюта бозорининг очилишига, ёпилишига бўлган сотувчи ёки сотиб олувчи курслари, ёки куннинг уртача курси.

Баҳо ва тўлов валюталарининг ўзаро мувофиқ келмаслиги – бу, валюта таваккалчилигини суғурта қилишнинг энг одий услубларидан биридир. Агарда баҳо валютасининг курси (масалан А+Ш долларининг) пасайган бўлса, унда тўлов суммаси (француз франкларида) пропорционал равища камаяди ва аксинча. Баҳо валютаси курсининг пасайиши хавф-хатари экспортёр (кредитор) зиммасига, унинг кўтарилиш хатари эса импортёр зиммасига тушади.

**Тўлов шартлари** – ташқи иқтисодий битимларнинг муҳим элементидир. Уларнинг ичидаги қўйидагилар фарқланади: накдли тўловлар, кредит тақдим этилиши билан ҳисоб-китоблар, накдли тўлов бўйича опционли кредит (танлов ҳуқуқи билан).

Халқаро ҳисоб-китоблардаги накдли тўлов тушунчasi экспорт товарлари сотиб олувчига етказиб берилганидан сўнг уларга пул тўланишини ёки товарлар шартнома шартларига мувофиқ етказиб берилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи хужжатларга қарши бўлган тўлов кўзда тутилади. Бироқ, замонавий шароитларда товар импортёр мамлакатига кўп ҳолатларда тўлов амалга оширилиши лозим бўлган хужжатлардан аввал етиб келади ва сотиб олувчи товарларни уларга ҳақ тўланишидан аввал сақлаш (траст) тилхати, банк кафолати эвазига олиши мумкин. Шундай қилиб, товарлар сўнгги манзил портига етказиб берилганидан сўнг тўлов амалга оширилади, товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги хабарномага қарши амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно. Контрагентлар келишувига ҳамда сотилаётган товарлар хусусиятларига боғлиқ бўлган ҳолда импортёр маълум бир босқичда тўловни амалга оширади: жўнатилиш портида товарларни юклаш ишлари тугаганлигининг тасдигини олгандан сўнг; товар хужжатларининг комплекти (счёт-фактура, коносамент, суғурта полиси ва бошқалар)га қарши; баъзида тўловни 5-7 кунга, нефть етказиб бериш бўйича эса – 30 кунга кечиктириш билан; сўнгги манзил бўлган портда импортёр томонидан товарни қабул қилиб олиниб бўлгандан сўнг. Товарнинг турига боғлиқ бўлган ҳолда баъзи ҳолатларда ҳисоб-китобларнинг аралаш

шартларидан фойдаланилади: қисман ҳисоб-китоб— товар хужжатлари топширилганидан сўнг амалга ошадиган тўлов; якуний ҳисоб-китоб—товарлар қабул қилиб олинганидан сўнг (товарлар сўнгги манзил портига етиб келганидан сўнг сотиб олувчи томонидан қабул қилиб олинади ва уларнинг сифат характеристикалари текширилади, чунки транспортировка даврида уларнинг сифати бузилган бўлиши мумкин).

Халқаро тўловлар валюталар ўзаро алмашуви ҳамда ташқи савдо иштирокчилари томонидан бир-бирига кредитлар тақдим этиш жараёнлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб операцияларининг ўзаро боғлиқлиги қўйида ўз ифодасини топади. Сотилаётган товарнинг турига (масалан, машиналар ва жиҳозлар) ҳамда сотувчилар бозорида рақобатнинг кучайиши ва янги маҳсулот истеъмол бозорларини кенгайтириш мақсадида уларнинг кредитдан фойдаланишга қаратилган интилишларига қараб ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китоблар тижорат кредитидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Тижорат кредити товар сотувчиси томонидан сотиб олувчига бир неча ойдан, 5-8 йилгача, алоҳида ҳолатларда эса бундан ҳам катта муддатларга тақдим этилади. Ташқи савдо операцияларида импортёр тижорат кредити эвазига уни сўндиришга қаратилган, оддий вексель шаклидаги қарз мажбуриятини ёзиб беради ёки экспортёр томонидан берилган ўтказиладиган векселлар-тратталарда тўловни амалга оширишга ёзма тарздаги розилик (акцепт) беради.

Товар қийматининг маълум бир қисмига тижорат ҳужжатлари тақдим этилганидан сўнг, қолган қисмига эса – шартномада белгиланган даврдан сўнг ҳақ тўланганда, тижорат кредити шаклидаги товарлар учун ҳисоб-китоблар нақдли тўловлар билан биргаликда амалга оширилиши мумкин. Ташқи савдо шартномаси ижросининг маълум бир босқичида шартномадаги тарафлар, тижорат кредитидан ташқари, бир-бирларини мажбуран кредитлашлари мумкин. Масалан, бўнак шаклидаги тўловларда импортёр экспортёрни, очиқ ҳисобварак бўйича ҳисоб-китобларда эса сотувчи сотиб олувчини кредитлайди.

Ҳисоб-китоблар шартларининг альтернатив шакли бу нақдли тўловнинг опционли кредитидир. Агарда импортёр сотиб олинган товар учун тўловни кечиктириш хуқуқидан фойдаланса, унда у нақдли тўловда тақдим этиладиган дисконт (скидка)дан маҳрум бўлади. Ҳисоб-китоблар халқаро муомалада ишлатиладиган турли хил тўлов воситалари – векселлар, тўлов топшириқномалари, банк ўтказмалари (почта ва телеграф), чеклар, пластик карточкалари ёрдамида амалга оширилади. Хорижий инструментлар (Foreign items, ингл.) – бошқа мамлакатда депонирланган ҳамда ушбу мамлакатда тўланиши лозим бўлган чеклар, векселлар (оддий ва ўтказиладиган) ва муомаланинг бошқа кредит воситалари. Шартнома тўлов шартларининг энг мураккаб қисми бўлиб, ҳисоб-китоб турини танлаш ҳамда ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш йўлларини шакллантириб, изоҳлаш ҳисобланади.

Контрагентларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган манфаатларини халқаро иқтисодий муносабатларда ўзаро боғлаш ва уларнинг тўлов муносабатларини ташкил этиш, ҳисоб-китобларнинг турли шаклларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

## **2. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари.**

Шаклланган амалиётга мувофиқ, замонавий шароитда халқаро ҳисоб-китобларнинг қуидаги шакллари қўлланилади: ҳужжатли (документар) аккредитив, инкассо, банк пул ўтказмаси, очик ҳисобварақ, бўнак. Бундан ташқари, векселлар ва чеклардан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Ҳисоб-китобларнинг алоҳида турлари бўйича банкларнинг кафолат бериш билан боғлиқ операциялари халқаро ҳисоб-китоблар билан боғлиқдир (масалан, инкассо, бўнак, очик ҳисобварақ). Ушбу кафолатлар ташки савдо иштирокчилари томонидан шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишининг қўшимча таъминоти бўлиб ҳисобланади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг тарихан қуидаги хусусиятлари шаклланган:

1.Импортёр ва экспортёрлар ҳамда уларнинг банклари ташки савдо шартномаси шартларидан ташқарида бўлган расмийлаштириш, жўнатиш, товардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатларини қайта ишлаш, тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ маълум бир муносабатларга кирадилар. Уларнинг орасидаги мажбуриятлар ҳажми ва жавобгарликнинг тақсимоти ҳисоб-китобнинг аниқ бир шаклига боғлиқдир.

2.Халқаро ҳисоб-китоблар меъёрий миллий ҳуқуқий далолатномалар ҳамда халқаро банк қоидалари ва удумлари билан мувофиқлаштирилади. А+Шдаги бирхиллаштирилган савдо Кодекси ҳисоб-китобларга, шу жумладан, халқаро ҳисоб-китобларга алоқадор меъёрларни ўз ичига олган.

3.Халқаро ҳисоб-китоблар – соддалаштириш объектидир, бу хўжалик алоқаларининг байналмилаллашуви ҳамда банк операцияларининг универсаллашуви билан асослангандир. 1930 ва 1931 йилларда Женевада бўлиб ўтган конференцияларда вексель ва чек муомалалари борасидаги қонунчиликни соддалаштиришга ва улардан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш мураккабликларини бартараф этишга қаратилган халқаро “Вексель” ва “Чек” конвенциялари қабул қилинган. Вексель бўйича бирхиллаштирилган қонун кўпчилик мамлакатларда ушбу борадаги миллий қонунчилик замини бўлиб хизмат қиласди. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТнинг Комиссияси вексель қонунчилигининг янада соддалаштирилишини амалга оширади. XX асрнинг бошида Парижда ташкил этилган Халқаро савдо палатаси документар аккредитивлар ва инкассо учун Соддалаштирилган қоидалар ва удумларни ишлаб чиқади ва чоп этади. Масалан, инкассо бўйича дастлабки қоидалар 1936 йилда ишлаб чиқилган ҳамда 1967, 1978, 1995 йилларда қайта ишланган эди (1996 йилнинг январь

ойидан бошлаб кучга кирган). Дунё банкларининг қўпчилиги аккредитив ва инкассо бўйича мазкур Соддалаштирилган қоидаларга қўшилиши тўғрисида эълон қилдилар. Халқаро савдо палатаси шартнома кафолатлари бўйича қоидаларини ишлаб чиқди ҳамда тўлов кафолатлари бўйича қоидаларни тайёрлаш юзасидан иш олиб бормоқда.

4.Халқаро ҳисоб-китоблар одатда документар характерга эга, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатлари мавжуд бўлганда гина ижро этилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказиладиган векселлар, чеклар, тўлов тилхатлари киради. Тижорат ҳужжатлари таркибига эса: а)счўт-фактуралар; б)маҳсулот жўнатилганлиги ёки уни юклашга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносаментлар, темир йўл, автомобиль ва авиация накладнойлари, поча квитанциялари, аралаш юк ташишларга бўлган комбинациялашган транспорт ҳужжатлари); в)денгиз (дарё, океан) орқали юк ташишларни суғурталовчи суғурта компаниялари ёки улар агентларининг суғурта ҳужжатлари, чунки экспортга мўлжалланган юклар одатда суғурта қилинади; г)бошқа ҳужжатлар – товарларнинг келиб чиқиши, оғирлиги, сифати ёки товарлар текширилганлиги ҳамда улар чегарани босиб ўтганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи сертификатлар, фирибгарлик ва бошқа шу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида импортёр-мамлакат божхона хизматларини юкнинг мақсади ҳақида хабардор этиш учун божхона ва консуллик счўт-фактуралари киради. Банк юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва тахламининг бутлигини текширади. Шу билан биргалиқда, бир қатор ташкилотлар (Халқаро савдо палатаси, Париж, СВИФТ ва бошқалар) томонидан ўз ичига электрон шартномалари, электрон молиявий инструментлар ва ҳисоб-китоблар (шу жумладан аккредитивлар), электрон транспорт ҳужжатлари тушунчаларини олган электрон “қофозсиз” савдо технологияси концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

5.Халқаро тўловлар турли валюталарда амалга оширилади. Шу сабабли улар валюта операциялари, валюталар олди-сотдиси билан яқиндан боғлиқдирлар. Уларни амалга оширилиш самарадорлигига валюта курсларининг динамикаси таъсир этади.

6.Халқаро савдо палатаси томонидан чоп этилган кафолатлар (SEK and guarantees) нинг Соддалаштирилган қоидалари қўлланилади. Мазкур ҳужжатнинг матни кафолат матнига киритилиши зарур бўлган асосий қоидаларни ўз ичига олган, улар қуйидагилар:

- 1) кафолатни талаб қилиб олиб бўлмайди, агарда кафолат берувчига мукофот тўланмаган бўлса;
- 2) битим тўғрисида батафсил маълумот;
- 3) эътирозни тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар (одатда бенефициар банки томонидан текширилади);
- 4) кафолат муддати тугашини кўрсатувчи сана ва бенефициар томонидан ҳужжатларни кафолат берувчи банкга тақдим этиш санасининг қайд этилиши;

5) харакат муддати тугаганидан сўнг кафолат қайтарилиган бўлиши лозим, чунки энди у ҳеч қандай кучга эга эмас.

Халқаро ҳисоб-китоблар турининг танловига қуидаги омиллар таъсир этади:

а) ташқи савдо битимининг обьекти бўлмиш товарнинг тури (ҳисоб-китоб турлари машина ва жиҳозлар ёки озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилишида бир-бирдан фарқланади). Айрим товарларни – ёғоч, ғалла етказиб беришда амалиёт томонидан яратилган анъанавий шакллар қўлланилади;

- б) кредит битимининг мавжудлиги;
- в) контрагентларнинг ўзаро келиша олиш характеристини белгиловчи ташқи иқтисодий битимлар бўйича тўлов лаёқатлилиги ва нуфузи;
- г) жаҳон бозорларида ушбу товар турига бўлган талаб ва таклифнинг даражаси.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг шартлари ва шакллари шартномада ўзаро келишилади.

**Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли.** Документар аккредитивлар учун мўлжалланган Соддалаштирилиган қоидалар ва удумларга мувофиқ **аккредитив** – бу, келишувдир, ҳамда ушбу келишувга мувофиқ банк мижознинг илтимосига қўра, хужжатларга мувофиқ учинчи шахс (фойдасига аккредитив очилган бенефициарга) фойдасига тўловни амалга ошириш ёки тўловни, бенефициар томонидан қўйилган тратта акцептини, ёки хужжатлар негоциациясини (сотиб олинишини) амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.<sup>40</sup> Аккредитив бўйича банкнинг мажбурияти мустақил ҳисобланиб, томонларнинг тижорат шартномаси бўйича хуқуқий муносабатларига боғлиқ эмас. Ушбу қоида банклар ва уларнинг мижозлари манфаатларини ҳимоялашга қаратилгандир: экспортёрга хужжатлар расмийлаштирилишидаги талаблар чекловини ва тўловни фақат аккредитив шартлари асосида олинишини; импортёрга эса – экспортёр томонидан аккредитивнинг барча шартларини аниқ бажарилишини таъминлайди.

Документар аккредитивлар бўйича ҳисоб-китобларда қуидаги тарафлар иштирок этади:

- импортёр (буйруқ берувчи), у аккредитив очиш тўғрисида банкга мурожаат этади;
- аккредитивни очувчи эмитент-банк;
- авизо қилувчи банк, ушбу банкка экспортёрга унинг фойдасига аккредитив очилганилиги тўғрисида хабар бериш ва аккредитив матнини, унинг ҳаққонийлигини тасдиқлаган ҳолда топшириш топшириги берилади;
- фойдасига аккредитив очилган бенефициар-экспортёр.

---

<sup>40</sup> Публикация Международной торговой палаты № 500, редакция 1993 г.

1. Аккредитив очишга аризани тақдим этиш. 2. Эмитент-банк томонидан аккредитивнинг очилиши ва аккредитивни авизо қилувчи банк орқали бенефициарга юборилиши. 3. Бенефициарнинг, унинг фойдасига аккредитив очилганлиги тўғрисида огоҳ этилиши (авизо қилиниши). 4. Товарнинг экспортга жўнатилиши. 5. Аккредитив бўйича тўловни олиш мақсадида бенефициар томонидан хужжатлар комплектининг расмийлаштирилиши ва банкка тақдим этилиши. 6. Авизо қилувчи банк томонидан хужжатларнинг эмитент-банкка юборилиши. 7. Олинган хужжатларнинг эмитент-банк томонидан текширилиши ва уларга ҳақ тўлаш (аккредитивнинг барча шартлари бажарилганидан сўнг). 8. Тўлов амалга оширилиб бўлинган хужжатларнинг эмитент-банк томонидан аккредитив бўйича буйруқ берувчига топширилиши. 9. Экспорт тушумининг авизо қилувчи банк томонидан бенефициар ҳисобварағига олиниши.

Аккредитив ҳисоб-китоб шаклининг схемаси асосан қўйидагидан иборат: импортёр банкка аккредитив очилишига ариза тақдим этади. Аккредитивни очган импортёр банки экспортёр мамлакатида жойлашган ўзининг вакил-банкларидан бирига, уни авизо қилувчи банк сифатида тайинлаган ҳолда, аккредитив хатини йўллайди ҳамда очилган аккредитив ҳақидаги маълумотни бенефициарга етказиш тўғрисида ушбу авизо қилувчи банкка топшириқ беради. Ўз фойдасига очилган аккредитив ҳақидаги маълумотни (товар тўловини таъминоти сифатида) олгандан сўнг, бенефициар товарни жўнатишга киришади ҳамда жўнатилган товарлар бўйича хужжатларни авизо қилувчи банкка одатда тақдим этади. Ўз навбатида авизо қилувчи банк мазкур хужжатларни тўлов ундириш мақсадида эмитент-банкка жўнатади. Хужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб бўлганидан сўнг аккредитивни очган банк тўловни амалга оширади. Агарда хужжат аккредитив шартларига мувофиқ бўлса, эмитент-банк пулларни авизо қилувчи банк кўрсатмаларига мувофиқ равишда ўтказади ва товарларни қабул қилиб олаётган импортёрга хужжатларни топширади. Мазкур товарлар эвазига келиб тушган тушум экспортёр ҳисобварағига олинади. Аккредитивнинг шартларига мувофиқ, хужжатларга ҳақ тўлаш ваколатига эга бўлган банк (ижро этувчи банк) сифатида авизо қилувчи банк ҳам тайинланиши мумкин. Бундай ҳолатда авизо қилувчи банк экспортёр томонидан унга тақдим этилган хужжатларга мувофиқ равишда ўша заҳоти ҳақ тўлайди, ҳамда ушбу тўланган сумманинг (қопланмаган аккредитивлар ҳолатида) эмитент-банқдан ундирилишини талаб этади. Агарда ижро этувчи банк ва эмитент банк орасида вакиллик муносабатлари ўрнатилмаган ҳамда вакиллик ҳисобварақлари очилмаган бўлса, унда ҳисоб-китобларда учинчи (рамбурсловчи) банк иштирок этади ва ушбу банкда юқорида зикр этилган иккала банкнинг вакиллик ҳисобварақлари очилган бўлади. Бунда, аккредитив очилаётган пайтда эмитент-банк кўрсатмалар, яъни ижро этувчи банк талабномаларига аккредитивнинг ҳаракат муддати даври мобайнида ва аккредитивда

белгиланган сумма ҳажмида ҳақ тўлаш тўғрисида рамбурс ваколатини рамбурсловчи банкга беради.

Аkkредитивнинг хилма-хил турлари мавжуд ва улар қуйидаги белгиларига кўра таснифланади:

1. Эмитент-банк томонидан аккредитив шартларига ўзгартириш киритилиши ёки уни бекор қилинишининг мумкинлиги нуқтаи назаридан аккредитивнинг қуйидаги турлари фарқланади: а) чақириб олинмайдиган аккредитив-аккредитивни манфаатдор тарафлар розилигисиз ўзгартирмаслик ва бекор қилмаслик тўғрисидаги эмитент-банкнинг қатъий мажбурияти; б) чақириб олинадиган аккредитив – бенефициарни олдиндан огоҳлантирмасдан, ҳар қандай пайтда ўзгартириш киритилиши ёки бекор қилиниши мумкин бўлган аккредитив. Агарда аккредитив хусусида маҳсус кўрсатма бўлмаса, ушбу аккредитив чақириб олинмайдиган аккредитив ҳисобланади.

2. Аккредитив бўйича бошқа банкнинг қўшимча мажбуриятлари нуқтаи назаридан аккредитивлар тасдиқланган ва тасдиқланмаган аккредитивларга фарқланади. Агарда эмитент-банк ўзининг чақириб олинмайдиган аккредитивини тасдиқлаш юзасидан бошқа банкка ваколат берса, ёки ушбу ҳақида унга илтимос қилса, унда (агар қўзда тутилган барча хужжатлар тақдим этилган ва аккредитивнинг барча шартлари бажарилган бўлса) бундай тасдиқ тасдиқловчи банкнинг эмитент-банк мажбуриятига қўшимча бўлмиш тўлов, акцепт ёки тратта негоциацияси бўйича қатъий мажбуриятини билдиради.

3. Аккредитивнинг такрорланиши мумкинлиги нуқтаи назаридан ролловер (револьвер, қайта тикланадиган) аккредитивлари қўлланилади. Аккредитивларнинг ушбу тури очилган аккредитив суммаси тўлиқ ишлатиб бўлинганидан сўнг (хужжатларнинг бир қатор комплекти учун) аккредитивнинг дастлабки суммасини тикланиши шарти билан шартнома қийматининг бир қисмига очилади. +абул қилинган қоидага мувофиқ аккредитив матнида унинг умумий суммаси кўрсатилади, ҳамда мазкур аккредитив бўйича ялпи мажбуриятлар ушбу сумма ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Муомала харажатларини қисқартириш имконини берувчи ролловер аккредитивлари узоқ вақт мобайнида, даврий равишда етказиб бериладиган товарлар бўйича йирик суммаларга тузилган шартномалар юзасидан ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

4. Иккинчи бенифициарлар (товарларни бевосита етказиб берувчилар)нинг аккредитивдан фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан ўтказиладиган (трансферабелли) аккредитивлар фарқланади. Мол етказиб берувчилар томонидан амалга ошириладиган товарнинг тўлиқ етказиб берилишида аккредитив бенефициар кўрсатмасига биноан иккинчи бенифициар томонидан ўзиниг мамлакатида ёки бошқа мамлакатда тўла ёки қисман ўтказиб берилиши мумкин. Трансферабелли аккредитив бир маротаба (ундан кўп эмас) ўтказилади.

5. Валюта қопланишининг мавжудлиги нуқтаи назаридан қопланган ва қопланмаган аккредитивлар фарқланади. +опланиш билан аккредитив очилаётганда эмитент-банк аккредитив суммасига тенг бўлган валютани одатда авизо қилувчи банкга ўтказади. Аккредитивларни қоплашнинг бошқа шаклларига депозит ва блок қилинган ҳисобварақлар, сугурта депозитлари ва бошқа шу кабилар киради. Замонавий шароитда қопланмаган аккредитивлар нисбатан кенгроқ қўлланилади.

6. Аккредитивнинг амалга оширилиши имкониятларига қараб аккредитивларнинг қуидаги турлари фарқланади: ҳужжатларга қарши тўлов билан аккредитивлар; аккредитивнинг барча шартлари бажарилиши шароитида эмитент-банк томонидан тратталар акцептини кўзда тутган, акцептли аккредитивлар; тўлов кечиктирилиши билан аккредитивлар; ҳужжатлар негоциацияси билан аккредитивлар.

Документар аккредитивдан фарқли ўлароқ, **пул аккредитиви<sup>41</sup>** – бу, олувчига маълум бир муддат мобайнида пул тўланиши ҳақидаги буйруқса эга бўлган номли ҳужжатдир, албатта ушбу ҳужжатда мавжуд барча шартларга риоя этилиши керак.

Аккредитивнинг яна бир тури бўлиб, эркин негоциацияли циркулярли аккредитив ҳисобланади. У, уни бажаришга ихтиёри бўлган ҳар қандай банкка қаратилиши мумкин. Мазкур турдаги аккредитивлар чақириб олинмайдиган бўлиб ҳисобланади, ва одатда, ишбилармон доираларда таниқли бўлган, юқори мавқега эга йирик банклар томонидан чиқарилади.

Замонавий шароитларда компенсацион ва “бэк-ту-бэк” аккредитивлари ҳам қўлланилади. Ушбу аккредитивларнинг иқтисодий мазмуни қуидагилардан иборат. Хорижлик сотиб олувчи топшириғига биноан, фойдасига аккредитив очиладиган бенефициар, товар ишлаб чиқарувчи эмас, балки воситачи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, сўнгги сотиб олувчига товар етказиб берилишини таъминлаш учун у ушбу товарни сотиб олиши лозим. Агарда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма билан ҳисоб-китоблар документар аккредитив шаклида амалга ошириладиган бўлса, унда воситачи ташкилот мазкур аккредитив очилишининг кафолати сифатида унинг фойдасига импортёр банки томонидан очилган дастлабки аккредитивни банкга таклиф этиши мумкин. Айрим мамлакатлар, айниқса А+Ш контрагентлар томонидан шартнома юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажарилишинг кафолати сифатида хизмат қилувчи заҳирали кафолатли аккредитив (“стэнд-бай”)дан фойдаланадилар. Тақдим этилган ҳужжатлар бўйича импортёр томонидан хақ тўланмаслиги шароитида экспортёр тўловни олиш учун импортёр банкига мурожаат этиши мумкин. Хусусан, “стэнд-бай” аккредитиви кўп сонли сотиб олувчи ва банкларнинг иштирокидаги нефть билан савдода қўлланилади. Ушбу савдо

---

<sup>41</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2001г.

жараёнидаги иштирокчилар сонининг кўплиги, мазкур савдонинг сўнгги бугини сифатидаги мпортерга ҳужжатлар кечикиб келишига сабаб бўлган.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли энг мураккаб ва қиммат ҳисоб-китоб шаклидир. Аккредитив бўйича операциялар (хужжатларни азиз қилиш, тасдиқлаш, текшириш, тўлаш операциялари)ни бажарганлиги учун банклар ҳисоб-китобларнинг бошқа шаклларига нисбатан (масалан инкассо) каттароқ воситачилик ҳақи оладилар. Бундан ташқари, импортёр аккредитив очиш учун одатда фоизини тўлаган ҳолда банк кредитидан фойдаланади. Бу эса ушбу ҳисоб-китоб шаклини янада қимматлаштиради. Аккредитив ҳисоб-китоб шакли импортёр капиталининг иммобилизацияси ва сочилиб кетишига олиб келади. Чунки у товарлар олингунга ва сотилгунга қадар аккредитив очиши керак. Бироқ, шу билан биргаликда, ушбу ҳисоб-китоб шакли унга банк орқали экспортёр томонидан шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш имконини беради. Экспортёр учун аккредитив шаклидаги ҳисоб-китоблар, бўнак тўловларидан сўнг энг қулай ҳисоб-китоб шакли бўлиб ҳисобланади. Чунки, ушбу ҳисоб-китоб шакли тўловни банк томонидан ўз зиммасига олганлиги тўғрисидаги мажбуриятни ўз ичига олган ягона ҳисоб-китоб шаклидир (банкларнинг кафолат бериш операцияларидан ташқари). Шундай қилиб, экспортёр учун чақириб олинмайдиган аккредитив инкассо ҳисоб-китоб шаклига қараганда қуйидаги имтиёзларга эга: ҳисоб-китобларнинг ишончлилиги ва товарларга тўловнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатланганлиги, чунки ушбу тўловни банк амалга оширади; тўловни тез олиниши, агарда банк тўловни товарлар жўнатилганидан сўнг, ушбу ҳақда тақдим этилган ҳужжатлар бўйича дарҳол амалга оширса (аксинча бўлганда, экспортёр аккредитивдан тўлов олингунга қадар ўз банкида миллий валютада кредит олиши мумкин); аккредитивнинг хорижий валютада очилишида импортёр томонидан экспортёр мамлакатига валютани ўтказиш тўғрисида рухсатнома олиниши.

**Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли.** Инкассо – бу, мижознинг топшириғига асосан банк томонидан импортёрдан унга жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг олиниши ҳамда ушбу маблағларни экспортёрнинг банкдаги ҳисобварағига олган ҳолдаги банк операциясидир.<sup>42</sup> Инкассо операциялари инкассо бўйича Соддалаштирилган қоидаларга мувофиқ равишда экспортёрдан олинган инструкцияларга асосан банклар томонидан амалга оширилади. Инкассо ҳисоб-китоб шаклида қуйидаги тарафлар иштирок этади: 1)ишониб топшираётган шахс – мижоз, ўз банкига инкассо операциясини амалга оширишга топшириқ берувчи шахс; 2)инкассалаш бўйича операция ўтказишни ремитент-банкка ишониб топшируви шахс; 3)валюта маблағларини олувчи ҳамда инкассалаш бўйича операцияни амалга оширувчи банк; 4)тўловчи бўлмиш импортёрга ҳужжатларни тақдим этиб, экспортёр номидан чиқувчи банк; 5)тўловни тўловчи.

<sup>42</sup> Красавина Л.Н. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения” Москва “ФиС” 2001г.

1.Экспортёр импортёр билан товарларни документар инкассо ҳисоб-китоб шартлари асосида сотиш түғрисида шартнома тузади ва унга товарларни жүнатади (1а). 2.Экспортёр ўз банкига инкассо-топшириқномаси ва тијорат ҳужжатларини йўллайди. 3.Экспортёр банки олган ушбу инкассо-топшириқномаси ва тијорат ҳужжатларини импортёр номидан чиқувчи банкка (импортёр банкига) жүнатади. 4.Импортёр номидан чиқувчи банк мазкур ҳужжатларни импортёрга тақдим этади. 5.Импортёр ҳужжатларга қарата инкассалаш операциясини амалга оширувчи банкка (ёки ўзининг банкига) тўловни амалга оширади. 6.Инкассалаш операциясини амалга оширувчи банк ремитент-банкка (ёки экспортёр банкига) тўловни ўтказади. 7.Ўтказиб берилган суммани ремитент-банк экспортёрга ҳисоб рақамига олади.

Оддий ва документар инкассо бир-биридан фарқланади. Оддий (соф) инкассо тијорат ҳужжатларисиз юборилган молиявий ҳужжатлар бўйича тўлов ундирилишини англатади. Документар (тијорат) инкассо эса, тијорат ҳужжатлари билан биргаликда юборилган молиявий ҳужжатлар ёки фақат тијорат ҳужжатлари инкассосини англатади. Бунда, қандайдир бир ҳужжатларга қарата тўловни амалга ошириш мажбурияти банклар зиммасига юклатилмаган.

Экспортёр товарларни жўнатганидан сўнг импортёрдан, тўлиқ ва аниқ инструкциялар келтирилган инкассо топшириқномасида қўрсатилган шартлари асосида, валютанинг маълум бир суммасини олиш түғрисида ўз банкига топшириқ беради. Инкассо-топшириқномасининг икки асосий кўриниши мавжуд: а)хужжатлар тўловга қарата тўловни амалга оширувчига берилади ва б)акцептга қарата берилади. Баъзи пайтларда ҳужжатларни импортёрга, унинг белгиланган муддатларда тўловни амалга ошириш бўйича ёзма тарздаги мажбуриятига қарата, тўловсиз асосда берилиши амалиёти кўлланилади. Бундай шартлардан фойдаланган ҳолда импортёр сотиб олинган товарни сотиш ҳамда олинган тушум эвазига инкассо бўйича экспортёрга тўловни амалга ошириш имкониятларига эга бўлади. Экспортёр томонидан валюта тушуми олинишини тезлаштириш мақсадида банк тратталар ҳисобини юритиши (уларни дисконт билан сотиб олиш ёки гаровга олиш) ёки тијорат ҳужжатлари гарови устидан кредит тақдим этиши мумкин. Шундай қилиб, инкассо ҳисоб-китоб шакли кредит муносабатлари билан бевосита боғлиқдир. Инкассо, тијорат кредити шартлари асосидаги шартномалар бўйича ҳисоб-китобларнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланади. Бунда экспортёр, одатда унга тијорат ҳужжатлари (документар инкассо)ни тақдим этилиши эвазига, тўловчи томонидан акцептланиши учун траттани инкассога тақдим этади. Тўлов муддати етиб келганда акцептланган векселлар тўловни ундириш мақсадида инкассо (соф инкассо) қилиниши учун юборилади.

Инкассо шакли бўйича ҳисоб-китоблар асосий мажбурияти товар ҳужжатларига қарата тўловни амалга оширишдан иборат бўлган импортёрга маблағларни ўз ички муомаласидан олдиндан чиқариб, четда банд

қилинишига зарурат қолдирмайдиган маълум бир имтиёзларни беради. Бироқ, импортёр томонидан товарлар учун ҳақ тўланмагунга қадар экспортёр, агарда товар олинишини тезлаштириш мақсадида коносамент асл нусхаларидан бирини сотиб оловчига бевосита жўнатиш амалиёти қўлланилмаётган бўлса, ҳамон товарга эгалик қилишнинг юридик хуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Шу билан биргаликда ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли экспортёр учун аҳамиятли бўлган камчиликларга эга. Биринчидан, импортёр томонидан товарларга ҳақ тўламаслик хавф-хатарини экспортёр ўз зиммасига олади. Импортёр томонидан товарларга ҳақ тўламаслиги бозор конъюнктураси ёки тўловчи молиявий ҳолатининг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли, импортёрнинг тўлов қобилияти ва лавзилигига бўлган экспортёрнинг ишончи инкассо ҳисоб-китобларининг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, инкассо бўйича валюта тушумининг келиб тушиши ва товарларнинг импортёрга жўнатилиши орасида, айниқса узоқ масофаларга товар етказишда, сезиларли вақт узилишлари мавжуд. Инкассо ҳисоб-китобига хос бўлган ушбу камчиликларни бартараф этиш учун амалиётда мазкур ҳисоб-китоб шаклини амалга оширилишида қўйидаги қўшимча шартлар қўлланилади:

1) импортёр экспортёр банкининг товар ҳужжатларини инкассога қабул қилганлиги ва жўнатганлиги тўғрисидаги телеграммаси (телеграф инкассоси) ни олиши биланоқ товарлар учун тўловни тўлайди. Инкассонинг ушбу тури амалиётда кенг тарқалмаган;

2) импортёр томонидан тўловни амалга оширилмаслиги ҳолатида банк экспортёр олдида инкассо бўйича ҳақни тўлаш тўғрисидаги мажбуриятни ўз зиммасига олган ҳолда импортёрнинг топшириғига биноан экспортёр фойдасига тўлов кафолатини беради. Тўловнинг қўшимча кафолати одатда тижорат кредити бўйича ҳисоб-китобларда қўлланилади, чунки тўловнинг кечикирилиши ҳолатида тўловчи молиявий ҳолатида руй берган эҳтимолли ўзгаришлар сабабли ҳужжатлар бўйича импортёр томонидан ҳақ тўланмаслик хатари ўсади. Баъзида импортёрнинг банки вексель авалини амалга оширади. Аваль (тўлов кафолати) – бу, векселли кафилликдир. Авальчи-банк одатда, банкининг тўлов кафолати аниқ кимга берилганлиги тўғрисидаги шартлашув билан векселнинг юз қисмида ўз имзосини қўйган ҳолда, тўлов юзасидан мажбуриятни ўз зиммасига олади. Ўзгача бўлганда эса ўтказиладиган вексель тақдим этувчиси (экспортёр) учун аваль берилган деб ҳисобланади;

3) иммобилизация қилинган ресурсларни қоплаш мақсадида экспортёр банк кредитга мурожаат этади.

**Банкнинг пул ўтказмаси.** У, пул ўтказмасини оловчига шахсга маълум бир суммани тўлашдан иборат бўлган бир банкнинг бошқа бир банкга топшириғидан иборатдир. Банклар халқаро ҳисоб-китобларнинг кўпгина ҳолатларида ўз мижозларини топшириқлари асосида пул ўтказмаларини

амалга оширадилар. Ушбу операцияларда қуйидагилар иштирок этади: пул ўтказмасини ўтказувчи қарздор-шахс; ўтказма тўғрисидаги топшириқни қабул қилган ўтказувчи шахснинг банки; ўтказма олувчининг ҳисоб рақамига ўтказма суммасини олувчи банк; ўтказмани олувчи шахс.

Банк ўтказмаси шакли асосида инкассога ҳақ тўлаш, якуний ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар ҳамда бўнак тўловлари амалга оширилади. Бундан ташқари, ўтказма воситачилигига қайта ҳисоблашлар ва бошқа операциялар бажарилади.

Банк ўтказмаси почта ёки телеграф орқали, тегишли почта ёки телеграф тўлов топшириқномалари, замонавий шароитда эса – СВИФТ тизими орқали амалга оширилади.

Банк ўтказмалари бошқа тўлов шакллари билан бир қаторда ишлатилиши мумкин (масалан, инкассо ҳамда кафолатлар билан). Экспортёр ўтказмаларни банк кафолати билан бир қаторда ишлатишни афзал кўради. Чунки импортёр томонидан товарлар учун ҳақ тўланмаган тақдирда мазкур банк ўзининг кафолати эвазига экспортёрга ҳақ тўлаб беради. Сотиб олинган товарларга пул ўтказмасини амалга оширишда импортёр кўп ҳолатларда банк кредитидан фойдаланади. Мазкур кредитнинг муддати аккредитив ҳолатидаги кредит муддатидан қисқароқдир.

Банк пул ўтказмасининг иқтисодий мазмуни товар ёки хизматларга улар етказиб берилмасдан туриб (бўнак тўловлари) ёки уларни импортёр томонидан олинганидан сўнг (очиқ ҳисобвараг шаклидаги ҳисоб-китоблар) пул тўланаётганлигига боғлиқ бўлади.

**Бўнак шаклидаги ҳисоб-китоблар.** Мазкур ҳисоб-китоблар экспортёр учун ниҳоятда самаралидир, чунки товарлар етказиб берилгунга қадар импортёр томонидан уларга ҳақ тўланади (баъзида товарлар ишлаб чиқарилгунга қадар). Агарда импортёр товарларга бўнак шаклида ҳақ тўласа, унда у экспортёрни кредитлаган бўлади. Масалан, шартнома қийматининг бир қисмига бўлган бўнак тўловлари, хорижда обьектлар курилиши билан боғлиқ шартномалар шартларига киритилади. +иймати юқори бўлган, ҳамда алоҳида буюртма асосида ишлаб чиқарилган жиҳоз, сув кемалари, ҳаво кемаларининг импорти шароитида ҳам қисман амалга ошириладиган бўнак тўловлари қўлланилади. Халқаро амалиёт талабларига мувофиқ бўнак шаклидаги тўловлар шартнома суммасининг 10 фоизидан 33 фоизигача қисмини ташкил этади. Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ва товарлар етказилмаслиги ҳолатида экспортёр банки олинган бўнакни экспортёрнинг топшириғига асосан, бўнак тўлови суммаси ҳажмида, импортёр фойдасига қайтаиш тўғрисида кафолат беради. Бундан ташқари, бир қатор товарларга бўнак билан ҳақ тўлаш тартиби қабул қилинган. Ушбу товарларга, қимматбаҳо металлар, ядро ёқилғиси, қурол-аслаҳа ва бошқа шу кабилар киради. Зикр этилган ҳисоб-китоб шартларига импортёрнинг розилиги унинг мазкур товарлар етказиб берилиши ёки манфаатлари кафолатларда мавжуд бўлган экспотёр тазиيқига боғлиқдир.

**Очиқ ҳисоб варақ бўйича ҳисоб-китоблар.** Уларнинг моҳияти товарлар олинганидан сўнг импортёрнинг экспортёрга бўлган мунтазам тўловлари дадир. Жорий қарздорлик суммасининг ҳисоби савдо бўйича ҳамкорларнинг китобларида юритилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли очик ҳисобварақ бўйича кредит билан боғлиқдир. Очик ҳисобварақ бўйича қарздорликни сўндириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар тартиби контрагентлар орасида тузилган келишув шартлари билан белгиланади. Одатда белгиланган муддатлардаги мунтазам тўловлар кўзда тутилади (товар етазиб берилганидан сўнг ёки ойни бошида ёки охирида импортёр томонидан товарлар қайта сотиб бўлинганидан сўнг). Ҳисоб-китобларнинг солиштирма текшируви амалга оширилганидан сўнг, очик ҳисобварақ бўйича қарздорликнинг якуний сўндирилиши банклар орқали, одатда банк ўтказмаси ёки чекидан фойдаланган ҳолда, амалга оширилади. Шу сабабли, банк статистикаси очик ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китобларни кўп ҳолатларда банк ўтказмалари сифатида ҳисобга олади.

Очиқ ҳисобварақ қўйидаги шахслар орасидаги ҳисоб-китобларда ишлатилади: анъанавий савдо алоқалари билан боғлиқ фирмалар орасида; товарлар экспорти юзасидан Трансмиллий корпорация ва унинг хориж филиаллари орасида; экспортёр ва брокер фирмаси орасида; экспортёр иштироқидаги аралашма фирмалар орасида; омбордан сотишга мўлжалланган, консигнацияга жўнатилаётган товарларга. Товарларни мунтазам етказиб бериш ҳолатларида, узоқ муддатли самарали ҳамкорликнинг ўзаро ишонч билан қўллаб-қувватланиши ҳамда сотиб олувчи – нуфузли фирма бўлган шароитда, одатда, очик ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар қўлланилади. Мазкур ҳисоб-китоб шаклига хос бўлган хусусиятли тарафлардан бири шундаки, товарлар пуллар ҳаракатига нисбатан тезроқ ҳаракатланади. Ҳисоб-китоблар тижорат кредити билан боғлиқ бўлган ҳолда, товар етказиб бериш жараёнидан ажратилган ҳамда ушбу ҳолатда экспортёр одатда импортёрни кредитлайди. Агар, контрагентлар орасида товарлар ўзаро етказиб берилса (бир-биридан сотиб олса) ва ҳисоб-китоблар товар етказиб берилганидан сўнг очик ҳисоб варақ бўйича амалга оширилса, унда ушбу ҳисоб-китоблар контокоррент (ягона ҳисоб варақ)да акс эттирилади, икки тарафлама кредитлаш ва ўзаро талаблар ҳисоби амалга оширилади.

Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоблар импортёр учун ниҳоятда қулайдир. Чунки у, товарлар экспортёр томонидан етказиб берилганидан сўнг ҳақ тўлайди ва фойдаланаётган кредит учун фоиз сифатида алоҳида ҳақ тўламайди, ҳамда етказиб берилмаган ёки қабул қилинмаган товар учун ҳақ тўлаш хатаридан холис бўлади. Экспортёр учун эса ушбу ҳисоб-китоб шакли нисбатан манфаатли эмасдир. Чунки, ушбу ҳисоб-китоб шакли тўловни ўз вақтида амалга оширилишининг ишончли кафолатларига эга эмас, экспортёрнинг муомаладаги капитал ҳаракати тезлигини пасайтиради ва айрим ҳолатларда банк кредитига мурожаат этишга мажбур этади. Ушбу ҳисоб-китоб шаклидан бир томонлама фойдаланиш шароитида импортёр

томонидан товарларга ҳақ тўламаслик хатари, экспортёр томонидан товарларни тўлиқ етказиб бермасликнинг бўнак тўловларидағи хатарига ўхшашдир.

Очиқ ҳисобварақ бўйича ҳисоб-китоб шакли асосан тарафлар орасида ўзаро ишонч мавжуд бўлган ҳамда контрагентлар навбатма-навбат сотувчи ва сотиб олувчи ролида майдонга чиқаётган ҳолатларда қўлланилади. Бир томонлама ҳисоб-китобларда очик ҳисоб варақ бўйича ҳисоб-китоблар камдан-кам қўлланилади.

Экспорт ҳисобига олинган алмашинадиган валютадаги даромадлар ҳисоби юритиладиган “эскроу” маҳсус ҳисобварағини очиш тўғрисидаги келишувдан баъзи ҳолатларда фойдаланилади. Ушбу кўринишдаги ҳисоб варақнинг мавжудлиги импортёрнинг тўлов қобилиятига экспортёр ишончини оширади.

Бартер битимлари бўйича ҳисоб-китоблар (жаҳон товар алмашувининг 10-15%) умумқабул қилинган шаклларда (очик ҳисоб-варақ, аккредитив ва бошқалар) амалга оширилади.

**Векселлар ва чеклардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш.** Халқаро ҳисоб-китобларда экспортёр томонидан импортёрга қарата чиқарилган ўтказиладиган векселлар ишлатилади. Тратта – бу, қонун билан белгиланган шаклда тузилган ҳамда ўзида кредитор (трассант)нинг қарз олувчи (трассат)га белгиланган муддатда маълум бир суммани векселда қайд этилган шахс (ремитент)га ёки тақдим этувчига тўлаш тўғрисидаги шартсиз буйругини мужассам этган хужжатдир. Вексель бўйича тўлов жавобгарлиги импортёр ёки банк сифатидаги акцептант бўйнидадир. Банклар томонидан акцептланган тратталарни “ҳисобга олиш” операцияси орқали нақд пулга осон айлантириш мумкин. Тратталар чиқарилиши ва уларга ҳақ тўланишининг шакллари, реквизитлари ва шартлари 1930 йилда Женева вексель конвенцияси томонидан қабул қилинган “Бирхиллаштирилган вексель қонуни” га асосланган вексель қонунчилиги билан мувофиқлаштирилади. XII–XIII асрларда пайдо бўлган ва тақдим этувчи (одатда савдогар)га маҳаллий валютада маълум бир сумма тўлаш тўғрисидаги илтимосни ўзида мужассам этган йўлланма хатлар – тратталарнинг дастлабки шакллари эди. Товар-пул муносабатларининг тараққий этиши ва хўжалик алоқаларининг глобаллашуви муносабати билан вексель универсал кредит ҳисоб-китоб ҳужжатига айланди. Траттадан инкассо ва аккредитивга қўшимча равишда фойдаланиш, кредит ва валюта тушумини олиш ҳукуқини беради.

Векселдан фойдаланган ҳолдаги ҳисоб-китобларда экспортёр тратта ва товар ҳужжатларини, импортёrdан валютани олувчи, ўз банкига инкассога беради. Импортёр фақатгина тўловни амалга оширганидан ёки траттани акцептлаганидан сўнг ушбу ҳужжатларнинг эгасига айланади.

Таянч иборалар: аккредитив, инкассо, чек, SWIFT, вексель, пул ўтказмаси

## Назорат саволлари

1. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш асослари.
2. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.
3. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва унинг туркумланиши.
4. Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловлар.
5. Тўлов топшириқномалари, уларнинг камчиликлари ва афзаликлари.
6. Чеклар ва уларни турлари.
7. СВИФТ тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.
8. Инкассо ва унинг турлари.
9. Соф инкассо ва ҳужжатли инкассо.
10. Ҳужжатли инкассонинг афзаликлари ва камчиликлари.
11. Банклараро клиринглар<sup>43</sup>.
12. Аккредитив ҳисоб-китоб шаклида ҳужжатлар айланиши, афзаликлари ва камчиликлари.

## Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент, 1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнёе финансёу. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнёе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнўе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
10. Иванов Н.С. Международнёе кредитнўе отношения. Москва, 2002 г.
11. Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
12. Красавина Л.Н. Международнёе расчетнўе отношения. Москва, 2004 г.
13. Красавина Л.Н. Международнёе валютнўе. кредитнўе и финансовёуе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
14. Международнёе валютнўе. кредитнўе и финансовёуе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
15. Наговиҳина А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
16. Рубцов Б.Б. Зарубежнўе фондовёу рўнки. Москва, 2003 г.
17. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.

<sup>43</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 473-бет.

- 18.Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнўй опўт. 2003 г.
- 19.Редход К., С. Хъюс. Управление финансўми рисками. Москва, 2001 г.
- 20.Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
- 21.Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
- 22.Семенов К.А. Международнўй валютнўе и финансовое отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
- 23.Моисеев С.Р. Международнўй валютнўе и кредитнўе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

#### **Интернетдан олинган вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.peugeotfa.ru](http://www.peugeotfa.ru)
7. [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru)
8. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)
9. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
- 10.[www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
- 11.[www.Rambler.ru](http://www.Rambler.ru)
- 12.[www.Google.ru](http://www.Google.ru)
- 13.[www.Yandex.ru](http://www.Yandex.ru)
- 14.[www.Referat.ru](http://www.Referat.ru)
- 15.[www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
- 16.<http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
- 17.<http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
- 18.<http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
- 19.<http://www.boj.or.jp/en/siryo.htm>
- 20.[www.cer.uz](http://www.cer.uz)

#### **9-МАВЗУ: ХАЛ+АРО КРЕДИТЛАР, ХАЛ+АРО КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА +АРЗДОРЛИК МУАММОСИ. ХАЛ+АРО КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ.**

1. Халқаро кредитнинг моҳияти ва тамойиллари<sup>44</sup>
2. Халқаро кредит шакллари
3. Халқаро кредитнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва роли.

---

<sup>44</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 473-бет.

#### 4. Ссуда капиталлари бозори

Халқаро кредит деганда, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ссуда капиталининг ҳаракати тушунилади. Кредит муносабатларининг субъектларига корхоналар, банклар, давлат муассасалари, халқаро ва минтақавий валюта ва молия-кредит ташкилотлари киради. Кредит обьекти бўлиб эса давлатлараро миқёсда бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг вужудга келиши ва амал қилиши жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва айирбошлишнинг миллий чегаралардан чиқиши, хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, капиталнинг марказлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Бутун дунё хўжалик алоқаларининг интенсивлашиши ва глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашиши натижасида халқаро кредит ҳажмининг кескин ошишига ва ундан фойдаланиш соҳаларини кенгайишига жиддий таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда халқаро кредитнинг ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ҳажмининг ортиб боришидан тезроқ ўсиши ҳам бундан далолат беради.

Халқаро кредит иқтисодий категория сифатида бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ тарзда ҳамда фойда, баҳо, валюта курси каби бошқа категориялар билан узвий боғлиқ ҳолда амал қиласди.

Халқаро кредитнинг манбалари бўлиб корхоналарнинг вақтинча бўш турган пул маблағлари, аҳоли-маблағлари, давлатнинг пул жамғармалари ва халқаро муассасаларнинг валюта маблағлари хизмат қиласди.

Товар ишлаб чиқариш жараёнида у ёки бу тармоқ, корхона ва хўжаликларда валюта маблағларига эҳтиёжнинг юзага келиши халқаро кредитдан фойдаланишни тақозо этади. Халқаро кредит воситасида халқаро миқёсда товар, хизмат ва капитал ҳаракатининг ташқи муомаласи тезлашади ва кенгаяди.

Халқаро кредит операцияларини ўтказишида қуйидаги тамойилларга риоя этилиши зарур:

1. +айтаришлик;
2. Муддатлилик;
3. Тўловлилик;
4. Таъминланганлик;
5. Мақсадли фойдаланиш.

Халқаро миқёсда ссуда капитали ҳаракати хусусиятларини ифода этувчи халқаро кредит қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини таъминлаш учун мамлакатлар ўртасида ссуда капиталини қайта таъминлаш;
2. Халқаро ҳисоб-китобларда тўлов ва ҳисоб-китобнинг кредит воситаларини рағбатлантириш;

3. Бўш турган пул маблағларини такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш йўли билан ишлаб чиқариш ва айирбошлишни тезлаштириш;
  4. Капиталнинг тўпланиши ва марказлашувини тезлаштириш.
- Такрор ишлаб чиқариш жараёнини қуидаги йўналишларда тезлаштиради:

1. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқаларни рағбатлантиради. Натижада бозордаги ялпи ижтимоий талабни оширади ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиради;
2. Халқаро кредит инвестицияларни жалб қилиш йўли билан товар ишлаб чиқаришни кенгайтиради, янги иш ўринларини яратишга шарт-шароит яратади;
3. Халқаро кредит ёрдамида мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг валюта ва молия-кредит операциялари юзасидан ҳисоб-китоб ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишга шароит яратади.

Ишлаб чиқариш ва айирбошлишнинг халқаро миёсда трансмиллийлашуви, хўжалик алоқаларининг дунё мамлакатлари ўртасида глобаллашуви халқаро кредитнинг турли шаклларини ривожланишига объектив асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро кредит шаклларини кредит муносабатларининг у ёки бу белгисига қараб таснифлаш мумкин. (1-жадв. га қаранг)

Халқаро кредит манбаларига курс: ички, ташқи, аралаш ва ташқи савдони молиялаш шаклида бўлиши мумкин. Бу усусларнинг барчаси товар ҳаракатининг барча босқичларига хизмат қилади.

Фойдаланиш соҳаси яъни қарз маблағлари қайси ташқи савдо битими учун берилишига қараб халқаро кредит қуидагича таснифланади:

- Ташқи савдо ва хизматлар билан боғлиқ бўлган тижорат кредитлари;
- Бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган молиявий кредитлар;
- Товар, иш ва хизматлар ҳамда капитал четга чиқариш каби аралаш шаклда бериладиган кредитлар. Масалан, пудрат ишларини амалга ошириш учун берилиши мумкин.

Кредит бериш шаклига кўра товар ва валюта кредитларига бўлинади.

Ўз навбатида валютада бериладиган кредитлар миллий, алмашинувчан ва халқаро валюта бирлигига бўлиши мумкин. Миллий валюта тури қарз берувчининг ёки қарз мамлакат валютасида тақдим этилади. Кўпинча халқаро кредитлар халқаро валюта бирлигига (СДР, ЭКЮ, Евро) расмийлаштирилади.

Муддатига кўра қисқа муддатга (1 йилгача), ўрта муддатга (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатга (5 йилдан юқори) мўлжалланган халқаро кредитлар амал қилади.

+исқа муддатли кредитлар айланма маблағлардаги етишмовчиликни молиялаштиришга мўлжалланган бўлса, узоқ ва ўрта муддатли кредитлардан асосий капитални шакллантириш, машина ва жиҳозлар сотиб олиш, ўрнатиш, курилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилади. қисқа муддатли кредитлар муддатининг ўзайтирилиши уларни ўрта ва узоқ муддатли кредит шаклига айлантириш мумкин. Бундай ҳолларда давлат фаол иштирок этиб, кафолатчи ролини бажаради.

Халқаро кредитларнинг таъминот нуқтаи назаридан таъминланган ва таъминланмаган турларга бўлиниши кредит механизмининг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Таъминланган кредитларда таъминот обьекти бўлиб товарлар, товар хужжатлари, қимматбаҳо қофозлар, қўчмас мулк ва бошқа бойликлар хизмат қиласди. Товарларни гаровга қўйиш билан кредитнинг қайтарилиши таъминланади.

Ишонч кредити одатда карз олувчининг олинган кредитни аниқ муддатда қайтариш мажбурияти асосида берилади. Ушбу кредитнинг хужжати сифатида фақат қарз олувчининг имзоси қайд этилган соло-вексел хизмат қиласди. Бу кредитнинг бошқа шаклларига контокоррент ва овердрафт киради.

Кредит бериш техникасига қўра халқаро кредитнинг қуидаги турлари мавжуд: молиявий (нақд пул) кредитлари, импорт қилувчи ёки унинг банки томонидан траттант акцептлаш йўли билан тақдим этиладиган акцептли кредитлар депозит сертификатлари, облигация заёмлари ва бошқалар.

Кредит берувчининг турига қараб: хусусий (фирма, банк ёки воситачи-брокерлар), ҳукумат, хусусий фирма ва давлат биргалиқда бериладиган аралаш кредитларга бўлинади.

Тижорат кредити одатда экспорт қилувчи фирма томонидан тўловни кечикириш йўли билан товарни импорт қилувчига берилади. Шунинг учун уни фирма кредити деб ҳам юритишади. Фирма кредитининг муддати етказиб берилаётган товарнинг тури, дунё бозоридаги конъюнктура шароитлари ва бошқа омилларга боғлиқ равишда 2-7 йилни ташкил этади. Четга машина ва мураккаб жиҳозларни чиқариш ҳажмининг йилдан – йилга ортиб бориши натижасида фирма кредитининг муддатини ҳам узайтирмоқда. Фирма кредити вексель ёки очиқ ҳисоб йўли билан расмийлаштирилади.

Вексел асосида кредитлашда экспорт қилувчи товарни сотиши тўғрисида битим тузгандан сўнг, импорт қилувчига ўтказма вексел (тратта) беради. Импорт қилувчи эса тижорат хужжатларини олгандан сўнг траттани акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда пулни тўлашга розилик беради.

Очиқ счет бўйича кредитлаш асосида экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида тузилган шартнома

Халқаро кредит манбалариға кўра ички, ташқи, аралаш ва ташқи савдони молиялаш шаклида бўлиши мумкин. Бу усулларнинг барчаси товар ҳаракатининг барча босқичларида хизмат қиласи.

Фойдаланиш соҳаси, яъни қарз маблағларининг қайси ташқи савдо битими учун берилишига қараб халқаро кредит қўйидагича таснифланади:

- Ташқи савдо ва хизматлар билан боғлиқ бўлган тижорат кредитлари;
- Бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган молиявий кредитлар;
- Товар, иш ва хизматлар ҳамда капитални четга чиқариш каби аралаш шаклда берилладиган кредитлар. Масалан, пудрат ишларини амалга ошириш (инжиринг) учун берилиши мумкин.

Кредит бериш шаклига кўра товар ва валюта кредитларига бўлинади.

Ўз навбатида валютада берилладиган кредитлар миллий, алмашувчан ва халқаро валюта бирлигига бўлиши мумкин. Миллий валюта тури қарз берувчининг мамлакат валютасида тақдим этилади. Кўпинча халқаро кредитлар халқаро валюта бирлигига (СДР, ЭКЮ, Евро) расмийлаштирилади.

Муддатига кўра қисқа муддатга (бир йилга), ўрта муддатга (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ муддатга (5 йилдан юқори) мўлжалланган халқаро кредитлар амал қиласи.

+исқа муддатли кредитлар айланма маблағлардаги етишмовчиликни молиялаштиришга мўлжалланган бўлса, узоқ ва ўрта муддатли кредитлардан асосий капитални шакллантириш машина ва жиҳозлар сотиб олиш, ўрнатиш, курилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилади.

+исқа муддатли кредитлар муддатининг узайтирилиши уларни ўрта ва узоқ муддатли кредит шаклига айлантириши мумкин. Бундай ҳолларда давлат фаол иштирок этиб, кафолатчи ролини бажаради.

### **Тижорат кредити тавсифи<sup>45</sup>.**

Ижобий томонлари:	Салбий томонлари:
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Экспортни кредитлашда давлатнинг тартибга солиши механизмидан холилиги;</li> <li>2. Тижорат битимларида давлат аралашувининг чекланганлиги;</li> <li>3. Тижорат битимида иштирок этувчиликнинг кредит қиймати ва баҳоси бўйича эркин келишуви;</li> <li>4. Кредит муддатининг узайтириш мумкинлиги;</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Экспорт қилувчининг маблағлари ва молиявий ҳолатига боғлиқ бўлган сабабли кредит ҳажми ва муддатининг чекланганлиги;</li> <li>2. Кредитнинг бир қисми банк муассасаси томонидан таъминланиши;</li> <li>3. Истеъмолчининг факат битта ишлаб чиқарувчи билан боғланиб қолиши;</li> <li>4. Товар нархининг</li> </ol>

<sup>45</sup> Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004

	одатдагидан юқори бўлиши.
--	---------------------------

Очиқ счет бўйича кредитлаш асосида маҳсулотни экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида тузилган шартнома ётади. Бу ҳужжатга кўра, мол етказиб берувчи истеъмолчининг счётига сотилган ёки жўнатилган товарлар қийматини қарз сифатида ёзиб қўяди. Импорт қилувчи эса ушбу суммани тўлаши лозим бўлади. Бу кредитлаш амалиёти товарлар муентазам етказиб берилиш ҳолатларида қарзни вақти - вақти билан узиб туришни назарда тутади. Фирма кредитининг бешдан бир шакли сифатида импорт қилувчининг аванс тўлови ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда банк кредитининг роли йилдан – йилга ортиб бормоқда. Банк кредити товар ва бошқа гаровлар асосида қарз беришни ифодалайди. Баъзида доимий шерикларга ишонч кредити ҳам берилиши мумкин. Ушбу кредитнинг тижорат кредитларидан бир қанча устунликлари бор. Масалан, қарз олувчи олинган кредитдан хоҳлаган товарини сотиб олиши мумкин. Кўпинча кредит ҳажми ва муддати истеъмолчининг эҳтиёжларига мувофиқ келади, давлат маблағларининг жалб қилиниши ва давлат кафолатини тез – тез қўллаш туфайли кредит учун фоиз нисбатан паст бўлиши мумкин. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодиёт операцияларини кредитлашдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кредит ресурсларини кўпайтириш уларни самарали жойлаштириш ва рискни камайтириш мақсадида банклар ўзаро турли консорциум, синдикат ва банк пулларига бирлашадилар.

Банк кредитининг экспорт ва молиявий турлари мавжуд. Экспорт кредити - бу экспорт қилувчи мамлакат банкининг импорт қилувчи мамлакат банкига турли машина, жиҳоз ва дастгоҳлар сотиб олишда бериладиган кредит ҳисобланади. Бу ҳолда берилаётган кредит сотиб олинган товарга боғланади, яъни кредит мақсадли берилади. Бундай кредит шакли 60 йиллардан сўнг истеъмолчига қўлланилмоқда.

### Истеъмолчига бериладиган кредит тавсифи.

Истеъмолчига бериладиган кредитнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, экспорт қилувчининг банки ўзининг мижозини эмас балки, ундан товар сотиб олаётган бошқа мамлакатдаги импорт қилувчини ва унинг банкини кредиттайди. Одатта бу кредит товар сотиб олишни амалга ошираётган фирмаларга берилади.



Молиявий кредит ёрдамида қарз олувчи исталган бозордан товарларни сотиб олиши мүмкин. Шунинг учун бу кредит товар етказиб беришга боғлиқ бўлмай, кўпинча ташқи қарзларни қоплаш, валюта курсини қўллаб – кувватлаш ёки валюта авуарларини (заҳираларини) тўлдириб туриш учун бериб турилади.

Экспорт операцияларини кредитлашнинг яна бир кенг тарқалган шакли – акцептли – рамбурсли кредитдир. Акцептли – рамбурсли кредит асосида экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат томонидан акцептланади ва импорт қилувчи томонидан вексел суммасини акцептлаган банкка ўтказишни биргаликда амалга ошириш ётади.

Акцептли – рамбурсли кредитлаш жараёни қуйидаги тартибда ва кетма – кетлиқда амалга оширилади:

1. Акцептловчи банк орқали траттани акцептлаш тўғрисида топшириқ берилади.
2. Акцептлаш тўғрисида шартнома тузилади.
3. Траттани акцептлаш мажбуриятини назарда тутувчи чақириб олинмайдигин акцептли аккредетив тақдим этилади.
4. Товарни жўнатиш амалга оширилади.
4. а) тратта ҳисобга олинади ва тижорат хужжатлари банкка етказиб берилади.
5. Акцептлаш учун тижорат ва тратта хужжатлари акцептловчи банкка берилади.
6. Акцептланган тратта экспорт қилувчига қайтарилади.
7. Тратта қайта ҳисобга олинади.
8. Тижорат хужжатлари жўнатилади.
9. Тижорат хужжатлари импорт қилувчига тилхат воситасида берилади.
10. Рамбурслаш – вексел суммасини ўтказиш ва таъминотни қайтариш амалга оширилади.
11. Вексел суммаси акцептловчи банкка ўтказилади.
12. Муддати етиб келиши билан траттани тўлов учун тақдим этади.

Ташқи савдо операцияларида фойдаланадиган акцептли рамбурсли кредитнинг таъминланганлик даражаси юқори ҳисобланади. Акцептли-рамбурсли кредитнинг шартлари (лимитли, муддатли, фоиз ставкаси, расмийлаштириш тартиби, фойдаланиш ва қоплаш шартлари) банклар

ўртасида олдиндан келишиб олинади. Агар товарлар реализацияси билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бу молиявий кредит ҳисобланади.

Тижорат ва банк кредитининг оралиқ шакли бўлиб брокерлик кредити хизмат қиласи. Тижорат кредити каби ушбу кредит товар олди-сотдиси билан боғлиқ бўлиб, бундан ташқари брокерларнинг банклардан қарз олиши туфайли банк кредитига ҳам алоқадорлиги бор. Брокерларнинг комиссия ҳақи битимларнинг 2-3% ини ташкил этади. Асосан Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Бельгия каби мамлакатларда қўлланиб келинган ушбу кредитлашнинг салмоғи кейинги йилларда пасайиб бормокда.

Кейинги йилларда халқаро кредитлашнинг замонавий қўринишларидан бўлган халқаро иқтисодий алоқаларда кенг қўлланилаётган банк амалиётлари – лизинг, факторинг, форфейтинг кабиларга эътибор кучаймоқда.

Халқаро кредитнинг жорий унсурларига қуйидагилар киради:

- Кредит валютаси
- Тўлов валютаси
- Кредит суммаси
- Кредит муддати
- Кредитдан фойдаланиш ва қайтариш шартлари
- Таъминот қиймати ва тури
- Рискларни суғурталаш усуллари

Кредит валютаси: Халқаро кредит муносабатларида кредит берилаётган валюта катта аҳамиятга эга бўлиб, бунга инфляция ва валютанинг барқарорлик даражаси билан боғлиқ бўлган кредитор риски таъсир этади. Кредит валютасини белгилашда қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

- Валюта барқарорлиги
- Фоиз ставка даражаси
- Халқаро ҳисоб-китоб шакли
- Инфляция даражаси
- Валюта курси
- Динамикаси

Кредит берилаётган валюта ва тўлов валютаси бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Халқаро кредитларда миллий валюта (қарз олувчининг ёки берувчининг), алмашувчан валюта(А+Ш доллари, Япония иенаси, Англия фунт-стерлинги ва х.к.) ва халқаро валюталарнинг (евро, ЭКЮ) барча туридан фойдаланилади.

Кредит суммаси деганда қарз олувчига товар ёки пул шаклида қарз бериладиган қарз суммаси тушунилади. Тижорат кредити суммаси тижорат битимида қатъий белгиланса, банк кредити(кредит молияси) кредит келишуви ёки телекс алмашувлар ёрдамида аниқланади. Кредит бир ёки бир неча транш (қисм) асосида берилиш мумкин. Халқаро амалиётда кредит олинаётган машина ва жиҳозлар қийматининг 85% ини ташкил этиб, қолган

қисми аванс, қарз пул ёки экспорт қилувчининг импорт қилувчига берадиган кафолати ёрдамида қопланади.

Халқаро кредитнинг муддати бир қанча омиллар таъсирида белгиланади. Уларга: кредит мақсади, шу каби кредитларга бўлган талаб ва таклиф нисбати, битим қиймати, миллий қонунчилик, кредитлаш амалиёти, давлатларо келишув ва бошқалари киради.

Берилаётган кредитларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида уни тўлиқ ва ўрта муддатли турга ажратилади.

Тўлиқ муддатли кредит фойдаланишнинг бошланиши соҳасидан то тўлиқ қоплашгача муддатни ўз ичига олади. Тўлиқ муддат (тм) таркибига олинган кредитдан фойдаланиш даври (Фд), фойдаланилган кредитнинг қоплаш муддатини кечикиришни назарда тутувчи имтиёзли давр (Ид) ҳамда асосий ва фоиз бўйича қарзни қоплаш даври (Кд) киради. Уни аниқлаш қўйидагича бўлади:

$$ТМ=Фд+Ид+Кд$$

Банк кредитидан фарқли равишда тижорат кредитидан фойдаланиш муддати шартномага кўра товарни етказиб бериш муддатига мос келади. Бунда тўлиқ муддатнинг бошланиши бўлиб экспорт қилувчи томонидан берилган траттанинг импорт қилувчи томонида акцептлаш санаси хизмат қиласи. Тижорат битимлари учун берилган кредитларда имтиёзли давр муҳим аҳамиятга эга. Масалан, машина ва жиҳозларни сотиб олиш валюта ўрнатиш учун берилган кредитни қоплаш даври маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш даврига мувофиқлаштириш зарурияти имтиёзли кредитлашни назарда тутади. Имтиёзли кредит давлат кафолати асосида бериладиган узок муддатли халқаро банк кредит, концерциумлар ўртасида еврокредитлар машина, жиҳоз, саноат комплексларини тўлиқ ҳажмда етказиб бериш, чет элда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кенг қўлланилади.

Тўлиқ муддатнинг камчилиги шундан иборатки, у кредитнинг барча суммаси қарз олувчи ихтиёрида қанча муддат бўлганлигини кўрсатмайди. Шунинг учун турли шартларда берилган кредитларнинг самарадорлигини аниқлашда берилган қарз суммаси ўртacha қайси даврга тўғри келишини ифодаловчи ўрта муддатдан фойдаланилади. Ўрта муддат ( $\bar{Y}M$ ) ўз ичига имтиёзли даврни ва кредитдан фойдаланиш ҳамда қоплашнинг ярмини олади.

$$\bar{Y}M=1/2\Phi_d+Id+1/2+D$$

Мисол учун кредит 1999 йил бошида берилган.

	Тўлиқ муддат	Ўрта муддат
Фойдаланиш муддати 1999-2002 йил	4	2
Имтиёзли давр 2003-2004 йиллар	2	2
+оплаш даври 2005-2009 йил	5	2,5

Жами:	11	6,5
-------	----	-----

Агар кредитдан фойдаланишда уни қоплаш бир меъёрда тўланса, ўрта муддатни қуидагича топилади:

$$YM = \frac{KK_1 + KK_2 + \dots + KK_n}{KC}$$

Бунда:  $KK_1, KK_2, \dots, KK_n$  – аниқ санага қопланган қарз суммаси  
 $KC$  – кредит суммаси;

Халқаро кредитлар қоплаш шартларига кўра қуидагиларга бўлинади:

- Келишилган давр давомида тенг қисмлар билан бир меъёрда қопланадиган кредитлар,
- Олдиндан тузилган жадвал асосида тенг бўлмаган қисмлар билан тўланадиган кредитлар,
- қарзни ёппасига бир марта қоплашга асосланган кредитлар,
- Аннуитетли (қарзнинг асосий суммаси ва фоизларини ҳар йили тенг қисмлар билан узиш) кредит,

Экспортни кредитлаш амалиётига мувофиқ кредитни қайтаришнинг бошланиш мезони сифатида экспорт қилувчининг шартномада кўрсатилган муддатда ўз мажбуриятларини бажариш санаси белгиланади.

Одатда кредитни қайтаришни бошлаш ва якунлаш шарнома ва кредит келишувларида белгиланган бўлади. Бундан мустасно тариқасида, мол етказиб беришнинг ўртача тортилган санасини аниқлаш қуидагича топилади.

$$C_{\text{ўр.т.}} \cdot k(C_1 * D_1) + (C_2 * D_2) + \dots + \left( \frac{C_n * D_n}{C_{\text{ш}}} \right);$$

Бу ерда:  $C_{\text{ўр.т.}}$  - мол етказиб беришнинг ўртача тортилган санаси;

$C_1, C_2, \dots, C_n$  – 1, 2, …, n марта етказиб берган товар суммаси,  
 $D_1, D_2, \dots, D_n$  – товарларни 1, 2, …, n марта етказиб бериш даври,  
 $C_{\text{ш}}$  – шартнома суммаси,

Кредит бўйича навбатдаги тўлов суммаси эса қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$S = \frac{K_c * P}{1 - \frac{1}{(1 + P)^n}};$$

Бу ерда:

$S$  – тўлов суммаси,

$P$  – фоиз ставкаси,

$n$  – қарз асосий суммаси ва фоизларни қоплаш давр сони.

Кредит қиймати. Халқаро кредит амалиётида кредитнинг шартнома қиймати ва яширингандык қиймати қўлланилади. Кредитнинг шартнома қиймати томонлар ўртасидаги келишув асосида белгиланиб, унинг таркиби асосий ва кўшимча элементлардан иборат. Асосий элементларга асосий сумма, фоизлар ва кредит юзасидан комиссия гаровини расмийлаштириш харажатлари киради.

+ўшимча элементлар эса қарз олувчининг учинчи шахсларга тўлайдиган (масалан, кафолат учун) суммаларидан иборат бўлади.

Комиссия турларига қўйидагилар киради.

- Музокаралар учун комиссия
- Иштирок этиш комиссияси
- Бошқариш учун комиссия
- Агентлик учун комиссия
- қарз олувчи ихтиёрига тегишли маблағни тақдим этиш мажбурияти учун комиссия

Халқаро кредит алоқаларида фоиз ставкаси, миллий кредит тизимидағи фоиз даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Суда фоизига таъсир этувчи омилларнинг халқаро валюта ва молия – кредит муносабатлари билан боғлиқлиги туфайли фоиз ставкаси даражаси миллий ставкалардан бирмунча фарқ қиласи. Жаҳон бозоридаги рақобатчилик натижасида фоиз ставкалари тез – тез ўзгариши миллий ва минтақавий иқтисодиётда бекарорлик, инфляциянинг кучайиши, валюта курсининг тебраниши кабилар билан изоҳланади.

Фоиз ставкаси даражасига таъсир этувчи омиллар:

- қарз олувчи мамлакатидаги валюта, молия – кредит, иқтисодий ва сиёсий аҳвол.
- Лойиҳа рискларининг характеристики.
- Кредит манбалари.
- Кредит қийматини тартибга солиш бўйича халқаро келишувлар.
- Фоиз ставкаси турлари (сўзиб юрувчи, қатоий ва аралаш).
- Рақобатдаги таклифларнинг мавжудлиги.
- Кредит муддати.
- Инфляция суръати.
- Кредитнинг ттижорат операцияларига боғлиқлиги.
- Жаҳон ва миллий бозорда ссуда капиталининг ҳолати.
- +арз олувчи ва кредиторнинг статуси, обрўси ва молиявий ҳолати.
- Кредит таъминот сифати.
- Кредит бўйича суғурта қопламасининг мавжудлиги.
- қарз олувчининг олинган киредитдан келишилган муддатда фойдаланиш мажбуриятининг мавжудлиги.
- Тиҷорат битимларига нисбатан кредит келишуви тузилган вақт.
- Битим суммаси.

- Кредит ва тўлов валютаси.
- Валюта курси динамикаси.

XX асрнинг охирларида қатъий фоиз ставкаси блин бир қаторда кредит бозоридаги ставкаси даражасига мувофиқ тарзда ўзгариб турувчи сузиб юрувчи фоиз ставкасини ҳам қўлланила бошланди. Сузиб юрувчи ставка асосида бериладиган кредит муддатнинг бир қисми (3—6 ой) учун фоиз даври деб аталувчи қатъий ставка қўлланилади.

Реал фоиз ставкаси – бу маълум бир давр учун инфляция суръатлари чегирилган капитал ставкадир. Агар инфляциянинг ўсиш суръати фоиз ставкасидан юқори бўлса, реал фоиз ставкаси салбий кўрсаткичга айланади.

Еврокредитлар учун халқаро фоиз ставкаларидан фойдаланиш кенг тарқалган. Бунинг учун кўпинча евровалютада амалга ошириладиган қисқа муддатли банклараро операциялар бўйича Лондондаги банклараро таклиф ставкаси қўлланилади. Шунингдек жаҳоннинг бошка молия бозорларида қуйидаги ставкалардан фойдаланадилар: Парижда – ПИБОР, Сингапурда – СИБОР, Франкфуртда – ФИБОР, Люксембургда - ЛЮКСИБОР ва бошқалар.

Кредит қийматининг яширин элементларига кредит олиш ва ишлатиш мобайнидаги ҳамда кредит келишувида кўзда тутилмаган банк харажатлари киради. Уларга тижорат кредитлари бўйича товарларнинг ошириб юборилган нархи, қарзнинг маълум қисмини мажбурий тарзда депозитга қўйиш, банк билан ҳамкор бўлган суғурта компаниясида кредитни суғурталаш, товар хужжатларини инкассациялаш учун банк комиссиянинг ошириб юборилиши ва бошқалар. Бунда банк комиссиянинг тўлови деганда банк мижозларидан кўрсатган хизматлари учун оладиган ҳаққа айтилади. Халқаро кредитни тавсифлашда унинг таъминоти муҳим аҳамиятга эга.

Кредит таъминотига асосан қуйидагилар киради:

- Максадли йиғма жамғармалар очиш,
- Активларни гаровга олиш,
- Шартнома бўйича эгалик хуқуқини ўтказиш ва бошқалар.

### **Халқаро кафолатлар**

Халқаро кафолатлар - товарлар ва капиталлар ҳаракатининг узлуксиз ва доимий ҳаракат қилинишини таъминланишига хизмат қиласи. Халқаро кафолатлар импортёрларни сифатсиз товарлар қабул қилишдан, экспортёрларни эса, товарлар ҳақини ололмай қолиш хавф-хатаридан сақлайди.

Халқаро кафолатлар халқаро операцияларнинг барча асосий турларида қўлланилади, жумладан,

1. Халқаро кредитлар бўйича бериладиган кафолатлар;
2. Экспорт-импорт операциялари бўйича бериладиган кафолатлар;
3. Тўғри ва портфелли инвестициялар бўйича бериладиган кафолатлар.

Халқаро кафолатлар Марказий банклар, тијорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.

Халқаро кафолатлар банклар ва бошқа кафолат берувчи ташкилотлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, аммо бу юқори рискли операциялардан ҳисобланади.

Халқаро кафолатларда учинчи бир томоннинг иштирок этиши шартдир. Айнан мана шу кафолат берувчи томоннинг тўловга лаёқатлилиги асосий масала бўлиб ҳисобланади. Халқаро кафолатлар халқаро миқёсда тан олинган субъектлар томонидан берилади.

Халқаро кафолатларнинг қўйидаги асосий турлари мавжуд:

1. Тўғри кафолатлар – бунда кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.
2. Воситалашган кафолатлар. Бунда кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.
3. Тасдиқланган кафолатлар. Бундай кафолатлар берилган кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса, мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Халқаро кафолатларнинг яна қўйидаги асосий шакллари ҳам мавжуд:

1. Тўлов бўйича берилган кафолатлар;
2. Сифатли маҳсулотлар етказиб бериш бўйича берилган кафолатлар (жарима, қўшимча харажатлар).

Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатлардан фойдаланиш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Республикада катта суммада молиялаштирилаётган лойиҳалар давлат секторига мансуб бўлишилиги сабабли халқаро кафолатлар ишлатувчи субъект ҳукуматдир. Бундай йирик лойиҳаларга Кўқдумалоқ нефть комплекси, Зарафшон-Ньюмонт, UzDaewooAuto ларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Олинаётган халқаро кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан олинмоқда. Халқаро кафолатларни беришда тијорат структуралари ва банкларнинг аҳамияти каттадир. Ўз Республикасида ХК ўрнини босувчи мажбуриятларни пул маблағлари билан таъминлаш тизими кенг қўлланилади.

Ўз Республикасида ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги ва бир қатор юқори ликвидли обьектларнинг йўқлиги ХК лардан республика шароитида фойдаланишга жиддий таъсир этади (хукумат облигациялари,

Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинадиган тратталар, ҳукумат томонидан кафолатланган саноат облигациялари).

Таянч иборалар: кредит, гаровли, ишончли кредит, қарздорлик, халқаро кафолатлар

### Назорат саволлари

1. Халқаро кредит деганда нимани тушунасиз?
2. Халқаро кредит операцияларини ўтказишида қандай тамойилларга риоя этилиши зарур?
3. Халқаро миқёсда ссуда капитали Ҳаракати хусусиятларини ифода этувчи халқаро кредит қандай функцияларни бажаради?
4. Фойдаланиш соҳаси яъни қарз маблағлари қайси ташқи савдо битими учун берилишига қараб халқаро кредит қандай таснифланади?
5. Кредит валютаси нима?
6. Халқаро кредитлар қоплаш шартларига кўра қандай турларга бўлинади?
7. Кредит қиймати қандай аниқланади?
8. Фоиз ставкаси даражасига таъсир этувчи қандай омилларни биласиз?
9. Кредит таъминотига нималар киради?
- 10.Халқаро кредитларда таъминот турларини айтинг.
- 11.Халқаро банк кредити.
- 12.Тижорат кредити<sup>46</sup>.
- 13.Ташқи ва ички кредитлар.
- 14.Товарли ва валютавий кредитлар.
- 15.+арз олувчи мамлакат валютасидаги, қарз берувчи мамлакат валютасидаги, учинчи бир давлат валютасидаги ҳамда халқаро ҳисоб бирликларидаги халқаро кредитлар.
- 16.Гаровли ва ишончли кредитлар.
- 17.Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси.
- 18.Мексика, Аргентина каби давлатларнинг тажрибаси.
- 19.+арздорлик муаммосини ҳал қилиш йўллари.
- 20.Лондон клуби.
- 21.Париж клуби.
- 22.Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг оқибатлари.

### Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.

---

<sup>46</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктисадий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 473-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент, 1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнёе финансў. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнёе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнёе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнёе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
10. Иванов Н.С. Международнёе кредитнёе отношения. Москва, 2002 г.
11. Кочегарова И.В. Операция наличной валютў в коммерческих банков. 2004
12. Красавина Л.Н. Международнёе расчетнёе отношения. Москва, 2004 г.
13. Красавина Л.Н. Международнёе валютнёе, кредитнёе и финансовўе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
14. Международнёе валютнёе, кредитнёе и финансовўе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
15. Наговиҳина А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
16. Рубцов Б.Б. Зарубежнёе фондовёе рўнки. Москва, 2003 г.
17. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
18. Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнўй опўт. 2003 г.
19. Редход К., С. Хьюс. Управление финансовўми рисками. Москва, 2001 г.
20. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
21. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
22. Семенов К.А. Международнўй валютнёе и финансовўе отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
23. Моисеев С.Р. Международнўй валютнёе и кредитнёе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

### **Интернетдан олинган вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)
2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.Referat.ru](http://www.Referat.ru)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
9. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>

- 10.<http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
- 11.<http://www.boj.or.jp.en/siryo.htm>
- 12.[www.cer.uz](http://www.cer.uz)

## 10-МАВЗУ. ХАЛ+АРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ.

**Режа.**

1. Халқаро молия-кредит ташкилотларининг мақсади<sup>47</sup>.
2. Халқаро Валюта Фонди: мақсади, Низоми, кредит операциялари.
3. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки: юзага келиши, бошқарув тизими ва кредит операциялари.
4. ХМК, ХРА, ХИКФ.
5. Регионал валюта кредит ташкилотлари: мақсади ва кредит операциялари.
6. Европа инвестиция банки.
7. Европа тикланиш ва тараққиёт банки.
8. Халқаро ҳисоб-китоблар банки ва унинг операциялари.
9. Ислом ривожланиш банки.
10. Осиё тараққиёт банки.

Халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларининг институционал тузилиши ўз ичига кўплаб халқаро ташкилотларни олади. Уларнинг баъзи бирлари катта ваколатлар ва ресурсларга эга бўлган ҳолда халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларини бир маромга солиб туради. Бошқалари ўзида ҳукуматлараро мухокама этиш учун форум сифатида, валюта ва кредит-молия сиёсати бўйича тавсиялар ва консенсус ишлаб чиқади. Яна бошқалари эса, ахборот йиғиш, мухим валюта-кредит ва молия муаммолари ва умуман, иқтисодда статистик ва илмий-тадқиқот нашрлари билан таъминлайди. Буларнинг айримлари ҳамма айтиб ўтилган функцияларни бажаради.

Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларини шартли равища да халқаро молия институтлари деб аташ мумкин. Бу ташкилотларни битта мақсад – мураккабликларга ва қарама-қаршиликларга тўла жаҳон хўжалигининг барқарорлиги ҳамда бутунлигини таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш бирлаштиради. Бутунжаҳон аҳамиятига эга ташкилотларга, аввало, БМТ-ХВФ ихтисослаштирилган институтлари ва Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки грухси ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти киради. БМТнинг халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларидаги бевосита роли чеклангандир. Лекин, БМТ нинг савдо ва ривожланиш Конференциясида (1964 йилдан йилига 3-4 марта) ривожланаётган мамлакатлар муаммоларини ҳал қилишда жаҳон савдо муаммолари ва бу мамлакатларнинг ривожланиши билан бирга валюта-кредит масалалари ҳам кўриб чиқилади. Конференциянинг сессиялари орасидаги даврда бу функцияни йилига икки мартадан савдо ва ривожланиш Кенгаши бажаради. Жаҳон валюта тизимининг муаммолари жаҳон савдоси ва "ривожланишга расмий ёрдам" билан боғлиқ "кўринмас" моддалари ва молиялаштириш бўйича +ўмитасида

---

<sup>47</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иктиносидий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

кўриб чиқилади. У шунингдек, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон капитал бозорига етишиш муаммолари, экспорт кредитлари бўйича кафолатларини, 70-йилларнинг ўрталаридан эса ривожланаётган мамлакатларнинг ташки қарз муаммолари билан шуғулланади.

БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси – Иқтисодий кенгаш – Европа, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси учун 4 минтақавий комиссия тузган. Осиё ва Лотин Америкаси комиссиялари Осиё ривожланиш банкини ва Америкааро ривожланиш банкини ташкил этилишига воситачилик қилган. Махсус жамғармалар бу ташкилотларни тўлдириб туради.

"Маршалл режа" сининг амалга оширилиши муносабати билан 1948 йилда тузилган Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти кейинчалик Европа тўлов иттифоқининг ташкил этилишига йўналтирилган (1950-1958 йиллар), 1961 йилда эса иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ОЭСР, Париж) алмаштирилган. Ҳозирда бу ташкилот ўз ичига 24 мамлакатни олади, бу мамлакатларнинг ҳиссасига дунё аҳолисининг 16% ва /арб дунёси ишлаб чиқаришнинг 3 дан 2 қисми тўғри келади. ИХРТ рамкасида 30 қўмита фаолият кўрсатади, шу жумладан, экспорт кредитлари шартларини келиштириш (консенсус), тўлов баланси муаммолари. ИХРТ мақсади - эркин савдога, ёш давлатларнинг ривожланишига, аъзо мамлакатларни иқтисодий ривожлантиришга ва молиявий барқарорлаштиришга қўмаклашади. ИХРТ – ўзига хос клубдир. Саноати ривожланган мамлакатлар учун фикрлар алмаштириш ва иқтисодий сиёsatни мувофиқлаштириш, валюта-кредит ва молия сиёsatини қўшган ҳолда, илмий-тадқиқот ишларини олиб боради, жаҳон иқтисодиётининг эконометрик андозалари асосида ҳалқаро қиёслаш ва тахминларнинг маркази ҳисобланади (йилига 2 мартадан).

Кредитор мамлакатларнинг Париж клуби – ривожланган мамлакатларнинг норасмий ташкилотидир. Бу ерда мамлакатларнинг давлат қарзлари бўйича тўлов муддатларини бошқариш муаммолари мухокама қилинади. Бир томонлама мораториядан қочиш мақсадида (тўловни узайтириш) кредиторлар ташки қарзларни қайта кўриб чиқиш шартлари ҳақида қарздорлар билан "юзма-юз" битимлар олиб боради. Унинг фаолиятининг бошланиши 1956 йилга, Аргентина кредиторлари Парижга қарздорлар билан музокарага таклиф қилинган пайтга тўғри келади. Париж клубининг 70-йиллардаги йиғилишлари ўрнига ривожланаётган мамлакатларнинг, кейинроқ эса Россия ва Шарқий Европа мамлакатларининг давлат қарзларини тўлаш муаммосини кескинлашгани билан боғлиқ 80-90 йиллардаги фаол ишлари алмашди. Париж клубининг мажлисларида ХВФ, Жаҳон банки ва бошқа шу каби ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этишади ва қўпинча ташки қарзларнинг жорий йилда тўланиши керак бўлган қисми кўриб чиқилади.

Лондон клуби қарздор мамлакатларнинг хусусий ташки қарзларини тартибга солиш муаммоларини мухокама қилади.

70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб давлатлараро тартибга солинишининг муаммоларини ишлаб чиқиши "еттилик" давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг ва "ёнлик гурухи", яъни "еттиликдан" ташқари Бельгия, Нидерландия, Швейцария, Швецияни ҳам ўз ичига олувчи йиғилиши даражасига ўтказилган.

Бу йиғилишларда валюта-кредит муаммоларига катта эътибор ажратилади. Ва ҳар сафар "ҳар ким ўзи учун", яъни марказга интилиш тенденцияларига қарама-қарши бўлган ҳалқаро ҳамкорлик ва либерализм тамойиллари устун чиқади.

Ҳалқаро молия институтлари, Ҳалқаро ҳисоб-китоблар (ХҲКБ, 1930 йил) банкидан ташқари, асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган.

Бу давлатлараро институтлар мамлакатларга кредитлар беради, жаҳон валюта тизимининг амал қилиш тамойилларини ишлаб чиқади, ҳалқаро валюта-кредит ва молия муносабатларини давлатлараро тартибга солиш билан шуғулланади. Ҳалқаро молия институтларининг вужудга келиши қуйидаги сабаблар билан боғлиқдир.

1. Хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг кучайиши, миллий чегаралардан ташқарига чиқувчи ТНК ва ТНБларнинг ташкил топиши.

2. Жаҳон хўжалиги алоқаларини, шу жумладан, валюта-кредит ва молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишининг ривожланганлиги.

3. Жаҳон валюта тизими, валюта, кредитлар, қимматбаҳо қофозлар, олтин жаҳон бозорларидан иборат бўлган жаҳон иқтисодиётининг бекарорлик муаммоларини ҳамкорликда ҳал қилишнинг зарурлиги.

Ривожланаётган мамлакатлар минтақавий ривожланиш банкларининг вужудга келишининг ўзига хос сабаблари бўлиб: бу мамлакатларнинг сиёсий мустақилликка эришганлиги; жаҳон ривожида улар ролининг ошиб бориши; миллий иқтисодиёт муаммоларини ҳал этиш мақсадида минтақавий ҳамкорлик ва иқтисодий интеграцияга интилишлари хизмат қиласи.

Ҳалқаро молия институтлари қуйидаги мақсадларни кўзлаб иш тутади:

Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро молия муносабатларини барқарорлаштириш мақсадида жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини бирлаштириш;

валюта ва кредит-молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишин амалга ошириш;

жаҳон валюта ва кредит-молия сиёсати тактикаси ва стратегиясини ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва мувофиқлаштириш.

Ҳалқаро молия институтларида қатнашиш даражаси ва алоҳида мамлакатларнинг таъсири уларнинг капиталдаги бўнагининг катталиги билан аниқланади. Чунки одатда "тортилган овоз" тизими қўлланилади. Жаҳон хўжалиgidаги кучлар нисбатининг ўзгариши, хусусан урушдан кейинги америкацентризмига қарши 60-йилларда З марказнинг вужудга келиши (А+Ш, /арбий Европа, Япония) ҳалқаро молия институтларининг фаолиятида

ўз аксини топмоқда. Масалан, Европа иттифоқи (ЕС) мамлакатлари ХВФ да ўз таъсирларини кучайтириб принципал саволлар бўйича вето хуқуқига эга бўлишидди. Бу институтларнинг фаолиятида З марказнинг ўзаро муносабатларини икки тенденцияси – ривожланган мамлакатларнинг, ривожланаётган мамлакатларнинг, Россиянинг, СССР собиқ республикаларининг, Шарқий Европа мамлакатларининг халқаро молия глобал муаммолари бўйича қарама-қарши қарашлари ва ҳамкорлиги қўзга ташланади.

### **Халқаро валюта фонди<sup>48</sup> (ХВФ)**

ХВФ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот.

Фонд – БМТнинг ихтисослаштирилган муассаси бўлиб – амалий жиҳатдан жаҳон валюта тизимининг институционал асоси бўлиб хизмат қилади. ХВФ БМТнинг Бреттон-Вудсдаги (А+Ш, Нью-Гэмпшир, 1944 йил, 22 июль) халқаро валюта-кредит конференциясида ташкил қилинган. Конференция 1945 йил 27 декабрдан кучга кирган ташкилот низоми ролини бажарувчи Келишув Моддасини қабул қилди ва ХВФ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлади.

СССР ҳам Бреттон-Вудс конференциясида иштирок этди. Бироқ Шарқ ва /арб ўртасидаги "совуқ уруш" натижасида ХВФ ташкил топганлиги тўғрисидаги Келишувни ратификация қила олмади. Худди шу сабаб билан 50-60 йиллар мобайнида ХВФ дан Польша, Чехословакия ва Куба ҳам чиқиб кетишидди. 90-йилларнинг бошларида жаҳон хўжалигига миллий иқтисодиётларни интеграциялашувига йўналтирилган чукур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар натижасида собиқ социалистик мамлакатлар ва собиқ Иттифоқ таркибига кирган давлатлар ХВФ таркибига кирди. (Корея Халқ Демократик Республикаси ва Кубадан ташқари). 1994 йилда Фонднинг аъзолари – 174 мамлакатни ташкил этарди.

Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси натижасида ХВФ низоми 3 марта қайта кўриб чиқилган: 1) 1969 йилда СДР тизими киритилиши муносабати билан; 2) 1976 йилда Ямайка валюта тизими вужудга келиши билан; 3) 1992 йил ноябрь ойида Фондга ўз қарзларини тўлай олмаган мамлакатларга нисбатан - овоз бериш хуқуқини тўхтатиш санкциясининг киритилиши билан.

**Бошқарув структураси.** ХВФ олий раҳбар органи –аъзо мамлакатдан беш йил муддатга сайланадиган вакил-бошқарувчи ва унинг

<sup>48</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 472-бет.

ўринбосарларидан иборат бошқарувчилар Кенгашидир. Одатда булар молия вазирлари ёки марказий банкларнинг раҳбарларидир. Кенгаш Битимлар Моддасига ўзгартиришлар киритиш, аъзо мамлакатларни қабул қилиш ва чиқариш, уларни капиталдаги улушлари катталигини аниқлаш ва қайта кўриб чиқиш, ижрочи директорларнинг сайлови каби масалаларни ечади. Бошқарувчилар йилда 1 марта сессияга йиғиладилар.

ХВФ акционерлик корхонаси сифатида қурилган. Шунинг учун ҳар бир қатнашчининг овоз бериш ёрдамида унинг фаолиятига таъсир қилиш имконияти капиталдаги ҳиссасига қараб аниқланади. "Тортилган" овозлар миқдори тамойилига мувофиқ, ҳар бир давлат капиталдаги бўнак катталигидан қатъий назар 250 "базис" овозга ва ўз квотасининг ҳар 100 минг СДР бирлигига қўшимча 1 тадан овозга эгадир. Бошқарувчилар Кенгашида қарорлар, одатда, оддий қўпчилик (ярмидан кам бўлмаган), ўта муҳим масалалар бўйича эса аъзо мамлакатларнинг овози – тезкор – 70%, иқтисодий ва сиёсий – 85%, яъни "махсус қўпчилик" овоз билан қабул қилинади. Ҳозирги Низомда /арбнинг етакчи мамлакатлари манфаатлари йўлида бундай масалалардан 53 таси белгиланган (ХВФ тузилганда 9 тагина эди). ХВФида қўпчилик овоз миқдорига эга мамлакатлар: А+Ш-17,7%; Германия-5,5; Япония-5,5; Буюк Британия-4,9; Франция-4,9; Саудия Арабистони-3,4, Италия-3,1; Россия –2,9%. Европа иттифоқи (ЕС) мамлакатларининг улуши – 26,2%. 70-80 йилларда А+Ш ва ЕС мамлакатлари овозининг солиштирма оғирлиги бирмунча қисқарганига қарамасдан, улар ҳозирда ҳам қабул қилиниши қўпчиликни талаб қиласидан Фонднинг долзарб қарорларига вето қўйишлари мумкин.

ХВФ ида 24 саноати ривожланган мамлакатлар 59,6% овозга эгадирлар. Фонднинг 86% ини ташкил қиласидан бошқа мамлакатларнинг ҳиссасига эса фақатгина 40,4% овоз тўғри келади. А+Ш етакчи /арб мамлакатлари билан биргаликда амалий жиҳатдан ХВФда қарорлар қабул қилиниши жараёни устидан назорат қилиш имкониятига эга ва ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда унинг фаолиятини йўналтириши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларга келганда эса, назарий жиҳатдан мувофиқлаштирилган харакатлар натижасида улар ҳам ўзларини қониктирумайдиган қарорларни қабул қилинишига йўл қўймасликлари мумкин. Бироқ, қўп сонли турли хил мамлакатларнинг бир холосага келтириш жуда ҳам мураккабдир.

Бошқарувчилар Кенгаши бошқарувнинг янги доимий органи, яъни жаҳон валюта тизимини адаптацияси ва тартибга солишини кузатиб туриш учун аъзо мамлакатларнинг вазирлари даражасида Кенгашни таъсис қилиши мумкин. Лекин у ҳали тузилганича йўқ, ва унинг ролини 1974 йилда таъсис этилган жаҳон валюта тизими масалалари бўйича бошқарувчилар Кенгашининг 22 аъзодан иборат бўлган Вақтинчалик қўмитаси бажаради. Бироқ кўзда тутилган Кенгашдан фарқли ўлароқ, Вақтинчалик қўмита директив қарорлар қабул қилиш учун ваколатга эга эмас. Бошқарувчилар

Кенгаши ўзининг қўп ваколатларини Ижрочи кенгашга, яъни Фонднинг ишларини бориши учун масъулиятли ҳисобланган ва Вашингтондаги унинг штаб-квартирасида доимий равишда ишлайдиган Директоратга ўтказиб юборади. 1992 йилдан бери ижрочи директорларнинг сони 24 тага етган. Улардан 5таси Фонд капиталидаги энг қўп квотага эга бўлган Буюк Британия, Германия, А+Ш, Франция ва Япония томонидан тайинланган; Зтаси биттадан мамлакатни-Хитой, Россия ва Саудия Арабистонини тақдим қиласди; қолган 16 таси эса географик жойлашув нуқтаи назаридан мос гурухларга бўлинган ҳолда қолган аъзо мамлакатлардан сайланган. Ижрочи директорларнинг сайловлари ва тайинлаш ҳар икки йилда бир марта амалга оширилади. Директор уни сайлаган бошқарувчиларнинг умумий овозлари билан тенг овозга эга бўлади.

ХВФ Ижроия кенгаши Фонднинг маъмурий аппаратини бошқарувчи ва жорий ишларни олиб борувчи ижрочи-директорни тайинлайди. Эски директор 1987 йилдан 1999 йилгача – Мишель Камдессю эди.

### ***Капитал ва қарз ресурслари.***

ХВФ капитали обуна асосида амалга ошириладиган аъзо мамлакатларнинг бўнакларидан тўпланади. Ҳар бир мамлакат СДРда белгиланган квотага эгадир. Квота – ХВФ билан аъзо мамлакатларнинг ўзаро муносабатларидаги мухим бўғиндир. У: 1) ХВФ капиталига мамлакатнинг обуна суммасини; 2) Фонд ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини; 3) Фондда мамлакатнинг қанча овозга эга эканлигини аниқлайди. Квота ўлчамлари мамлакатларнинг жаҳон савдоси ва иқтисодиётидаги солишифма оғирлиги асосида белгиланади. Шунинг учун ҳам квоталар бир хилда белгиланмайди. 1978 йилгача 25% гача квоталар олтин билан тўланган, ҳозирда эса резерв активлар билан (СДР ва мамлакатни ХВФ билан келишиши орқали эркин айирбошланадиган валютада); обуна суммасининг 75 % – миллий валютада тўланади. Квоталарни қайта кўриб чиқиши ҳар 5 йилда бир марта амалга оширилади. 1947 йилдан бери квоталар 9 марта кўриб чиқилган. Квоталарнинг кўпайтирилиши ва аъзо мамлакатлар сонининг ўсиши натижасида Фонд капитали 1947 йилдаги 7,7 млрдан 1994 йилда 146 млрд СДРга, (200 млрдан кўпроқ) етди, яъни 19 мартадан ортиб кетди. Бироқ ХВФ ресурсларининг кўпайиши жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) жами ўсишидан ва, айниқса, тўлов балансининг жорий операциялари бўйича халқаро тўловларининг ўзгаришидан сезиларли ортда қолиб кетмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ХВФга аъзо айrim мамлакатларининг аҳамияти ва солишифма оғирлиги ўзгариши натижасида нефт экспорти билан шуғулланувчи, биринчи навбатда, Саудия Арабистони, шунингдек Германия, Япония ва бошқа мамлакатларнинг квотасини кўпайиши бошқа мамлакатларнинг квоталарини ўсишидан анча илгарилаб кетди. Фонд

капиталидаги бу мамлакатларнинг квотасини кўпайиб кетишининг сабаба шугина холосдир. 1993 йил охирида саноати ривожланган мамлакатларнинг ҳиссасига умумий квоталарнинг 60,6% и тўғри келган, шу жумладан, А+Ш – 18,2%, германия – 5,6, Япония – 5,6, Буюк Британия ва Франция – 5,1дан, Италия – 3,1, Канада – 2,9%. Европа иттифоқи (ЕС) мамлакатларининг ҳиссаси – 26,7% га тенг, ривожланаётган мамлакатларнинг – 29,0%, илгари Иқтисодий ўзароҳамкорлик кенгашига (СЭВ) (Болгария, Венгрия, Вьетнам, Монголия, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, Иттифоқнинг собиқ республикалари), шунингдек Албания, Хитой ва Югославиянинг собиқ республикалари ҳиссаси эса – 10,4% га тенгдир.

Фонд ўз капиталига қўшимча равишда қарз воситаларини ҳам жалб қилиш имкониятига эга. Шунга мувофиқ 1962 йилнинг январ ойидаги "ўнлик гурӯҳи" (Бельгия, Буюк Британия, Италия, Канада, Нидерландия, А+Ш, Германия, Франция, Швеция, Япония), ва шунингдек, 1964 йилда уларга қўшилган Швейцария шу йили 24 октябрдан кучга кирган қарзлар ҳақидаги Бош битимни имзоладилар. Бу келишувда "жаҳон валюта тизими бузилишининг олдини олиш ёки тўхтатиш учун" аъзо мамлакатларнинг миллий валюталарида 6 млрд долларгача (доимий асосда) Фондга кредит бериш кўзда тутилган. Ўз навбатида, ХВФ бу маблағларни қарзга бошқа аъзо мамлакатларга 3-5 йилга бериши мумкин. Бу битим дастлаб 4 йилга тузилган эди, кейин эса бир неча марта узайтирилган. 1983 йил декабрь ойидаги битимни қайта кўриб чиқиши давомида Битим қатнашчилари кредит лимитини 17 млрд. СДР (23,3 млрд. долл.) гача кўпайтирилишига келишиб олинди. 1993 йил 5 январда ХВФ қарзлар тўғрисидаги Бош битимни шу ҳажмда яна 5 йилга – 1998 йил декабригача узайтирилди.

Кредит операцияларини кўпайтириш зарурияти ХВФидан 80-йилларда уни молия базасини мустаҳкамлаш мақсадида қарз маблағлари манбаларини кенгайтиришни талаб қилиб қўйди. Фонд Бельгия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония ва бир қатор мамлакатларнинг марказий банкларидан ва хазиналаридан, шунингдек Халқаро ҳисоб-китоблар банкидан (БМР) қарзлар олган. ХВФ хусусий банклардан қарз олишга ҳозирча ҳаракат қилган йўқ.

### **ХВФ кредит фаолияти.**

Фонд низомида унинг кредит фаолиятини белгилаш учун икки тушунча ишлатилади: 1) шартнома (сделка) – мамлакатларга валюта маблағларини ўзининг ресурсларидан бериш; 2) операция – бевосита молиявий ва техникавий хизматларни қарз маблағлари ҳисобига кўрсатиш. ХВФ кредит операцияларини факат казначейликлар, марказий банклар, барқарорлаштириш фондлари каби расмий органлар билан амалга оширади. Кредитлар икки хил бўлади. 1) аъзо мамлакатларнинг тўлов балансининг камомадини тўлдириш учун, ва 2) уларни иқтисодий сиёсатини тубдан қайта куришни қўллаб-қувватлаш учун.

Чет эл валютасига муҳтоҷ мамлакат чет эл валютасини ёки СДРни ўзининг марказий банкидан ХВФ ҳисобига ўтказиладиган миллий

валютасидаги эквивалент миқдорига алмашиш эвазига сотиб олади ёки қарз олади. ХВФ механизми ишлаб чиқарилаётганда, аъзо мамлакатларнинг валютага бўлган талаблари бир текис бўлиши ҳисобга олиниб, шунинг учун ҳам уларнинг Фондга тушаётган миллий валюталари бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтувчан бўлади, деб кўзда тутилган. Шундай қилиб, бу операциялар том маънода кредит операциялари деб ҳисобланмаслиги керак эди. Амалиётда Фондга, асосан, валютаси эркин айирбошланмайдиган мамлакатлар кредит беришлари тўғрисида мурожаат қилишади. Бунинг натижасида ХВФ, одатда, аъзо мамлакатларга эркин айирбошланмайдиган миллий валюталарнинг маълум суммасининг "гарови эвазига" валюта кредитларини беради. Бу миллий валютларга талаб бўлмаганлиги сабабли, улар Фондда эмитент мамлакат сотиб олмагунча қолиб кетади. Аъзо мамлакатларнинг ХВФ кредит ресурсларига етишиши маълум шартлар билан чеклангандир. Дастрлабки Низомга мувофиқ булар қуйидагилардир: биринчидан, аъзо мамлакатнинг сўралаётган сумма давригача ўтган ўн икки ой мобайнида сўралган валюта суммасини қўшиб ҳисоблагандан, мамлакат квотаси катталигининг 25% идан ошмаслиги керак; иккинчидан, ушбу мамлакатнинг ХВФ активидаги валютасининг умумий суммаси унинг квотаси катталигининг 200% идан ошмаслиги керак (Фондга обуна бўйича киритилган 75% квотани қўшган ҳолда). 1978 йилда қайта кўриб чиқилган Низомда биринчи чеклаш олиб ташланган эди. Бу эса аъзо мамлакатларга ХВФидан валюта олиш учун уларнинг имкониятларини илгарилари керак бўлган 5 йилга нисбатан қисқароқ муддатларда ишлатишни билдирарди. Иккинчи шартга келадиган бўлсак, айrim ҳолатларда унинг ҳаракати ҳам тўхталиши мумкин.

ХВФ қарздор мамлакатлардан бериладиган кредитлар учун шартнома суммасидан бир марталик воситачилик йифини 0,5% миқдорида ва белгиланган ҳақни ёки бозор ставкаларига асосланган процент ставкасини олади. 1992-1993 молия йилида (1 майдан 30 апрелгача) бу ҳақ бир йил учун ўртacha 6,60% ни ташкил қилди (бир йил олдин - 8,02%).

Белгиланган муддат ўтиб бўлгандан кейин аъзо мамлакат тескари операцияни амалга оширишга мажбур – Фондга СДР ёки чет эл валютасидаги маблағларни қайтариб, ўз миллий валютасини сотиб олиш керак. Одатда, бу илгари олинган кредитни қайтаришни билдирувчи операция валютани сотиб олгандан кейин 3 йил 3 ойдан 5 йилгача муддат ичida амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, қарздор мамлакат ўзининг тўлов баланси яхшиланиши ва валюта резервлари кўпайгани сари Фонд учун ортиқча бўлган валютасини муддатидан олдин сотиб олишга мажбурдир. Агар қарздор мамлакатнинг ХВФ идаги миллий валютаси бошқа аъзо давлат томонидан сотиб олинса, у мамлакатнинг Фондга қарзи тўланган бўлади.

ХВФидан олинадиган аъзо мамлакат квотасининг 25 %гача бўлган чет эл валютасининг биринчи бўлаги 1978 йилдан (Ямайка битимиғача собиқ олтин хисса) резерв ҳисса дейилади. У аъзо мамлакатнинг квотаси

катталигининг Фонд ихтиёридаги ушбу мамлакатнинг миллий валюта заҳираси суммасидан ошиши билан аниқланади. Бунда агар Фонд, аъзо мамлакатнинг киритилган миллий валютасини бошқа мамлакатларга маблағ бериш учун ишлатади ва бунда бу мамлакатнинг резерв улуши мувофиқ равишда кўпайиб боради. Аъзо мамлакат томонидан қўшимча кредит битимлари доирасида Фондга берилган қарзлар суммаси унинг "кредит позицияси" ни ташкил қиласди. Аъзо мамлакатнинг резерв улуши ва кредит позицияси биргалиқда унинг Фонддаги резерв позициясини ташкил қиласди. Аъзо мамлакатлар резерв позиция чегарасида ХВФидан маблағларни биринчи талаб бўйича ўз-ўзидан олишлари мумкин. Бу позициядан фойдаланиш мамлакатдан процент ва воситачилик тўловларини талаб қилмайди ва унга олинган валюта маблағларини қайтариш мажбуриятини юклаб қўймайди.

**"Кредит улуши" механизми.** Аъзо мамлакат томонидан чет эл валютасидаги маблағларни резерв улуши устидан олиниши мумкин бўлган (100% квота катталиги) квотанинг 25%и бўйича 4та кредит улушига (траншлар) бўлинади. резерв ва кредит улушларидан тўла фойдаланиш натижасида мамлакатнинг ХВФидан олиши мумкин бўлган энг кўп кредит суммаси унинг квотаси 125% микдорини ташкил қиласди. ХВФ кредит олмоқчи бўлган мамлакатга белгиланган талабларни қўяди. Бунда талабларнинг қаттиқлиги бир кредит улусидан бошқасига ўтишига қараб ошиб боради. +арздор мамлакатнинг мажбуриятлари у томонидан ўтказилиши керак бўлган мувофиқ равишдаги молиявий-иктисодий тадбирлар ХВФ ига юборилаётган "мўлжаллар ҳақидаги хат" да қайд қилинади. Агар Фонд мамлакат "Фонд мақсадларига зид равишида" кредитдан фойдаланади, деб ҳисобласа, ёки Фонднинг кўрсатмаларини бажармаётган бўлса, у мамлакатни кредитлашни чеклаб ёки бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин. Биринчи кредит улусидан фойдаланиш Фонд томонидан унинг сўрови маъқуллангандан кейин дарҳол сўралган суммани оладиган чет эл валютасини тўғридан-тўғри сотиб олиш шаклида ҳам, ёки ХВФ билан резерв кредит ҳақидаги битимни келишиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай битимлар амалиётда 1952 йилдан кўллана бошлаган. Устама кредит улуши ҳисобига Фонд томонидан ажратилаётган маблағлар билан боғлиқ ҳодисаларда аъзо мамлакатлар билан резерв кредитлар ҳақида келишилган ҳолда бажарилади.

Резерв кредит ҳақида Битим, ёки "стэнд-бай" битими аъзо мамлакатга ХВФидан хоҳлаган пайтда келишилганга мувофиқ муайян шартлар бажарилганда, миллий валютага алмаштириш эвазига чет эл валютасини олиш кафолатини таъминлайди. Кредитларни беришнинг бундай амалиёти кредитлар линиясини очишга ўхшашиб. 50-йилларнинг бошидан 70-йилларнинг ўрталаригача резерв кредитлар ҳақидаги битимлар 1 йилгacha бўлган муддатга, 1977 йилдан бошлаб эса тўлов балансларининг камомади

кўламлари кўпайиб кетганлиги туфайли 18 ойгача, ҳатто 3 йилгача тузиладиган бўлди.

Хозирги пайтда "стэнд-бай" кредитларининг асосий мақсади ХВФ аъзо мамлакатларининг макроиктисодий барқарорлаштириш дастурларини кредитлашдир. Устама кредит улуши доирасидаги резерв кредит кўринишидаги Фонд томонидан берилаётган валюта битим муддати давомида белгиланган вақт оралиғида белгиланган бўлаклар (траншлар) билан берилади. Бу битимнинг бажарилиш жараёни кредитни оловчи мамлакат томонидан маҳсус мақсадли мезонлар ёрдамида назорат қилинади. Фонд билан битимдаги кўзда тутилган мезонларга эришилганлик қайд қилинмагунга қадар мамлакат валютанинг кейинги бўлагини ололмайди. Шундай қилиб, резерв кредит механизми ХВФига қарздор мамлакатларга иқтисодий ҳукмронлик кўрсатиш учун қулайдир. 1974 йилда тузилган кенгайтирилган кредитлаш тизими резерв ва кредит улушларни тўлдириди. У оддий кредит улушлар доирасида аъзо мамлакатларга Низомда кўзда тутилган квоталарга нисбатан катта ўлчам ва узоқроқ муддатларда валюта маблағларини бериш учун мўлжаллангандир.

ХВФига мамлакатнинг кенгайтирилган кредитлаш доирасида кредит берилишига илтимоси ҳақидаги мурожаатига, ишлаб чиқариш, савдо ёки баҳо механизми соҳасидаги структуравий бузилишлар келтириб чиқарган тўлов баланси турғунлигининг жиддий ўзгариши асос бўлиши мумкин. Кенгайтирилган кредитлар ҳақидаги Битим одатда 3 йил муддат билан чеклангандир; аъзо мамлакат илтимосига кўра ва зарур ҳолларда – 4 йилгача. 1992 йил ноябрь ойидан резерв ва кенгайтирилган кредитлар битимлари доирасида ХВФ ресурсларига аъзо мамлакатларнинг етишишининг қуидаги лимитлари амалдадир.

### **Тикланиш ва ривожланиш халқаро банки гурухи (Жаҳон банки)**

Давлатлараро инвестиция институтлари ичida кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш йўналишига ва ўсиш суръатларига сезиларли таъсир кўрсатадиган институт бу МБРР гуруҳидир. Бу гуруҳ саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ёрдами сиёсатини мувофиқлаштиради, бошқа халқаро иқтисодий тишкilotларнинг фаолиятига ва ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишида техник ёрдам кўрсатади. Бу давлатлараро инвестиция гуруҳи ўз таркибида МБРРни ва унинг 3 филиалини – Халқаро ривожланиш ассоциациясини (МАР), Халқаро молия корпорациясини (МФК) ва Кўп томонли инвестиция-кафолат агентлигини (МИГА) бирлаштириб, жаҳоннинг йирик инвестиция институтига айланди. МБРР гуруҳига доимий равишида ривожланаётган мамлакатларга барча давларлараро идоралар томонидан ажратиладиган маблағларнинг умумий йиллик ҳажмининг ярми тўғри келади. 1993 молиявий йилда (МБРР гуруҳида молия йили 30 июнда

тугайди) МБРР бу мамлакатларга кредитларнинг рекорд суммасини 17 млрд доллар атрофида берган, ўз филиаллари билан биргаликда эса бу сумма 26 млрд долларни ташкил этган.

*МБРРнинг (Жаҳон банки) вужудга келиши, мақсади ва вазифалари.*

МБРР-1944 йил июл ойида ХВФ билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Бир вақтнинг ўзида банкнинг низоми ҳам бўлиб қолган МБРР ҳақидаги Битим 1945 йил 27 декабр ойида расмий жиҳатдан кучга кирган, ўзининг фаолиятини эса банк 1946 йил 25 июндан бошлаган. Дастребаки вақтларда МБРР аъзо мамлакатларнинг тўплланган маблағлари ва америкалик инвесторларнинг жалб қилинган капиталлари ёрдамида иккинчи жаҳон уруши натижасида хонавайрон бўлган /арбий Европа мамлакатлари га хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга мўлжалланган эди. Бу эса ушбу мамлакатларда иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришишга ва улар иқтисодиётiga Америка капитали таъсирининг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида Банк фаолияти А+Ш ўтказаётган "Маршалл режаси" воситаси сифатида урушдан кейинги /арбий Европада бу мамлакатларнинг сиёсий курсларини молиявий-иқтисодий қўллаб-куватлашга йўналтирилиб, сиёсатини тўлдирди.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, /арбий Европа мамлакатларида аҳвол барқарорлашиб, мустамлакачилик тизими тугатилиши муносабати билан МБРР ўз фаолияти йўналишини ўзгартиради. Унинг асосий мақсади озод бўлган мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантириб жаҳон хўжалиги тизими доирасида сақлаб қолишга қаратилади.

Жаҳон банки Бмтнинг ихтисослаштирилган молия институти сифатида стратегик вазифаларни бажариш учун энг қулай воситачи сифатида хизмат қилишга мўлжаллангандир, яъни барча аъзо мамлакатларнинг иқтисодини жаҳон хўжалиги тизими асосий марказлари билан интеграция қилишdir.

*МБРРнинг ташкилий структураси.*

МБРРнинг раҳбар органи бўлиб Бошқарувчилар Кенгаши ва Директорат (ижроия органи) ҳисобланади. Аъзо мамлакатларнинг молия вазирлари ёки марказий банклар бошқарувчиларидан ташкил топган Кенгаш ўз сессияларига бир йилда бир марта тўпланишади. Бунда МБРР ва ХВФ бирга ўтказишиади. МБРР аъзолари бўлиб фақатгина ХВФига кирган мамлакатлар бўла олади, холос. Бу талаб Банкка аъзо бўлган мамлакатлар ўз валюта-молия сиёсатларини ХВФ Низоми йўриклирага мувофиқ равишда олиб боришлирини тақозо этади. Овоз ҳукуки МБРР органларида ҳам, худди ХВФ сингари, "тортилган" овоз тизими дадир. Шунинг учун ҳам 1993 йилга келиб МБРР аъзолари бўлиб 176 давлат ҳисобланса-да, Банкнинг ташкилий тузилишида саноати ривожланган А+Ш бошчилигига озгина мамлакатлар устунлик қилишиади. Масалан, 1993 йил 30 июнга келиб, "еттилик" мамлакатлари (А+Ш, Япония, ГФР, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канада) МБРР бошқарувчилар Кенгашидаги салкам ярим овозга эдилар. Бу эса кўп масалаларни ечишда уларга ветони таъмин этади. Аслида муҳим

масалаларни ҳал этиш учун 85% овоз керак бўлади. Бу шароитда ҳамма нарса фақат А+Шнинг тутган позициясига боғлиқ бўлиб қолади, чунки у 17% овозга эгадир. Ривожланаётган мамлакатларнинг 140 дан ортигининг овози ҳам шунчани ташкил этади.

Шуниси дикқатга сазоворки, бугунга келиб кичик пайчиларга Вьетнам ёки Лаос каби ривожланаётган мамлакатлар билан биргаликда Шарқий Европа мамлакатлари ҳам киради – Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия ва Собиқ иттифоқнинг республикалари. Ҳатто ўта йирик мамлакатларнинг (Хитой, Хиндистон) квоталари 3%ни, Россия ва Украинаники эса мувофиқ равишда 1,8% ва 0,8%ни ташкил этади. МБРР президентлиги постини, асосан, америкаликлар эгаллаб келганлиги ҳам характерли ҳоллардан бири ҳисобланади.

### *МБРР ресурларининг шаклланиши.*

МБРРга аъзо мамлакатларнинг унинг акцияларига обуна йўли билан вужудга келадиган Низом капитали дастлаб 10 млрд доллардан ошмаган. Банк фаолиятининг ривожланаётган мамлакатларнинг кенг минтақаларига қайта йўналтирилиши раҳбариятнинг унинг кредит ресурсларини домий равишда кенгайтириб туришга мажбур этди. Натижада обуна капитали 1993 йилнинг ўрталарига келиб 165 млрд долларга етди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда МБРР ўзининг акционерлик капиталига қўра, жаҳоннинг йирик банкига айланди. 80-йилларда Банк капиталининг бирданига кўпайганига қарамасдан, аъзо мамлакатлар ўртасида тақсимланадиган МБРР акциялари суммасидан тўланган қисми 7%гача камайган. Обунанинг қолган қисми Банк томонидан ўзининг мажбуриятларини тезроқ тўланиши керак бўлиб қолганда ресурслар етишмаслиги оқибатида йиғишириб олиниши мумкин. Мана шу катта қисм, яъни МБРР ўз кредит операцияларини кенгайтириш учун облигация қарзларини чиқариб, жаҳон молия бозоридан катта маблағларни қарзга олиш учун кафолат фонди бўлиб хизмат қиласди.

Охирги йилларда МБРР жаҳон молия бозорида йирик қарздор ролида чиқмоқда. Банк чиқарилаётган облигация қарзлари суммасида давлатлараро инвестиция банклари ўртасида энг катта солиштирма оғирликка эгадир. Масалан, 70-йилларнинг охирларидан МБРР ҳар йили ўртacha 5 млрд долларлик облигацияни муомалага чиқаради, 1993 йилда эса эмиссия 12,7 млрд долларга етган (йилига 7%дан). Бу билан МБРР ссуда фоизининг нисбатан юқори даражасини қўллаб, ўз капиталларини фойдали шартлар асосида ишлатмоқчи бўлган хусусий инвесторлар манфаатлари йўлидадир.

Жаҳон банкининг кредит сиёсати ва унинг актив операцияларини тавсифи.

МБРРнинг кредит сиёсати ривожланаётган мамлакатларда амал қиласидиган хусусий капитал манфаатларига хизмат қиласди. Бу банк кредитларига аъзо мамлакатларнинг аризаларини кўриб чиқиш жараёнида билинади. Маблағ бериш ҳақидаги масалани ҳал этишда Банк бу мамлакатларнинг иқтисодий ва молиявий ахволи ҳақида кўп маълумотларни

ийғади, бунинг учун эса ўша мамлакатларга ўзининг миссиясини юборади. Саноати ривожланган мамлакатлар вакилларидан ташкил топган бундай миссиялар аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётини ва молиясини тадқиқ қилишади, уларнинг иқтисодий ривожланиш миллий дастурларининг бажарилиши ва тузилишига таъсир қилишади. МБРР миссиялари тавсияномаларида иқтисодиётнинг хусусий сектор ривожи ва ривожланаётган мамлакатларга чет эл инвестицияларини жалб қилиш устувор ҳисобланади. Бу миссияларнинг фаолияти мамлакат суверенитетига аралаша олмайди. Агар МБРР тавсиялари кредит сўраётган мамлакат томонидан қабул қилинмаса, у ҳолда кўпинча кредит берилмайди.

Банк томонидан берилган кредитларнинг умумий суммаси унинг 47 йил фаолиятида 235 млрд долларга етди. Бунда учдан дан бир қисми (80 млрд) 1989-1993 йилларга тўғри келади. Бу билан МБРР ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир қиласди. МБРРнинг асосий вазифаси – чукур текширув ва танлов асосида аниқ обьектларни кредитлаштир (кўпроқ транспорт, алоқа, энергетика инфраструктуралари). 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб банк кредитларида ривожланишнинг социал томонлари, айниқса, қашшоқлик билан кураш қўпроқ аҳамиятни эгалламоқда (атроф-мухитнинг муҳофазаси, хусусийлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш).

МБРР кредитларининг кўпчилик қисми 15-20 йил муддатга берилади (имтиёзли даври - 5 йил), чунончи қисқа муддатлар саноатни кредитлаш учун характерлидир. МБРР нинг жаҳон молия бозорига қарамлиги унинг кредитлари қийматларига ёмон таъсир кўрсатади. +арз маблағларни юқори фоизлар остида олиб, Банк аъзо мамлакатларни бу маблағларни қийматини 0,5% атрофида қимматроқ кредитлайди (1982 йилдан бошлаб МБРР кредит ставкаси йилига рекорд 11,6% га етган) 1993 йил ўрталарида МБРР кредит ставкаси йилига 7,43%га етган. Шунинг учун ҳам МБРР кредитларидан ҳар қандай ривожланаётган мамлакат фойдалана олмайди, фақатгина Мексика, Ҳиндистон, Бразилия, Индонезия, Туркия, Жанубий Корея, Хитой, Филиппин, Аргентина, Колумбия. Айнан шу 10 мамлакат МБРРнинг энг кўп – ҳар бири 7 млрдан ортиқ, 1993 йилнинг ўрталарида 60% дан ортиқроқ кредитларни олгандир.

### Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА).

Ўзига нисбатан танқидларни юмшатиш ва ривожланаётган мамлакатлар ичida обрўсими мустаҳкамлаш учун МБРР бош пайчи А+Ш кўмагида 1960 йилда Банк президенти бошчилигига умумий бошқарув органларига эга бўлган ўзининг филиали бўлган Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси (ХРА) ни тузди. ХРА МБРРнинг фаолиятини тўлдириб, унчалик ривожланмаган мамлакатларга 10 йил имтиёзли даврли 35-40 йилга фоизсиз кредитлар беради. Бунда у маъмурий сарф-харажатларга воситачилик ҳақини олиб қолади. Ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси ХРАдан кредит олишдан манфаатдордир, лекин ассоциация ҳаммага ҳам

бундай кредитларни бера олмайди. Шунинг учун ҳам имтиёзли кредитлар дастлаб ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) жон бошига 650 доллардан ошмаган мамлакатларга берилади; бу гурухга 90-йилларнинг бошида 40 мамлакат киради. Бироқ ХРАда иштирок этиш ва унинг имтиёзли кредитлариға етишиш учун, аввало МБРРга кириш керак.

ХРА тез-тез молиявий ресурслари тугаши муносабати билан кризисга учраб туради. Чунки унинг ресурслари фақатгина аъзо мамлакатларнинг, аввало А+Ш ва бошқа донорларнинг давлат бадаллари ҳисобига шакланади.

### **Халқаро молия корпорацияси (ХМК)**

**Халқаро молия корпорацияси** ХМК 1956 йилда А+Ш ташаббуси билан ёш давлатларнинг саноатига хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва бу мамлакатларда хусусий секторнинг кенгайтириш мақсадида тузилгандир. ХМК ҳар ҳолда ривожланган ривожланаётган мамлакатларда юқорирентабелли корхоналарни кредитлайди холос. Бу жумладан, ссуда капиталининг асосий бозорларидағи ўртача йиллик ставкалардан юқори бўлган кредитларини нисбатан қимматлигидан келиб чиқади. ХМК кредитларининг муддати одатда 15 йилдан ошмайди, ўртача муддат эса 7-8 йилdir.

ХМК бажарадиган вазифалар МБРР функцияларидан фарқланади. Шунинг учун, у Жаҳон банки билан бир раҳбариятга ва бир қатор хизматларга эга бўлса-да, юридик ва молия томонидан бу нисбатан мустақил ташкилотdir. ХМКнинг хусусияти шундаки, унинг маблағларидан инвестиция олиш учун корхона ва ташкилотларга кредит берилганда, МБРР ва ХРА талаб қилгандек аъзо мамлакатларга ҳукумат кафолатлари талаб қилинмайди. Бу хусусий компаниялар учун улар фаолияти устидан давлат назоратидан сақлайди, ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш манфаатларига хизмат қиласди.

ХМК нинг бошқа фарқи шундаки, 1961 йилдан бошлаб у фақат кредитлар беришга алоҳида ҳуқуқдан ташқари, қурилаётган ёки кенгайтирилаётган корхоналар акционерлик капиталига кейинчалик уларнинг акцияларини хусусий инвесторларга қайта сотиш билан инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

### **Ҳар томонлама инвестиция-кафолат агентлиги (МИГА)**

МБРР гурухининг ҳеч бир органи нотижорат рисклари ўсиб бораётган шароитда хусусий инвесторлар учун максимал кафолатлар билан таъминлай олмади. Бу кўплаб аъзо мамлакатларга чет эл капиталининг келишини ушлаб туради. 1988 йилда ташкил этилган МИГА МБРРнинг учинчи филиали сифатида айнан мана шу мақсад учун хизмат қиласди.

Ривожланаётган мамлакатларда нотижорат рисклардан уларни суғурталаш воситаси билан акционерлик капиталига инвестициялар ва бошқа йўналишларга бевосита капитал қўйилмаларни рағбатлантиришга хизмат қиласди. Бундай рисклар қўйидагилар бўлиши мумкин: миллий валютанинг эркин айирбошлишни тўхтатиш ва бу билан боғлиқ инвестор мамлакатига

даромадларни ўтказиш билан бўладиган муаммолар; инвестор мулкининг экспроприацияси; ҳарбий ҳаракатлар; тўнтаришлар ва социал-сиёсий вазиятнинг ўзгариши; ҳукумат қарори натижасида шартноманинг бажарилмай қолиши.

+ўйилган мақсадни бажариш учун МИГА санаб ўтилган нотижорат рисклардан кафолатларнигина эмас, балки шунингдек, ривожланаётган аъзо мамлакатларнинг ҳукумат органларига сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нисбатан дастур ва тартиб юзасидан маслаҳатлар беради, чет эл инвесторларини қўллаб-кувватлайди.

## **Европа тикланиш ва ривожланиш банки**

Европа тикланиш ва ривожланиш банки (ЕТРБ) 1990 йил 29 майда Битим асосида тузилган халқаро ташкилотdir. ЕТРБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, А+Ш, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Истроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция Банки ҳисобланади. СССР, Чехословакия ва Югославия парчаланганидан кейин пайдо бўлган янги давлатлар унинг аъзолари бўлишди. Унинг аъзолари сифатида ХВФ аъзоси бўлган ҳар қандай мамлакат бўлиши мумкин. 1994 йил 1 январ ҳолатига ЕТРБ акционерлари бўлиб 57 мамлакат ҳисобланади. Банк штаб-квартираси Лондонда жойлашган. ЕТРБ мақоми, имтиёzlари ва иммунитети, ЕТРБ билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия ҳукуматлари ўртасида штаб-квартира тўғрисидаги банк операциялари бошлангандан кейин, 1991 йилда 15 апрелда имзоланган Битимда белгилаб берилган.

ЕТРБ фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсади.

ЕТРБнинг асосий вазифаси – Европанинг илгари социалистик тузумда бўлган мамлакатларини очиқ бозорга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишига кўмак бериш, ва шунингдек, хусусий ва тадбиркорлик ташабbusларини ривожлантиришдан иборат. ЕТРБ кредитларининг асосий обьектлари бўлиб, хусусий фирмалар ёки хусусийлаётган давлат корхоналари ва шунингдек, хорижий инвестицияли қўшма корхоналар киритилган янгидан тузилаётган компаниялар ҳисобланади. Банкнинг асосий мақсади минтақада инвестицияларни рафбатлантиришdir. ЕТРБ кредитлар ва кафолатлар беришда, акционерлик капиталига маблағларни сармоялашда бошқа инвесторлар ва кредиторлар билан ҳамкорлик қиласи. Бу фаолият инфраструктуруни ёки хусусий сектор ташабbusларини қўллаб-кувватлашга йўналтирилган давлат секторидаги лойиҳаларни кредитлаш билан тўлдирилиши керак.

1991 йил апрелда банк ўз фаолиятини бошланган пайтдан ўз олдидаги вазифаларни аниқлаб олди. Улардан энг муҳими ЕТРБ амал қилаётган жойдаги мамлакатларда сиёсий тизимлар ўзгараётган пайтда бу мамлакатларда жамиятнинг бутунлай тарқоқ ҳолга тушишига олиб келадиган ижтимоий шарт-шароитлар пайдо бўлишининг олдини олиш зарурлиги ва уларнинг қўшнилари хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлган янги иқтисодий шарт-шароитлар яратишdir. Бошқа вазифалар эса бизнес соҳасига (инвестицияларни рағбатлантириш, тижорат амалиётини такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва структуравий қайта қуриш), инфраструктурага (алоқа тармоқларини, энергетика тизимларини, муниципал хизматларни ва уй-жой хўжалигини қайта қуриш, модернизациялаш ва кенгайтириш) ва экологияга (сиёсатни такомиллаштириш ва атроф-муҳитни тиклашда тўғри инвестициялар) тааллуклидир.

ЕТРБ кредит фаолиятини амалга ошираётib:

ривожланган мамлакатларда қабул қилинган банк иши стандартлари асосида мосланувчан кредитлаш учун турли хил инструментлардан фойдаланади;

хусусий сектор ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган секторлар бўйича кўзда тутилган ва тутилмаган операциялар стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишни ўзида мужассамлаштиради;

хусусий инвесторлар, уларнинг маслаҳатчилари ва тижорат банклари билан ҳамкорлик қиласди;

хукумат билан ривожланишнинг узоқ муддатли режаларини амалга оширишда ҳамкорлик қиласди;

халқaro валюта-кредит ва молия ташкилотлари билан ўзаро ҳаракатларни бажаради;

давлатлараро ва минтақавий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда ишлайди;

атроф-муҳитни сақлашни ва яхшилашни таъминлашга ҳаракат қиласди.

### ***ЕТРБининг ташкилий структураси***

ЕТРБ фаолиятига раҳбарликни бошқарувчилар Кенгаши, директорлар Кенгаши ва президент амалга оширади. Бошқарувчилар Кенгаши – ЕТРБ олий фармойиш берадиган органи – банкнинг ҳар бир қатнашувчисидан 2 тадан вакилни (бошқарувчи ва унинг ўринбосарини) ўз ичига олади (мамлакат ёки халқaro ташкилотнинг). Аъзо мамлакатнинг ҳоҳишига қараб унинг ЕТРБдаги вакили (бошқарувчи ёки унинг ўринбосари) ҳоҳланган пайтда чақириб олиниши мумкин. Ўринбосар овоз беришда факат бошқарувчи бўлмаган пайтдагина иштирок этиши мумкин. Йилида бир марта бўладиган йиғилишда Кенгаш бошқарувчилардан бирини кейинги раис сайлангунга қадар раис сифатида сайлайди.

Бошқарувчилар Кенгашининг ваколатларига қўйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- 1) ЕТРБ янги аъзоларини қабул қилиш, уларни қабул қилиш шартларини аниқлаш, банк аъзолигини тўхтатиш;
- 2) ЕТРБ президенти ва директорини сайлаш, директорлар ёки уларнинг ўринbosарлари ҳақи ўлчамини ва шунингдек, президент билан шартноманинг бошқа шартларини белгилаш;
- 3) ЕТРБ чиқаришга рухсат этилган низом капиталини кўпайтириш ёки камайтириш;
- 4) бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида бош келишувлар (битимлар) тузишга ваколатлар бериш;
- 5) ЕТРБ фойдаси ва заарлари ҳисобини ва умумий балансини (аудиторлар ҳисботини кўриб чиққандан кейин) тасдиқлаш; резервлар ўлчамини аниқлаш, фойдани тақсимлаш, ЕТРБ фаолиятининг батамом тўхталиши ва унинг активлари тақсимоти ҳақида қарор қабул қилиш;
- 6) ЕТРБ таъсис этиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш, Битимни тушуниш ёки директорлар Кенгаши томонидан унинг қўлланиши билан боғлиқ апелляциялар бўйича қарорлар қабул қилиш.

Директорлар Кенгаши бош ижрочи органдир. Унинг ваколатига ЕТРБ фаолиятининг жорий масалалари, ва шунингдек, унга бошқарувчилар Кенгаши томонидан юклатилган алоҳида ваколатларни амалга ошириш киради. Уларнинг ичидаги: 1) бошқарувчилар Кенгаши ишига тайёргарлик кўриш; 2) бошқарувчилар Кенгаши кўрсатмалари доирасида ЕТРБнинг кредитлар, кафолатлар, акционерлик капиталига инвестициялар бериш, кредитлар жалб қилиш, техник ёрдам кўрсатиш ва бошқа операцияларига нисбатан сиёсатини аниқлаш ва қарорлар қабул қилиш; 3) йиллик мажлисдаги бошқарувчилар Кенгаши тасдигигига молиявий йил учун аудиторлар томонидан кўриб чиқилган ҳисботни тайёрлаш; 4) ЕТРБ бюджетини тасдиқлаш.

Директорлар Кенгаши 23 аъзодан иборат: 11 аъзо - ЕИнинг ўзидан, ЕИ ва ЕИБ аъзо мамлакатларидан; 4 директор – ЕТРБдан ёрдам олиш ҳукуқига эга бўлган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан; 4 директор - қолган Европа мамлакатларидан; 4 директор – Европа мамлакатларидан ташқари мамлакатлардан. Директорлар ҳар уч йилда сайланади. Овоз беришда оддий кўпчилик устунликка эга бўлади, лекин умумий овознинг учдан икки қисмидан кам бўлмаслиги керак. Ҳар бир аъзонинг овози сони у обуна бўлган акциянинг миқдорига teng бўлади. Директор ўринbosарлари ўз директорларининг ўрнида бўлганда гина овозга эгадирлар.

ЕТРБ президенти умумий овозлар сонининг ярмидан кўпроғини ташкил этувчи бошқарувчилар умумий сонидан кўпчилик овоз билан 4 йилга сайланади. ЕТРБ президенти банкнинг жорий фаолиятини директорлар Кенгаши раҳбарлиги остида бошқаради. У овоз беришларда қатнашмайди, лекин овозлар teng бўлиб қолган тақдирда ҳал қилувчи овозга эга бўлади, бошқарувчилар Кенгаши мажлисларида қатнашиши ва директорлар Кенгашига раислик қилиши мумкин.

ЕТРБ ресурсларининг шаклланиши.

ЕТРБ нинг чиқаришга рухсат этилган 10 млрд ЭКЮ га тенг бўлган акционерлик капитали ҳар бири 10 000 ЭКЮ номиналли 1 млн. акцияга, шу жумладан тўланадиган ва талаб бўйича тўловга олинадиган акцияларга бўлинган. Тўланадиган акцияларнинг дастлабки суммаси 3 млрд. ЭКЮга ёки чиқаришга рухсат этилган акционерлик капиталининг 30%, 70% акциялар эса – тўланмаган ва ЕТРБ мажбуриятларини тўлаш учун зарур бўлганда талаб қилиниши мумкин. Бундан ташқари, 125 акция ЕТРБ аъзолари ўртасида тақсим қилинмайди.

ЕИ, ЕИБ аъзо мамлакатлари ва ЕИнинг ўзи ЕТРБ низом капиталида 51% квотасига эгадирлар, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари – 13%, қолган Европа мамлакатлари – 11%, ноевропа мамлакатлари – 24%. Капиталда кўпроқ хисса билан А+Ш – 10%, Италия, ГФР, Франция, Буюк Британия ва Япония – 8,5%дан. Низом капиталининг ўлчами ҳар 5 йилда бир марта кўриб чиқилади.

### ***ЕТРБнинг кредит-инвестиция сиёсати***

Ўз фаолитияти давомида банк хўжалик юритишнинг бозор усулларига ўтаётган давлат ва хусусий сектор корхоналарига нисбатан операцияларнинг қуидаги шаклларидан фойдаланади:

- 1) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кредит бериш (қўшма молиялаштиришни қўшган ҳолда);
- 2) капиталга инвестиция киритиш;
- 3) қимматбаҳо қоғозларни кафолатланган шаклда жойлаштириш;
- 4) кафолатлар бериш ва кўмак беришнинг бошқа шакллари ёрдамида капитал бозорига киришни енгиллаштириш;
- 5) фойдаланишни белгиловчи битимларга мувофиқ равища маҳсус фонdlар ресурсларини жойлаштириш;
- 6) қарзлар бериш (қўшма молиялаштиришни қўшган ҳолда) ва инфраструктурани тиклаш ва ривожлантириш учун техник ёрдам кўрсатиш (шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш дастурлари учун).

ЕТРБ экспорт кредитлар бўйича кафолатлар бермайди ва суғурталаш билан шуғулланмайди. Умуман, ЕТРБ ташкил топганидан 1994 йил бошигача банк директорлар Кенгаши 11 млрд доллардан ортиқроқ маблағга эга 150 та лойиҳани маъқуллаган. ЕТРБ кредит-молия сиёсатининг муҳим йўналишларидан молиявий сектор, энергетика, телекоммуникация инфраструктураси, транспорт ва агробизнесни ажратиб кўрсатиш мумкин. Алоҳида ҳолда хусусийлаштириш соҳаси ҳам муҳим рол эгаллайди.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида собиқ социалистик мамлакатларнинг кредит-молия муассасалари жиддий муаммоларни мерос сифатида қабул қилиб олишди: умидсиз кредитлар, молия заҳираларининг чекланганлиги, капиталлаштириш жараёнининг секинлиги ва молиявий секторнинг ўта монополлаштирилганлиги. Бу кредит муассасаларининг бир

вақтнинг ўзида ҳам акционерлари, ҳам йирик қарздор сифатида чиқувчи давлат корхоналари бўлганлигидир.

#### Энергетика.

ЕТРБни Европанинг собиқ социалистик мамлакатларида энергетика секторининг ривожланишига жалб этиш зарурияти бу мамлакатларда 1991 йилдаги энегетика инқирози билан боғлиқдир. Бу инқироз собиқ Иттифоқ давлатларидан энергетика ташувчиларининг қисқаргани ва улар нархининг жаҳон баҳолари даражасига кўтарилгани билан ифодаланади. ЕТРБ амалдаги энергетик қувватларни модернизациялаштириш ва истеъмолчилар томонидан энергиядан фойдаланишини оқилона ҳолатга келтириш билан боғлиқ лойиҳаларни фаол равишда амалга ошира бошлади. Бу лойиҳаларнинг амалга ошириш энергетика манбаларига бўлган ички ва жаҳон нархларини яқинлаштиришга йўналтирилган баҳолаш соҳасидаги ислоҳотлар билан биргаликда бўлиши керак эди. Россия ва Руминияда нефт ва газ олишни тиклашга қарор қилинган.

#### Телекоммуникация.

Замонавий телекоммуникация тармоқларининг мавжудлиги собиқ социалистик мамлакатларнинг ички бозорлари интеграциясини ва уларни жаҳон бозорлари билан алоқасини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Ушбу инфраструктурани ривожлантириш ва модернизациялаш бозор иқтисодиётини тўлақонли ривожланишининг мажбурий шарти ҳисобланади. Телекоммуникациялар соҳасида ЕТРБ алоқа тармоқларининг кенгайишига, хизматлар ассортиментининг кенгайишига ва ташкилий ислоҳотларга олиб келадиган давлат ва хусусий сектор ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Бу сектордаги ЕТРБнинг асосий устувор йўналиши телекоммуникацияларнинг давлат тармоғи структурасини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

#### Транспорт.

Кўпчилик мамлакатларда устувор масалаларга кўпинча шаҳар ва қишлоқ жойлардаги автомобил ва темир йўлларни амалдаги тизимини тиклаш ва модернизациялашни қўшишади.

Кредитлаш – иқтисодий ривожланишнинг биргина инструменти холос. Баробар даражада давлат сиёсати, ташкилий ислоҳотлар муҳимдир, инвестицияларни янада такомиллашган режалаштириш – булар билан боғлиқ равишда ЕТРБ бу соҳаларда кўпроқ прогрессга эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

#### Агробизнес.

Бу соҳада ЕТРБ ўзининг асосий ҳаракатларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналар қурилишининг кредитлашга, озиқ-овқат тақсимоти ва ўтказиш инфраструктурасини ривожлантиришга қаратгандир. Чунончи, ЕТРБ бир неча мамлакатларда улгуржи бозорлар барпо этиш лойиҳаси устида ишламоқда. Хусусий агробизнесни кредитлаш, одатда, фақатгина агромаҳсулотларни қайта ишлашга ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий тадбиркорларнинг

фойдаланиши учун мўлжалланган, ва улар маҳаллий йирик банкларда очиладиган кредит линиялари орқали амалга оширилади. Бу механизм хусусий секторни маҳаллий ва чет эл валютасида навбатдаги кредитлаш учун мўлжаллангандир.

### **Хусусийлаштириш.**

Хусусийлаштиришни жадаллаштиришга кўмак бериш ЕТРБнинг конкрет ҳар бир мамлакат бўйича устувор масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. ЕТРБ тушунчасида хусусийлаштириш фақатгина амалдаги давлат корхонасини хусусий мулкчиликка ўтказиш эмас, балки давлат секторидаги ҳаракатланаётган корхоналарни таркибий қайта қуриш ва модернизациялаш, хўжалик юритишнинг бозор усулларига ўтиш, ва шунингдек хусусий корхоналар барпо этишдир. Дастребни ЕТРБнинг бу соҳадаги ҳаракатлари, асосан, хусусийлаштиришни ўтказиш бўйича консультация хизматларини йўлга қўйишга қаратилгандир.

### **Минтақавий ривожланиш банклари**

#### ***Тузилиши мақсадлари ва сабаблари.***

60-йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги йирик минтақавий банкларнинг вужудга келиши бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Ички омилларга қуйидагилар киради: 1) мустамлакачилик тизимининг тугатилиши, жаҳон ривожланишида ривожланаётган мамлакатлар ролининг ошиб бориши, янги иқтисодий тартиблар учун уларнинг қураши; 2) жаҳон банки групҳи томонидан ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайдиган минтақаларнинг ўзига хос масалаларини ҳал этиш зарурияти; 3) чет эл рақобатига қарши туриш ва миллий иқтисодиёт муаммоларини биргалиқда ҳал этиш мақсадида ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш. Ташқи омиллар куйидагилар ҳисобланади: 1) чет эл хусусий инвестициялари асосий оқимининг ривожланган мамлакатларга кўчиб ўтиши. Бунда ривожланаётган мамлакатларда уларнинг ўрнига давлат чет эл инвестициялари эгаллайди, ва давлат чет эл инвестициялари ўринини эса халқаро инвестициялар эгаллайди; 2) саноати ривожланган мамлакатларда "минтақачилик" сиёсати, улар таъсир доирасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг бирлашишига кўмаклашишга интилиш.

#### ***Умумий ўҳшиашлари ва фарқлари.***

Биринчидан, бу банклар ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларидан келиб чиқадиган бир хил мақсадни кўзлаб фаолият кўрсатади. Улар фаолияти минтақа ривожланишининг лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлашни амалга оширишга, минтақавий бирлашмаларнинг минтақавий ҳамкорлигига ва кредитлашга алоҳида эътибор беришга, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ривожланишнинг стратегиясини ишлаб чиқишига қаратилгандир.

Иккинчидан, ривожланиш банкларининг учдан бир қисми – саноати ривожланган мамлакатлар. Демак, банклар капиталининг асосий қисми уларга тегишли экан, улар банклар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатишади. Америка аро ривожланиш банкининг ҳар қандай қарори биргаликда 1/3 овозга эга бўлган А+Ш томонидан, Осиё ривожланиш банки – Япония ва А+Ш томонидан тўсикқа учраши мумкин. Дастреб низом бўйича Африка ривожланиш банкининг аъзолари факат Африка қитъасининг мамлакатлари бўлиши мумкин эди. Ресурслар етишмаслиги туфайли АФРБ 23 номинтақавий донор-мамлакатлар иштирокида (АРФ, 1972 йил) Африка ривожланиш фонди деган ўзига хос филиал ташкил этишга мажбур бўлди. 1982 йилдан бошлаб эса банк аъзолигига саноат ривожланган мамлакатлар ҳам қабул қилинганини. Киритилган капиталга қараб овозлар тақсимланиш тамойилига кўра минтақавий ривожланиш банкларига саноати ривожланган мамлакатларнинг таъсири сақланиб қолмоқда.

Учинчидан, минтақавий банкларда пассивлар шаклланишининг бир хил тартибда ривожланиши, маҳсус фондларга ресурсларни жалб қилиш, кредит сиёсати кўп ҳолларда Жаҳон банки гурухиникига ўхшаб кетади.

### ***Ресурслар шаклланиши.***

Америкааро ривожланиш банки ва Осиё ривожланиш банкларининг тўланган устав капитали 10% дан ошмайди, қолган тўланмаган қисми эса кафолат фонди бўлиб хизмат қиласди. Демак, Жаҳон банки каби бу минтақавий банклар ҳам ўзларининг оддий ресурсларини шакллантиришда асосан, жаҳон бозоридан облигациялар чиқариш йўли билан қарз маблағларини жалб қилишни мўлжаллашади. Африка ривожланиш банки эса 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб облигация қарзларини чиқаради, лекин уларнинг бу облигациялари бошқа мимнтақавий банклардан фарқли ўлароқ, катта бўлмаган суммаларда ва қисқа муддатларга чиқарилади. Бу облигацияларнинг жойлаштиришни БМТ минтақавий иқтисодий комиссиялари орқали мувофиқ равишда минтақавий банклар билан алоқаси билан енгиллаштирилади. Шундай қилиб, бу банклар йирик халқаро ташкилотнинг обрў-эътиборини кўтариб туради.

### ***Имтиёзли кредитлашнинг маҳсус фондлари.***

Маҳсус фондларнинг ташкил топиши минтақавий ривожланиш банклари учун умумий кўриниш бўлди. Улар ёрдамида банклар рентабелли бўлмаган, иқтисодий ва социал инфраструктура объектларини, айниқса, унчалик ривожланмаган мамлакатларда комплекс ривожлантириш учун зарур бўлган имтиёзли кредитлашни кенгайтиришга интилишади. Бу фондлар асосан Жаҳон банки гуруҳидаги МАР функциясини бажаришади.

### ***Актив операциялари, кредит сиёсати***

Минтақавий ривожланиш банклари томонидан ривожланаётган мамлакатларни кредитлашнинг хажми ва шартлари улар ресурсларининг ўлчамларига ва структурасига боғлиқдир. Кредит фаолияти ўлчами бўйича олдинда Америкааро ривожланиш банки, сўнгра Осиё ривожланиш банки,

анча орқада Африка ривожланиш банкидир. Минтақавий банклар актив операцияларининг ривожланиши асосан, имтиёзли кредитлар ҳисобига амалга оширилади. Бу ажратиладиган маблағлар умумий йиллик ҳажмида 1/3 қисмни ташкил этади.

### ***Кредитларнинг ҳудудий тақсимланиши.***

Ўз кредитларининг катта қисмини Америкааро Ривожланиш банки "катта учлик" мамлакатларига берган (Аргентина, Бразилия, Мексика); Осиё ривожланиш банки – 5 мамлакатга (Индонезия, Жанубий Корея, Филиппин, Покистон, Таиландга); Африка ривожланиш банки – кўпроқ тўловга қодир мижозларга (Марокко, Заир, Кения, Тунисга ва бошқаларга). Африка ривожланиш фонди вужудга келиши билан АфРБ Марказий ва /арбий Африканинг унчалик ривожланмаган мамлакатларини ҳам кредитлашни бошлади. Минтақавий ривожланиш банклари ривожланаётган мамлакатларга нисбатан уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва сиёсатининг йўналишига қараб табақаланган кредит сиёсатини олиб боради. Тижорат нуқтаи-назаридан кўпроқ умидли ва ишончли бўлган қарздорларга устунлик берилади.

Америкааро ривожланиш банки чет эл инвестициялар оқимининг келишини рафбатлантириш учун 1984 йилда Америкааро инвестиция корпорациясини ташкил этди. Унинг функцияси МФКнигига ўхшашидир. Унинг капиталининг ярмидан кўпроғи Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келади, тўртдан бир қисми эса – А+Шга тўғри келади.

### **Европа Иттифоқининг (ЕИ) валюта-кредит ва молия ташкилотлари.**

ЕИ интеграция мажмуининг институционал тузилиши бир қатор минтақавий валюта-кердит ва молия ташкилотларини ўз ичига олади. Бу қуйидаги сабаблар билан шартлангандир:

иқтисодий ривожланиш, шу жумладан валюта-кредит ва молиявий интеграция: ягона бозорни барпо этиш шарти;

А+Ш ва Япония марказига қарши жаҳон иқтисодиётида /арбий Европа мамлакатларининг ўз мавқенини мустаҳкамлашга интилиши;

"Умумий бозор" кўринишидаги ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун кўшма фондларни кенгайтириш йўлларини излаб топиш.

ЕИ минтақавий валюта-кредит ва молия ташкилотлари турли хил мақсадларни назарда тутади: ўз институционал структурасини тузиш билан /арбий Европа интеграциясини ва жаҳон марказини мустаҳкамлаш; ЕИ мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантириш; ягона қишлоқ хўжалиги сиёсатини ўтказиш; 1993 йил ноябрда кучга кирган Маастрихт шартномасига мувофиқ равишда иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш; ассоциацияланган мамлакатларга нисбатан келишилган сиёсатни ўтказиш. +ўйилган мақсадларга мувофиқ бу ташкилотлар давлатлараро ва қисман миллий чегарада иқтисодни минтақавий даражада тартибга солиш ва /арбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишида муҳим ролни ўйнайди. ЕИ

мақсадли белгиланиши иқтисодий ва сиёсий иттифоқнинг вужудга келишидаги унинг доирасида амал қиласидаги минтақавий молия институтларининг хусусиятларини аниқлаб берди. Биринчидан, улар ЕИ институционал структурасининг таркибий элементлари ҳисобланади. Уларга Европа парламенти, Европа Ҳамжамияти Кенгаши, КЕС, Суд киради. Иккинчидан, уларнинг вужудга келиши ва фаолиятининг моддий базаси бўлиб қўшма бюджет ва фонд хизмат қиласиди. Булар ўзида аъзо мамлакатларнинг расмий олтин-доллар резервларининг 20%ини мужассам қиласиди. Аъзо мамлакатлар миллий бюджетларининг 2,5-3% суммасини бирлаштирган ЕИнинг марказлаштирилган бюджети ҳисобига бир неча қўшма фонdlар шаклланган. Учинчидан, минтақавий институтлар фаолиятида халқаро валюта бирлиги (ЭКЮ) фойдаланилади.

ЕИИ доирасида минтақавий молия институтларининг вужудга келиши аста-секинлик билан, асосан, /арбий Европадаги интеграция жараёнларининг ривожланиш босқичларига мувофиқ равишда пайдо бўлган. Иқтисодий интеграциянинг бирламчи босқичида ЕИИ мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқнинг чеклашларини бекор қилиш эвазига эндиғина божхона иттифоқи тузилганда, учинчи мамлакатлардан импортга нисбатан ягона тариф киритилган. 1958 йилда Рим битимиға мувофиқ, Европа инвестиция банки тузилди.

Банк узок муддатли кредитлар - 7-12 йиллик (саноатга) ва 20 йилгача (инфраструктурага) кредитлар беради; ривожланаётган мамлакатлардаги кичик рентабелли лойиҳаларга йилига 1-2%дан 40 йилгача кредитлар ажратади. Бундан ташқари, ЕИБ хусусий ва давлат корхоналарига кафолат беради. ЕИБ кредит фаолиятининг мақсади: ЕИ кам ривожланган худудларини ўзлаштириш; бир мамлакат ресурслари ҳисобига амалга ошмаётган корхоналарни тиклаш ва қуриш; ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш доирасида тармоқ структураларини модернизациялаш; ЕИ мамлакатлари учун умумий манфаатга эга бўлган қўшма хўжалик обьектларини тузиш; устувор соҳаларни ривожлантириш – кўмири, пўлат ишлаб чиқариш, энергетика. 1987 йилдан ЕИБ Ла-Манш бўғози остидаги туннел қурилишининг иштирокчисидир. ЕИБ аъзолари бўлиб ЕИнинг 12 мамлакати ҳисобланади. Бу автоном юридик ва молиявий мақомга эга бўлган, ўз-ўзини бошқарадиган институтдир. Унинг раҳбарлик органлари – бошқарувчилар Кенгаши аъзо мамлакатларнинг молия вазирларидан иборат. Оператив раҳбарлик президентга ва унинг 5 ўринbosарига юклатилган. Бошқарув идораси Люксембургда жойлашган.

Ресурларининг манбалари – низом капитали – 57,1 млрд ЭКЮ, резервлар, облигация қарзларини чиқариш ҳисобланади. Обуна квоталари капиталга мамлакатлар бўйича тенг тақсимланмаган - 19,8% (ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия), 1,5%гача (Греция) ва 0,1% (Люксембург).

### *Европа ривожланиши фонди (1958 йил)*

ЕРФ ЕИ билан мувофиқ ривожланаётган мамлакатларга нисбатан жамоа сиёсатини ўтказиш учун тузилган. У юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги учун уни ЕИ+нинг ҳамкорлик ва ривожланиш масалалари бўйича Бош директорати бошқаради. Ривожланаётган мамлакатлар фақатгина маслаҳат овозига эга холос. ЕРФ 5 йилга ассоциация ҳақидаги навбатдаги конвенцияга обуна пайтида "Умумий бозор" мамлакатлари бадаллари ҳисобига шаклланади. Иккинчи Ломей конвенциясига (1981-1985 йиллар) мувофиқ, унинг ҳажми 4,5 млрд ЭКЮ деб белгиланган; учинчи конвенция билан (1986-1990 йиллар) 8 млрд ЭКЮ атрофига. ЕРФ Конвенцияда белгиланган аниқ бир даврга ҳар бир мамлакатни кредитлаш йўналишларига мувофиқ равишда ривожланишнинг конкрет объектларига ва қишлоқ хўжалиги ва минерал хом ашё экспортидаги йўқотишларнинг компенсациясига крдитлар беради.

*Европа қишлоқ хўжалигини кафолатлаши ва йўналтириши фонди (Е+ХКЙ)* 1962 йилда умумий аграр бозор барпо этиш мақсадида ("Яшил Европа") тузилган. +ишлоқ хўжалигининг интеграция жараёнига қўшилиши қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг саноатники каби тўпланиши, ишлаб чиқаришни бирлаштириш ва ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун маҳсус давлат фонди барпо этишни талаб қилиб қўйди ва бу қайта ишлаб чиқаришнинг қарама-қаршиликларини бирмунча текислашга хизмат қиласди.

Е+ХКЙ раҳбарлигини таркибий қишлоқ хўжалиги сиёсати масалалари бўйича Фонднинг доимий қўмитаси қўмагида ЕИ+ амалга оширади. Унинг ресурслари манбаи бўлиб, 70%и фақат ҳамкорликдаги қишлоқ хўжалиги сиёсатини молиялаштириш учун фойдаланиладиган ЕИнинг умумий бюджети хизмат қиласди. Бу механизмга мувофиқ Фонд ресурсларининг шаклланиши ЕИ бюджети даромадлари тўпланишининг тамойилларига ўхшаб кетади. Бунда компенсация йифимлари, божхона ҳақи, 1% қўшимча қиймат солиғи ажратилади. Фондга ЕИда белгиланган товарларнинг кафолатланган (ҳимоя) баҳолари ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарқ билан аникланадиган қишлоқ хўжалик товарлари импортчиларидан компенсация йифимлари келиб тушади. Кафолатланган баҳолар ЕИ идоралари томонидан экспорт қилинадиган ёки тўпланадиган ортиқча маҳсулотларни сотиб олишда ишлатилади. Шунинг учун Фонд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчиларининг сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича сарф-харажатларини қоплади. Фонд ҳисобига экспортчилар ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарқ ўлчамида субсидиялар олишади. Натижада Фонд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортчиларидан каттагина маблағни жалб қиласди, ва унинг асосий ресурсларини бу маҳсулотни учинчи мамлакатларга олиб чиқиш учун субсидиялаш тартибида экспортчи-мамлакатлар олади. Шунинг учун ҳам Фонд маблағларининг шаклланиши ва тақсимоти муаммоси аъзо мамлакатлар, шунингдек, ЕИ ва ЕИИдан қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари экспортини субсидиялашга қарши чиқувчи А+Ш ўртасида низолар келтириб чиқаради.

Маблағларнинг мақсадли ишлатилишига мувофиқ, Фонд маблағлари 2 асосий томонга бўлинади: Фонднинг 90% маблағлари – кафолат фондлари – 1962 йилда киритилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ягона баҳосини қўллаш учун фойдаланилади ва шунингдек, А+Шдан кейин иккинчи ўриндаги ЕИнинг аграр маҳсулотлари экспортини субсидиялаш учун ишлатилади. Фонднинг 75% маблағи сут маҳсулотлари, шакар ва дон бозорларининг барқарорлигини қўллаб туриш учун ишлатилади. Йўналишлар фонди эса хўжаликларни йириклиштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантириш, аграр тузилмаларни ўзгартириш, яъни аграр-саноат комплексни қуриш мақсадида хизмат қиласи.

### *Европа минтақавий ривожланиш фонди.*

Европа минтақавий ривожланиш фонди (ЕМРФ) 1975 йилда аъзо мамлакатларда минтақавий диспропорцияларни тенглаштириш бўйича чоратадбирларни кредитлаш учун ЕИИ қўшма бюджети ҳисобига таъсис этилган. Ресурсларни тақсимлаш улар ўртасидаги рақобат билан боғлиқдир. ЕИ мамлакатларида минтақавий диспропорцияларни тенглаштириш муаммоси, иқтисодий ва валютавий иттифоқ тузиш ва иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланса ҳам, ҳал қилинмай қолиб кетмоқда.

### *Европа валютавий ҳамкорлик фонди.*

Европа валютавий ҳамкорлик фонди 1973 йил 6 апрелда Европа валюта тизими тузилиши билан барпо этилган. У минтақавий давлатлараро валютавий тартибга солиш учун мўлжаллангандир. Фонд Европа валюта иттифоқи мамлакатларига валюта курсини тартибга солиш билан боғлиқ тўлов баланслари ва ҳисоб-китоблари камомадини тўлаш учун кредитлар беради.

### **Халқаро ҳисоб-китоблар банки**

Халқаро валюта-кредит ташкилотлари ичida Базелдаги Халқаро ҳисоб-китоблар банки муҳим ўрин эгаллайди. XXКБ 1930 йилда 6 давлатнинг (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Япония) ҳукуматлараро келишуви ва бу давлатларнинг ўз ҳудудида фаолият кўрсатадиган Швейцария билан конвенцияси асосида тузилган. Амалда банк бу мамлакатларнинг марказий банклари томонидан ташкил этилган. 1931-1932 йилларда уларга яна 19 Европа мамлакатларининг марказий банклари кўшилди. Ҳозирда XXКБ 33 аъзоси ичida /арбий Европанинг ҳамма давлатлари, урушгача бўлган даврда кириб қолган ва унинг акционерлари сифатида қолиб кетган Шарқий Европанинг 6 давлати, А+Ш, Япония, Австралия, ЖАР ва бошқалар бор.

Расман А+Ш ХХКБни тузишда иштирок этмаган. Бироқ федерал резерв банклар ХХКБ билан муҳбирлик ва бошқа муносабатларда ишлашади. ФРС ва Америка хазиначилиги вакиллари Базелдаги марказий банклар

бошқарувчиларининг ҳар ойда бўладиган мажлисларида иштирок этишади ва Банкнинг умумий йиғилишларида қатнашади. ХХҚБ мухбири Нью-Йорк федерал резерв банки унинг топшириқлари бўйича А+Ш ссуда капитали бозорида операцияларни амалга оширади. ХХҚБ тасисчилари ва унинг капиталига дастлабки обуначилар бўлиб, б мамлакатнинг марказий банклари билан биргаликда Морган банк уйи бошчилигидаги хусусий тижорат банклари ҳисобланади.

ХХҚБ 1,5 млрд. олтин франк капитали (19,7% тўланган) билан акционерлик жамияти сифатида вужудга келган. 1978 йилдан бошлаб бу халқаро ҳисобдаги валюта бирлигини СДРга алмаштириш ҳақида давлатлараро битимга қарамасдан, ХХҚБ, 1799 йилда Францияда киритилган ва 1865 йилдан Лотин танга иттифоқининг ягона валютаси бўлиб хизмат қилган ва таркибида 0,290 гр соф олтин бўлган франкдан фойдаланишини давом эттирияпти. ХХҚБнинг бошқарув идоралари бўлиб акционерларнинг умумий йиғилиши ва 13 марказий банкларнинг бошқарувчиларидан иборат Директорлар Кенгashi ҳисобланади. +олган аъзолар эса дивидендлар олиш ва мижоз мақоми билан чекланишади.

Низом бўйича ХХҚБига 2 асосий функция юклатилган: 1)марказий банклар ўртасида ҳамкорликка қўмак бериш, халқаро молия операциялари учун қулай шарт-шароитлар яратиш; 2) ўз аъзоларининг халқаро ҳисоб-китобларини ўtkазиш бўйича агент ёки ишончли шахс сифатида ҳаракат қилиш. Булардан келиб чиққан ҳолда ХХҚБ қуидаги операцияларни бажаради:

- олтин олди-сотдиси ва сакланиши;
- марказий банклар билан депозит-ссуда операциялари;
- алоҳида битимлар бўйича ҳукумат улушларни қабул қилиш;
- валюта ва қимматбаҳо қоғозлар билан (акциялардан ташқари) операциялар;

марказий банкларнинг мухбири ёки агенти сифатида жаҳон (валюта, кредит, қимматбаҳо қоғозлар, олтин) бозорларида операциялар;

ўзаро халқаро ҳисоб-китобларга қўмак бериш мақсадида марказий банклар билан битимлар тузиш.

ХХҚБ ресурсларининг асосий манбаи – марказий банкларнинг чет эл валютасида ёки олтиндаги қисқа муддатли (3 ойгача) омонатлари. Улар бўйича фоизлар тўлаш учун Банк уларни бозор шароитларида бошқа марказий банкларга, халқаро ташкилотларга ёки мухбир-банкларга жойлаштиради. ХХҚБнинг асосий актив операцияси бўлиб марказий банкларга чет эл валютасидаги кредитлар беришdir.

1982 йилдан бошлаб ХХҚБ ХВФ кредитларини кутаётган айрим мамлакатларнинг халқаро валюта ликвидлилиги инқирозига йўл қўймаслик учун марказий банкларнинг кафолати эвазига оралиқ кредитлар бермоқда. Бундай кредитларни Венгрия, Мексика, Бразилия, Аргентина, Югославиялар олган.

ХХҚБ – етакчи ахборот-тадқиқот маркази. Банкнинг йиллик ҳисоботлари – жаҳондаги энг обрўли иқтисодий нашрлардан бири. 1975 йилда ХХҚБ ўзининг тадқиқотлари асосида банкларнинг халқаро операциялари устидан кузатишлари Хартиясини эълон қилди. Бу Хартия 1983 йилда Базель битими билан тўлдирилган. ХХҚБ эгидаси 1988 йилда халқаро банкларнинг тўловга қодирлик коэффициентига нисбатан тавсияларни эълон қилган остида Кук қўмитасининг (Англия банкининг вакили) ишлари амалга оширилган. Кук коэффициенти 1993 йилда "ўнлик гуруҳи" мамлакатлари ва Люксембург ҳамда Швейцария томонидан (банкнинг ўз маблағлари ва унинг 8% даражасидаги балансланган активларининг минимал нисбати) қабул қилинган. Баъзан ХХҚБ томонидан тайёрланган консенсус базали тавсиялар давлатлараро ва миллый қарорлардан кўра каттароқ аҳамиятга эгадир. Асосан халқаро мінтақавий /арбий Европа банки ва "ўнлик гуруҳи"нинг валюта-молиявий маркази бўлган ХХҚБ амалда иштирокчилари ва фаолиятининг характеристига кўра халқаро валюта-кредит ташкилотига айланиб қолгандир.

### **Таянч сўзлар**

Мінтақачилик, имтиёзли кредитлаш, ассигнования, "катта учлик".

Базель, Морган банк уйи, олтин франк, Кук коэффициенти.

Инвестиция, кафолат, филиал, облигация, ассоциация.

Париж клуби, иқтисодий интеграция, институционал тузилиш, консенсус.

### **Назорат саволлари**

1. Халқаро ҳисоб-китоблар банки қандай операцияларни бажаради?
2. ХХҚБ ресурсларининг асосий манбаси нималардан иборат?
3. Банк халқаро валюта ликвидлилиги кризисига тушмаслиги учун қандай мамлакатларга кредит берган?
4. ХХҚБ фаолиятининг асосий хусусияти нимада?
5. Халқаро молия институтларининг асосий мақсади нималардан иборат?
6. Жаҳон миқёсидаги қандай ташкilotларни биласиз?
7. Халқаро молия институтларининг вужудга келиши асосан қайси даврга тўғри келади?
8. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкilotи қандай пайдо бўлган?
9. ХВФ қандай мақсадларга мўлжалланган?
- 10.ХВФ қачон таъсис этилган?
- 11.ХВФ низоми неча марта кўриб чиқилган?
- 12.ХВФ капитали қандай маблағлар ҳисобига ҳосил бўлади?
- 13.Жаҳон банки қачон таъсис этилган?
- 14.Жаҳон банки ташкилий структураси қандай?

15. Жаҳон банки кредит сиёсатини мазмуни нимадан иборат?
16. Жаҳон банки гуруҳининг қандай ташкилотлар киради?
17. ЕТРБ таъсисчилари қайси мамлакатлар?
18. ЕТРБнинг бош вазифаси нимадан иборат?
19. Банк ресурслари қандай шаклланади?
20. ЕТРБ молия-кредит сиёсати қайси йўналишларга қаратилган?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент, 1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнўе финансў. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнўе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнўе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
10. Иванов Н.С. Международнўе кредитнўе отношения. Москва, 2002 г.
11. Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
12. Красавина Л.Н. Международнўе расчетнўе отношения. Москва, 2004 г.
13. Красавина Л.Н. Международнўе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
14. Международнўе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
15. Наговиҳина А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
16. Рубцов Б.Б. Зарубежнўе фондовўе рўнки. Москва, 2003 г.
17. Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
18. Редход К., С.Хьюс. Управление финансовўми рисками. Москва, 2001 г.
19. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
20. Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
21. Семенов К.А. Международнўй валютнўе и финансовўе отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
22. Моисеев С.Р. Международнўй валютнўе и кредитнўе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

### **Интернетдан олинган вебсайтлар:**

1. [www.forex.com](http://www.forex.com)

2. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
3. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
4. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
5. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
6. [www.peugeotufa.ru](http://www.peugeotufa.ru)
7. [www.bashexo.ru](http://www.bashexo.ru)
8. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)
9. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
10. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
11. [www.Rambler.ru](http://www.Rambler.ru)
12. [www.Google.ru](http://www.Google.ru)
13. [www.Yandex.ru](http://www.Yandex.ru)
14. [www.Referat.ru](http://www.Referat.ru)
15. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
16. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
17. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
18. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
19. <http://www.boj.or.jp.en/siryo.htm>
20. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

## **11-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ ИНСТИТУЛари.**

- 1.Республика валюта тизими ва унинг элементлари.
- 2.Валюта бозори<sup>49</sup>.
- 3.Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар ва органлар.

### **1.Республика валюта тизими ва унинг элементлари**

Ўзбекистон Республикаси миллий валюта тизимининг қонунчилик асосида белгиланадиган элементларига қуидагилар киради:

- 1)миллий валюта ва унинг номи;
- 2)миллий валюта паритетини белгилаш;
- 3)миллий валютанинг конвертация шартлари;
- 4)миллий валюта курсининг режими;
- 5)халқаро кредит муюмала қуролларидан фойдаланишни чегаралаш (регламентация);
- 6)халқаро захира активлари таркибий қисмлари (компонентлари) орасидаги нисбатни аниқлаш;
- 7)мамлакат халқаро ҳисоб-китобларини чегаралаш (регламентация);
- 8)миллий валюта ва олтин бозорлари фаолиятини режими;
- 9)валюта чекланишларини ўрнатиш тартиби;
- 10)валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органлар мақоми.

Юқорида зикр этилган элементлар йифиндиси, халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланадиган валюта механизмиdir.

Миллий валюта ва унинг номи – миллий валюта тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади, у қонун асосида давлатнинг пул бирлиги сифатида белгиланади. Халқаро иқтисодий муносабатларда ишлатиладиган пуллар валютага айланади. Халқаро ҳисоб-китобларда одатда хорижий валюта, яъни бошқа мамлакатларнинг пул бирликлари ишлатилади. Ушбу пул бирликлари билан девиз тушунчаси боғлиқ.

Миллий валюта паритетини белгилаш. Валюта паритети – бу, икки валюта орасидаги қонуний асосда белгиланган нисбат. Монометаллизм даврида (олтин ёки кумуш) валюта курсининг асоси бўлиб танга паритети ҳисобланган. Танга паритети – бу, турли мамлакатлар пул бирликларини ўзидағи металл сиғимига кўра ўзаро солиштириш. Танга паритети тушунчаси валюта паритети тушунчаси билан мос келади.

<sup>49</sup> ТДИУ ва МДХ мамлакатлари иқтисодий мутахассисликлари буйича бакалавриат битирув-малакавий ишлари магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари. Т.2005. 471-бет.

Олтин монометализми даврида валюта курси олтин паритетига асосланган эди. Бунда валюталар заминидаги расмий олтин миқдорлари бўйича ўзаро солиштирилар эдилар. Бу шароитда валюта курси ушбу олтин паритети атрофида, олтин нуқталар чегарасида, стихияли асосда тебранар эди. Олтин нуқталарнинг классик механизми 2 шартнинг мавжудлиги ҳолатида амал қиласа эди, яъни олтиннинг эркин асосдаги олди-соттиси ва унинг четга чекланмаган миқдорда эркин олиб чиқилиши. Валюта курсининг тебраниш чегаралари олтинни хорижга олиб чиқиш (транспортировка) ҳаражатлари билан белгиланган ва амалда паритетдан +;- 1%дан ошик бўлмаган. Олтинни хорижга олиб чиқиш ҳаражатларига фрахт, сугурта, капиталга фоиз йўқотишлари, пробани аниқлаш ва бошқа шу каби ҳаражатлар кирган. Олтин стандартининг бекор қилиниши билан олтин нуқталар механизми ўз ҳаракатини тўхтатди.

Олtinga алмашмайдиган кредит пуллар шароитида валюта курси астасекин олтин паритетидан узоқлаша бошлади, чунки олтин муомаладан хазинага сиқиб чиқарилган эди.

1970 йилнинг ўртасигача валюта курсининг асоси бўлиб валюталарнинг заминидаги олтин сифими, яъни расмий баҳо масштаби ва олтин паритетлар хизмат қилган эди. Валюталарнинг расмий баҳо масштаблари ва олтин паритетлари, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Халқаро Валюта Фондида қайд этиладиган бўлди. Валюталар ўзаро нисбатининг ўлчови бўлиб кредит пулда ифодалangan олтиннинг расмий баҳоси эди. Ушбу баҳо, бошқа товарлар баҳолари билан биргаликда, миллий валюталарнинг қадрсизланиш даражасининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилди. Давлат томонидан қайд этиладиган олтин расмий баҳосининг, узоқ вақт давомида, унинг қийматидан узилиб қолиши натижасида олтин паритетининг сунъийлик характеристи кучайди.

Миллий валютанинг конвертация шартлари. Конвертация – бу, миллий валютанинг хорижий валюталарга алмашиши тушунилади. Конвертация шартларига кўра миллий валюталар қуйидаги турларга ажратилади:

-эркин конвертация қилинадиган. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда валюта чекланишлари йўқ бўлиб, миллий валюталар хорижий валюталарга эркин конвертация қилинади. Халқаро Валюта Фондининг янги таҳрирдаги Уставига (1978 й.) “Эркин фойдаланиладиган валюта” тушунчasi киритилган. Халқаро Валюта Фонди ушбу категорияга А+Ш доллари, Германия маркаси, Япон иенаси, Буюк Британия фунт стерлинги ва Француз франкини киритди. Ҳақиқатда олганда, эркин конвертация қилинадиган валюталар деб, тўлов балансининг жорий операциялари бўйича валюта чекланишлари мавжуд бўлмаган давлатлар валюталари ҳисобланади (булар асосан ривожланган давлатлар ва жаҳон молиявий марказлари шаклланган ёки Халқаро Валюта Фонди олдида валюта чекланишларини киритмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган айrim ривожланиб бораётган давлатлар);

-қисман конвертация қилинадиган валюталар валюта чекланишлари сақланиб қолган мамлакатларда мавжуд бўлиб, миллий валютани хорижий валюталарга конвертацияси, давлат иқтисодий сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда, бирмунча чекланади.

-хорижий валюталарга конвертация қилинмайдиган (ёпик) валюталар. Баъзи давлатларда, сиёсий сабабларга кўра, миллий валюталар хорижий валюталарга умуман конвертация қилинмайди (СССР, шимолий Корея, Куба давлатлари), яъни резидент ва норезидент шахслар учун валюта алмаштиришга рухсат йўқ.

Миллий валюта курсининг режими. Валюта курсининг қуидаги режимлари мавжуд:

-қатъий белгиланган курслар режими. Давлат ўз иқтисодий сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда, маъмурий тарзда, миллий валюта курсини қатъий белгилаб қўйиши мумкин. Масалан, Бреттон-Вудс шароитидаги қатъий белгиланган курслар режими;

-кичик чегараларда тебранадиган курслар режими. Бу ҳолатда, давлат ўз иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб, миллий валюта курсини маълум бир чегараларда тебранишидан манфаатдор бўлади ва валюта сиёсатининг инструментларидан фойдаланган ҳолда ушбу мақсадга эришади;

-валютага бўлган бозор талаб ва таклифни ўзгариши асосида эркин сузадиган (тебранадиган) курслар режими ва уларнинг турли кўринишлари. Бунга, Ямайка валюта тизими шароитидаги, эркин сузувчи валюта курслари режимини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни чегаралаш (регламентация). Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланиш қоидалари, соддалаштирилган халқаро меъёрларга мувофиқ равишда мамалга оширилади. Ушбу, халқаро меъёрларга Женеванинг вексель ва чек конвенциялари киради.

Халқаро заҳира активлари таркибий қисмлари (компонентлари) орасидаги нисбатни аниқлаш. Юқорида қайд этилганидек, халқаро заҳира активлари тўрт қисм (компонент)дан иборат, яъни мамлакатнинг расмий олтин ва валюта заҳиралари, халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларидағи ҳисоб-варавақлар, Халқаро Валюта Фондидаги заҳира позицияси. Албатта, мамлакат халқаро ликвидлигини таъминлаш учун ушбу компонентлар орасида мувофиқ нисбат сақланиши керак.

Мамлакат халқаро ҳисоб-китобларини чегаралаш (регламентация). Халқаро ҳисоб-китобларнинг чекланиши, миллий ва жаҳон валюта тизимлари даражасида, Документар аккредитивлар ва инкассо учун соддалаштирилган қоида ва удумлар асосида амалга ошади.

Миллий валюта ва олтин бозорлари фаолиятинин режими. Валюта ва олтин бозорларининг режими миллий ва халқаро мувофиқлаштиришнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Валюта чекланишларини ўрнатиш тартиби. Валюта чекланишларининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги валюта тизимининг элементи бўлиб ҳисобланади. Валюта қимматликлари билан амалга оширилаётган операцияларга чеклашлар ҳам Халқаро Валюта Фонди орқали давлатлараро мувофиқлаштириш объектига киради.

Валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органларнинг мақоми. Бу, валюта тизимининг муҳим институционал элементидир. Гап, мамлакат валюта муносабатларини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи миллий органлар (Марказий банк, Иқтисод ва Молия вазирлиги, баъзи мамлакатларда валюта назорат органлари) фаолиятини чегаралаш ҳақида бормоқда. Миллий валюта қонунчилиги миллий ва хорижий валютадаги операцияларни (эгалик ҳукуқини, олиб кириш ва олиб чиқиш, олди-сотти) мувофиқлаштиради.

## **2. Валюта бозори.**

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан ўз миллий валютасини муомалага киритишгача бўлган бутун давр оралиғидаги иқтисодий ҳолат пул қадрсизланишининг ниҳоятда юқори даражаси, молиявий ва иқтисодий беқарорлик билан характерланади. Шу сабабли, 1992 йилнинг май-июн ойларидан бошлаб қатор собиқ иттифоқ республикалари ўз миллий валюталарини амалга кирита бошладилар.

Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларига мустақиллик йилларида асос солинган. 1993 йилни 15 ноябрида дастлабки оралиқ “сўм-купон” валютаси жорий этилди. Бунга, яъни оралиқ валютанинг жорий этилишига сабаб миллий пул ислоҳотининг иқтисодий, техник ва ижтимоий томонларини тартибга солиш учун республика ички иқтисодиётининг реал омилларини янада тўлиқроқ аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 ноябрдаги “Истеъмол бозорини ҳимоялаш ва республикада пул муомаласини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1993 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Давлат банкининг 1961-1992 йиллар намунасидаги, қиймати 200, 500 ва 1000 рубл бўлган пул билетларини тўлов воситаси сифатида қабул қилиш тўхтатилди. Мазкур қарорда 1961-1992 йиллар намунасидаги қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубл бўлган купюралар чекловларсиз параллел тўлов воситаси сифатида муомалада бўлиши қайд этилган эди. 50 ва 100 рубл қийматидаги купюралар 1993 йил 15 декабргача, қиймати 1, 3, 5, 10, 25 рубл бўлган купюралар эса, 1994 йил 1 январгача муомалада бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “сўм-купон”ларнинг муомалада бўлиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йил 15

ноябрда муомалага чиқарилган, қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 бўлган сўм-купонлар қонуний тўлов воситаси ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Бунда, Россия Давлат банкининг 1993 йил намунасидаги барча қийматдаги банкнотлари дастлабки даврда Ўзбекистон Республикаси худудида сўм-купонлар билан бир қаторда чекловларсиз тўлов воситаси сифатида қабул қилинди.

Шу тарзда, 1993 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси худудида қўйидаги уч турдаги пул бирлиги муомалада бўлди: сўм-купонлар, ССРДавлат банкининг қиймати 100 рублгача бўлган купюралари ва Россия Давлат банкининг 1993 йил намунасидаги купюралари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелда қабул қилинган “Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўм-купон харид қобилиятини оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори пул муомаласини барқарорлаштириш, сўмнинг харид қобилиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда муҳим тадбир бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, 1994 йил 15 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида Россия банки банкноталарининг муомалада бўлиши ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан турли тўловларга қабул қилиниши тақиқлаб қўйилди.

Республика ҳукумати томонидан кўрилган чоралар натижасида пул муомаласи ва истеъмол бозоридаги салбий жараёнлар тўхтатилди, тўлиқ қийматли миллий валютани жорий этиш учун шароитлар яратилди.

1993 йилда акциядорлик жамияти шаклида Республика Валюта Биржаси ташкил этилди. Ушбу биржадаги савдолар аукцион шаклида ташкил этиб ўтказилади.

Бундан ташқари республикада биржадан ташқари валюта бозри ҳам мавжуд. Мазкур бозор асосан банклараро бозордан иборат бўлиб, ундаги курс ўзаро келишилган асосда белгиланади.

### **3. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи қонун-коидалар ва органлар.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида” ги +онуннинг 11-моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-ХИ сонли +арорига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси худудида қонуний тўлов воситаси бўлган миллий валюта – “сўм” муомалага киритилди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги “сўм” 1994 йилнинг 1 июлида муомалага киритилган (1994 йилнинг 1 июлигача муомалада юрган сўм-купонлар ўрнига, деноминация йўли билан, 1000:1 нисбатда). 1994 йил 1 июлда 1 А+Ш доллари 7 сўмга teng эди.

1994 йил июл ойи давомида республика ҳудудида янги пул белгилари ҳам, сўм-купонлар ҳам белгиланган нисбатда тўловларнинг барча турларида ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилинди. 1994 йил 1 августда 1 А+Ш доллари 11 сўмга тенг эди.

Мавжуд валюта бозорини кенгайтиришда савдо-сотик ва ҳисоб-китоблар соҳасида турли чора-тадбирларни қабул қилишни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги +арори ушбу жараённинг муҳим босқичларидан бири бўлди. Ушбу қарорга биноан 1994 йил 15 октябрдан бошлаб, республика ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча тўлов ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта – сўмда амалга оширилиши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 майдаги 842-ХII рақамли +арорига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта муносабатларини мувофиқлаштирувчи “Валютани тартиби солиш” +онуни амал қила бошлади.

1992 йилнинг 19 октябрида 14 рақамли хат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг валюта алмаштириш шахобчasi ҳақидаги Низомни” муомалага киритди.

1994 йил 18 апрелда 45 рақамли “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан хорижий валютада олинган тушумнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий сотув Тартиби” ва 47 рақамли “Корхоналар томонидан СССР таркибига кирган давлатлар субъектлари билан савдо операциялардан (бажарилган ишлар, хизматлар) олинган тушумнинг бир қисмини мажбурий сотув Тартиби” қабул қилинган.

1995 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлигининг ички конвертация хусусиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармонига асосан “сўм”даги маблағларни эркин муомалада юрадиган валюталарга конвертация қилиш тартиби киритилди.

**Тяанч иборалар:** валюта, валюта бозори, конвертация, кредит, девальвация, ревальвация

### Назорат саволлари

1. Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш асослари.
2. Чет эл валюталарида корреспондент ҳисобрақамларни очиш тартиби.
3. Корреспондент ҳисобрақамлардаги маблағларни бошқариш усуллари.
4. Марказий банкнинг своп ва голд своп операциялари.

5. Тижорат банкларининг ихтиёридаги қимматбаҳо қоғозларнинг гаровга олиш йўли билан чет эл валютасида берадиган кредитлари.
6. Валюта интервенцияси ва унинг Марказий банк фаолиятидаги аҳамияти.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта интервенциялари.
8. Марказий банкнинг хукуматнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ операциялари.

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси +онуни “Валютани тартибга солиш тўғрисида”. 2003й 11 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги +онуни. Тошкент,1996й.
3. Мэнвилл, Хэррис. Международнүе финансү. Москва, 2003 г.
4. Павлов С. Валютнүй рўнок. Москва, 2004.
5. Березина Е. Международнүе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
6. Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
7. Балабанов И.Т. Валютнүй рўнок и валютнүе операции в России, Москва, 2004 г.
8. Владимирская А.С. Валютнүе операции, Москва, 2003 г.
9. Валовая Д. Валютнүй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
- 10.Иванов Н.С. Международнүе кредитнүе отношения. Москва, 2002 г.
- 11.Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
- 12.Красавина Л.Н. Международнүе расчетнүе отношения. Москва, 2004 г.
- 13.Красавина Л.Н. Международнүе валютнүе. кредитнүе и финансовүе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
- 14.Международнүе валютнүе. кредитнүе и финансовүе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
- 15.Наговиҳина А.Г., Иванов Б.В. Валютнүй курс. Москва, 2002 г.
- 16.Рубцов Б.Б. Зарубежнүе фондовүе рўнки. Москва, 2003 г.
- 17.Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
- 18.Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнүй опўт. 2003 г.
- 19.Редход К., С. Хьюс. Управление финансовўми рисками. Москва, 2001 г.
- 20.Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист, 2002.-325с.
- 21.Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
- 22.Семенов К.А. Международнүй валютнүе и финансовүе отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
- 23.Моисеев С.Р. Международнүй валютнүе и кредитнүе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

**Интернетдан олинган вебсайтлар:**

5. [www.forex.com](http://www.forex.com)
6. [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
9. [www.federalreserve.gov](http://www.federalreserve.gov)
10. [www.peugeotufa.ru](http://www.peugeotufa.ru)
11. [www.bashexpo.ru](http://www.bashexpo.ru)
12. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru)
13. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru)
14. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) [www.thebanker.com](http://www.thebanker.com)
15. [www.Rambler.ru](http://www.Rambler.ru)
16. [www.Google.ru](http://www.Google.ru)
17. [www.Yandex.ru](http://www.Yandex.ru)
18. [www.Referat.ru](http://www.Referat.ru)
19. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
20. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
21. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
22. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>
23. <http://www.boj.or.jp.en/siryo.htm>
24. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

**“ХАЛ+АРО ВАЛЮТА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ” ФАНИДАН  
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

1. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида, Тошкент, 1996 й.
2. И.Каримов. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида, Тошкент, 1997 й.
3. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун. Тошкент, 1995 й.
4. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун. 2003й. 11 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонун. Тошкент, 1996й.
6. Велсова, Т.Севрук “Банковские риски”, Москва, “Дело Лтд”, 1994 г.
7. Эрвид Дж.Доллан и др. “Деньги, банковское дело и денежно-кредитное политика”, 1991 г.
8. Менвилл, Хэррис. Международнёе финансё. Москва, 2003 г.
9. Павлов С. Валютнўй рўнок. Москва, 2004.
- 10.Березина Е. Международнёе операции по коммерческим операциям. Москва, 2003 г.
- 11.Алексеев Ю.П. Международная торговля, Москва, 2003г.
- 12.Асариев А.И. Банки, 1995. Т.1,2. Москва, 2003 г.
- 13.Артёмкина И.Е. Международнёе операции по коммерческим операциям, Москва, 2003 г.
- 14.Банковский портфель 1,2,3 том, Москва, 1995-96 г.
- 15.Балабанов И.Т. Валютнўй рўнок и валютнўе операции в России, Москва, 2004 г.
- 16.Владимирская А.С. Валютнўе операции, Москва, 2003 г.
- 17.Валовая Д. Валютнўй рўнок и его колебания. Москва, 2003 г.
- 18.Иванов Н.С. Международнёе кредитнўе отношения. Москва, 2002 г.
- 19.Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004
- 20.Красавина Л.Н. Международнёе расчетнўе отношения. Москва, 2004 г.
- 21.Красавина Л.Н. Международнёе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения, Москва. 2003 г. 608с.
22. Международнёе валютнўе. кредитнўе и финансовўе отношения. Конспект лекций.-М.:Приор,2002.-112с.
- 23.Наговицин А.Г., Иванов Б.В. Валютнўй курс. Москва, 2002 г.
- 24.Рубцов Б.Б. Зарубежнўе фондовўе рўнки. Москва, 2003 г.
- 25.Шерри Де Ковин. Стратегия хеджирования, Москва, 2002 г.
26. Кэмпбелл Р. И др. “Экономика”, 2002 г.
- 27.Самуэльсон “Экономика”, Москва, 2002 г.
- 28.Ширинская Е.Б. Операция коммерческих банков и зарубежнўй опўт. 2003 г.
- 29.Павлов Е. Международнўй валютнўй фонд.
- 30.Редход К., С. Хьюс. Управление финансовўми рисками. Москва, 2001 г.
- 31.Мировая экономика. Журнал.

- 32.Бозор, пул ва кредит. Журнал.
- 33.Банк ахборотномаси.
- 34.“Деньги и кредит” журнали .
- 35.Дон Патинкин. Деньги, процент и ценў. М.: Экономика, 2004.-375с.
- 36.Малахова Н.Г. Деньги, кредит, банки: Конспект лекций.-М.: Приор, 2004.- 96 с.
- 37.Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. –М.:ЗАО Финансист,2002.-325с.
- 38.Свиридов О.Ю. Финансў, денежное обращение, кредит. М.: ИКЦ Март. 2004.-288с.
- 39.Семенов К.А. Международнўй валютнўе и финансовўе отношения.- М.:ТЕИС,2000.-125с.
- 40.Моисеев С.Р. Международнўй валютнўе и кредитнўе отношения: М.: Дело и сервис, 2003.-576с.

## ИЗОХЛИ ЛУ/АТ

**Актив тўлов баланси** - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.

**Банк кредити** - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар хужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр-фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

- бартер асосидаги ҳисоб-китоблар

**Вақтинчалик усул** - тўлов баланси дефицитини чет эл капиталини, яъни тадбиркорлик ва ссуда капиталларини киритиш йўли блан қоплашга айтилади.

**Валюта қамали** - халқаро ташкилотлар ёки айрим мамлакатлар гурухи томонидан баъзи бир мамлакатларга нисбатан валюта тушумларининг келиш жараёнида тўсқинлик қилиш тушунилади.

**Валюта бозорлари** - бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир.

**Валюта бозорларидаги операциялар**- ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати ва чет эл валютасини олди-сотди қилиш билан боғлиқ бошқа ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.

**Валюта интервенцияси** - Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

**Валюта курси** - валюта бозоридаги чет эл валютасига эга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқади.

**Валюта муносабатлари**- валютанинг жаҳон оборотидаги ҳаракати натижасида вужудга келадиган пул муносабатидир.

**Валюта операциялари** - чет эл валюталари ва валютавий қимматликларга мулк ҳукуқининг алмашиниши билан боғлиқ операцияларга айтилади.

**Валюта резервларини диверсификация қилиш-бир** вақтнинг ўзида 1 неча етакчи эркин алмашинадиган валюталарда чет эл валюта резервларини ташкил қилиш - валюта резервларини диверсификация қилиш дейилади.

**Валюта риски** - валюта курсларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган заарар кўриш хавфи тушунилади.

**Валюта сиёсати** - бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисидир.

**Валюта тизими**- валюта муносабатини ташкил қилишнинг давлат ҳукуқи шакли.

**Валютанинг курс режими**-биринчидан, агар миллий валютанинг курси эркин тарзда валюта бозорида талаб ва таклиф асосида аниқланса, бу эркин сузига юрувчи курс режими деб аталади.

**Валютавий инқироз** - халқаро валюта муносабатларида юзага келадиган кескин зиддиятларга айтилади.

**Векселли кредит**- экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат хужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

**Воситалашган кафолатлар**- кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

**Девальвация** - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосда пасайтирилиши.

**Девиз сиёсати** -бу давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади.

**Дисконт ставкаси**-учёт ставкаси, Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

**Дисконт сиёсати** - Марказий банкнинг учёт ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

**Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси**- тадбиркорлик билан ссуда капиталининг ҳаракати акс эттирилади.

- клиринг асосидаги ҳисоб-китоблар;

**Кредит дискриминацияси** - бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва қийин шартларни қўйишидир.

**Кросс-курс** - бир мамлакатнинг валютасини иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатан USD орқали ифодаланадиган нисбати. Кросс-курс халқаро миқёсда кенг қўлланилади. Уни асосан йирик компаниялар ва корпорациялар қўллайди. Бу валюта курсини аниқлашнинг реал йўли ҳисобланади.

**Ломбард кредити** -тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматбаҳо қоғозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиш - бу ломбард кредити ҳисобланади.

Мамлакатларнинг халқаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш режасини белгилаш, халқаро ҳисоб-китоблар тури:

**Миллий валютанинг паритети** - миллий валюта қийматининг хорижий валюта қийматига нисбати бўлиб, у ҳисобланадиган кўрсаткич ҳисобланади ва миллий валюта курсини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласади.

**Очиқ счёtlар бўйича бериладиган кредит**- экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёрнинг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб

боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ счёtlар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

**Пассив тўлов баланси**-тушумлар суммаси тўловлар суммасидан бўлади.

**Ревальвация** - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рафбатлантириш ва миллий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.

**Савдо баланси**- экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта тўловлари ва тушумларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Кредитга сотиб олинган товарлар қиймати бу ерда акс эттирилмайди.

**Спот операцияси** - бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шарти бўйича сотишига ёки форвард шарти бўйича сотиб олиш ва спот шарти бўйича сотишга айтилади.

- СКВ да амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

**Спот операциялари** - валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунида келиб тушадиган операциялар.

**Сўнгги усул** - мамлакатнинг олтин валюта резервларини ишлатиш йўли билан тўлов баланси дефицитини қоплашга айтилади.

**Тасдиқланган кафолатлар**- кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса, мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

**Тўғри кафолатлар** – бунда кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, хужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

**Тўлов баланси** - мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади.

**Фирма кредити** - экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечикириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади.

**Форвард операциялари** - белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан ошиқ бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Амалиётда форвард битимларини амалга оширишнинг стандарт муддатлари учрайди. Стандарт муддатларга 1; 3; 6; 9; ва 12 ойларни киритиш мумкин.

**Халқаро кафолатлар** - товарлар ва капиталлар ҳаракатининг узлуксиз ва доимий ҳаракат қилинишини таъминланишига хизмат қилиб Марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, хукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.

**Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари** - тијорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади.

**Халқаро ҳисоб-китоблар-ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ валютавий операциялар, валютада олди-сотди қилиш операциялари ва бошқа товарсиз ҳаракатдаги операциялар мажмуи тушунилади.**

**Харид аванси** - экспортни кредитлашнинг бир формаси бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрнинг мажбуриятини таъминловчи воситадир. Чунки импортёр ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шуғулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, харид авансидан шу давлатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишида фойдаланмоқдалар.

**Харид кредити-** экспортёр банкнинг тўғридан тўғри миллий экспортёрни кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкини кредитлаш ҳисобланади.

**Хизматлар ва тијорат ҳарактерига эга бўлмаган тўловлар баланси-транспорт, почта, телеграф, телефон, туризм, маданий алоқалар, переводлар, хорижий мамлакатлар ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш, чет элда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиш, халқаро кредитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа шу каби соҳаларда юзага келувчи валютавий тушумлар ва тўловлар суммаси акс эттирилади.**

**Чет эл валюталарини диверсификация қилиш** - бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади.

**Ҳисоб-китоб баланси** - шундай иқтисодий категорияки, бунда мамлакатнинг хорижий давлатларга нисбатан талаб ва мажбуриятларининг умумий суммаси кўрсатилади.

**ЭАВ** - мамлакатнинг тўлов балансини жорий операциялар бўлимига валютавий чеклашлар бўлмаса, бу мамлакатнинг пули эркин алмашадиган валюта деб тан олинади.

**+айта молиялаштириш сиёсати** - Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қофозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети**

### **ПЕДАГОГИК УСЛУБИЙ +ЎЛЛАНМА**

Ўқув Фани: “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, ТДИУнинг 3-курс бакалавриати учун

Машғулот мавзуси – “Валюта муносабатлари”

Ажратилган вақт – 4 соат

Факультет: Халқаро иқтисодий муносабатлар

Кафедра: “Халқаро молия”

Тайёрловчи: катта ўқитувчи, Тожиев Раҳматилла Раҳмонович

Маслаҳатчилар: О.Ю.Рашидов и.ф.д., профессор

И.Р. Тоймухамедов и.ф.н., доцент

Ўқитиш шакли – маъруза машғулотлари

1. Услубий қўлланманинг қисқача варианти.

#### **1-машғулот.**

Ажратилган вақт – 2 соат.

#### **Асосий саволлар:**

1. Валюта ва валюта муносабатлари тушунчаси – 40 мин.
2. Валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари - 20 мин.
3. Олтиннинг халқаро валюта муносабатларидаги аҳамияти – 20 мин.

<b>Ўқитишдан кутилаётган натижалар (ёки ўқитилаётганларнинг вазифалари)</b>		
<b>Нимани билади ва тушунади (ўрганишнинг мақсадлари)</b>	<b>Нимани амалга оширади (Психомотор мақсадлар)</b>	<b>Нимани ҳис этади (самарали ёки ҳисхаяжон ва қадр-қимматли мақсадлар)</b>
“Валюта” категориясига таъриф беради.	<i>Валюта тушунчасини таҳлил қиласди.</i>  <i>Валюта муносабатлари</i>	Иқтисодиётни ривожлантириш учун валютани аҳамиятли эканлигини <b>англааб</b>

<p>Валюта муносабатлари шакларини ва пайдо бўлиш жараёнлари босқичларини <b>санаб беради.</b></p>	<p><i>моҳиятини тушунтириб, уларнинг шакллари ва пайдо бўлиши жараёнларини <b>таҳлил қиласи.</b></i></p>	<p><b>етади.</b> Валютага алоқадор масала мухокамаси юзасидан гуруҳдаги мухокамада ҳамкорликка интилишни намоён этади.</p>
<p>Хорижий валюта манбаларини <b>кўрсатиб беради.</b></p>	<p><i>Хорижий валюта манбаларини ўргатади ва аниқлайди.</i></p>	<p>Хорижий валюта пайдо бўлиши манбаларини <b>билиб олади.</b></p>
<p>Олтин ва унинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятига <b>бахо беради.</b></p>	<p><i>Олтиннинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўринин аниқлайди.</i></p>	<p>Халқаро иқтисодий муносабатларда валюта ва олтинни зарурлигини <b>тушуниб етади.</b></p>

### Ўқитувчининг мақсадлари:

- валютанинг иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш;
- миллий ва хорижий валюталарни фарқлаб бериш;
- валюта ва валюта муносабатларига таъриф бериш;
- валюта муносабатлари иштирокчиларини санаб бериш;
- олтин ва унинг халқаро валюта муносабатларидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш.

### Технологик карта

<i>Кўрилаётган саволлар</i>	<i>Ўқитувчининг фаолияти</i>	<i>Талабаларнинг фаолияти</i>
<p>1. Валюта ва валюта муносабатлари тушунчаси – 40 мин.</p>	<p>+исқача кириш. <b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи талабаларни фаоллаштиришга кўмаклашувчи саволларни беради: 1. Пул деганда нимани тушунасиз? 2. Пул ва валюта бир нарсами ёки ҳар хил?</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади ва саволларга жавоб берадилар – 10 минут.</p>

	<p><b>Англаб етиш фазаси.</b>          Ўқитувчи топшириқ беради: 5-б кишидан иборат кичик гурухларга бўлиниб ва ушбу гурухлар таркибида пул ва валютани солиштириш асосида келиб чиқадиган фикрларни жамлаш, валюта муносабатлари тушунчаси билан боғлиқ таърифни изоҳлаш вазифасини беради (тарқатма материалдан фойдаланилади).</p> <p><b>Мулоҳаза фазаси.</b>          Ўқитувчи қўйидаги саволни беради: 1. Пулни валютага айлантирувчи асосий омилларни санаб беринг?          2. Валюта муносабатларига оид қандай тариф мунозаралидир?          Ўқитувчи биринчи савол бўйича холоса қиласи.</p>	<p>Талабалар пулнинг моҳияти ва келиб чиқиши тарихи, пулнинг турлари, валюта ва пулни валютага айлантирадиган омиллар юзасидан фикрларни умумлаштириб, жамлайдилар.          Бундан сўнг кичик гурухларнинг етакчилари ўз варианларининг тақдимотини амалга оширадилар - 20 мин.</p>
2. Валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари - 20 мин.	<p><b>қизиқтириш фазаси.</b>          Ўқитувчи жуфтликларда мухокама қилиниши учун савол кўяди: 1. Валюта муносабатлари деганда нима тушунилади ва унинг иштирокчилари кимлар?          2. Валюта муносабатларига алоқадор мунозарали таърифларга ўз муносабатингизни билдиринг?          Ўқитувчи 2-3 жуфтликдан сўрайди ва холоса қиласи.</p> <p><b>Англаб етиш фазаси.</b>          Ўқитувчи маърӯза</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади, жуфтликларда мухокама этади ва саволларга жавоб берадилар – 5 мин.</p> <p>Кичик гурухлар валюта муносабатларига</p>

	<p>матнининг бир бўлагини ўқишига ўтади – 5 мин.</p> <p>Ўқитувчи кичик гурухларга топшириқ беради: қўйидагиларни тушунтириб бериш лозим 1. Валюта муносабатлари бу қандай муносабат. 2. Валюта муносабатлари кимлар ўртасида вужудга келади.</p> <p><b>Мулоҳаза фазаси.</b> Талабаларга савол: 1. Валюта муносабатларини белгиловчи қандай омилларни биласиз? 2. Валюта муносабатларининг энг оммавий иштирокчиси ким? Ўқитувчи иккинчи савол бўйича хулоса қиласи.</p>	<p>берилган таърифлардаги фарқларни мухокама этадилар ҳамда берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 5 мин.</p> <p>Кичик гурухлар валюта муносабатларини белгиловчи омиллар ва энг оммавий иштирокчиси каби берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 5 мин.</p>
3. Олтиннинг халқаро валюта муносабатларидаги аҳамияти - 20 мин.	<p>Ўқитувчи кичик маърӯза ўқиди – 5 мин.</p> <p><b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи жуфтликларда мухокама қилиниши учун қўйидаги саволларни беради: Олтин деганда нимани тушунасизлар? Олтинга товар ёки пул сифатида тавсиф беринг?</p> <p><b>Англаб етиш фазаси.</b> Ўқитувчи кичик гурухларга топшириқ беради: қўйидагиларни тушунтириб бериш лозим 1. Олтин пул сифатида қандай даврларда Ҳаракат қилган? 2. Олтин демонетизациясининг сабаблари нимада?</p> <p><b>Мулоҳаза фазаси.</b> Ўқитувчи қўйидаги саволни</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу берилган саволларга қаратади, жуфтликларда мухокама этади ва саволларга жавоб берадилар – 5 мин.</p> <p>Кичик гурухлар олтинни пул сифатидаги Ҳаракатини ҳамда ушбу Ҳаракат тўхташининг сабабларини мухокама этадилар ҳамда берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 5 мин.</p> <p>Кичик гурухлар олтинни халқаро валюта</p>

	<p>беради:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.Олтинни халқаро валюта муносабатларидағи аҳамияти нимада?</li> <li>2.Олтинни халқаро валюта муносабатларидағи аҳамиятини асослаб беринг?</li> </ol> <p>Дарс якунида ўқув жараёни мобайнида фаол иштирок этган талабалар ишини пассив иштирок этган талабаларга ўрнак қилиб күрсатади.</p>	<p>муносабатларидағи аҳамияти ва валюта муносабатларидағи аҳамиятини асосланиши каби берилған саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 5 мин.</p>
--	---	--

## **2-машғулот.**

Ажратилган вақт – 2 соат.

### **Асосий саволлар:**

4. Олтин баҳо масштаблари шароитида – 40 мин.
5. Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатлари ва уларни тартибга солувчи қонун-қоидалар – 40 мин.

<b>Ўқитишдан кутилаётган натижалар (ёки ўқитилаётганларнинг вазифалари)</b>		
<b>Нимани билади ва тушунади (ўрганишнинг мақсадлари)</b>	<b>Нимани амалга оширади (Психомотор мақсадлар)</b>	<b>Нимани ҳис этади (самарали ёки ҳисхаяжон ва қадрқимматли мақсадлар)</b>
<p><b>“Баҳо масштаби”</b> нима эканлигини билади</p> <p><b>“Баҳо масштаби шароитида валюта курси ҳисоб-китоби”</b>ни қила олади.</p> <p>Олтиннинг тарихи ва олтинни замонавий шароитдаги аҳамиятини тавсифлайди.</p> <p>Ўз қийматига эга ва эга бўлмаган олтин танга пуллар <b>фарқига боради.</b></p> <p>Жаҳон ва худудий олтин бозорларини билади.</p>	<p>Баҳо масштаби ва мазкур шароитда валюта курсларини ҳисоблаштируларни тушунириб беради.</p> <p>Олтиннинг пул сифатида босиб ўтган тарихий йўли тушунириб ўтилади.</p> <p>Классик олтин танга элементлари ва ҳақиқий ҳамда сохта олтин тангалар орасидаги фарқ <b>кўрсатиб ўтилади.</b></p> <p>Жаҳон ва худудий олтин бозорларини нуфӯзи ва ҳажмига кўра таснифлайди.</p>	<p>Ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун валюта курслари ҳисобкитоби усувларининг аҳамиятли эканлигини <b>англаб этади.</b></p> <p>Олtinga алоқадор масала мухокамаси юзасидан гуруҳдаги мухокамада ҳамкорликка интилишни <b>намоён этади.</b></p> <p>Классик олтин танга элементлари ва ҳақиқий ҳамда сохта олтин тангалар орасидаги фарқни <b>билиб олади.</b></p> <p>Олтин олтин бозорлари ва уларнинг фаолиятини <b>англаб этади.</b></p>

### **Ўқитувчининг мақсадлари:**

- олтиннинг пул сифатидаги тарихи ҳамда замонавий шароитдаги ҳолати билан таништириш;
- олтин демонетизацияси тушунчаси ва замонавий олтин бозорларига тавсиф бериш;
- олтин бозорининг конъюнктура механизми ва олтин билан операциялар ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси валюта муносабатларини тавсифлаб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини мувофиқлаштирувчи қонун-қоидалар билан таништириш.

### Технологик карта

<b>Кўрилаётган саволлар</b>	<b>Ўқитувчининг фаолияти</b>	<b>Талабаларнинг фаолияти</b>
4. Олтин баҳо масштаблари шароитида – 40 мин.	<p>Ўқитувчи маърӯза матнининг бир бўлagini ўқишга ўтади – 10 мин.</p> <p><b>қизиқтириш фазаси.</b></p> <p>Ўқитувчи талабаларни фаоллаштиришга кўмаклашувчи саволларни беради:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Баҳо масштаби деганда нима тушунилади?</li> <li>2. Баҳо масштаби шароитида валюта курси қандай аниқланган?</li> </ol> <p><b>Англаб етиш фазаси.</b></p> <p>Ўқитувчи топшириқ беради:</p> <p>5-б кишидан иборат Кичик гурухларга бўлиниб ва ушбу гурухлар таркибида баҳо масштаб ива ушбу шароитда валюта курсини аниқлаш юзасидан келиб чиқадиган фикрларни жамлаш, баҳо масштаби тушунчаси билан боғлик таърифни изоҳлаш.вазифасини беради</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади ва саволларга жавоб берадилар – 10 мин.</p> <p>Талабалар баҳо масштабининг моҳияти ва келиб чиқиш тарихи, мазкур шароитда валюта курслари ҳисоб-китоби усуллари юзасидан фикрларни умумлаштириб, жамлайдилар.</p> <p>Бундан сўнг кичик гурухларнинг етакчилари ўз варианtlарининг тақдимотини амалга оширадилар – 10 мин.</p>
	<p><b>Мулохаза фазаси.</b></p> <p>Ўқитувчи қўйидаги саволни беради:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Баҳо маштаби даврига хос бўлган асосий белгиларни санаб беринг?</li> <li>2. Замонавий шароитда баҳо масштаби механизми ишламаслигининг асосий сабаби нимада?</li> </ol> <p>Ўқитувчи тўртинчи савол</p>	<p>Кичик гурухлар таркиbidаги талабалар мазкур саволларга жавоб тайёрлайдилар ва уларнинг тақдимотини ўtkазадилар – 10 мин.</p>

	бўйича хулоса қилади.	
5.Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатлари ва уларни тартибга солувчи қонун-қоидалар – 40 мин.	<p>Ўқитувчи маърӯза матнининг бир бўлагини ўқишга ўтади – 10 мин.</p> <p><b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи жуфтликларда муҳокама қилиниши учун савол қўяди:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги қачон ва АқШ долларига қандай нисбатда қабул қилинган?</li> <li>2. Ўзбекистон Республикаси худудида валюта муносабатларини тартибга солишига алоқадор қандай қонунларни биласиз?</li> </ol> <p><b>Англаб етиш фазаси.</b> Ўқитувчи кичик гурӯхларга топшириқ беради:</p> <p>қўйидагиларни тушунтириб бериш лозим</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Валюта муносабатларини нима сабабдан тартибга солиш керак.</li> <li>2. Валюта муносабатларини тартибга солувчи қонунлар нима учун керак.</li> </ol> <p><b>Мулохаза фазаси.</b> Талабаларга савол:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган валюта муносабатларини такомиллаштиришдан асосий мақсад нима?</li> </ol>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади ва саволларга жавоб берадилар – 10 мин.</p> <p>Кичик гурӯхлар миллий валюта ва валюта муносабатларига алоқадор муаммоли масалаларни муҳокама қиласидилар. Кичик гурӯхлар берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 10 мин.</p> <p>Кичик гурӯхлар таркибидағи талабалар мазкур саволларга жавоб тайёрлайдилар ва уларнинг тақдимотини ўтказадилар – 10 мин.</p>

	<p>2. Валюта борасидаги эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш нима учун керак? Ўқитувчи бешинчи савол бўйича хулоса қилади.</p>	
--	--	--

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## Тошкент давлат иқтисодиёт университети

### ПЕДАГОГИК УСЛУБИЙ +ЎЛЛАНМА

Ўқув Фани: “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, ТДИУнинг 3-курс бакалавриати учун

Машғулот мавзуси – “Валюта курси”

Ажратилган вақт – 4 соат

Факультет: Халқаро иқтисодий муносабатлар

Кафедра: “Халқаро молия”

Тайёрловчи: катта ўқитувчи. Тожиев Раҳматилла Раҳмонович

Маслаҳатчилар: О.Ю.Рашидов и.ф.д., профессор

И.Р. Тоймухамедов и.ф.н., доцент

Ўқитиши шакли – маърӯза машғулотлари

1. Услубий қўлланманинг қисқача варианти.

#### **1-машғулот.**

Ажратилган вақт – 2 соат.

#### **Асосий саволлар:**

1. Валюта курси тушунчаси. Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси – 40 мин.

2. Валюта курсининг турлари - 40 мин.

<b>Ўқитишидан кутилаётган натижалар (ёки ўқитилаётганларнинг вазифалари)</b>		
<b>Нимани билади ва тушунади (ўрганишнинг мақсадлари)</b>	<b>Нимани амалга оширади (Психомотор мақсадлар)</b>	<b>Нимани ҳис этади (самараали ёки ҳисхаяжон ва қадр-қимматли мақсадлар)</b>
“Валюта кўрсига” таъриф беради.	Валюта курсини тушунчасини қиласди.	Иқтисодиётни ривожлантириш учун валютани курси аҳамиятли эканлигини англаб этади.

Валюта курси турлари ва уларни амал қилиш жараёнларини <b>санаб беради.</b>	Валюта курси моҳиятини тушунтириб, унинг шаклланиш жараёнларини <b>таксилил қиласди.</b> Хорижий валюталар курсининг ҳисоб-китоб усулларини <b>ўргатади.</b>	Валюта алоқадор масала мухокамаси юзасидан гурухдаги мухокамада ҳамкорликка интилишни <b>намоён этади.</b>
Валюта курси ҳисоб-китоб усулларини <b>кўрсатиб беради.</b>	Валюта курсининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги <b>аҳмиятини аниқлайди.</b>	Валюта курсини ҳисоблашнинг заруратини <b>билиб олади.</b>
Валюта курси ва унинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятига <b>бахо беради.</b>		Халқаро иқтисодий муносабатларда валюта курсининг зарурлигини <b>тушуниб этади.</b>

### Ўқитувчининг мақсадлари:

- валюта курсининг моҳиятини очиб бериш;
- олтин-девиз стандарти шароитидаги валюта курсини тушунтириб бериш;
- валюта курсининг турларини кўрсатиш;
- валюта курси ҳисоб-китоб усуллари билан таништириш;
- кросс-курсни аниқлаш усулини ўргатиш.

### Технологик карта

<i>Кўрилаётган саволлар</i>	<i>Ўқитувчининг фаолияти</i>	<i>Талабаларнинг фаолияти</i>
1. Валюта курси тушунчаси. Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси – 40 мин.	Ўқитувчи қисқача кириш қиласди ва маърӯза матнининг бир бўлагини ўқишга ўтади – 10 мин. <b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи талабаларни фаоллаштиришга кўмаклашувчи саволларни беради: 1. Валюта курси деганда нимани тушунасиз? 2. Валюта курси нима учун керак?	Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади ва саволларга жавоб берадилар – 10 минут.

	<p><b>Англаб етиш фазаси.</b> Ўқитувчи топшириқ беради: 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб ва ушбу гуруҳлар таркибида валюта курси ва унинг тарифидан келиб чиқадиган фикрларни жамлаш, валюта курси тушунчаси билан боғлиқ таърифни изоҳлаш. вазифасини беради.</p> <p><b>Мулохаза фазаси.</b> Ўқитувчи қуйидаги саволни беради: 1. Валюта курси аниқланиши зарурлигининг асосий сабабларини санаб беринг? 2. Валюта курсига оид қандай тариф мунозаралидир? Ўқитувчи биринчи савол бўйича холоса қилади.</p>	<p>Талабалар валюта курси ва унинг тарифи юзасидан фикрларни умумлаштириб, жамлайдилар. Бундан сўнг кичик гуруҳларнинг етакчилари ўз варианларининг тақдимотини амалга оширадилар - 10 мин.</p> <p>Кичик гуруҳлар таркибидаги талабалар мазкур саволларга жавоб тайёрлайдилар ва уларнинг тақдимотини ўтказадилар – 10 мин.</p>
2. Валюта курсининг турлари - 40 мин.	<p>Ўқитувчи маърӯза матнининг бир бўлагини ўқишга ўтади – 10 мин.</p> <p><b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи жуфтликларда муҳокама қилиниши учун савол қўяди: 1. Валюта курсининг қандай турлари мавжуд? 2. Валюта курси ҳисобкитоб усусларига ўз фикрингизни билдиринг?</p> <p><b>Англаб етиш фазаси.</b> Ўқитувчи кичик гуруҳларга топшириқ беради: қуйидагиларни тушунтириб</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади, жуфтликларда муҳокама этади ва саволларга жавоб берадилар – 10 мин.</p> <p>Кичик гуруҳлар валюта курсининг турланиши ҳамда ушбу турлар билан боғлиқ фикрларни</p>

	<p>бериш лозим 1.Валюта курсининг турланиши қандай омилларга боғлиқ?</p> <p>2.Валюта курси турлариға ўз муносабатингизни билдиринг?</p> <p><b>Мулохаза фазаси.</b> Талабаларга савол:</p> <p>1.Валюта бозорининг тури ва валюта курси орасида қандай боғлиқлик бор?</p> <p>2.Кросс-курс қандай шароитларда ишлатилади?</p> <p>Ўқитувчи иккинчи савол бўйича хулоса қиласи.</p>	<p>муҳокама этадилар ҳамда берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 10 мин.</p> <p>Кичик групкалар валюта бозори ва валюта курси, кросс-курснинг ишлатилиш жараёни каби берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 10 мин.</p>
--	--	--

## **2-машғулот.**

Ажратилган вақт – 2 соат.

### **Асосий саволлар:**

3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар – 40 мин.
4. Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири. Валюта демпинги тушунчаси – 40 мин.

<b>Ўқитишдан кутилаётган натижалар (ёки ўқитилаётганларнинг вазифалари)</b>		
<b>Нимани билади ва тушунади (ўрганишнинг мақсадлари)</b>	<b>Нимани амалга оширади (Психомотор мақсадлар)</b>	<b>Нимани ҳис этади (самарали ёки ҳисхаяжон ва қадрқимматли мақсадлар)</b>
“Валюта курсига таъсир этувчи омилларни санаб беради	Валюта курсига таъсир этувчи омилларни тушунтириб, изоҳла беради.	Ташқи иқтисодий муносабатларни амалга оширишда валюта курсига таъсир этувчи омилларни англаб этади.
“Валюта курсининг ўзгариши ва миллий пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти ўртасидаги боғлиқлик”ни тушунтира олади.	Миллий пул бирлигининг сотиб олиш қобилияти ва унинг валюта сифатидаги курси ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб, тушунтириб ўтади.	Валюта курсига таъсир этувчи омиллар муҳокамаси юзасидан гурӯҳдаги муҳокамада ҳамкорликка интилишни намоён этади.
Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсирини тушунтира олади.	Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири таҳлил этилади ва тушунтирилади.	Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсирини билиб олади.
Валюта ва товар демпинги фарқига боради.	Валюта демпинги ва уни пайдо бўлиши шартшароитлари тушунтирилади.	Валюта демпинги моҳиятини англаб этади.

### Ўқитувчининг мақсадлари:

- валюта курсига таъсир этувчи омиллар билан таништириш;
- валюта курсига таъсир этувчи омилларни тавсифлаш;
- сотиб олиш қобилияти ва курс ўртасидаги боғлиқликни и зоҳлаш;
- Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири кўрсатиш;
- валюта демпингини тушунтириш.

### Технологик карта

<i>Кўрилаётган саволлар</i>	<i>Ўқитувчининг фаолияти</i>	<i>Талабаларнинг фаолияти</i>
3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар – 40 мин.	<p>Ўқитувчи маърӯза матнининг бир бўлагини ўқишига ўтади – 10 мин.</p> <p><b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи талабаларни фаоллаштиришга кўмаклашувчи саволларни беради: 1. Валюта курсига қандай омиллар таъсир этади? 2. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар қандай тавсифланади?</p> <p><b>Англаб этиш фазаси.</b> Ўқитувчи топшириқ беради: 5-6 кишидан иборат Кичик групкаларга бўлиниб ва ушбу групкалар таркибида валюта курсига таъсир этувчи омилларни аниқлаш юзасидан келиб чиқадиган фикрларни жамлаш ва уларни таснифлаш билан боғлиқ масалани изоҳлаш вазифасини беради</p> <p><b>Мулохаза фазаси.</b> Ўқитувчи қўйидаги саволни беради: 1. қандай объектив</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади ва саволларга жавоб берадилар – 10 мин.</p> <p>Талабалар валюта курсига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш билан боғлиқ фикрларни умумлаштириб, жамлайдилар. Бундан сўнг кичик групкаларнинг етакчилари ўз вариантларининг тақдимотини амалга оширадилар – 10 мин.</p> <p>Кичик групкалар таркибидаги талабалар мазкур саволларга</p>

	<p>омиллар валюта курсига таъсир этади ва ушбу жараён қандай юз беради?</p> <p>2. қандай субъектив омиллар валюта курсига таъсир этади ва ушбу жараён қандай юз беради?</p> <p>Ўқитувчи учинчи савол бўйича холоса қиласди.</p>	<p>жавоб тайёрлайдилар ва уларнинг тақдимотини ўтказадилар – 10 мин.</p>
4. Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири. Валюта демпинги тушунчаси – 40 мин.	<p>Ўқитувчи маърӯза матнининг бир бўлагини ўқишга ўтади – 10 мин.</p> <p><b>қизиқтириш фазаси.</b> Ўқитувчи жуфтликларда муҳокама қилиниши учун савол қўяди:</p> <p>1. Валюта курси ўзгариши ва ушбу ўзгариш заминида қандай омиллар ётади ?</p> <p>2. Валюта курси ўзгаришининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсир қандай? 3. Валюта демпинги нима ва у қандай ҳолатларда вужудга келади?</p> <p><b>Англаб етиш фазаси.</b> Ўқитувчи кичик гурӯхларга топшириқ беради:</p> <p>қўйидагиларни тушунтириб бериш лозим</p> <p>1. Валюта курсини нима мақсадда ва қандай тартибга солиш керак.</p> <p>2. Валюта курсини тартибга солишнинг қандай усул ва инструментлари мавжуд?</p> <p>3. Валюта демпинги билан қандай кўрашиб бўлади?</p> <p><b>Мулоҳаза фазаси.</b> Талабаларга савол:</p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси</p>	<p>Талабалар ўз эътиборларини ушбу мавзу юзасидан берилган саволларга қаратади ва саволларга жавоб берадилар – 10 мин.</p> <p>Кичик гурӯхлар валюта курсини тартибга солиш мақсадлари, усуллари ва инструментларига алоқадор муаммоли масалаларни муҳокама қиласдилар. Кичик гурӯхлар берилган саволлар юзасидан жавоб тайёрлайдилар – 10 мин.</p> <p>Кичик гурӯхлар таркибидағи талабалар мазкур саволларга</p>

	<p>худудида валюта курсига таъсир этувчи қандай омилларни биласиз?</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси худудида валюта курси ким томонидан ва қандай тартибга солинади?</p> <p>Ўқитувчи тўртинчи савол бўйича хулоса қиласи.</p>	<p>жавоб тайёрлайдилар ва уларнинг тақдимотини ўтказадилар – 10 мин.</p>
--	--	--

**ХВКМ курсидан “Халқаро ҳисоб-китоблар ва уларнинг шакллари”**  
**мавзусининг информацион технология асосида ўтилиши.**

**Миллий ва жаҳон валюта тизимларининг  
асосий элементлари<sup>50</sup>**

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ТИЗИМИ	ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ
Миллий валюта	Резерв валюталар, халқаро ҳисоб-рақам валюта бирликлари
Миллий валютани конвертациялашнинг шартлари	Валюталарнинг ўзаро конвертацияланиши шартлари
Миллий валюта паритети	Валюта паритетларининг унифицирланган режимлари
Миллий валютанинг курс режими	Валюта курсларининг режимининг тартиби
Валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, валюта назорати	Валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш
Мамлакатнинг халқаро валютавий ликвидилигини миллий даражада тартибга солиш	Халқаро валюта ликвидилигини давлатлараро даражада тартибга солиш
Муомалада халқаро кредит маблағларидан фойдаланиш тартиби	Муомалада халқаро кредит маблағларидан фойдаланишнинг унификацияланган қоидалари
Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблар бўйича тартиби	Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шаклларининг унификацияси
Миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими	Жаҳон валюта бозори ва олтин бозорларининг режими
Мамлакатда валюта муносабатларини бошқарувчи ва тартибга солувчи миллий органлар	Давлатлараро валюта муносабатларини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар

<sup>50</sup> Манба: Л.Н. Красавина и др. “Международные валютно-кредитные и финансовые отношения”, Москва, Финансы и статистика, 2004., 9- бет.

- ЧИЗМА.


## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валютани тартибга солиш механизми<sup>1</sup>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ**


Ўз балансида олтин-валюта резервларини шакллантиради ва бошқаради
Миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта интервенциясини амалга оширади
Ташқи қарзни тўлаш билан боғлик масалалар юзасидан ҳукуматга маслақатлар беради
Республика худудида хорижий валюта муомаласи тартибини аниқлайди
Валютани тартибга солишга тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқади
Республика ички валюта бозорини (республика валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозори) тартибга солади
Хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича банклараро операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди
Хорижий валюта билан боғлик операцияларни амалга ошириш қоидаларини ўрнатади
Тижорат банкларига валюта операцияларини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензиялар беради
Валюта операциялари бўйича ҳисоб, ҳисобот ва ҳужжатлаштиришнинг ягона шаклини ўрнатади
Валютавий чеклашлар ўрнатади
Валюта операциялари бўйича статистик маълумотларни тайёрлайди ва чоп этади
Бошқа ҳолатлар

<sup>1</sup> Тожиев Р., Жумаев Н. “Марказий банкнинг монетар сиёсати” Т.ТДИУ-2002 й. 56-бет.

1-чизма.

**Соф инкассо****Сотувчи**

2-чиизма.

Хужжатли инкассо

**З-чизма.**

**+айтариладиган инкассо**

**Сотувчи**



**Сотиб оловчи**




(4)Пул




Ремитент банк




(2)Пул




Инкассаловчи банк




**4-чиズма.****Чиқариш ва маслаҳат**


5-чиизма.


**Таништирув ва тўлов**


6-чизма.

**Махсус аккредитив**  
**Тўлдирувчи (компенсацияланган) аккредитив**



**7-чизма.****Үтказувчан аккредитив**

**8-чизма.****Аккредитивни чиқариш**


**9-чизма.****Аккредитив чиқариш**

**10-чизма.**

**Тўлов ва қайта тўлов**  
**Тўғри аккредитив**

Сотувчи/шартнома  
томуни


Сотиб олувчи/  
бенефициар




**11-чизма.****Эгри аккредитив**

Сотувчи /шартнома  
томони


Сотиб олувчи/  
бенефициар




**12-чиизма.****Банк акцепти**

1. Имортёр ўз банки билан муддатли аккредитив очади ва келажакдаги белгиланган вақтда экспортёр товари учун тўлашга келишади. Аккредитив матни экспортёр банкига аккредитивни тасдиқлаш учун топширади ва экспортёрга у бенефициар бўлгани хабарини етказади.
2. Экспортёр товар жўнатади.
3. Экспортёр шошилинч тратта ва хужжатларни жўнатиш хақида ўз банкига айтади.
4. Банк траттани акцептлайди ва экспортёр учун киримни дисконтлайди.
5. Банк ўзини молиялаштириш учун траттани иккиламчи бозорда қайтадан ҳисоблаб чиқилади.
6. Имортёрдан тўлов ундириш муддати ўтиб кетиши содир бўлди ва акцепт тўлиқ номинал қийматда тўланади.


**Фаза №1.**





**Фаза №2.**



## Фаза №3.



**Фаза №4.**



## МУНДАРИЖА

**Кириш**

**Валюта муносабатлари ва валюта тизими**

**Валюта курси: мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари**

**Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари**

**Валюта бозори**

**Валюта операциялари ва уларнинг турлари**

**Валюта рисклари ва уларни бошқариш усуслари**

**Тўлов ва ҳисоб-китоб баланслари**

**Халқаро ҳисоб-китоблар ва уларнинг шакллари**

**Халқаро кредитлар, халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси. Халқаро кредит муносабатлари.**

**Халқаро молия институтлари**

**Ўзбекистон молия институтлари**

**«Халқаро валюта-кредит муносабатлари» фанидан адабиётлар рўй хати**

**Изоҳли луғат**

**Педагогик услубий қўлланмалар**

**Информацион технологиялар учун ўқув материаллари**